

АБДУЛЛА СУЮМОВ, МАМАСОЛИ ЖУМАБОВ

БОЛАЛАР АДАБИЁТИ

ПЕДАГОГИКА ВА МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ
БИЛИМ ЮРТЛАРИ УЧУН ҚЎЛЛАНМА

*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги
тасдиқлаган*

ТОШКЕНТ “ЎҚИТУВЧИ” 1995

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг дарсликларни қайта кўриш махсус комиссияси маъқуллаган.

Махсус муҳаррир: ҚУРДОШ ҚАҲРАМОНОВ,
суханшунослик фанлари номзоди

АБДУЛЛА СУЮМОВ, МАМАСОЛИ ЖУМАБОВ

БОЛАЛАР АДАБИЁТИ

Тошкент "Ўқитувчи" 1995

Муҳаррирлар *М. Баҳромова, Ҳ. Юсупова*

Бадий муҳаррир *Ж. Одилов*

Техн. муҳаррир *Т. Золотилова, Э. Вильданови*

Мусаҳҳиҳа *Л. Мирзахмедова*

ИБ № 5370

Оригинал-макетдан босишга рухсат этилди 05.12.92. Формати 84x108/32. Тип. қоғози. Кегли 10 шпонсиз. Тип Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б. л. 11,76. Шартли кр-отт. 11,97. Нашир. л. 11,37. Тиражи 16000. Буюртма

"Ўқитувчи" нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 13-218-90.

"Шарқ" нашриёт матбаа концерни босмахонаси. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41. 1995.

4306020400—109

С _____ 31-91

353 (04) —95

ISBN 5-645-01160-0

© "Ўқитувчи" нашриёти, 1995.

Болалар
адабиёти ҳақида

Болалар адабиёти деганда ёзувчилар томонидан уларга мўлжаллаб ёзилган махсус асарларни тушунамиз. Шунингдек, катталарга аталган, бироқ болалар маънавиятини бойитадиган, уларга маърифий-эстетик завқ бериши мумкин бўлган айрим асарлар ҳам болалар китобхонлигини ташкил этади.

Ижтимоий онг шакллари, мафкуравий ишнинг барча соҳалари каби, болалар адабиёти ҳам воқелик билан, ҳаётдаги турли ижтимоий ҳодисалар ҳамда инсоният турмуши билан узвий боғлиқ бўлиб, уларни ўзига хос воситаларда бадиий акс эттиради. Болалар адабиётида акс эттириладиган воқелик ҳаётий, ҳаққоний тасвирланиши ҳамда уларнинг руҳиятига, онгига мос, тушунарли ва қизиқарли бўлиши керак. Бундай асарлар ёш китобхон қалбида муайян ўй-фикр уйғотиши, унинг нафосатини ўстириши ва энг муҳими воқеликка нисбатан маълум муносабат уйғотиши лозим. Ҳаққонийлик ва бадиийликнинг мукамал бирлиги болалар адабиётининг ҳам зарур шартидир.

Атоқли педагог ва адиб А. С. Макаренконинг кўрсатишича, болалар адабиёти маълум маънода ўзига хос бадиий хусусиятларга эга бўлиши керак. Тасвир-ҳикоянинг соддалиги ва жиддий мантқиқий изчиллигидан ташқари, унда ифодаланувчи эзулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш ҳам аниқ, бадиий бўёқларда, ҳаққоний тасвирланиши лозим.

Шунга кўра, болаларга аталган бадиий асарлар уларнинг характер хусусиятларини тўла намоён қилиши билан бир қаторда, педагогика ва психология фанлари билан узвий алоқада бўлиши, демакки, муайян маърифий-эстетик ғояни илгари суриши лозим. М. Горький айтганидек, "... Болалар билан энг жиддий мавзуларда ҳам ҳеч қандай дидактикасиз, содда ва мароқли сўзлашиш мумкин.

Соддалик ва равшанликка эришиш адабий сифатни пасайтириш йўли билан эмас, балки чинакам маҳорат натижасида эришилади.

Болалар адабиёти соҳасида иш кўрмоқчи бўлган муаллиф китобхон ёшининг барча хусусиятларини назарга олмоғи лозим. Акс ҳолда, унинг китоби болага ҳам, каттага ҳам кераксиз, бетайин китоб бўлиб қолади".

Ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Мактабгача тарбия ёшидаги болалар (2 ёшдан 7 ёшгача).

2. Мактаб ёшидаги кичик болалар (7 ёшдан 10—11 ёшгача).

3. Ўрта ва катта ёшдаги болалар (12—14 ёшдан 15—17 ёшгача).

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар китобининг хусусияти

Мактабгача тарбия ёшидаги бола ҳали саводи камлиги учун дунё унинг кўзига мутлақо номаълум бир нарса бўлиб кўринади, аммо бола уни билишга интилади. Ёзувчи болалардаги ана шу интилишни яхши ҳис этиб, унинг характерини яратишга ҳаракат қилади, яъни санъаткор ҳаётдаги муҳим, характерли воқеа ва ҳодисаларни бадний образлар орқали болалар нутқида хос тилда тасвирлаб бериши лозим.

Бунинг ёрқин намунаси сифатида болаларнинг атоқли шоири Қуддус Муҳаммадийнинг “Болари” асарини кўрсатишимиз мумкин. Шоир шеърда табиатнинг бу мўъжизасини, меҳнатсевар жониворга хос хусусиятларни, инсоният учун фойдасини кичик китобхон ўзига хос хулосалар чиқара оладиган даражада содда мисраларда ифода этади:

Гув-гув учар болари,
Дув-дув учар болари.
Гулдан-гулга қўнишиб,
Шарбат ичар болари . . .
Сен қадрдон дўстимиз,
Асалинг еб. ўсдик биз.
Ясаб берай ин-қути,
Борчамизда қол, ари!

Шеърдаги ўйноқилик, манзаранинг аниқлиги болаларнинг жониворлар олами билан яқиндан танишишига, уларга меҳр-муҳаббат қўйишига, айни чоғда меҳнатсевар бўлишга ундайди.

Қуйидаги топишмоқсимон мисралар эса, болаларни мустақил ўйлашга, турмуш таассуротларини тўплаб, улардан ижобий хулосалар чиқаришга ўргатади:

Виз, виз, виз, виз,
Учамиз, қўнамиз,
Гулдан-гулга кўчамиз,
Гул шарбатин ичамиз,
Виз, виз, виз, виз,
Қани топинг, ким биз?

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун ёзилдиган китобларнинг мавзу доираси тор ва фақатгина мушукча-кучукчалардан иборат бўлмаслиги, аксинча, уларда ҳаёт ҳар томонлама ва ҳаққоний равишда тасвирланиши зарур. Бироқ бу ўринда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, бун-

дай асарларнинг мазмуни жуда содда, аниқ, болаларни ўраб турган ҳаёт ва атроф-муҳитни тушуниб олишга ёрдамлашади, шунга кўра уларда ранг-баранг суратларнинг ҳам кўп бўлиши тақозо этилади. Китобдаги расмлар ҳаётий бўлиши билан бирга, мазмунига мос, оддий ҳамда аниқ ишланиши керак. Суратларда одамлар, ҳайвонлар ва бошқа предметларнинг фақат ҳаракатсиз ҳолати эмас, балки жонли ҳолатлари, муҳим белгиларининг тасвирланиши ҳам талаб қилинади. Юксак савияли китоб, унга муносиб ишланган расмлар билан ҳам болалар хулқини, дидини, уларнинг дунёқарашини шакллантиришда, кишилар билан муносабатини яхшилашда муҳим роль ўйнайди.

Агар биз болаларнинг катталар хатти-ҳаракатларига тақлид қилиш хусусиятларини ҳисобга олсак, инсонларга хос бўлган барча яхши фазилатларни асосий мавзу сифатида қаламга олиш болалар адабиётининг етакчи хусусиятини ташкил этишини кўраимиз.

Жумладан, дўстлик туйғуларини ифодаловчи қўйидаги парчада меҳмондўстлик ҳақида шундай жонли манзарани кузатиш мумкин:

—Қўшнижон-у, қўшнижон!
—Лаббай, қўшним Саврихон!
—Уйга чиқинг, тез-чаққон,
Келишди бизга меҳмон . . .
Тақ-туқ, тасаддуқ!

Бу ёшдаги болалар кўпинча хаёлий-саргузашт асарларни ҳам севиб тинглашади. Лекин мактабгача тарбия ёшидаги болалар китобида хаёлга ортиқча берилиб кетиш педагогикага тўғри келмайди. Чунки бунда болани қўрқитиб қўйиш, унинг ақлий жиҳатдан ўсишига ёки унда бемаъни хаёлларнинг вужудга келишига сабаб бўлиши мумкин. Мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун тавсия этиладиган асарларда ҳозирги ва келажакда бўладиган турли воқеа ва ҳодисалар моҳиятини ўзида яққол кўрсата оладиган умидбахш фантазия керак.

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар китобининг энг муҳим томонларидан бири унинг тилидир.

“Ун ёшгача бўлган болалар, — дейди М. Горький, — кўнгили очишни, эрмакни талаб қилади, уларнинг бу талаби биологик жиҳатдан ҳақли талабдир. Улар ўйнашни истайдилар, ҳамма нарса билан ўйнайдилар ва ўз атрофларидаги дунёни шу ўйинлар орқали билладилар. Улар сўз билан ҳам ўйнайдилар ва сўз орқали. . . она тилининг энг нозик томонларини ўрганадилар, унинг мусиқийлигини

адабиётшунослар таърифича, "тилнинг руҳини" ўзлаштирадилар".

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга ўқиб бериладиган матн тили бадиий жиҳатдан пухта, тушунарли, аниқ ва равон, тингловчининг сўз бойлигини оширишга ёрдам берадиган бўлиши зарур. Бу ёшдаги болалар сўз ва ибораларни осонлик билан эслаб қолишга интиладилар ва уларни ўз кундалик ҳаётларида қўллашга интиладилар. Бола сўз ва иборалар маъносини ҳамма вақт ҳам тўла англай олмасанда, лекин луғат бойлигини худди шу ёшда тўплай бошлайди. Шунинг учун бу ёшдаги болалар учун ёзиладиган китобларнинг тили, айниқса, бенуқсон бўлиши зарур.

Бу ёшдаги болалар китобларида иштирок этувчилар — одамлар, сўзловчи паррандалар, ҳайвонлар, ҳашаротлар, гуллар, шунингдек, кундалик ҳаётимизда учраб турувчи предметлардир. Бу ҳол эса болаларнинг олам сирларини билишга бўлган қизиқишини янада оширади. Кўриниб турибдики, болаларга тезда тушуниладиган, уларнинг бадиий нутқини ўстирадиган, такрор товушли сўзларни оҳангдор қилиб айта билишга ёрдам берадиган китоблар ғоят муҳим.

М. Горький "Адабиёт — болаларга" мақоласида мактабгача тарбия ёшидаги болалар китобини бундай характерлайди: Мактабгача ёшдагилар учун содда ва айни вақтда юксак бадиий маҳорат билан ёзилган, ўйинлар, ҳисоблашлар, қизиқтиришлар учун материал берадиган шеърлар керак. Ҳозирги замон болалар китоблари усталарининг шеърлари билан бир қаторда, халқ оғзаки ижодининг яхши намуналаридан тузилган бир неча тўплам нашр этиш зарур.

Шундай қилиб, мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун ёзиладиган китоблар атрофдаги муҳитни, ҳаётни билишга ва уни севишга, боланинг зеҳнини, онгини юксалтиришга ёрдам беради, уларнинг луғат бойлигини оширади, нутқини ўстиради.

Мактаб ёшидаги кичик болаларга оид китоблар

Мактаб ёшидаги кичик болалар учун ёзиладиган китоблар мактабгача тарбия ёшидаги болалар китобига нисбатан мавзу жиҳатдан янада ранг-баранг, ғоявий мазмуни мураккаб, ҳажми ҳам каттароқ бўлади. Бу ёшдаги болаларга тавсия этиладиган асарлар болаларнинг муҳим ҳаётий тажрибаларини умумлаштириб, улар диққатини кўпроқ ижтимоий воқеликка қаратиши, ғоявий курашдаги мураккабликлар, юксак ватанпарварлик ва тинчликсеварлик ғояларини акс эттирадиган воқеа-ҳодисалар мавзуга олиниши зарур.

Зафар Диёр "Ғунчалар" шеърисида ватанга муҳаббат туйғусини завқланиб, юракдан жўшиб куйлайди:

Ватан агар бўлса бир чаман,
 Сиз қўйнида хандон гунчалар.
 Эй! Сиз менинг кичик дўстларим,
 Ватанингиз севар шунчалар.

Ойбек ўзининг “Зафар ва Заҳро” достонида капитализм асоратида азоб-уқубатларга дучор этилган Покистондаги меҳнаткаш халқ болаларининг оғир ва аянчли ҳаётини образли мисраларда, лирик-эпик шаклда тасвирлайди:

Ота-она қўш ҳўкиздай меҳнат қилар.
 Оч ер багрин улар тирноқ билан
 тилар.
 Қишлоқда ҳам, шаҳарда ҳам йўқ
 бошпана,
 Юрадилар гадойчалар гала-
 гала...

Шоир Покистон болаларининг ҳам, албатта, мамлакатимиз болаларидай озод бўлажagini, орзусига эришиши муқаррарлигини, бунинг учун курашиш зарурлигини уқтиради.

Ойбек кичик ёшдаги мактаб болалари учун “Қонли бармоқлар” номли ҳикоя ҳам ёзди. Ҳикояда Покистонда тинчлик учун курашувчилардан қандай қасос олинаётганлиги фoш этилади, болаларнинг кўчаларга чиқариб ташланаётганлиги ва тиланчиликка, малайликка маҳкум этилганлиги ачиниш билан ҳикоя қилинади.

6-8 ёшдаги болаларни ҳаётдаги аниқ ҳодисалар, теварак-атрофда рўй бераётган воқеалар акс этган китобларгина эмас, балки уларга нотаниш ва сирли туюлган воқелик ҳам қизиқтиради. Бу ёшдаги болалар кишилар ҳаёти ва уларнинг ўзаро муносабатларини билишга, ўрганишга интиладилар. Болалар китоби уларнинг талабини қондиришга ёрдам бериши керак.

11-12 ёшдаги болалар дунё ҳодисаларини билишга зўр ҳавас билан қарайдилар. Улар жаҳонга машҳур кишиларнинг шарафли ишлари ҳақидаги китобларни катта қизиқиш билан ўқийдилар.

Бу ёшдаги болалар учун ёзилган китоблар уларнинг билимини мустаҳкамлайди, сўз бойлигини оширади, дунёқарабини кенгайтиради, уларда замонга кишиларига хос фазилатларни тарбиялайди.

Ўрта ва катта ёшдаги болалар учун ёзилган китоблар

Бу ёшдаги болаларни меҳнаткаш халқнинг ўз озодлиги йўлида қуллик ва зулмга қарши олиб борган кураши, Ватанга муҳаббат, меҳнат, дўстлик мавзуларида ёзилган йирикроқ бадиий асарлар қизиқтира бошлайди.

Ўсмирлар адабиётининг мавзу доираси кенг ва ранг-баранг, тили, бадий ҳикоя қилиш усуллари ҳам анча мураккаб.

Меҳнаткаш халқнинг тилак ва орзулари, қаҳрамонлик, ватанпарварлик, байналмилал туйғулари, душманга нисбатан ғазаб ва нафрати, енгилмас иродаси, ҳақиқат, адолат, бахт ҳақидаги ўй ва тушунчалари халқ оғзаки ижодида акс эттирилади. Болалар халқ оғзаки ижодиётининг намуналари — дoston, эртак, мақол, топишмоқ, латифа, терма ва қўшиқларни қизиқиб ўқийдилар, улардан ўзларига зарур бўлган муҳим тарбиявий хулосалар чиқарадилар.

Шундай қилиб, болалар ва ёшлар адабиёти ўзига хос хусусиятлари ва эътибори билан катталар адабиётидан фарқ қилади. Зотан, болалар ёзувчилари ўз асарларида дунё воқеаларини болалар нуқтаи назари, дунёқараши билан уйғун ҳолда тасвирлайдилар. Ҳаётни кенг, қизиқарли тасвирлаш билан бирга болани ҳаётни чуқур англашга ва севишга ўргатадилар.

Болалар адабиётининг педагогика билан боғлиқлиги

Болалар адабиётининг яна бир муҳим хусусияти унинг педагогика билан маҳкам боғланганлигидадир. Болалар адабиётида давр талаблари билан бирга педагогика талабларига ҳам алоҳида эътибор берилади.

Ана шу талаблар асосида яратилган ғоявий-бадий юксак асарлар болалар учун энг қимматли китоблар ҳисобланади.

Зеро педагогика билан болалар адабиётининг мақсад ва ғазифалари муштарак: ёш авлодга чинакам ақлий-ахлоқий, эстетик ва жисмоний тарбия беришдир.

Маълумки, ёзувчилар киши руҳининг муҳандислари ҳисобланадилар. Бу эса болалар ёзувчилари зиммасига катта ва масъулиятли вазифа юклайди.

Болалар ёзувчилари болаларга мос, уларни қизиқтирадиган ва улкан ишларга отлантирадиган асарлар ёзиб, ёрқин, кучли бадий образлар яратиб, ёш авлоднинг онги, характери ва иродасини ўстириб чиниқтиришда ва ҳар қандай қийинчиликларни енга оладиган, меҳнатсевар кишилар қилиб тарбиялашда халққа, давлатимизга қатта ёрдам беришлари керак.

Чинакам маънодаги жамиятни бунёд этиш учун барча соҳада туб қайта қуриш талаб қилинади. Бу ҳам жисмоний, ҳам ақлий меҳнат қилишга, ижтимоий ва давлат ишларининг турли жабҳаларида, фан ва маданият соҳасида фаоллик билан иш олиб боришга қобилиятли, онгли ҳамда ўқимишли кишиларни етиштиришни кўзда тутди. Ўз навбатида бундай юксак вазифалар болалар адабиёти ва педагогика олдида улкан талаблар қўяди. Фақат чинакам бадий

асарларгина болаларга кучли таъсир кўрсатиб, ана шу юксак талабларга жавоб бера олади. Шу сабабли бундай китоблар педагогика нуқтаи назаридан ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир.

Болалар адабиётининг тили ҳақида

М. Горький таъкидлаганидек, бадий адабиётнинг биринчи элементи тилдир. Бу болалар адабиётига ҳам тўлалигича даҳлдор. Яхши, аниқ, равон, образли тил билан

ёзилган асар ёзувчининг мақсад ва фикрларини китобхонларга тез ва осон етказди.

Алишер Навоий ўзининг “Маҳбубул-қулуб” китобининг 3- қисмида тилни “кўнгил хазинасининг қулфи” ва сўзни шу “хазинанинг калити”, деб таърифлади. Навоий тилга асосий сўзлашув воситаси сифатида катта эътибор бериб, кишиларни қисқа ва мазмунли, ўрчнли ва мантиқли сўзлашга чақирди. Бу шубҳасиз, болалар ёзувчиларига ҳам таллуқлидир.

Болалар учун равшан ва равон тил билан ёзилган бадий асарлар унинг ғоявий мазмунини тушунишга ёрдам бериши билан бирга, китобхоннинг нутқини ўстиради, бойтади, халқ тилининг кучи, бойлиги ва гўзаллигини билиб олишга имкон беради, она тилига муҳаббатини оширади.

Ёш авлодга билим беришда ва уларни тарбиялашда китобнинг роли

Ҳозирги замон болалар адабиётининг энг яхши асарлари катта бадий кучи, бой, равон, образли ва ифодали тили билан ажралиб туради. Шу сабабли бундай асарлар китобхоннинг сеvimли дўстига, ҳамроҳига

айланиб қолади.

Ҳаётни фаол суратда ўзгартираётган, жамият тараққиётида курашларда олдинда бораётган илғор кишилар, меҳнаткашлар ҳаққоний санъатнинг бош қаҳрамонлари ҳисобланади.

М. Горький ёш авлодни тарбиялашда болалар адабиётининг ролини таъкидлаб, бундай деган эди, — Болага маънавий озиқ жуда эҳтиёткорлик билан берилиши керак. Болалар оталарининг хато ва гуноҳлари учун жавобгар эмаслар, шунинг учун ҳам митти китобхонга инсонга ҳурматсизлик кайфиятларини туғдирадиган нарсаларни эмас, балки ҳаммадан олдин уни улуғловчи нарсаларни тақдим этиш керак. . .

Инсонни болаларга, аввало буюк қаҳрамон, номаълум мамлакатларни кезган қўрқмас сайёҳ, афсонавий паҳлавон, ҳақиқат учун курашчи, ўз орзу-хаёлларига содиқ, иродали қилиб кўрсатиш керак.

Барча ёзувчиларнинг энг яхши китоблари болаларни атрофдаги ҳодисаларга тўғри баҳо беришга ўргатади, кишиларимизнинг юксак маънавий сифатларини кўрсатади, болаларни она-Ватанга, меҳнатга муҳаббат, садоқат руҳида тарбиялайди, даврнинг илғор руҳига, ғоясига муносиб фарзандлар бўлишга чақиради. Китоб боланинг дунёқарашини шакллантиришга ёрдам беради, характери тарбиялайди, илм-фанга муҳаббатини оширади. Китоб Ватанимизнинг ўтмиши билан, илғор маданиятимиз, фан ва техникамиз ютуқлари билан таништиради, ижодий фикрни оширади, фахр ва ифтихор туйғуларини ўстиради.

Китоб маданий бойлигимиздир. Китоб илғор ва ғолиб ғояларни, кишиларнинг маънавий қиёфасини, қаҳрамонона меҳнатини, фан-техника ютуқлари ва илғор тажрибаларни ёшларга кўрсатишда катта қуролдир.

Болалар, одатда, ўқишни яхши кўрадилар ва кўп китобларни қизиқиб мутолаа қиладилар. Аммо ҳар қандай китобни ҳам ўқиш фойда келтиравермайди. Боланинг ўз ёши ва руҳиятига мос бўлмаган китобларни ўқиш фойдасиз, ҳатто баъзан зарарли ҳамдир. Бундан ташқари тартибсиз, пала-партиш ўқиш ҳам фойда келтирмайди.

Китоб болаларга ҳаётни ўргатувчи ҳақиқий муаллим бўлиши учун уларнинг китобхонлигини тўғри ташкил қилиш керак. Болаларни китоб танлашга, мунтазам равишда ўқишга ўргатиш лозим. Ўқилган китоблар юзасидан ўқитувчининг раҳбарлигида турли мулоҳазалар, муҳокама-лар, китобхонлар конференцияларини ўтказиб туриш катта фойда келтиради.

Ўқитувчи ва тарбиячиларнинг болалар адабиётидан фойдалана билишлари, мактабда ва боғчада таълим-тарбия ишларининг сифат ва самарасини янада юқори даражага кўтариши, ўқувчиларнинг бадий китобларга бўлган муҳаббатини ошириш ишларини яхшилаш воситаларидандир.

Лекин китобни шунчаки ўқиш кифоя қилмайди, энг муҳими — китобда баён этилган асосий фикрларни, тасвирланган воқеаларни, ҳодисаларни, ғояни тушуниб олиш зарур.

ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ ВА БОЛАЛАР КИТОБХОНЛИГИ

Оғзаки адабиёт ёзма адабиёт пайдо бўлмасдан илгари, узоқ ўтмишдаёқ мавжуд эди. Бу адабиёт халқ бадий камолоти ва маънавий бойлигининг битмас-туганмас казинасидир. Халқ оғзаки ижоди унинг турмуш тажрибалари асосида юзага келган бўлиб, меҳнат жараёни билан чамбарчас боғланган. Халқ донолиги шу меҳнат жараёнининг турли ва ўзига хос шарт-шароитларига мувофиқ равишда болалар учун ҳам ажойиб эртақлар, қўшиқлар, топишмоқлар, мақоллар яратган. Уларни болалар жуда севиб тинглайдилар ва ўқийдилар. Халқ оғзаки ижоди билан болалар мактабгача тарбия ёшидан бошлаб таниша бошлайдилар. Халқ оғзаки поэтик ижодидаги образларнинг ёрқинлиги, сўз маъноларининг аниқлиги, матннинг оҳангдорлиги, мусиқийлиги каби хусусиятлар бола руҳига ором, ҳузур бағишлайди, уни ўзига маҳлиё этади.

Кичик ва ўрта ёшдаги болалар қаҳрамонлик дostonларини шавқ-завқ билан ўқишади, эртақ, қўшиқ ва топишмоқларга ғоят қизиқишади. Халқ оғзаки поэтик ижодида яхшилик ёмонлик устидан, тўғрилиқ эгрилик устидан ғалаба қилади, меҳнаткаш халқнинг интилишлари, турли орзу-истаклари ҳаққоний ва фавқулодда қизиқарли равишда ҳикоя қилинади. Шунинг учун халқ оғзаки поэтик ижоди болалар китобхонлигидан доимо ўрин олиб келади.

Адабиётнинг илғор вакиллари ва педагоглар ёшларни халқ оғзаки ижодидан баҳраманд қилиш учун ҳамиша ҳаракат қилиб келганлар. В. Белинский ва унинг издошлари бунинг учун доимо курашганлар. Л. Н. Толстой, К.Д. Ушинский, Ҳ.Ҳ. Ниёзий, А. Авлоний, С. Айний каби маърифатпарвар педагоглар болалар учун алифбе ва ўқиш китоблари тузишда халқ оғзаки поэтик ижодига алоҳида ўрин ажратдилар.

Халқ оғзаки ижодида меҳнат аҳлининг урф-одати, табиат ва жамият ҳодисаларига бўлган муносабати, бахтли ҳаёт ҳақидаги эзгу тилак ва орзулари, қайғу ва шодлик ҳислари, уларнинг қаҳрамонлик, ватанпарварлик ва инсонпарварлик туйғулари, душманга нисбатан ғазаб ва нафрати, енгилмас иродаси, ҳақиқат, адолат, бахт ҳақидаги ўй ва тусунчалари акс эттирилади. Халқ яратган асарлар ўзининг чуқур мазмундорлиги ва бадийлиги билан характерланади.

Халқ оғзаки ижодининг ғоявий-бадий хусусиятлари ёзма адабиётнинг ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Бу таъсир болалар адабиётининг юксалишида ўз аксини топди.

Қўшиқлар

Бола тарбиясида қўшиқнинг роли жуда катта. Қўшиқ лириканинг энг қадимги шаклларидан бири бўлиб, куйлашга мўлжалланган бир неча бандли шеърдир. Қўшиқлар куй-оҳанг билан айтилади. Баъзан қўшиқ ўйин билан бирга ижро этилади. Демак, қўшиқ учун шеър ва куй керак. Қўшиқ халқ оғзаки ижодининг энг кўп тарқалган ва оммалашиб кетган жанрларидан биридир. Қўшиқлар халқ турмуши ва меҳнатининг ижодий маҳсули бўлиб, унда халқнинг орзу-тилаклари, қалб садолари, турли-туман ҳаётий туйғулари ифодаланadi.

Қўшиқлар ўқувчиларнинг нафосатини ўстиришга, уларни ҳаёт ва меҳнатга муҳаббат, ватанпарварлик, дўстлик, қаҳрамонлик, байналмилаллик, инсонпарварлик каби олижаноб фазилатлар руҳида тарбиялашга ёрдам беради. Қўшиқ ҳаёт моҳияти ва мазмунига мос шаклларда тузилади. Чунончи, тарихий қўшиқлар: “Хон зулми”, “Минг лаънат”, “Хондан дод”, “Николай қон жаллоб”; бешик қўшиғи: Алла; тўй қўшиқлари: лапар, ёр-ёр; мавсум-маросим қўшиқлари: “Читти гул”, “Бойчечак”, “Лайлак келди” ҳамда мадҳия ва марсияларни учратамиз. Улар мавзу жиҳатдан меҳнат, ишқий-лирик, қаҳрамонлик қўшиқларига ва шу каби бошқа турларга бўлинади.

Ҳаёт тажрибаларига асосланган ранг-баранг қўшиқлар орқали халқнинг ғам-ҳасрати, шодлик ва қувончи, дўстга садоқати, турмушга муносабати, душманга нисбатан ғазаб ва нафрати каби ҳис-туйғулари изҳор этилган.

Болаларни ватанпарвар, садоқатли, мард қаҳрамон қилиб тарбиялашда қўшиқларнинг роли каттадир. Қўшиқ болани эркалатади, ўйинга бошлайди, унинг ҳис қилиш қобилиятини ўстиради, фикрлашга ўргатади.

Бола туғилган кунданоқ онанинг меҳр тўла алласини тинглайди. Бунда она болага бўлган самимий, чуқур муҳаббати билан бирга, фарзандининг жамиятга мос энг яхши фазилатлар эгаси бўлиб тарбияланишини таъсирли, оҳангдор қўшиқ орқали ифодалайди:

Алла болам, алла,
Жоним болам алла,
Икки кўзим алла,
Ширин сўзим алла.
Алла болам бахти бор,
Ҳар нарсанинг вақти бор.
Жоним болам алла,
Ширин болам алла,
Икки кўзим алла.

Аллада яхши тарбия кўрган бола жамоат ўртасида, тўй-томошаларда ота-онанинг обрўйи, унинг шуҳрати сифатида таърифланади. Шунингдек, боланинг тўғри тарбияланишида ота-онанинг роли катта эканлиги кўрсатилади. Гарчи бола алланинг сўзларини тушунмаса ҳам, ундаги оҳанг орқали маълум маънавий озиқ олади, руҳида муайян ўзгаришлар рўй беради. Шунга кўра, аллалар болаларни чақалоқлик давридаёқ оҳанглар воситасида эзгуликка чорлайди.

Болани ёшлигидан бошлаб руҳий чиниқтиришда, сўз бойлигини оширишда, қофиядош сўзларни оҳангдор қилиб айтишга ўргатишда ўйин ҳамда савол-жавоб қўшиқларининг тарбиявий аҳамияти катта.

Ў й и н қ ў ш и ғ и:

Читти гулей, читти гул,
Этагинга гул босдим.
Ҳаю читти гул,
Ҳаю читти гул.
Қўлинг гулбоғда бўлсин.
Белинг белбоғда бўлсин.
Ҳаю читти гул,
Ҳаю читти гул.

Тарихий қўшиқларда меҳнаткаш халқнинг ўтмишдаги ҳаёти, орзу-истаклари, ҳақсизлик ва зулматга қарши нафратлари, эзилишга қарши олиб борган мардона курашлари акс эттирилади. Булар, албатта, болаларни ота-боболарининг қадимдаги ҳаёти билангина таништириб қолмай, шу билан бирга озод, бахтли ҳаётга эришиш учун қандай кураш олиб борганликлари билан ҳам таништиради.

Халқимизнинг истак-хоҳиши доимо тинчлик. Тинчлик ҳақида, осойишталик тўғрисида энг кўп ўйловчи бу она. Она боласини бағрига босиб тинчлик, она-Ватанимиз тўғрисида қўшиқ куйлайди:

Онаману, онаман,
Болам учун ёнаман.
Болам тинчликда ўсса,
Орзуларга қонаман.

Болажоним бағримда,
Эркалайман ўйнатиб,
Ватан-тинчлик боғимда,
Булбул. қушдек сайратиб.

Болаларнинг фикрлаш доирасини кенгайтиришда, уларни воқеа ва фасллар билан таништиришда мавсум қўшиқларининг ҳам аҳамияти катта. “Офтоб чиқди оламга”, “Бойче-

чак”, “Лайлак келди” каби қўшиқлар шулар жумласидандир.

Эртақлар

Эртақ — болаларнинг жон-дили. Халқ оғзаки поэтик ижодидаги энг бой ва ранг-баранг жанрлардан бири эртақдир. Турли ёшдаги болаларга муносиб халқ яратган минглаб эртақларимиз бор. Бу эртақлар ҳайвонлар, паррандалар, жодугар кампирлар ҳақидаги сеҳрли, афсонавий ҳамда ижтимоий-маиший (реалистик) характердадир.

Эртақлар ўзининг ижтимоий келиб чиқиши билан узоқ ўтмишга, ота-боболаримиз замонасига тақалади. У даврдан даврга, авлоддан авлодга ўтиб, бизгача етиб келган ва бундан кейин ҳам инсониятнинг битмас-туганмас маданияти хазинаси сифатида яшайверади.

Эртақларда халқ ҳаёти, кураши, руҳияти, дунёқараши, урф-одатлари мужассам бўлади. Улардаги ижобий қаҳрамонлар ўз мақсадлари йўлида ҳаракат қилиб, барча тўсиқ ва ғояларни мардлик билан енгиб, муроду мақсадларига етадилар.

Меҳнат—яшаш ва ҳаётнинг асоси. Шунинг учун эртақда меҳнатсеварлар тақдирланади, ялқовлар жазоланади. Бундай эртақлар болаларни меҳнатсевар, қаҳрамон қилиб тарбиялашда катта аҳамиятга эга.

Табиат олами билан боғлиқ эртақлар ҳам кичкинтойларга катта қувонч бағишлаб келади. Болалар бепоеъ, гўзал, мусаффо далалар, сершовқин ўрмонлар, баланд-баланд тоғлар, тезоқар дарё-анҳорлар билан яқиндан танишдилар, улардан завқланадилар. Табиат манзарасининг тасвирланиши асарнинг ҳис-ҳаяжон таъсирини кучайтиради ҳамда болаларда ҳаётга муҳаббатни оширади, уларнинг ҳис-туйғуларини уйғотади.

Эртақлар турли ижтимоий шароитлардаги синфий кураш заминини, ўшанга мувофиқ мазмун ва тушунчаларни ифодалайди. Шунинг учун ҳам эртақлар орқали кишиларнинг турли шароитдаги ҳаётини, синфий курашини осонлик билан тушуниш мумкин.

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун “Шолғом”, “Бўғирсоқ”, “Бўри ва етти улоқ”, “Қумурсқа”, “Чивинбой” каби эртақлар яратилган.

“Шолғом” ўйин-эртақдир. Унда воқеалар такрорланиши билан бирга ўзгариб ҳам боради. Эртақ суҳбат-диалог асосида қурилган.

Бу эртақ болаларни фикрлашга, воқеаларни тартиб билан айтишга, сўз бойлигини оширишга ўргатиш билан бирга, кичкинтойларда меҳнатга муҳаббат, жамоа бўлиб ишлаш, яшаш ҳисларини тарбиялайди.

“Бўғирсоқ” ҳам ўйин-эртақ бўлиб, воқеалар такрор-

ланиш жараёнида ўсиб боради. Аввало, эртақда бўғирсоқнинг қандай тайёрланиши болаларга тушунтирилгач, тайёр бўлганидан сўнг унинг йўлга тушиб юмалаб кетавериши ҳикоя қилинади. Йўлда у ўзини смоқчи бўлган қуён, бўри ва айиқларни ўз ашуласи билан маҳлиё қилиб алдаб, улардан қутулади. Энг охирида бўғирсоқ тулкининг тилёғлама гапларига, алдамчи мақтовларига эриб кетади. Тулки талтайиб кетган бўғирсоқни куйлаб турган маҳалида еб қўяди.

Бу эртақ болаларни фикрлашга, такрор воқеаларни тўғри ифодалашга, қўшиқларни оҳангдор қилиб айтишга, ҳушёрликка чақирибгина қолмай, ҳайвонларнинг ўзига хос хусусиятларини билиб олишга ўргатади. Эртақда, айниқса, бўғирсоқнинг мақтанчоқлиги, фаросатсизлиги, тулкининг айёр, ёлғончи, олғир ва ҳийлагарлиги болаларбоп ибораларда содда, қизиқарли ифода этилган.

“Чивинбой” эртагининг қурилиши болалар ўзлаштиришлари учун ниҳоятда қулайдир. Унда воқеалар тартибли ҳикоя қилинади, ҳаёт ҳақида бой ва ранг-баранг маълумотлар берилади.

Чивин янтоққа қўнганда тикани унга санчилади, чивин эчкидан янтоқни еб қўйишни сўрайди. Эчки рад қилгач, унинг устидан бўрига, бўри тўғрисида мерганга, мерган тўғрисида сичқонга, сичқон ҳақида мушукка, мушук ҳақида кучукка, кучук устидан болаларга арз қилади. Чарх йигириб ўтирган онадан эса болаларни савалашни, буни она рад қилгач, шамолдан кампирнинг пахталарини учирешни сўрайди. Чивиннинг турли ҳайвонлар устидан бундай арз қилиб бориши воқеаларни бир-бирига тартибли боғлаш билан бирга, ҳайвонлар ўртасидаги муносабатларни болаларга тушунтириб боради. Болалар эртақнинг якунига жуда қизиқиб қарашади:

Шамол, бағри камол,
Болаларга қўйнинг оч,
Ота-онанг ўлибди,
Чўлоқ кетмонингни олиб қоч! —

деганда қаттиқ шамол турибди. Шамол момонинг пахтасини учирибди. Момо қўлига калтак олиб болаларни қувибди, болалар кучукни ура кетибди, кучук мушукни талаб кетибди, мушук сичқонни қува кетибди, сичқон халтани теша кетибди, мерган бўрини отибди, бўри эчкини қувлабди, эчки янтоқни еб қўйибди.

Шундай қилиб, Чивинбойнинг вақти хуш бўлиб, муроду мақсадига етибди.

Эртакнинг мазмунидан кўриниб турибдики, шамол келиб момонинг пахтасини учириб кетгач, эртакнинг мазмуни охиридан бошига қайта ҳикоя қилинади. Бу болаларни ўйлашга, фикрлашга ҳамда сўз бойлигининг ошишига, эртақ ғоясини осонлик билан ўзлаштириб, уни тартибли равишда қайта ҳикоя қилишга ўргатади.

Чивин ифвогарлиги, чақимчилиги туфайли ҳаммани уриштириб, тўс-тўполон чиқаради, тинчликни бузади. Эртақда чивин кимни кимга чақишни билувчи ҳийлагар сифатида фош қилинади. Бу билан кишилар тинчлигини бузувчи, ифвогар, фитначи шахсларга нисбатан нафрат уйғотилади, болаларни ҳийла-найрангларга берилмасликка, ҳушёрликка чақирилади.

“Қумурсқа” эртагида дунёдаги энг зўр мавжудот меҳнаткаш инсон эканлиги мактаб ёшидаги болалар руҳиятига мос ҳолда баён этилади.

Муз, булут, кун, ёмғир, ер, ўт, мол, бўри, мерган, сичқонлардан “ким зўр?” деб сўралганда, бири иккинчисини кўрсатаверади. Охирида қумурсқа: “отаннинг олти юз ботмон буғдойини олти тоғдан ошириб еганман; поччангнинг юз ботмон буғдойини етти тоғдан ошириб еганман. Мен зўрман, мен зўр дейди”. Бу ерда қумурсқаларнинг меҳнатсевар қилиб кўрсатилиши, халқ оғзаки поэтик ижодига хос муболаға ва хаёлий лавҳаларда болаларга қизиқарли баён қилинган. Бундай усул болаларнинг асар мазмуни ва ғоясини осонлик билан ўзлаштириб олишига яқиндан ёрдам беради.

Халқ ўз оғзаки поэтик ижодида меҳнат ва меҳнат аҳлини ҳамиша улуғлаб, унга меҳр-муҳаббат билан қарашга, дўстликни қадрлашга чақириб келган. “Қумурсқа” эртагида ҳам шу ғоя эртақка хос услубда, ажойиб ўхшатишларда кулгига бой қуйидагича суҳбатда баён этилган:

- Қорнинг нима учун катта?
- Жигарим зўр, — деди қумурсқа.
- Белинг нима учун ингичка?
- Меҳнатим зўр!
- Калланг нима учун катта?
- Давлатим зўр! Меҳнатим зўр, савлатим зўр, мен зўр, мен зўр, — жавоб беради қумурсқа.

Жуда кўп эртақларнинг бош қаҳрамонлари меҳнаткаш халқнинг маънавий қудрати ва жисмоний кучини акс эттирган бўлади. Бундай асарлар юксак қаҳрамонлик руҳи билан суғорилгандир. “Уч оға-ини ботирлар”, “Қилич қора”, “Бадал ботир”, “Кўр кўзни очган қиз” каби эртақлар шулар жумласидандир. Бу эртақларнинг деярли кўпчилиги болалар ва ўсмирлар ҳаётидан олинган.

Баъзи эртақларда турмуш тажрибаларига бой бўлган кек-саларнинг донишмандлиги, уларнинг ўз фарзандларига қилган ибратли панд-насиҳатлари, шунингдек, қаҳрамонлик ва жасорат, ростгўйлик ва дўстлик, камтарлик ва олижаноблик, меҳнатсеварлик каби энг яхши фазилатлар ифодаланади. Ана шундай қаҳрамонлик эртақларидан бири “Уч оға-ини ботирлар” дир.


“Уч оға-ини ботирлар” эртагида ёшларнинг қаҳрамонлиги, мардлиги, меҳнатсеварлиги, тўғри сўзлиги, ҳалоллиги ҳикоя қилинади.

Уч оға-ини ботирларнинг отаси кўп йиллар меҳнат заҳматларини чеккан, шу заҳматлар орқасидан фарзандларини тарбиялаган меҳнаткаш киши сифатида гавдалантирилади.

Ота ўз фарзандларини ёшлигидан бошлаб яхши ўқитади, тўғри ва ботир бўлишга, меҳнат қилишга, қурол-яроғ ишлатишга, ёлғон гапирмасликка, мақтанчоқлик қилмасликка, дангаса бўлмасликка ўргатади. “Ўлганимдан кейин бахтсиз бўлиб қолманглар, деб сизларни ўқитдим, боқдим — кўрдим, вояга етказдим, қувватли бўлдингизлар, яроғ ушлашни ўргатдим, яроғ ишлатишга уста бўлдингизлар, қўрқитмай ўстирдим, ботир бўлдингизлар. Яна уч нарсани айтаман, қулоқларингизга олиб, эсларингиздан чиқарманглар: тўғри бўлинг — бежавотир бўласиз. Мақтанчоқ бўлманг — уятга қолмайсиз. Дангаса бўлманг — бахтсиз бўлмайсиз. Бундан бошқасини энди ўзингиз билинг” — дейди меҳрибон ота. Отанинг насиҳатларига амал қилган фарзандлари камтарин, қўрқмас, ростгўй, ботир; эл-юрт манфаатини кўзловчи, ҳар нарсадан кўра эркинликни, мардликни, меҳнат ва ҳунарни севувчи, қаҳрамонлик кўрсатишга интилувчи кишилар бўлиб вояга етадилар. Ота ўғилларига насиҳат қилибгина қолмай, уни амалда бажаришларини ҳам кузатади: “бахтингиз йўлда”, деб ўз ўғилларини сафарга йўллайди. Отасининг насиҳатига уч оға-ини бирдек амал қиладилар. Сафарда тўнғич ботир шер билан олишиб, уни ўлдиради; ўртанча ботир аждар султон билан олишиб, уни чопиб ташлайди; кенжа ботир йигирмата ўғрининг калласини узади. Шундай баҳодирликни кўрсатган ботирлар ҳеч бири мақтанмай, қилган ишларини бир-бирларидан сир сақлайдилар.

Уч оға-ини ботирлар подшонинг золим, баджаҳл бўлишига қарамай, унинг қаршисида: “Подшо деган махлуқ ит гўшtidан ҳам қайтмайди. Саралаб емоқ фақирнинг иши”, “Подшодлик қонхўрлик демакдир”, деб ҳақиқатни сўзлашдан қўрқмай, подшонинг жирканч башарасини фош этишади. Шунингдек, подшонинг лақма, уз сўзида тур-

921541



майдиган шахслиги, иғвогар вазирнинг сўзига алданиб, кенжа ботирни зиндонга ташлагани орқали кўрсатилади.

Уч оға-ини ботирларнинг энг яхши фазилатларидан бири шуки, улар халқни эзиб, унинг жигар порасидан оққан қочлар, бағридан отилган нолалар эвазига яшовчилар билан бирга туришни истамайдилар. Улар подшо саройи иғвофитна макони, бегуноҳ кишиларни жаллод қўлига топшириб юбориш ёки даҳшатли зиндонга ташлаш оддий иш эканини яхши тушунадилар. Уч оға-ини подшога: “Биз сарой кишиси бўлмоқчи эмасмиз. Биз меҳнат билан, ҳунар билан яшаймиз”, — дейдилар. Улар она юртига бориб, меҳнат-ҳунар билан умр кечиришни ҳамма нарсадан афзал кўришади.

Уч оға-ини — ботирлик, тўғрилиқ тимсоли, уларнинг отаси эса халқ вакили, донишманд, нуруний мураббий сифатида китобхонни ўзига жалб этади.

Ижтимоий-маиший эртақларда кўпинча оилавий муносабатлар билан ижтимоий муносабатлар узвий равишда тасвирланади. “Зумрад ва Қиммат”, “Подачининг қизи” ана шундай эртақлар жумласига киради.

“Зумрад ва Қиммат” эртагида адолат, меҳнат ва яхшилик улуғланади. Унда бир-бирига қарама-қарши характердаги Зумрад ва Қиммат образлари тасвирланади.

Зумрад чиройли, одобли, мулойим, ақлли ва меҳнатсевар қиз сифатида гавдаланади. Бундай қизларни инсонгина эмас, ҳаттоки табиат ҳам улуғлайди: “Барвақт кўзасини кўтариб, сой ёқалаб булоқ бошига бораркан. Йўлда лолалар, ранг-баранг гуллар уни кўриб, бошларини эгиб, унга салом берарканлар. . . Гуллар уни олқишлар, булбуллар қувониб, унга қўшиқлар айтиб берар эканлар”. Қиммат эса инжиқ, димоғдор, ишёқмас, муомаласи қўпол қиз. Ҳатто, гуллар ҳам Қиммат келса, қовоқларини солиб, юмилиб қолар эканлар. Ўғай она Зумрадни кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ. Ёвуз кампирнинг бутун куни уриш-жанжал, тўполон билан ўтаркан. Кампир охири чолга Зумрадни ўрмонга олиб бориб адаштириб келишни айтади. Зумрад ўрмонда адашиб юриб бир сеҳргарнинг уйига бориб қолади ва унинг хизматларини яхши бажариб, кампирга ҳам манзур бўлади. Сеҳргар кампир қизга қизил сандиқни тўлдириб, умрининг охиригача етадиган мол-дунё бериб жўнатади. Бунга кўрган ўғай она ўз қизи Қимматни ҳам ўрмонга бориб адаштириб келишни айтади. Қиммат ҳам ўша сеҳргар кампирнинг уйига боради, лекин кампир иш буюрса, ўзинг қил, мен сенинг малаинг эмасман, деб жавоб беради. Кампир унга оқ сандиқни тортиқ қилади. Она-бола ҳаммани уйдан чиқариб,

сандиқни очса, ундан икки аждр чиқиб онаси билан қизини ютиб, деразадан чиқиб кетади.

Эртақда раҳмсиз, бағритош, бахил ва молпараст кампирга нисбатан ўқувчида нафрат уйғонади. Айни чоғда, Зумрад образи орқали меҳнатсеварлик, тўғрилиқ, ақл-идрок улуғланиб, яхшилиқнинг ёмонлиқ устидан тантана қилиши кўрсатилади. Бу эртақ болаларни одобли, ақлли, тўғри ва меҳнатсевар бўлишга ундайди.

Халқ оғзаки ижодининг ҳамма намуна-
хайвонлар ларига нисбатан болалар ўртасида кенг
ҳақидаги эртақ- тарқалгани ҳайвонлар тўғрисидаги эртақ-
лар тарқалгани ҳайвонлар тўғрисидаги эртақ-
лардир. Бундай эртақлар болаларга ҳайвон-
лар тўғрисида дастлабки тушунчалар беради, уларнинг
ташқи кўриниши, яшаш тарзлари ва шароитлари, ху-
сусиятлари билан таништиради. Эртақларда ҳайвонлар,
қушлар паррандалар, ўсимлиқлар иштирок этиб, улар
орқали ижтимоий воқеалар тасвирланади. Ҳар бир ҳайвон,
жонивор, қуш, парранда ва ўсимлиқларда кишиларга хос
бирон хусусият тасвирланади. Масалан, паррандалар инсон
каби гаплашади, тортишади, дўстлашади, дўстни душман-
дан, яхшини ёмондан ажратади. Демак, гап ҳайвонлар
ҳақида борса-да, мақсад мажозий усулда жамиятдаги
тенгсизлик, очкўзлик, ёлғончилик, фирибгарлик, разиллик,
золимлик, ноҳақлик каби сифатлар фош этилади, эз-
гуликлар ардоқланади.

Бу хилдаги эртақларда тулки ҳамма вақт айёр, ҳийлагар,
ёлғонч; бўри эса кўпинча очкўз, аҳмоқ, гўл; қуён —
қўрқоқ; айиқ бўлса, эринчоқ ва қўпол қилиб тасвирланади.
Ҳайвонлар ҳақидаги эртақларда сюжет тез ривожланади,
образлар серҳаракат бўлиб, қулгили воқеалар кўп учрайди.
Бу хусусиятлар эртаққа қувноқлик, ҳозиржавоблик руҳини
бағишлайди, болаларнинг сезги-ҳисларини ўстиради.

Халқ томонидан яратилган бундай эртақларда ҳам бола-
ларнинг ёш хусусиятларига эътибор берилган. Масалан,
кичик ёшдаги болалар учун ҳайвонлар ҳақидаги “Бўри
билан Тулки”, “Қарға билан Кўзи”, “Чумчуқ”, “Эчкининг
ўч олиши”, “Овчи, Кўкча ва Доно” каби бир қанча эртақ-
ларни кўрсатиш мумкин.

“Бўри билан Тулки” эртақида бўри билан тулкининг
ўзига хос ички олами очилиши орқали маълум маърифий
ғоя илгари сурилади. Эртақда ҳикоя қилинишича, бўри
билан тулки иккови дўст тутинган экан. Бир куни бўри
тулкига: “Мени бир жойга олиб бор ва қорнимни тўйғазиб,
хурсанд қилиб келгин”, — дебди. Эртаси кун эса “Энди бу-
гун сал хафа қилиб қўйгин”, — дебди. Тулки рози бўлиб,
бўрини боққа бошлаб боради, узумхўрлик қилишади. Тулки
узумзорда икки дона узумни икки бурнига тиқиб, бўрига:

“Мен жудаям тўйдим, азбаройи тўйганимдан узум бурунларимдан чиқиб кетди”, — дейди. Гўл, аҳмоқ бўри тулкининг бу сўзига лаққа ишониб, яна узум еяверибди, қорни роса кўпчиб боғдан чиқиб кета олмай, боғбон калтагига дучор бўлади, еган узумлари оғиз-бурнидан чиқади. Кейин бўри тулкининг сўзига кириб, карт думба қўйилган қопқонга илинади, овчи бўрини обдан калтаклаб, қўйиб юборади. Ундан сўнг бўри лақмалигидан от тепкисини ейди.

Қўшчи бўрини ўлимдан сақлаб қолади, аммо бўри қўшчини сйман, дейди. Шу орада тулки етиб келади ва бўрига: “шу қанорга сиғишинга ишонмайман, . . қани кириб кўр-чи” — дейди. Бўри қопга киргач, қоп оғзини боғлаб, қўшчи билан тулки бўрини уриб ўлдиришади.

Бу эртақда бўри зўравон, яхшиликка ёмонлик қилувчи ва ўз қилмишига яраша жазосини тортган бир аҳмоқ йиртқич этиб кўрсатилса, тулкининг айёр, ҳийлагар ва тadbиркорлиги жуда усталик билан тасвирланган.

“Бўри билан Тулки” эртагида эзувчи синф вакиллари орасидаги алдамчилик, фирибгарлик ва кескин рақобат рамзий усулда ифодаланади.

“Қарға билан Қўзи” эртагининг тузилиши, воқеаларнинг ҳикоя қилиниш услуби мактабгача тарбия ёшидаги болалар табиатига жуда мосдир. Эртақда қарға қўзи ёнига бориб:

— Сени ейман, — дебди.

— Мени ейишга-ю ейсан-у, тумшуғинг ифлос, дарёга бориб чайқаб кел, ундан кейин егин, — дейди қўзи.

Бу эртақда қўзи қаргани сувга, дарё уни кулолга, кулол эса тупроққа ва бошқаси бошқа нарсаларга буюраверади, шу тариқа воқеа ва диалоглар қайтарилиши натижасида асар сюжети ривожлана боради. Эртақдан ноҳақ бировнинг қонини тўкмоқчи бўлганларнинг жазоси шу деган хулоса чиқарилади.

Сеҳрли-афсонавий эртақлар

Сеҳрли-афсонавий эртақларда, асосан, инсонларнинг ҳаёти, уларнинг табиатга муносабати, дунёқараши, яхшилик ва гўзаллик ҳақидаги қарашлари, умид-орзулари ифодаланади. Бундай эртақлар болаларни халқимизнинг қадимий удумлари, ҳаёт тарзи билан таништиришда, уларнинг фикрлаш қобилиятларини ўстиришда жуда муҳимдир. Болалар учун яратилган барча эртақларда ана шу руҳ бўртиб туради.

Сеҳрли-афсонавий эртақларда бир томондан подшо, хон, вазир, савдогарлар ва бошқа салбий образлар тасвирланса, иккинчи томондан меҳнаткаш омма вакиллари, етим болалар уларга қарама-қарши қўйилади. Ижобий образлар ўзларининг ақллилиги, тadbиркорлиги, донишмандлиги ҳамда

қахрамонликлари билан салбий образлардан кескин фарқ қилади.

Бу хилдаги эртақларда кенг тарқалган образлардан бири пари қизлардир. Парилар эртақларда ўт, илон, каптар, кийик, маймун, одам, балиқ ва бошқа қисфаларда тасвирланади. Улар йўлда учраган тўсиқларни босиб ўтадилар, даҳшатли ёвларни маҳв этадилар, қисқаси, енгилмас, сеҳрли кучга эга бўладилар.

“Ур тўқмоқ” ана шундай эртақлар жумласига киради. Бу эртақда содда, камбағал чолнинг эркин, фаровон яшашга интилиши ҳикоя қилинади. Чол тузоққа илинган лайлакни ялиниб-ёлвориши сабабли қўйиб юборади ва эвазига “Қайнар хумча!”, “Очил дастурхон”, “Ур тўқмоқ” каби сеҳрли кучга эга бўлган буюмлар билан тақдирланади. Демак, бу сеҳрли-афсонавий эртақда келажакда бахт-саодатли кунларга эришиш, фаровон ҳаёт орзуси ниҳоятда кенг ёритилгандир.

“Эгри ва Тўғри” эртагида тўғрилиқ улуғланиб, эгрилик қораланади.

Ўрмонда арслон — подшо, йўлбарс — вазир, бўри — карнайчи, қашқир — сурнайчи, тулки — дostonчи экан. Булар бир ерга йиғилишиб, сўз бошлашади: тулки ҳамма нарсаси борлиги, қашқир сичқоннинг 41 та тилла йиққанлиги, айиқ қайрағочнинг япроғи бутун касалларга дори эканлиги, подшонинг қизи 7 йилдан буён касал бўлиб, уни тузатадиган табиб топа олмаганлиги тўғрисида сўзлайди. Шунингдек, бўри бир бойнинг 40 минг қўйдан ҳар куни 2 тасини ейиши, уни чолнинг итидан бошқа ҳеч ким тута олмаслиги, йўлбарс бўлса бойнинг ўн минг йилқиси бўлиб, уни еяётгани, ола отдан бошқаси унга ета олмаслигини ҳикоя қилади. Тандирда ётган Тўғрибой бу сўзларни эшитиб, тулкиникига боради, уни ўлдириб, сўнг сичқоннинг олдига боради. Уни ҳам ўлдириб, тилласи билан япроқни олади. Кейин у қўйларни бўридан қутқариб, бойдан 40 қўйни, йўлбарсни ўлдириб, ола отни олиб шаҳарга жўнайди. Қайрағочнинг япроғи билан подшо қизини тузатиб, унга уйланади. Хуллас, Тўғрибой одамларга зиён-заҳмат етказувчиларга қарши мардонавор курашиб, уларни тор-мор этган ва халқнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлган қаҳрамон сифатида тасвирланади. Бу билан халққа хизмат қилиш энг олижаноб иш эканлиги кўрсатилади.

Тўғрибой ҳокимликдан кўра, ўз ҳалол меҳнати билан яшашни афзал кўрувчи олижаноб йигитдир. Эгри образида эса, “бирова хиёнат қилган кишининг қорни нонга сира тўймас”лиги, охирида шарманда бўлиши муқаррарлиги тасвирланади.

Эртақдаги “ . . . Тўғрибой тўғрилигидан мақсадга етибди,

Эгрибой эса эгрилигидан жазосини тортибди” ибораси эртақдан келиб чиқадиган хулосадир.

Сеҳрли-афсонавий эртақлардан яна бири “Қоражонбой” дир. Эртақда тасвирланишича, Норматга отасидан уч сеҳрли нарса — кўйлак, ҳамён, карнай мерос қолади. Буларнинг сеҳрли хусусияти шундаки, кўйлак тамом бўлмайдди, ҳамёндаги пул тугамайди, карнай чалинса, ичидан икки азамат йигит чиқиб, Норматнинг истагини бажаради. Норматнинг бутун саргузаштларида, йўлда учраган қийинчиликларни енгишида, орзу-умидга эришишида бу уч нарса унга ёрдам беради.

Ватанимиздаги ҳар бир халқнинг ўз миллий қаҳрамонлари бор. Ҳар қайси халқ ўзининг ажойиб қаҳрамонларини яратган. Меҳнаткаш халқнинг тилак ва орзулари, қаҳрамонлик, ватанпарварлик туйғулари, душманга нисбатан ғазаб ва нафрати, энгилмас иродаси, ҳақиқат, адолат ва бахт ҳақидаги ўй-фикрлари эртақларда турли усулларда акс эттирилади.

Эртақда такрорлашлар кўп учрайди, яъни айрим сўзлар, воқеалар бир неча марта такрорланади. Эртақлар “муроду мақсадларига етибдилар”, “шод-хуррамлик билан умр кечирибдилар”, “жазосини тортибди” каби якун билан тугалланади.

Халқ оғзаки ижоди тилнинг бойлиги, ғоявий-бадий хусусиятлари билан ёзма адабиётнинг ривожланишига, хусусан, болалар адабиётининг юксалишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Халқ оғзаки ижоди асарлари хаёлларга жуда бойдир. Бу хусусиятлар, айниқса, халқ яратган эртақларда кўпроқ кўзга ташланади. Эртақлар болалар фикр ва тасаввурларини бойитади ва уларни ижодий ишга руҳлантиради.

Халқ яратган ғоят ихчам, чуқур ва тугал маъноли гаплар, шеърий парчалар мақол деб аталади. Мақол халқнинг, бир неча авлодларнинг ақлу фаросати ҳамда турмуш тажрибасининг якуни, улар донишмандлигининг маҳсулидир. Мақолларда ҳаётнинг ачиқ-чучугини татиб кўрган, турмушдаги ҳодисаларга ақл кўзи билан қарайдиган, соф виждонли, олижаноб меҳнаткаш кишининг бирор воқеа-ҳодисадан, бирор кишидан ёки бирор ишдан чиқарган хулосаси баён қилинади. Бу хулоса бирор киши учун (кўпроқ болалар учун) йўл кўрсатувчи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Мақоллар халқнинг ақл-идроки, ижтимоий-тарихий тажрибаси, кураши ҳамда меҳнатининг бадий ифодаси сифатида яратилиб келинмоқда.

Мақолларда халқнинг турмуш тажрибалари умумлаштириб берилади. Л.Н. Толстой: “Ҳар бир мақолда мен

шу мақолни яратган халқнинг сиймосини кўраман”, — деган эди.

Мақоллар чуқур маънони ифода эта билиши, ихчам, пишиқ ва пухталиги билан халқ оғзаки ижодининг бошқа турларидан фарқ қилади. Уларда меҳнаткаш халқнинг орзумидлари, ўзаро муносабатлари, ватанпарварлик, инсонпарварлик хислатлари, ўй-фикрлари ўзига хос шаклда акс этган бўлади. Шу сабабдан улар болаларни тўғри, мантиқий фикрлашга, мақсадни қисқа, ихчам ва лўнда баён этишга ўргатади, уларнинг бадиий дидини оширади, тарихий ҳодисаларнинг моҳиятини яхшироқ, чуқурроқ пайқаб олишга ёрдам беради.

Шу билан бирга, мақоллар она тилининг энг нозик бадиий хусусиятларини билишга ва сўз бойлигини оширишга катта ёрдам беради.

Шунинг учун ҳам сўз санъаткорлари, шунингдек, болалар ёзувчилари халқ оғзаки ижодига, айниқса, мақолларга кўпроқ мурожаат этганлар ва улардан унумли фойдаланганлар.

Мақоллар мавзу жиҳатдан бой, хилма-хил ва ранг-барангдир. Уларда она-Ватанни севиш, уни ички ва ташқи душманлардан кўз қорачиғидек сақлаш, унга содиқ бўлиш ғоялари жуда ихчам, оҳангдор бир шаклда, образли ифода-ларда гавдалантирилгандир:

Булбул чаманни севар,
Одам — Ватанни..
Она юртинг омон бўлса,
Ранги рўйинг сомон бўлмас.

Дўстлик-биродарлик, душманга нафрат, аҳиллик ва бирдамлик ғоялари ҳам мақолларнинг асосий маъзини ташкил этади:

Кўкка боқма, кўпга боқ!

Дўст сўзини ташлама,
Ташлаб бошинг қашлама.

Мақолларда меҳнат инсоннинг кўрки, зийнати сифатида ифода этилади. Шунингдек, ҳамкорликда, кенгашиб қилинган меҳнат серунум бўлади, деган ғоя илгари сурилади:

Дарё сувини баҳор тоширар,
Одам қадрини меҳнат оширар.

Дарахт — япроғи билан кўркам,
Одам — меқнати билан кўркам.

Кўпгина мақолларда ёшлар илм-ҳунарли бўлишга чақирилади:

Билаги зўр бирни йиқар,
Билими зўр мингни йиқар.

Илм — ақл чироғи.
Олим бўлсанг, олам сенки.

Тил, нутқ маданияти ва донолик ҳақида ҳам анчагина мақоллар яратилган:

Тилга эътибор — элга эътибор.

Доно айтса — эл айтгани,
Элнинг ғамин еб айтгани.

Халқ мақолларида яхшилик, ҳалоллик, тўғрилиқ ҳамда ростгўйлик улуғланиб, ёмонлик, ёлғончилик ва қаллоблик эса қораланади:

Тўғри бўлсанг, ўсиб бориб гул бўласан,
Эгри бўлсанг, ўсиб бориб кул бўласан.

Яхши билан юрсанг, етарсан муродга,
Ёмон билан юрсанг, қоларсан уятга.

Яхшидан от қолар,
Ёмондан додқолар.

Ахлоқ-одоб ҳақидаги мақолларда ҳам таълим-тарбиявий ғоя илгари сурилади:

Болани ёшдан асра,
Ниҳолни бошдан асра!

Рақмат олган омондир,
Лаънат олган ёмондир.

Бола азиз, одоби ундан азиз.

Топишмоқлар Топишмоқ ҳам халқ оғзаки ижодининг энг қадимги ва бой жанрларидан биридир. Топишмоқлар одатда, халқнинг урф-одатлари, руҳияти ҳамда ахлоқий-эстетик қарашларини ўзида акс эттиради. Топишмоқда нарсанинг бир неча хил белгилари яширин, сирли ҳолда берилди ва ҳар бир топшмоқнинг замирида топилиши лозим бўлган бир маъно ва “ким?”,

“нима?” сўроқларида яширин жавоб ётади. Одамлар шу сўроқларга қараб, топишмоқда яширинган нарсани топишга ҳаракат қиладилар. Айниқса, болалар топишмоқдаги жумбоқни билишга, уни топишга жуда қизиқадилар.

Топишмоқлар мавзуи табиат ва кундалик ҳаётда учраб турадиган аниқ ҳодиса ва нарсалардан иборат бўлади. Одатда, топилиши лозим бўлган нарса ёки ҳодисанинг бирор белгиси таққослаш йўли билан образли ифодаланади. Масалан, “Ер тагида олтин қозиқ, у ҳаммага бўлар озиқ” (*Сабзи*). Бу топишмоқда сабзининг тус жиҳатдан олтин рангига яқинлиги, шаклан қозиққа ўхшашлиги, унинг тупроқ остида битиши ва тановул қилиш мумкинлиги унинг характерли жиҳатидир. “Пак-пакана бўйи бор, етти қават тўни бор” топишмоғида пак-пакана бўйи, етти қават тўни каби белгилар пиёз эканлигини кўрсатиб туради. “Дум-думалоқ, жажжи ой, чақиб есанг, гиж-гиж мой” топишмоғидаги дум-думалоқ, чақсанг — гиж-гиж мой каби белгилар унинг ёнғоқ эканига ишоради.

Баъзи топишмоқлар нарсанинг бажарадиган вазифасига, ҳаракатига, унинг нимадан ёки қандай ишланганлигига қараб, шу хусусиятлар асосида яратилиши мумкин: “Қўли йўқ, оёғи йўқ, уй пойлар” (*Қулф*).

Топишмоқлар кўпроқ истиора асосига қурилган бўлиши мумкин: “Бир парча патир, оламга татир” (*Ой*).

Баъзан истиора усулида бир эмас, балки бир неча нарса қаторлашиб келиши ҳам мумкин: “Бир отаси, бир онаси, неча юз минг боласи” (*Қуёш, Ой, юлдузлар*).

Муболаға йўли билан яратилган топишмоқлар ҳам анчагина: “Бир чуқурда минг чуқур” (*Ангишвона*), “Ўзи бир қарич, соқоли қирқ қарич” (*Ип, игна*).

Баъзи топишмоқлар сўзларнинг оҳангдош бўлиб келишига асосланади: “Зув-зув борар, зув-зув келар, дoston ўқир, ғалвир тўқир” (*Ари*), “Ости тош, усти тош, ўртасида жонли бош” (*Тошбақа*).

Савол-жавоб шаклидаги топишмоқлар болалар қизиқишини орттириши билан ажралиб туради:

— У нимадир, ҳаводаги дўланган?

У нимадир, ер юзини сув олган?

У нимадир, орқасида оғзи бор?

У нимадир, ўртасида магзи бор?

У нимадир, сув ичида жони бор?

— Булут бўлар ҳаводаги дўланган,

Ёмғир бўлар ер юзини сув олган.

Тегирмондир, орқасида оғзи бор.
Бугдой бўлар ўртасида мағзи бор,
Балиқ бўлар сув ичида жони бор.

Топишмоқлар халқнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ривожланиши билан ўзгариб боради, янги-янги маъно ва мазмун ифода этади.

Болаларнинг фикр доирасини кенгайтиришда, ақл-идрокини ривожлантиришда, кузатувчанлик ҳиссини, нафосат туйғусини ўстиришда топишмоқлар муҳим роль ўйнайди.

Қисқаси, топишмоқларда халқ донишмандлиги акс этади. Улар ўзига хос мазмуни ва уларни ифодалаш шакли билан болаларни зийракликка, кузатувчанликка ўргатади, уларнинг фикрлаш қобилиятини ўстиради.

Тез айтиш

Тез айтиш ҳам халқ оғзаки ижодининг ўзига хос жанри ҳисобланади. Тез айтиш болаларда ақлий ўткирликни, сезгирликни тарбиялайди.

Масалан: “Бир туп тут, бир туп тутнинг тагида бир туп турп. Бир туп тут бир туп турпнинг томирини туртиб турибди, бир туп турп бир туп тутнинг томирини туртиб турибди”: “Тоғ бошига иккита лайлак чиқмоқчи эмиш, чиқа солиб лакалак-ламоқчи эмиш, лакалакласа ҳам лакалакламоқчи эмиш, лакалакламаса ҳам лакалакламоқчи эмиш” ва бошқалар.

Халқ оғзаки ижодида аллитерация ҳамда муайян товушлар такрори асосига қурилган тез айтиш намуналари шеърини шаклда ҳам яратилади:

Сора аллалайди,
Лола арралайди.

Нон яшасасизми,
Поли санашасизми?

Болаларни бийрон сўзлашга ўргатиб, уларга эстетик завқ берадиган, фикр ва қобилиятини ўстирадиган, хотирасини мустаҳкамлайдиган бундай ўйинларнинг болалар адабиётидаги роли каттадир.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, халқ оғзаки ижоди болалар адабиётининг юксалишида, ёш авлод тарбиясида жуда муҳимдир. Болалардан она-Ватанга садоқат, меҳнатга иштиёқ, қаҳрамонлик, дўстлик, байналмилаллик каби олижаноб инсоний фазилатларни тарбиялашда булоқдек қайнаб-тошган халқ оғзаки ижодининг роли беқиёсдир. Айни чоқда у, болалар ёзувчиларининг ғоявий-эстетик томондан юксалишига ҳам катта кўмак беради. сўз санъаткорларини ёш авлодга муносиб бадний асарлар яратишга ундайди.

ЎТМИШ ЎЗБЕК БОЛАЛАР АДАБИЁТИ ВА БОЛАЛАР КИТОБХОНЛИГИ (X—XVI АСРЛАР)

Халқ оғзаки ижоди тажрибалари ёзма адабиётнинг равнақиға маълум замин тайёрлайди ва унга бой манба бўлиб хизмат қилади. Зероки, бадий адабиётнинг тараққиёти жамиятнинг умумий тараққиёти билан узвий боғлиқдир.

Ўрта Осиё кишилиқ маданияти тарихининг энг қадимги бешиқларидан биридир. Бу ўлкада болалар учун илк бор яратилган асарлар бизгача етиб келмаган бўлса ҳам, албатта, ёзма адабиёт пайдо бўлиши билан болалар учун қам махсус асарлар майдонга чиққанлиги аниқ. Боланинг илк бор қўлига оладиган китоби, шубҳасиз, алифбедир. Ўз даврининг илғор кишилари қарашларида, меҳнаткаш халқ оғзаки бадий ижодида бола тарбиясига алоҳида эътибор берилганлиги, бу ҳақда ғоят қимматли фикрлар айтилганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Адабиёт тарихига назар ташласак, болалар учун махсус асарлар яратилганлигини, шунингдек, катталар учун ҳам ёзилган асарларнинг бир қисми ёки айрим боблари болалар китобхонлиғига мослигини кўраимиз. III—IV асрларда яратилган ва жаҳон халқлари орасида кенг тарқалган “Калила ва Димна” асаридаги ҳикоялар ҳайвонлар тилидан баён қилинса-да, уларда ижтимоий ҳаёт, одамлар орасидаги муносабатлар ўзига хос мажозий усулда кўрсатилади. Мазкур китоб ғоявий-эстетик моҳиятига кўра, ҳикоя ичида ҳикоялар яратиш ва уларни изчил ифодалаш орқали яхлит бир бадий асарни ташкил қилади. Асарнинг энг яхши хусусиятларидан бири шундаки, унда инсон барча жонзот орасида етук ва улуғ зот сифатида эъозланади. Асарнинг бош ғояси ҳам инсонни шу номга муносиб бўлишга чақиришдир. Бинобарин, болалар ва ёшларни “яхши” билан “ёмон” ни ажратишга, ёмонликка қарши курашишга, яхшилиқни улуғлашга, унинг тантанасини таъминлашга даъват этиш асарнинг асосини ташкил этади.

“Калила ва Димна” узоқ ўтмишдан бошлаб ўзбек халқининг оғзаки ва ёзма адабиётига самарали таъсир кўрсатиб, унинг бойишига муҳим ҳисса қўшиб келди. Бу таъсирни ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарида, Навоий, Гулҳаний каби қатор классикларимиз ижодида ҳамда ўзбек болалар ёзувчилари асарларида яққол кўраимиз.

X—XII асрларда Ўрта Осиё халқларининг оғзаки поэтик ижоди билан бир қаторда форс ва туркий тилларда бир қатор асарлар яратила бошлади. Шарқ педагог-олимлари ҳамда шоирлари бола тарбиясига алоҳида эътибор бериб, бу соҳада бир қанча маърифий характердаги асарлар яратганлар. “Калила ва Димна”, Низомул Мулкнинг “Сиёсатнома”, “Рўшноинома”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билик” (“Саодатга йўлловчи билим”), Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк”, Кайковуснинг “Қобуснома”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибатул-ҳақойиқ” каби асарлари шулар жумласига киради.

Илғор педагог-олимлар инсон ҳар қандай билимни эгаллашга қодир эканлигини таъкидлайдилар, унинг қобилиятига қаттиқ ишонадилар. Уларнинг фикрлари инсон шахсини тарбиялаш учун хизмат қилади. Шу вадан илғор ёзувчиларнинг асарларида бола тарбияси, ахлоқ масалалари асосий ўринни эгаллайди.

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билик” (ҳижрий — 462, милодий — 1069-70) асарида илм-маърифат тарғиб қилинади, олимлар улуғланади. Бу асар ахлоқ ва одобга доир кўп қимматли панд-насихатларни ўз ичига олади. Унда тил одоби, севги ва садоқат, ростгўйлик ва ҳалоллик каби масалалар ҳақида фикр юритилади. Муаллиф дostonнинг “Ахлоқ ва одоб ҳақида” деб аталган бобида ўқиш ва билим олишда тилнинг беқиёс аҳамияти, қисқа ва мазмунли сўзлаш, тилга ортиқча эрк бермаслик кабилар ҳақида ибратли ўғитлар беради.

Асарнинг 53- бобида оила ва бола тарбиясининг мураккаб эканлиги таъкидланиб, болани ёшлик чоғидан бошлаб яхши хулқли, одобли қилиб тарбиялаш зарурлиги айтилади.

Юсуф Хос Ҳожиб бу асари билан ўз даврининг илғор ахлоқий-тарбиявий қарашларини илгари сурган атоқли маърифат ҳомийси ва мураббийси сифатида гавдаланади.

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” (“Туркий сўзлар тўплами”) да XI асрга оид кўпгина ахлоқий, таълим-тарбиявий руҳдаги шеърий парчалар, халқ мақоллари бор: “Адаб ва фазилатнинг боши — тил”; “Илмли, ақлли кишиларга яхшилик қилиб, сўзларини тингла, илмларини, ҳунарларини ўрганиб, амалга ошир”¹ кабилар.

Юсуф Хос Ҳожиб асаридаги каби Маҳмуд Кошғарий тўпламида ҳам бола тарбиясига оид фикрлар асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Шунинг учун бу асарлар бо-

¹ Н. М. Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. “Ўқитувчи”, 1976, 107-бет.

лалар адабиётининг вужуда келишига маълум ҳисса қўшган дейишга асос бўлади.

X—XI асрларда феодализм жамияти анча ривожланган бўлиб, илм, фан, санъат ва адабиёт тараққий этган эди. “Қобуснома”¹ ана шу тараққиёт меваларидандир. Унинг муаллифи Кайковус 412 ҳижрий (1021—1022 милодий) йилда туғилди. Каспий денгизининг жанубий қирғоғида яшовчи Гилон қабиласига мансуб бўлиб, у “Қобуснома” ни 473 ҳижрий (1082—1083) йилда, яъни 61 ёшида яратди. Кайковус ўз замонасининг илмли, маълумотли ва маърифатпарвар кишиларидан бўлганлиги “Қобуснома” асарида яққол кўриниб турибди. У “Қобуснома” ни ўғлига бағишлаганини баён этади. Бу, отанинг фарзандга, педагогнинг ўқувчига қилган насиҳатидан, таълим-тарбиявий ўғитлардан иборатдир. Асарда муаллиф ота-онанинг бола тарбиясидаги энг муҳим, масъулиятли ҳамда шарафли вазифаларини алоҳида кўрсатиб ўтади.

Кайковус ўзининг ибратли ҳаётий тажрибалари орқали Гилоншоҳни тарбиялашни истади ва панд-насиҳатларини фарзанди учун энг қимматбаҳо мерос, деб таъкидлайди. У ўғлига: “Эй, фарзанд, умидим шуки, сен шу пандларни қабул қилгайсан, (бу билан) мен оталик вазифасини бажо келтирган бўлурман. Билгинки, халқнинг расми (одати) шундайки, югуриб-елиб, қидириб-ахтариб дунёдан бирор нарсадан ҳосил қиладилар ва (бу топган) нарсаларини ўзларининг яхши кўрган кишисига қолдириб кетадилар. Мен дунёда мана шу сўзларни ҳосил қилдим, менинг яхши кўрган кишим сенсан . . . дунёдан нима ҳосил қилган бўлсам, сенинг олдинга қўйдим, токим, ўзингга бино қўймагайсан ва нотўғри йўлга қадам қўймагайсан...”².

Кайковус ўз табақаси фарзандларининг меҳнатга қобилиятсиз эканлигини, меҳнатсиз на илм ва на маърифатга эга бўлиш мумкин эмаслигини шахсий ҳаётий тажрибаси орқали тушунди. Шунинг учун у ўғлини меҳнат қилишга, ҳунар ўрганишга чақиради: “Билимни эгалламоқ учун меҳнат қилиш, баданни дангасалиқдан қутқариш фойдалидир. Чунки дангасалиқ, иш ёқмаслик баданнинг бузилишига, касалланишига сабабчи бўлади. Агар меҳнат қилиб баданни ўзингга бўйсундирмасанг, соғлом ва баланд мартабали бўла олмайсан...”³

¹ Бу ҳақдаги маълумотлар “Қобуснома” ни нашрга тайёрловчи доцент С. Долимовнинг шу китобга ёзган кириш сўзидан олинди. “Ўқитувчи”, 1968.

² “Қобуснома”. “Ўқитувчи”, Т., 1968, 27—28-бетлар.

³ “Қобуснома”, 15-бет.

Муаллиф ёшларга хилма-хил касб эгаси бўлишни, турли ҳунар ўрганишни тавсия қилади. У ўз асарида инсонга юксак баҳо бериб “. . . Дунёда одамнинг билмаган ва танимаган ҳеч нарсаси йўқдир”, дейди.

“Қобуснома” асарида тарбия масаласига ҳам алоҳида эътибор билан қаралиб, тарбия инсон қиёфасини, унинг ақли ва шахсини шакллантирувчи ва юксалтирувчи восита сифатида алоҳида таъкидланади. Инсонни тарбиялашда ҳаётий таъсирнинг ролига Кайковус алоҳида диққат билан қаради. Унинг фикрича, тарбиядан мақсад инсонни ҳозирги замон ва келажак учун яроқли кишилар қилиб етиштиришдан иборатдир. Шу билан бирга, муаллиф ўз замонасида ҳамма нарсани билиш мумкин эмаслигини, буни фақат келажак ҳал қилишини ҳам таъкидлайди.

Кайковус “Қобуснома” асарида ёшларнинг хулқ-атворида алоҳида эътибор беради, ёшларнинг инсонпарвар бўлишга, халққа ширин муомала қилишга ундайди. Муаллиф ўз ҳаётида кўрган ва билган ҳаётий-амалий масалаларни кенг ёритади, уларни ҳикоялар, мақоллар ва донишмандларнинг ҳикматли сўзлари ёрдамида китобга сингдиради. Шунинг учун “Қобуснома” XI аср шарқ педагогикаси тарихида қимматли асарлар қаторига киради. Шубҳасиз, бу асар болалар китобхонлигида муҳим ўрин эгаллайди. “Қобуснома” муҳим тарбиявий асар сифатида мазкур мавзуда асарлар ёзувчи кейинги авлод ижодкорларига катта ижодий таъсир ўтказган.

Аҳмад Югнакий ҳам илм-фанни ёқлайди, олимларни улуғлайди, илм-фан эгаси бўлишликни тарғиб қилади, кишиларни билимли бўлишга, маърифатга чақиради.

IX—XII асрларда жаҳон илм-фани тараққиётида катта роль ўйнаган Ўрта Осиё маданияти кўплаб алломаларни етиштирди, улар дунё фани ривожига баракали ҳисса қўшдилар. XIV аср ўрталаридан XVII асргача бўлган давр ўзбек адабиёти тараққиётининг янги ва жуда сермаҳсул бир босқичи бўлди. Бу даврда талай машҳур ижодкорлар қаторида улуғ мутафаккир-санъаткор Алишер Навоий етишди.

АЛИШЕР НАВОИЙ

(1441—1501)

Ўзбек халқининг улуғ маърифатпарвари, мутафаккири ва буюк шоири Алишер Навоий ёшларни тарбиялаш ишига алоҳида эътибор берди. У болаларни илм-ҳунарни, меҳнатни севишга ундаб, ўрганилган илм ва ҳунарни халқ, ватан манфаатлари йўлида сарф қилиш зарурлигини уқтирди.

Алишер Навоий илм, маърифат ҳақида ажойиб фикрларни олға сурди. У ақл, илм—инсоннинг энг гўзал ва зарурий фазилатларидан бири, ҳар бир кишининг энг муҳим бурчи илм олишдир, деб ҳисоблади. Навоийнинг фикрича, илм-фанни эгаллаш учун ёшликдан бошлаб астойдил ўқиш-ўрганиш керак: “Ёшлигингда йиғил билимни, қаригач сарф қилғил ани”, — деган шоирнинг ўзи ҳам жуда ёшлигидан таълим олади, ўқишга берилади. У ёшлигиданоқ кўп шеърларни ёд билган. Жумладан, Фаридиддин Атторнинг “Мантиқут-тайр” (“Қуш нутқи”) асарини болалик чоғларидаёқ қайта-қайта ўқиб, ёд олган. Алишер Навоий кейинчалик мактаб ва маориф масалаларига катта аҳамият берди. У меҳнаткаш халқ болаларини ўқитиш ва тарбиялаш учун мактаблар очиш ва мадрасалар қуриш тўғрисида ғам-хўрлик қилди. Алишер Навоий Астрободда сургунда юрганида, подшо Ҳусайн Бойқарога ёзган хатида ўғил ва қиз болалар учун мактаблар очишни талаб қилгани, шахсан ўзи мадрасалар қуришда ташаббус кўрсатгани бунинг яққол далилидир. Навоийнинг фикрича, мактаб халққа нур келтиради, унга тўғри йўл кўрсатади, болаларни билимли қилади. У ўзининг “Ихлосия” мадрасаси ёнида мактаб очиб, болаларни ўқитиш ва тарбиялаш учун зарур шароит яратиб, бунинг учун лозим бўлган маблағ ажратади.

Навоий дарс берувчини қуёшга ўхшатади ва бу қуёш ўз атрофидаги юлдузларга нур сочади, яъни мударрис “абжад-хоналар” га, ҳали илмдан беҳабар бўлган толибларга илм нуруни сочади, маърифат беради, дейди.

Алишер Навоий таълим-тарбия тўғрисидаги фикрларини ўзи яратган бадий асарларида кўпроқ баркамол инсонни ифодаловчи ижобий образлар яратиш орқали баён қилади. Илм-маърифат, ахлоқ-одоб масалаларига доир фикрларини эса илмий-фалсафий ва дидактик асарларда баён қилади.

Навоий ақл кучига чексиз ишонади, комил ишонч билан илм-фаннинг хислати жуда катта, деб ҳисоблайди.

Буюк сўз санъаткори ва мутафаккири ўзининг бир қанча асарларида болалар тарбиясига оид фикрларни айтиш билангина кифояланиб қолмасдан, балки “Ҳайратул-аброр”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” каби дostonларининг айрим бобларини шу масалага бағишлайди. “Ҳайратул-аброр” (“Яхши кишиларнинг ҳайратланиши”) фалсафий-таълимий дostonдир. Навоий бу асарида ўзининг фалсафий, ижтимоий-сиёсий ҳамда кишиларга таълим ва ўғит бериш масалаларига катта эътибор беради. Дostonда зolim ҳукмдорларни қоралаш, иккиюзламачи — риёкор, руҳонийларнинг сир-асрорларини кескин фош этади. Хусусан, шоир сахийлик, одоб ва камтаринлик, ота-онага ҳурмат, ростгўйлик ва тўғрилик, илмнинг фойдаси ва камбағал ўқувчиларнинг бу йўлда чеккан азоблари ҳақида батафсил тўхталиб ўтади.

“Ҳайратул-аброр” асарининг бир неча боблари одоб-ахлоқ ва таълим-тарбия масаласига бағишланган. Навоий бу дostonнинг олтинчи мақолатида одоб ва камтарликни улуғлаб, таълим-тарбияга доир қимматли фикр-мулоҳазаларини баён қилиши билан бирга, такаббур ва одобсиз кишиларни қаттиқ қоралайди. Шоир дostonнинг бу мақолатида бола тарбияси, уни ўстириш, ўқитиш ва баҳолатга етказиш тўғрисида ҳамда бу борада ота-оналарнинг вазифалари ҳақида батафсил фикр юритади. Шоир ёшларни ота-онанинг хизматини бажаришга, уларни ҳурмат қилишга, уларга нисбатан ҳамиша меҳр-муҳаббатли бўлишга чақиради, ота-онани ой ва қуёш деб таърифлайди.

Бошни фидо айла ато қошига,
Жисмни қил садқа ано бошига. . .

Тун-кунунга айлагали нурпош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш. . .

Дostonнинг саккизинчи мақолатида Навоий ёлғизликка нисбатан кўпчилик (коллектив) ни улуғлаб, кишиларнинг бир-бирлари билан аҳил, дўст бўлишларини истайди:

. . . Йўқ ҳунари ёлғуз эса, ўз киши,
Қайда киши сонида ёлғуз киши?!

Фард¹ киши даврда топмас наво,
Ёлғуз овучдин ким эшитмиш садо? . .

¹ Фард — якка, ёлғиз.

“Ҳайратул-аброр” нинг ўнинчи мақолати ростгўйлик, ҳалоллик ва тўғрилиққа бағишланган. Навоий тўғрилиқ ва ростгўйликни улуғлаш билан кишиларни ростгўй ва тўғри бўлишга чақиради, ёлғончилик ва эгриликнинг зарарли оқибатларини кескин фош этади. Шоир ёлғон сўзлашнинг ёмон оқибатини “Шер билан Дуррож” масалида овчининг тузоғига тушган Дуррож образида ҳикоя қилади.

Достоннинг ўн биринчи мақолатида Навоий илм-фанга, илм аҳлига юксак баҳо беради, кишиларни илм олишга, олимларни иззат-ҳурмат қилишга чақиради. Шу билан бирга, шоир ўша даврда меҳнаткаш ва мусофир талабаларнинг илм олиш йўлида чеккан азобларини, илм-фан эгаларининг муҳтожликда яшаганларидан афсус-надоматлар чекади.

Навоий илмдан амалий ишлар учун фойдаланиш зарурлигини таъкидлайди:

Илм, Навоий, сенга мақсуд бил,
Эндики илм ўлди амал айлагил.

Навоийнинг ярамас одат ва хулқ-атворларни шафқатсиз қоралаши, олижаноб инсоний фазилатларни қадрлаши, болаларни ўқиш, ўрганиш ва юксак одобли, аъло хулқли бўлишга чақириши катта аҳамиятга эга бўлиб, болалар адабиётининг шаклланишида жуда муҳимдир. Унинг бир қатор ахлоқий-таълимий қарашлари ҳозирги кунда ҳам ўз қимматини сақлаб келмоқда.

“Фарҳод ва Ширин” достонида шоир чин севги ва вафо, дўстлик ва садоқат, меҳнат ва ижодкорлик, ватанпарварлик ҳамда қаҳрамонлик ғояларини тараннум этади. Достон ёшлар ва болаларга атаб ёзилмаган, лекин асарнинг кўпгина боблари болалар ва ёшлар ҳаётига, уларнинг тарбиясига бағишлангандир. Шоир достонда Фарҳоднинг болалик чоғлариданоқ илм-ҳунарга, меҳнатга бўлган муҳаббатини зўр маҳорат ва чуқур самимият билан тасвирлаган. Бу Навоийнинг бола тарбиясига ва унинг билим олишига катта эътибор билан қараганлигини кўрсатади.

Фарҳод ёшлик чоғиданоқ жуда ақли, зеҳнли бола бўлиб ўсади. У мактабда зўр ҳавас ва қўнт билан ўқийди. Табиёт, математика, мантиқ каби фанларни тез орада ўрганиб олади. Ёш Фарҳоднинг илмга бўлган ҳавас ва муҳаббатини сезган отаси унга билим беришни муносиб кўрди. Жаҳоннинг машҳур олимлари Фарҳодга турфа фанлардан сабоқ ўқитадилар. Натижада энг мураккаб ва пинҳоний илмлар унга ўз сир-асрорини тўлиқ намоён этади. У қўнт ва чидам билан ўқиб, билимдон ва зукко инсон бўлиб етишади.

Шоир Фарҳод ҳаётини бундай жонли лавҳаларда

тасвири орақали болалар тарбиясига алоҳида эътибор беришга чақиради, уларни ёшлигидан бошлаб ўқитиш зарурлигини, бунда ота-онанинг роли ниҳоятда катта эканлигини, болаларга дунёвий илмларни бериш муҳимлигини таъкидлайди.

Фарҳод қайси фанни ўқимасин, уни дарров тушуниб олувчи қобилият эгаси сифатида тасвирланади:

Агар бир қатла кўрди ҳар сабоқни.
Яна очмоқ йўқ эрди ул варақни.

Не сўзниким, ўқиб кўнглига ёзиб,
Дема кўнглики, жон лавҳига қозиб.

У даврда болалар қуруқ, ёдаки ўқитилар эди. Болалар ўзлари ёдлаган нарсаларининг маъносига тушунмас ҳам эдилар. Шундай бир вақтда Навоий болаларни илм-фанга қунт қилиш, ўқилган нарсанинг маъно-мазмунини тушуниб олишга ундар эди:

Ўқиб ўтмак, уқиб ўтмак шиори,
Қолиб ёдида, сафҳа-сафҳа бори. . .

Фарҳоднинг қунт қилиб, маъносини тушуниб ўқиши натижасида кўп илмларни эгаллаганлиги таъкидланади:

Жаҳонда қолмади ул етмаган илм.
Билиб таҳқиқини касб этмаган илм.

Шу тариқа Навоий болаларни илмни пухта эгаллашга чақириб, буюк педагог ҳамда мураббий сифатида уларни тарбиялаш ва ўстириш йўллари кўрсатади.

Бундан ташқари, дostonда Фарҳод жисмоний томондан ҳам чиниққан йигит сифатида тасвирланади. У сувда сузиш, чавандозлик ва қиличбозлик сирларини меҳр билан ўрганади. Алишер Навоий ёшлигидан бошлаб илмга берилган, жисмоний томондан чиниққан Фарҳодни тасвирларкан:

Демон ҳам кўнгли поку, ҳам кўзи пок,
Тили поку. сўзи поку, ўзи пок,—

деб ҳар томонлама мукамал, маънавий, жисмоний гўзал, етук йигит тимсолини беради. Шунингдек, Навоий Фарҳодни меҳнат ва ҳунарга зўр ҳавасли, сангтарошлик, рассомлик ва наққошлик ҳунарларини ҳам мукамал эгаллаб олган йигит сифатида улуғлайди.

Илм ва ҳунарни эгаллаган, жисмоний жиҳатдан чиниққан, меҳнатсевар Фарҳод камтарин, мазлумларга ғамхўр, соф дил, мард ва олижаноб, жасур инсон бўлиб етишади.

Фарҳод бошчилигида ва унинг бевосита фидокорона меҳнати натижасида катта канал ("Ҳаёт дарёси") ва ҳовуз ("Нажот денгизи") қазилади. Навоий Фарҳодни сувсиз ерларга сув чиқарган қаҳрамон, меҳнат соҳасида мўъжизалар кўрсатган баҳодир йигит сифатида таърифлайди. У илм ва ҳунарни омма манфаати учун хизмат эттириш лозим деб ҳисоблайди. Фарҳод Ширинни қидириб, Арманистонга борганда, Арман юртида тоғда канал қазिश учун қийналиб ишлаётган кишиларни кўради ва:

Ҳунарни асрабон неткумдир охир,
Олиб туфроққаму кеткумдур охир!—

дея, ўз билими, ҳунар ва ғайратини ишга солади, канал қазувчилар машаққатини енгиллаштиради ва халқ ўртасида катта шуҳрат қозонади.

Бу қаҳрамоннинг муҳим хислатлари: ундаги қаҳрамонлик, халқпарварлик, ватанпарварлик ва дўстлик туйғуларидир. Фарҳод эл-юртнинг ободонлиги учун курашади ҳамда инсонларга офат келтирувчи душманларга қарши жанг қилиб, уларни мардона енгади.

Бундан ташқари, Навоий Фарҳод, Ширин ва Шопур образлари орқали халқлар дўстлиги ғоясини илгари суради. Фарҳоднинг арман қизи Ширинни севиши ва эронлик Шопур билан дўстлашуви халқлар дўстлиги ғоясининг ёрқин намунасидир.

Навоий Фарҳоднинг жасоратини бадиий тасвир этар экан, унинг мамлакат ободонлиги ва тинчлиги, халқ фаровонлиги ва илм бобида қилган хизматларини чуқур мазмунли мисраларда уйғунлаштиради:

Ки то олам, биноси бўлди бунёд,
Бу янглиғ қилмади иш одамизод.

Алишер Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достонида илгари сурилган юксак инсоний хислатлар, инсонпарварлик ғоялар ёш китобхонлар маънавиятига ҳам чуқур таъсир этади, уларнинг халқ, ватан учун керакли инсон бўлиб етишишларига хизмат қилади.

Буюк шоир болаларнинг ўқиши ва тарбиясига доир фикрларини "Лайли ва Мажнун" достонида ҳам илгари сурган. Янги мактаблар бино қилиш ғояларини тарғиб қилган Навоий мактабларда ўғил болалар билан бир қаторда қизларни ҳам ўқишини орзу қилади.

Алишер Навоий ўзининг Фарҳод, Қайс, Искандар ва бошқа ижобий образларининг тарбияланиш, таълим олиш борасидаги босиб ўтган йўлини, камолотга етиш босқичла-

рини тасвири, боланинг вояга етишида тарбиянинг алоҳида куч-қудратга эга эканлигини алоҳида уқтиради.

Шоирнинг 1500 йилда яратилган “Маҳбул-қулуб” (“Кўнгилларнинг севгани”) асари ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-таълимий қарашлари баён этилганлиги билан характерлидир. Навоий унда ижобий фазилатларнинг намоён бўлишида аввало улардаги ҳалоллик ва соддалик, самимийлик асосий омил эканлигини таъкидлайди ва бу меҳнатга муҳаббатнинг натижаси сифатида талқин этилади.

“Маҳбул-қулуб” 3 қисмдан иборат. Бунда Навоий донишманд ва мураббий, улкан маданият арбоби сифатида илм-фан, санъат ва адабиётнинг аҳамиятини тарғиб қилади, малакали, иқтидорли ўқитувчиларни, олимларни, шоирларни, санъаткорларни мақтайди, уларни ҳурмат қилишга ва қадрлашга чақиради. Ўқиш ҳам, ўқитиш ҳам оғир ва масъулиятли иш, у қунт, ҳавас ва меҳнат талаб қилади, деб уқтиради Навоий. Бу ўринда у мураббийларнинг ҳалол хизматларини алоҳида таъкидлайди.

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф
ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг
ҳақин юз ганж ила.

Одоб ва ахлоқни кишининг олижаноб фазилати, деб баҳолаган Навоий, бу асарида шундай фазилатлари туфайли бахтиёр бўлган Муқбил ва одобсизлиги оқибатида бахтсизликларга йўлиққан Мудбир ҳақида ҳикоя келтиради. Бундан ташқари, “Маҳбул-қулуб” нинг охириги қисми саховат ва ҳиммат, мурувват ва вафо, тил одоби кабиларга бағишланган. Шоир тил одобига катта эътибор бериб, кишиларни қисқа ва мазмунли, ўринли ва мантиқли сўзлашга, ёшларни яхши хулқ-одобли бўлишга, илм-ҳунар ўрганиш ва катталарнинг тажрибасини эгаллаб олишга чақиради.

Алишер Навоий ўз асарларида халқ оғзаки ижодидан, айниқса, мақоллардан самарали фойдаланиш билан бирга, ўзи ҳам таълим-тарбиявий аҳамиятга эга бўлган мақолларга яқин бўлган бир қанча ҳикमतлар яратди. Масалан:

Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ,

Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз.

Оз-оз ўрганиб доно бўлур,
Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.

Билмагани сўраб ўрганган — олим,
Орланиб сўрамаган — ўзига золим.

ХVII АСРДАН ХIХ АСР ЎРТАЛАРИГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА БОЛАЛАР КИТОБХОНЛИГИ

ХVII асрдан ХIХ асрнинг ўрталаригача бўлган давр Ўрта Осиёда синфий курашнинг янада кескинлашуви, феодал жабр-зулмига қарши халқ ҳаракатининг кучайиши ва феодал тарқоқлигининг авж олиши билан изоҳланади. Бу даврда реакцион феодал-клерикал санъатнинг таназули ва демократик қарашдаги маданиятнинг ривожланиши характерли хусусиятлардан эди.

ХVII асрда ўзбек адабиётида Турди Фароғий, Бобораҳим Машраб, Мавлоно Вафо Вафойй, Мавлоно Нодир каби пешқадам халқпарвар ижодкорлар етишди. Демократик ғояларни илгари сурувчи адабиёт ҳам халқ оғзаки ижоди билан реакцион феодал-клерикал адабиёт ўртасида зиддият кескинлашди. Бу даврда ўзбек ва тожик адабиёти намояндalари ўртасида ғоявий-бадий ҳамкорлик кўзга ташланиб турди.

ХVI—ХVII асрларда Ўрта Осиёда давом этган феодал тарқоқлиги ХVIII асрга келганда янада кучайди, мавжуд икки (Бухоро ва Хива) хонлик, уч (Бухоро, Хива ва Қўқон) хонликларига ажралиб кетди. Бу хонликлар ўртасида ўзаро урушлар кучайди.

Феодал жамиятидаги тушкунлик, синфий курашнинг кескинлашуви, халқ озодлик ҳаракатининг ўсиши бадий адабиётда ҳам ўз ифодасини топди. Меҳнаткаш омманинг орзу-умидлари, феодал зулмига қарши норозилик курашлари халқ оғзаки ижодида ва демократик ғояларни илгари сурувчи ёзма адабиётда ўз ифодасини топди.

Реакцион адабиёт билан прогрессив адабиёт ўртасидаги кураш янада кучайди. Бадий адабиётдаги бу кураш жамиятдаги синфий курашнинг ифодаси эди. Бу кураш жа-раёнида демократик адабиёт ўсиб, ривожлана борди.

Турди, Махмур, Гулханий, Мунис каби шоирлар ўз асарларида даврнинг ғоят муҳим муаммоларини, меҳнаткаш халқнинг аянчли аҳволини ҳаққоний бўёқларда фош қилдилар. Улар халқни шу аҳволга солган феодал ва руҳонийларни ҳажвий сатрларда аёвсиз танқид қилдилар, айни чоқда, маърифатпарварлик ғояларини илгари сурдилар.

XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг биринчи ярми ўзбек адабиёти тараққиётида муҳим бир босқичдир. Бу даврда халқнинг бахт-саодати, орзу-интилишларини куйлаган бир қатор атоқли ижодкорлар майдонга келди.

Фарғона водийсида Ҳувайдо, Акмал, Низомий Хўжандий (XVIII аср); Гулханий, Махмур, Нодира, Увайсий (XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошлари); Хоразмда Равнақ, Роқим, Нишотий (XVIII аср), Мунис, Огаҳий (XIX аср); Бухорода Жоний, Мужрим-Обид ва бошқалар шулар жумласига киради. Бу ёзувчи ва шоирлар болалар китобхонлигини юксалтиришга ҳам ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Мунис Хоразмий Ўзбек классик адабиётида Шермуҳаммад
Мунис шоир, тарихчи, педагог, таржимон сифатида эъзозланади. Чунончи, у шоир сифатида “Мунисул-ушшоқ” (“Ошиқлар дўсти”) девонини, педагог сифатида “Рисолаи савод” мажмуасини, тарихчи сифатида “Фирдавсул-иқбол” асарини яратди, таржимон сифатида Мирхонднинг “Равзатус-сафо” асарини таржима қилди ва хаттот сифатида ўзбек шоири Роқимнинг девонини кўчириб ўзбек адабиётида ўзига хос бой мерос қолдирди.

Эски мактаб ва мадрасалардаги таълим усулининг мушкул томонлари жуда кўп эди. Болалар мактабда кўп нарсани ўргана олмасдилар, вақтларини бекорга ўтказиб, сабоқларни кўр-кўрона ёдлардилар. Мунис таълим усулидаги ана шу қийинчиликларни бир қадар осонлаштириш мақсадида “Саводи таълим” (1803) рисоласини яратди.

“Мунисул-ушшоқ” девонига кирган 250 мисрали бу асар икки: назарий ва машқлар қисмидан иборатдир. Унинг биринчи қисмида хат ва саводнинг маданият тараққиётидаги аҳамияти кўрсатилади, турли ёдгорликлар, асарлар ва бошқа тарихий маълумотларнинг сақланиб қолишида хат (ёзув) нинг аҳамияти катта эканлиги таъкидлаб ўтилади:

Ҳар сўзки, кўнгилдин ўлди мавжуд,
Хат бўлмаса, бўлғай эрди нобуд. . .
Бу навъ буюрди шоҳи аброр,
Ким илм ёри хатдур эй ёр.
Бас мундоқ эса хат эътибори,
Иzzат дарин оч хат аҳли сори. . .

Мунис тил, ёзув ва ҳуснихатнинг аҳамияти, болаларнинг бадиий нутқини ўстириш кераклиги, уларни чиройли хат ёзишга ўргатиш зарурлиги ҳақида сўзлайди. Мунис хатнинг аҳамиятини унинг мантиқий жиҳатдан тўғри, хатосиз ва

чиройли ёзилиши билан боғлайди, ҳарфларни осонроқ йўл билан ўрганиш учун машқлар келтиради.

“Саводи таълим” нинг иккинчи қисмида Мунис ҳарфларнинг шакли ҳамда ёзилиши ҳақида машқлар беради.

Мунис халқнинг саводсизлигидан қайғурар, унинг саводхон, билимдон ҳамда “аламдан озод” бўлишини истар эди.

Ўқиш-ўқитиш, ёзув ва ҳуснихатга оид қўлланмалар бўлмаган бир вақтда бу китобнинг майдонга келиши болаларга билим беришда ижобий аҳамиятга эга эди.

ГУЛХАНИЙ

Муҳаммад Шариф Гулханий XVIII асрнинг охири, XIX асрнинг бошларида яшаб ижод этган, ўзбек адабиётининг демократик йўналишига мансуб бўлган ёзувчидир.

Гулханий меҳнаткаш халқнинг оғир, машаққатли ҳаётини ўз кўзи билан кўрди, сарой базмлари, кети узилмас майпаस्तликлар халқни талаш ҳисобига бўлишини пайқади ва бундай салбий воқеалар унинг дунёқарашида муайян ўзгаришлар ясади. Натижада, унда сарой ҳаётига нисбатан чексиз нафрат пайдо бўлди. Аммо шоир давр тақозосига кўра ҳукмрон доиралардан норозилигини ва нафратини очиқ-ойдин ифодалай олмас эди. Шунинг учун “Зарбулмасал” номли мажозий асарни ёзишга киришди.

Асарда шоирнинг мақсади, ҳаётга, уни ўраб олган муҳитга, ҳоким табақаларга бўлган муносабати тўғридан-тўғри ифода этилмай, балки ҳайвонлар, қушлар ва шунга ўхшаш мажозий образларнинг тасвири орқали ифодаланади. Унда иштирок этувчи ҳайвонлар, паррандалар, дарахтлар, гуллар, қурт-қумурсқалар, воқеа-ҳодисаларнинг ғоят қизиқарли, сирли ифодаланиши жиҳатдан қараганда, шоирнинг “Зарбулмасал” асари болалар китобхонлигида алоҳида ўрин тутди.

Гулханий лирик шеърлари ва масали орқали ўша даврдаги ҳукмрон синф вакилларино фош қилади, мамлакатга харобалик, халққа қашшоқлик келтирган ўзаро феодал урушларига қарши омманинг норозилигини ифодалайди.

“Зарбулмасал” халқ оғзаки поэтик ижодининг талай мазмундор мақоллари, масал ва ҳикматли сўзлари ҳамда таъбирларидан ижодий фойдаланиш асосида яратилгандир. “Зарбулмасал” тузилиши жиҳатидан халқ эртакларига ўхшаш бўлиб, воқеа йўналиши (Япалоққуш билан Бойўғли ўртасидаги қудачилик муносабатига боғлиқ ҳолда) қолипловчи характерда бўлиб, бир қанча мустақил кичик-кичик воқеабанд ҳикояларни қамраб олади.

Воқеаларнинг бундай тасвирланиши ёшлар ва болалар адабиётига хос хусусиятлардан биридир. Болалар эса бундай асарларга жуда қизиқиб қарайдилар.

Масалдаги қаҳрамонлар, асосан, қушлар, ҳайвонлар бўлиб, унда Холбоқи мисгар, Ёдгор пўстиндўз ва Ҳофиз эшон калла каби кишилар номи ҳам берилган.

Фарғона иқлимида Кайқубод отлиқ шоҳдан қолган бир эски шаҳристон бўлган. Унда Бойўғли яшар экан. Бойўғлининг Гунашбону исмли ой юзли жуда гўзал бир қизи бор эди. Бу шаҳристондан сал узоқроқда Япалоққуш ва унинг ўғли Кулонкир султон яшар эди. Япалоққуш Гунашбонуни ўз ўғли Кулонкир султонга олиб бермоқчи бўлади ва Бойўғлининг уйига Кўрқушни совчи қилиб юборади. Қизнинг отаси уруғ-аймоқлари билан кенгашиб, бир қарорга келгандан сўнг жавоб беражагини билдиради. Бу хабар қушлар шоҳи Малик Шоҳингача бориб етади. Малик Шоҳин Бойўғли талаб қилган қалин миқдорини аниқлаш ва уни тайёрлаб қўйиш мақсадида синалган, ишнинг кўзини биладиган хазиначиси Кордонни Турумтой исмли хизматкори билан қўшиб, Бойўғлининг уйига жўнатади. Кордон Бойўғлидан аниқ жавоб ололмай, Кўрқуш олдига бориб, бўлган воқеани унга баён қилади. Охири Кўрқуш қизинг отаси талаб қилган минг чордевор эвазига унинг розилигини олгандан сўнг Кулонкир султон тўй-томоша билан Гунашбонуга уйланади.

Гулханий “Зарбулмасал” даги Япалоққуш, унинг ўғли Кулонкир султон, Бойўғли, унинг қизи Гунашбону, Кўрқуш, Ҳудҳуд, Шўранул, Малик Шоҳин, Кордон, Турумтой каби қушларнинг ўзаро суҳбат ва мунозаралари, ҳаракатлари орқали ўша давр ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги, одамлар орасидаги воқеа ва муносабатларни, оилавий ҳаётни (қуда бўлиш, қалин тўлаш каби урф-одатларни), турли ижтимоий гуруҳларнинг маънавий қиёфасини, улар характериға хос хулқ-атвор ҳамда ўй-фикрларни усталик билан ёритиб беради. Айниқса, ҳукмрон синф вакилларининг ҳийлагарлик, алдамчилик, мақтанчоқлик, хушомадгўйлик, лаганбардорлик, очкўзлик каби жирканч томонларини шафқатсиз равишда фош этади. Гулханий асарида илгари сурилган бундай қарашлар орқали болаларни тўғри, ростгўй, камтарин қилиб тарбиялашга ва уларни ҳийлагарлик, ёлғончилик, мақтанчоқлик ва бошқа зарарли урф-одатларга нисбатан нафрат уйғотишга катта ҳисса қўшди.

Япалоққуш зиқна, мақтанчоқ, калтабин ва шуҳратпараст

шахс тимсолидир. У шуҳрат қозониш, бойлик орттириш мақсадида Бойўғлига қуда бўлади.

Бойўғли феодал ҳукмдорнинг мажозий тимсоли. У ўзини Кайқубод харобасининг подшоси деб ҳисоблайди, ҳаммага даҳшат солади. Бойўғли мол-дунёга ўч образ сифатида тасвирланади.

Кулонкир султон амир-амалдорларга хос муштумзўрлик, талон-торож, шоҳона сарой қуриб, айш-ишрат сурувчи, шуҳратпараст образидир.

Асардаги Кордон образида айёр, муғамбир, мансабпараст, маишатпараст кишилар тасвирланса, Кўрқуш образида хушомадгўй, субутсиз, мунофиқ, мустақил иш қилишга қобилиятсиз кимсалар, Шўранул образида эса айёрлик, муғамбирлик, хасислик каби бой ва савдогарларга хос хусусиятлар кўрсатилади.

Дин аҳлларининг нодонлиги, очкўз, молпараст ҳамда алдамчилигини Шўранул, Бойўғли ва бошқалар тилидан фош этилади.

Гулханий ўша даврдаги ҳоким ижтимоий гуруҳлар вакилларининг умумлашма мажозий образларини яратади ва уларнинг кирдикорларини даҳшатли ҳодисалар, вайрона уй-жойлар, қабиҳ давр ва жамиятга хос воқеалар асосида фош қилади.

Асарнинг бош қаҳрамони Бойўғли ва Япалоққуш ҳоким табақа вакиллари (амир, хон, феодаллар) ни эслатади. Бойўғли ва Япалоққуш шоир айтганидек, бўри ва тулкилардир. Улар ўз табиатлари, моҳият эътиборлари билан фалокат ва харобалик туғдирувчилардир. Бойўғли шаҳар ва қишлоқларнинг вайрон бўлишидан мамнун. Япалоққуш ҳам вайроналикни истайди.

“Зарбулмасал” да кичик-кичик ҳикоялар ҳамда жамиятнинг турли ижтимоий гуруҳ вакиллари кирдикорларини, уларнинг хатти-ҳаракатларини фош қилувчи ҳажвий масаллар ҳам бор. “Маймун билан Нажжор”, “Туя билан Бўталоқ”, “Тошбақа билан Чаён” шундай типдаги ҳикоялардир.

“Зарбулмасал” даги воқеалар — латифа, масал ва ҳикоялар бири иккинчисига усталик билан боғланади, кейинги воқеа олдингисининг давоми сифатида ривожланади.

“Маймун билан Нажжор” Масал Кашмир ўлкасининг гўзал табиятини тасвирлаш билан бошланади:

Бор эди Кашмир навоҳида тоғ,
Боғи эрам рашкидин кўксига доғ.
Зулф каби сунбули хушбўлари,
Роҳатижон эрди оқар сувлари.

Ана шундай гўзал жойда истиқомат қилувчи маймун дурадгорликка ҳаваси келиб, кесилган ёғочнинг устига чиқиб, уни ёра бошлайди. Унинг думи пона қоқилган тешикка кириб қолади, натижада маймун думидан ажралади.

Гулханий бу масалида ҳунар ва ҳунар аҳлини улуғлайди, қўлингдан келмайдиган ишга асло уриниб кулги бўлма, кўр-кўрона бировга тақлид қилиб фалокатга йўлиқма, деган фикрни маймун қисмати орқали кўрсатади.

Нажжор жуда ақлли ва моҳир ҳунарманд сифатида тасвирланади. У ижтимоий-фойдали меҳнат билан шуғулланишни ҳар нарсадан юқори қўяди. Гулханий Нажжор ва унинг меҳнатини, дурадгорлик маҳоратини катта муҳаббат билан тасвирлар экан, ҳаттоки маймун ҳам меҳнатга муҳаббат билан қарайди, ҳунарга ва ҳунар эгасига унинг ҳам ҳаваси келади, деган фикрни олға суради:

Айди:

Улус ичра бу бир касбдур,
Касбни бошина кийсанг насбдур. . .
Мен дағи Нажжорликни ўрганай,
Болаларим барчасига ўргатай¹.

“Беҳунар элни дерлар риши хар” — Гулханий ҳунарсиз одамни эшак соқолига ўхшатади.

Гулханий инсонни, унинг меҳнатини, ҳунарини, фазилатларини бағоят юқори баҳолайди ва улуғлайди, ҳунар ўрганиш учун қунт ва чидам билан меҳнат қилиш кераклигини таъкидлайди. Унинг “Тикансиз гул, садафсиз дур, машаққатсиз ҳунар бўлмас” иборасини келтириши бежиз эмас, албатта. “Ҳалво деган бирла оғиз чучимас” мақоли орқали машаққатсиз ҳунар, меҳнатсиз роҳат бўлмаслиги уқтирилади.

“Туя билан Бўталоқ” Бу масалда феодализм давридаги меҳнаткаш халқнинг ниҳоят даражада оғир ҳаёти ва меҳнати, ҳуқуқсизлиги ва ночорлиги, — бир сўз билан айтганда аянчли қисмати ўзига хос бадий лавҳаларда акс этади. Шунингдек, масалда баъзи меҳнат аҳллари онгидаги парокандалик, кўникиш ва итоаткорлик кайфиятлари ҳам ўз аксини топган. Ўша даврда меҳнаткаш халқ қисматидаги аччиқ ғам-алам ва бахтсизлик характерли эпизод орқали кўрсатилади:

Фарғонада бир Сорбон (туячи) нинг Туя билан Бўталоғи бўлган экан. Бир куни эгаси Туяга юк ортиб, бўталоғини

¹ Гул х а н и й. “Зарбулмасал”, “Ўқитувчи”. Тошкент. 1972. 16-бет.

эргаштириб йўлга тушади. Жазирама чўлда Бўталоқ онасини эмолмай, оч ҳолда туя ортидан зорланиб кетаверади. Бўталоқнинг оёқлари куяди, чанқайди ва ниҳоят онасидан эмизишни сўрайди. Онаси: кўрдингики, менда бурундук бор, бурундукнинг учи ўзганинг қўлида, унинг кўзи эса ўз йўлида, ихтиёр менда эмас... дебди.

Туя ўша замондаги эзилган, тутқун, эрк-ихтиёрсиз, огир меҳнат бандаси ҳамда қул қисматига маҳкум этилган меҳнаткашларнинг мажозий образидир. Бўталоқ эса, она сутига ҳам тўёлмай, огир, машаққатли ҳаёт кечирган, оч-яланғочликда, муҳтожликда яшаган эрксиз меҳнаткаш болаларининг тимсолидир.

Масалда саргардон Бўталоқ билан нотавон, иложсиз она Туянинг ички дунёси, кечинмалари зўр маҳорат билан ифодаланеди. Жазирама қуёш остида Туя тинмай йўл босади, оч-наҳор Бўталоқ эса она сийнасига зор. У онасини бир нафасга тўхташини, унинг сутидан баҳраманд бўлишни истайди:

Бўзланиб айди: Ҳало бераҳм онам,
Куйди-ю ёнди, туташти танам.
Аста-аста юрсанг, бўлғай не ғам,
Сийнаи сутингдин, эмай дам-бадам.

Онаизор ҳам боласининг бу ҳолатидан изтиробда, лекин бир зум тўхтамоққа унда ихтиёр йўқ:

Айди аноси боласига боқиб,
Кўзларининг ёшлари сувдек оқиб:
Кўрки, бурундук кишининг қўлида,
Бу кишининг кўзлари ўз йўлида.
Менда агар зарра каби ихтиёр
Бўлса эди, бўлмас эдим зери бор¹

Бўталоқнинг онасига айтган сўзларида чорасиз жониворнинг қалб аламлари, мунгли ички кечинмалари бадиий, содда, халқона ибораларда акс этган. Бу ҳол болаларда Бўталоқнинг огир ҳолига нисбатан раҳмдиллик, уни шу ҳолга солган эзувчи синф вакилларига эса нафрат туйғуларини шакллантиради.

Масалда қаҳрамонлар (Туя билан Бўталоқ) нутқи, оҳанги (ҳазин, ғамгин, ҳаяжонли, оддий, сўзларининг мазмуни) конкрет ҳаётий ҳолатларга мос ва ҳамоҳангдир. Унда

¹ Гулханий. “Зарбулмасал”, 18-бет.

асосий мақсадни очиш учун табиат манзараларидан (жазирама иссиқ, темирдек қизиган қум ва ҳоказо) яхши фойдаланилган. Тасвирда келтирилган тафсилотлар (туядаги оғир юк, бурундуқ) мантиқий боғланган. Буларнинг ҳаммаси уйғунлашиб, шоир мақсадини кучли, чуқур ҳамда таъсирли очишга ёрдам берган. Тасвирдаги бундай аниқлик болаларга асар мазмунини, ғояси ва образларининг характерини осонлик билан тушуниб олишга имкон беради.

“Тошбақа билан Бу масал “Бозанда ва Навозанда” ҳикояси Чаён”

ичида “Санпушт ва Чаён” номида берилган.

Ундаги ният Кордон тилидан Турумтойга Бозанда ва Навозанда номли икки кабутарнинг саргузаштини ҳикоя қилиб бериш орқали баён қилинади.

Тошбақа Ироқдан Ҳижозга кетаётганида Чаёнга дуч келади. Улар “дўстлашиб”, йўлда кетаётганларида қаршиларида дарё пайдо бўлади. Тошбақа сузиб ўтади. Бир вақт орқасига қараса, Чаён дарё қирғоғида қимирламай бир жойда турибди. Қайтиб келиб, Чаённи ўз устига миндириб олиб, қирғоқ томон суза бошлайди. Йўлда Чаён Тошбақани чақмоқчи бўлади, буни билган Тошбақа сувга шўнғиб, Чаённи чўктириб юборади.

Масалда бир-бирига зид ва қарама-қарши икки образ берилган: Тошбақа — ақлли, фаросатли, сафарларда кўп юриб, анча тажриба орттирган, инсофли, содиқ ва қадрдон дўст тимсоли. У ўз ҳамроҳи Чаённинг сувдан ўта олмаслигини билгач, ўйланиб қолади: “Йўлдош бўлмоқ шарт бу эмаски, оз ҳодиса бирла ҳамкорлик расмини бартараф қилсам, унча хўб эмас. Авло улдурки, ўткариб қўйсам, қадимий яхшилар масалидурким: “Яхшилик қил, сувга сол, сув билмаса балиқ билур, балиқ билмаса холиқ билур”. Тошбақа шундай ўй-андиша билан Чаёнга ёрдам қўлини чўзади. Лекин у Чаённинг ҳиёнатини, “Сен билмайсанми Чаённинг муддаоси, хоҳ дўстнинг кўксига, хоҳ душманнинг орқасига бўлсин, ниш уришдир” деган жавобини эшитгач, уни ҳалок қилади. Гулханий бу масали орқали Чаёнга ўхшаган одамлар билан дўст ва ҳамроҳ бўлмасликка, киши ўзини ва тақдирини ўшандай кишиларга топшириб қўймазликка чақиради.

Чаён бутун умри бўйи бировларга ёмон қилган, уларга зиён-заҳмат етказган, яхшиликни билмайдиган, яхшиликка ёмонлик қайтарадиган, хиёнаткор тоифаларнинг рамзий образидир.

Гулханий ўзининг “Тошбақа билан Чаён” масали орқали болаларни ҳушёрликка, дўст билан душманни ажрата билишга, душманга нисбатан нафратли бўлишга чақиради.

“Зарбулмасал” энг яхши насрий асар намуналаридан бири бўлиб, кенг халқ оммасига, шунингдек, болалар ва ёшларга тушунарли содда тилда ёзилган. Асардаги масаллар, мақол ва ҳикматли сўзлар, шеърӣй ва насрий парчалар жонли халқ тилига ғоят яқин бўлиб, кундалик ҳаётда кўп ишлатиладиган иборалар асарнинг ғоявий-бадий бирлигини, ҳаққонийлиги ва ўқилишлилигини таъминлаган. Айни чоқда, давр руҳи, халқ ҳаётининг реалистик тасвири, даврга нисбатан ёзувчи муносабати ҳам ғоят аниқ ифода этилади. Асарда илгари сурилган ахлоқий-таълимий қарашлар ёш китобхонлар тарбиясига самарали таъсир кўрсатиши билан бирга ўзбек болалар адабиётининг яратилиши ва шаклланишида ҳам катта аҳамиятга эга бўлди.

ХІХ АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ ВА ХХ АСР БОШЛАРИДА БОЛАЛАР КИТОБХОНЛИГИ

ХІХ асрнинг ўрталарида Ўрта Осиё халқларининг биринкетин Россия томонидан босиб олинishi ва феодал муносабатлар асосига қурилган ўзбек хонликларининг таназзулга юз тутиши бу ўлка тарихида, иқтисодий-сиёсий ва маданий ҳаётида ўзига хос ўзгаришлар ясади.

ХІХ асрнинг иккинчи ярмида мактаб-маориф соҳасида содир бўлган ўзгаришлар ХХ асрнинг бошларида янги усул мактабларининг пайдо бўлишига, маҳаллий халқ ўртасидан Саидрасул Саидазизов, Абдулла Авлоний, Рустамбек Юсуфбеков, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Садриддин Айний каби кўплаб атоқли педагогларнинг етишиб чиқишига замин ҳозирлади.

Ўрта Осиёнинг кўп шаҳарларида рус-тузем мактаблари, гимназиялар очилди. Бундай мактабларда маҳаллий халқ болаларига турли фанларни ўргатиш билан бирга, Крилов, Пушкин каби қаламкашларнинг болаларга оид эртак ва масаллари билан ҳам таништирганлар.

Халқ оғзаки ижоди анъаналарини, Навоий, Мунис, Гулханий, Фурқат каби машҳур маърифатпарварларнинг ғояларини давом эттирган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Садриддин Айний, Абдулла Авлонийлар ўзларининг илк ижодий фаолиятларидаёқ болалар ўқувига катта эътибор беришди. Улар ўзлари яратган турли асарларида болаларни саводли, билимли, илғор фикрли, яхши хулқли, ўз ватанига, халқига муҳаббатли, чин дўст ҳамда меҳнатсевар бўлиб етишишга чақирдилар. Бу билан улар ҳозирги замон болалар адабиётининг вужудга келиб шаклланишида муҳим ҳисса қўшишди.

ЎЗБЕК БОЛАЛАР АДАБИЁТИ

Болалар
ойномалари

20- йилларнинг бошларида болалар учун махсус адабий-бадий ойнамалар, шеърӣ тўпламлар нашр этила бошланди. Булар болалар адабиётининг юксалишида ва болалар ёзувчиларини етиштиришда муҳим роль ўйнади. М. Горкий 1919 йилда биринчи болалар ойнамаси “Шимол ёғдуси” ни ташкил этган вақтда Петроградда “Красные зори”, Тошкентда эса “Юный туркестанец” (“Ёш туркистонликлар”) ойнамалари

чиқа бошлайди. Бу ойномаларда умумий ўхшашлик бор эди. Ойномалар ёшларни янги тузум ҳаёти билан атрофлича таништиришни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйганди.

“Ёш туркистонликлар” ойномаси (1919—1920 йиллар, 8 та сони чиққан холос) рус тилида бўлиб, унинг айрим саҳифаларигина ўзбек тилида босилар эди. Ойнома ўз ўқувчиларига мурожаат қилиб, сизларга эркин ҳаёт келтирган ҳамда бу курашларда қаҳрамонона ҳалок бўлган кишилар ҳаёти ҳақида, келажак авлоднинг қандай бахтли турмуш кечириши тўғрисида ҳикоя қилиб беради, дер эди. Ойнома ўз мақсад ва вазифаларинигина кўрсатиб қолмай, болалар учун асар ёзувчилар шоир ва адиблар олдига катта ва масъулиятли вазифалар ҳам қўяди. Шубҳасиз, бу даврдаги ойномалар айниқса болалар адабиётининг юксалишига муҳим ҳисса қўшди.

М. Горький ташкил қилган “Шимол ёғдуси” билан “Ёш туркистонликлар” ойномаси ўртасида яқиндан алоқа ўрнатилди. “Шимол ёғдуси” да “Ажойиб кишилар ҳаёти” дан туркуми ташкил қилингани каби “Ёш туркистонликлар” ойномасида ҳам шундай туркум остида мақолалар берилди бошланди. Шунингдек, ойнома саҳифаларида М. Горькийнинг сурати, унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида мақола ҳамда адибнинг “Италия ҳақида эртақлар” асаридан парчалар босилган.

“Ёш туркистонликлар” ойномаси саҳифаларида Самарқанд тарихига оид материаллар, ажойиб биноларнинг расмлари ҳақида маълумотлар босилган. Булар болаларни ўтмиш тарихи, шу жумладан, Самарқанд тарихи билан таништиришда катта аҳамиятга эга бўлди.

“Ёш туркистонликлар” ойномаси Туркистон жумҳуриятида биринчи махсус болалар ойномаси бўлганлиги учун ҳам ўзбек болалар адабиётининг ривожланишида катта аҳамиятга эгадир.

1919 йил май ойидан бошлаб Самарқанд вилоят халқ маориф шўъбасининг “Болалар йўлдоши” номли илмий, адабий ойномаси чиқа бошлади.

1921 йилнинг мартдан бошлаб Халқ Маорифи Комиссарлигининг “Болалар дунёси” ойномаси чиқа бошлади. Ойномани очишингиз билан “Ўқиғувчи болалар кишилиқ дунёсининг эгаларидир”, деган шиорга кўзингиз тушади. Бу ойнома ҳам ўқувчи болаларга маърифат тарқатишни ўзининг асосий вазифаси қилиб қўяди. Унда бериладиган кўпчилик асарларда янги усулдаги мактабни жон-дилидан севган, илм фанни эгаллашга астойдил ҳаракат қилаётган болаларнинг қиёфаси кўрсатилар эди.

Ойномада Ғулом Зафарийнинг бир пардали “Баҳор” номли операси босилган эди. Бу асар лапар усулида ёзилган

бўлиб, унда баҳорни тасвирлаш орқали драматург ўша давр учун жуда муҳим бўлган таълим-тарбия масалаларини кўтариб чиқади.

Булардан ташқари болалар ва ёшлар учун рус тилида “Юный коммунист” (1919—1920), “Новый мир” (1922), татар тилида “Болалар дунёси” (1919) (3 та сони чиққан) ойномалари ҳам нашр этилган.

1929 йилдан бошлаб болалар учун махсус “Ёш куч” ойномаси чиқа бошлади. Ойнома саҳифаларида фақат ҳикоя, шеър ва дostonларгина эмас, адабиётшунослик ва бадиий маҳоратга оид мақолалар; танқид-тақризлар ҳам босилди. Ойномада иштирок этган шоир ва ёзувчилар ўз асарларида ёшларни ўқишга, билим олишга чақиришди, уларда меҳнат ва Ватанга муҳаббат ҳисларини тарбиялашни кўзда тутдилар.

Ойнома 30- йилларда ҳам давом этиб, болалар ёзувчиларини етиштириш ишига катта ҳисса қўшди. Умуман, болалар учун нашр этилган махсус ойномалар болалар шоирларини тарбиялашда, улар адабиётини юксалтиришда катта аҳамиятга эга бўлди.

20- йилларда катталар учун асарлар ёзган шоирларнинг ижодида болаларга атаб асарлар ёзиш аста-секин кўпая борди. Шу билан бирга 20- йилларнинг охирида фақат болалар учун асар ёзишни мақсад қилиб олган шоирлар ҳам етиша борди. Зафар Диёр, Д. Оппоқова, Ғ. Зафарий, И. Муслим, А. Раҳмат, С. Жўра, Ш. Саъдулла, М. Оқилова, Қ. Муҳаммадий, Ҳаким Назир каби болалар ёзувчиларининг ижоди аста-секин шакллана бошлади.

Ҳозирги замон ўзбек болалар адабиётининг шаклланиш жараёнида турли жанрларда яратилган ҳаққоний асарлар пайдо бўлди. Болалар ёзувчиларининг асарларида ёшларни тарбиялаш, ватанпарварлик, ижодий меҳнат, илм-фанга муҳаббат, катталарга ҳурмат каби оҳанглар янгради.

20- йилларнинг биринчи ярмида Ҳ.Ҳ. Ниёзий, С. Айний, А. Авлониёлар болаларга атаб бир қанча асарлар ёзган бўлсалар, кейинроқ Элбек, Ғулом Зафарий, Ш. Сулаймон, Ғайратий, Ғафур Ғулом, Ойбеклар болалар учун бир қанча асарлар ёзиб, болалар адабиётининг ривожига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Элбек — Машриқ Юнусов 20- йилларда болалар учун эртак, масал ва қўшиқлар ёзган шоирдир. Унинг “Армуғон” масаллар тўплами 1923 йили Туркистон жумҳурияти давлат нашриёти томонидан босиб чиқарилди.

Ғулом Зафарий (1889—1944) Йигирманчи йилларда ўзбек болалар драматургиясининг ривожланишига маълум ҳисса қўшган ёзувчилардан бири шоир ва драматург Ғулом Зафарийдир. У моҳир ўқитувчи бўлибгина

қолмай, ёзувчилик ва мусиқа талантига эга бўлган адиб ҳамдир. Педагоглик фаолияти, ёзувчида болаларга бўлган муҳаббат уни болалар учун асарлар ёзишга ундайди. У 20-йилларда болалар учун “Қуён”, “Мозорликда” (“Етим ва етима”), “Эрк болалари”, “Татимбой ота”, “Баҳор”, “Гунафша” каби шеър, қўшиқ ва бир пардали ёки бир кўринишли пьеса ҳамда саҳна асарлар яратди.

Унинг болаларга бағишлаб ёзган энг яхши асарларидан бири “Тилак” (1922) пьесасидир. Муаллиф бир пардадан иборат бу асарида болаларни ўзаро дўст бўлиб яшашга, илм олишга ва маданиятли кишилар бўлиб улғайишга чақиради. Ёш ўзбек қизларини мактабда ўқишга, билим олишга чақириш ўша давр учун энг характерли воқеа эди. Асар қаҳрамонларидан Мурод, билим юртида қизлар ўқимаётганлигидан, бу ишга маориф шўъбасидаги айрим кишилар бефарқ қараётганидан ташвишга тушади, ачинади. Бу вақтда ғойибдан саҳна орқасидан “. . . қўй бола, хафа бўлма, тез кунда замон кўрсатар. Қизлар ўзлари тўсиқларга қарамай интиларлар . . .”, деган овоз келади. Ғойибдан келган бу овоз Муродга таскин беради, аммо унинг умидвор кайфиятига зид равишда қаршисида катта саллали ва қўрқинчли шайтон пайдо бўлади: “. . . йўқ, бола, алданурсан, қизлар билимлиги ярамас, уларга ўқимоқ ҳаром” — дейди шайтон. Шу пайт оппоқ кийимда қўлида китоб ва чироқ кўтарган бир қиз саҳнада пайдо бўлади, шайтон эса, ғойиб бўлиб кетади. Бу билан Ғ. Зафарий мактабларга ўғил-қизлар тортилиб, илмли кишиларнинг кўпайиши муқаррар эканлигини кўрсатади. Муроднинг ўша вақтдаги орзу-умидлари ҳаётимизда аллақачон ҳақиқатга айланган.

1926 йилда Ғулом Зафарийнинг “Болалар дунёси” номли махсус томошалар китоби босилиб чиқди. Бунга “Қуён”, “Тўсқинчилик” (“Ёмон ўртоқ”), “Раҳимлик ўқиғувчи” каби пьесалари киритилган. Ундаги болалар ҳаётидан олинган бир кўринишли “Қуён” номли саҳна асари мактабгача тарбия ёшидаги болаларга мўлжаллаб ёзилган. Шоир асар ғоясини болаларга осон сингдириш мақсадида уларга мос, қизиқарли сюжет топа билган. Бу Зафарийнинг болалар адабиёти хусусиятини яхши билганидан дарак беради.

Абил ҳовлига кирса, қуён нарвон устида экан, мушук у ерга чиққач, қуён йиқилиб тушади. Қумри-қуёним ўлиб қолди, деб ачинади. Акаси Абил уни табиб ёки фолбинга кўрсатамиз, деб жўнаб кетади. Табиб қуённинг қўли синганини, бурни пачоқланганини айтади. Синглиси хафа бўлганини кўрган Абил энди фолчи, кинначи олиб келмоқчи бўлади. Қумри улардан ҳеч фойда йўқлигини — Қуёнчани тузата

олмасликларини айтади. Абил буни синглисини синаш учун айтганини билдиради ва доктор олиб келади. Қуёни соғайганидан Қумрининг шодлиги ичига сиғмайди.

Тўпламдаги ўқувчилар турмушидан олинган бир кўринишли “Тўсқинчилик” (“Ёмон ўртоқ”) драма асари ҳам диққатга сазовордир. Асарда бир-бирига зид тушунчага эга бўлган икки бола образи кўрсатилади. Драматург илм йўлини ҳаётдаги энг тўғри йўл деб тушунганидан мактабни ўзига нажот ва бахт берувчи даргоҳ деб билган Шарифжон образида кўрсатса, ёшликни фойдасиз ўйин-кулгидан, чойхоналарда улфатлар билан бирга ялло қилишдан иборат деб билувчи қолоқ Ёдгор образида беради.

Ёдгор ва унинг ўртоқлари Шарифжонни йўлдан оздирмоқчи бўладилар, бироқ бунга эриша олмайдилар. Асар эскилик ва нодонликни қоралаш, даврга муносиб ўқимишли ва илғор кишилар бўлиб стишишга чақириш билан тамомланади. Бу асарнинг энг характерли томони шундаки, Ғулом Зафарий унда етгита (лайли куйи, Анжанга борай дедим, қашқарча гулу сунбуллар, ялама ёрим, уфор куйи каби) куйга мослаб шеър ёзган. Бу билан муаллиф болаларнинг асар ғоясини тез ўзлаштиришига, уларнинг эстетик завқ олишига катта ёрдам беради.

“Тотимбой ота” номли бир кўринишли драма асари “Айрилганни айиқ ер, бўлинганни бўри ер” халқ мақоли асосида ёзилган.

Ғулом Зафарийнинг юқорида тилга олинган баъзи асарлари бадий жиҳатдан бўш, схематик тарзда бўлса-да, бу болалар адабиётининг нисбатан ёш эканлиги, ҳали изланишлар жараёнида эканлиги билан изоҳланади. Энг муҳими, бу асарларда даврнинг долзарб муаммолари тилга олинган, маълум тарғибот вазифасини адо этган.

ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ

(1889—1929)

Ҳамза ёшлик чоғлариданоқ меҳнаткаш халқнинг оғир аҳволи билан яқиндан танишди, унга ғоят ачинди. Лекин у бошда оғир аҳволнинг асосий ижтимоий сабабларини тўла тушуна олмади. Ҳамза муҳтожлик ва қашшоқликни илмсизлик ва маърифатсизлик натижаси деб билади. Шунинг учун у ўзининг бутун куч-қувватини халққа маърифат тарқатишга бағишлади.

Ҳамзанинг педагоглик фаолияти 1911 йилдан бошланди. У дастлаб Қўқон шаҳрининг Ҳожибек гузариди камбағалларнинг фарзандлари ва етим-есир болалар учун янги усулдаги мактаб очади.

Ҳамза меҳнаткаш халқ оммаси ва унинг болаларини ўқитиш ва тарбиялаш мақсадида, уларни моддий жиҳатдан таъминлашни назарда тутиб, “Ёрдам жамияти” ташкил қилди. Шу жамият орқали у ўқувчиларни ўқув қуроллари, кийим-кечак ва озиқ-овқат билан таъминлаб турди. Ҳамза ўзи ташкил қилган мактаб ёнида катталар учун кечки курс очади. Бу мактаб ҳақида унинг ўзи кейинчалик шундай деган эди: “Ўқиш муддати 2 ойдан 4 ойгача ҳам савод тамом чиқарилур, ҳам ҳисоб ўргатилур. . .”

Бундай илғор ташаббус чор чиновниклари, бой ва руҳонийларнинг қаршилигига дуч келади. Оқибатида Ҳамза очган мактабни “хавфли” деб ёпадилар ва ўзини таъқиб қила бошлайдилар. Ҳамза эса Қўқон шаҳридан чиқиб кетишга мажбур бўлади. 1914 йил бошларида у Қўқон шаҳрига қайтиб, яна ўқитувчилик ишига киришади.

1914 йилда жаҳон уруши бошланади, бунинг таъсирида меҳнаткаш халқ янада қашшоқлашади, болалар ниҳоятда аянчли аҳволда яшайдилар. Бу ҳол Ҳамзага таъсир қилади. Шоир уларнинг оғир аҳволини ифодаловчи шеър ва мақолалари билан матбуотда мунтазам равишда қатнашиб туради. Ҳамза 1914 йил “Садои Туркистон” рўзномасида босилган шеърда халқ аҳволини шундай таърифлайди:

. . . Камбағаллар титрашиб юргай яланғоч изгушуб,
Оҳ, бу фақир асорат онлара сайёддир.
Дил шикаста, бағри хун, кўзида ёши шашқатор,
Отасиз, бахтсиз етимлар ҳолига фарёддир.

Шундай шароитда Ҳамза “бир илож қилиб камбағал болаларни ақчасиз. . . тарбия ва уқувга бошларини банд қилмоқ . . . ” чораларини излайди, шеър ва мақолаларида болаларни ўқишга чақиради. Бу ғояни Ҳамза “Ўқи” шеърда баён этади. Ўша йили октябрь ойида у етим ва камбағал болалар учун “Дорил етим” (“Етимлар мактаби”) ни очади ва ўзи ўқитувчилик қилади. Ҳамза биринчи синф ўқувчилари учун “Енгил адабиёт”, II синф учун “Ахлоқ ҳикоялари” ўқиш китобларини тузади.

Ҳамза ўзи очган мактабларида ёшларга дунёвий фанлар ўқитиш, ақлий, ахлоқий тарбия бериш, ҳунар ўргатиш каби бир қатор тарбиявий-педагогик ишларни амалга оширади. Бироқ бу мактаб ҳам руҳонийлар томонидан ёпилгач, шоир шаҳарни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлади. Лекин Ҳамза халқ болаларини тарбия қилиш йўлидаги фаолиятини асло тўхтатмайди. У 1915 йили Марғилонга бориб, камбағал болалари учун мактаб очади. 1918 йилда эса Фарғонага бориб ўқитувчиликни давом эттиради ва у ердаги ёш санъаткорларни тўплаб, “Сайёр драм труппа” ташкил қилади. 1919 йилнинг бошларида Ҳамза Қўқондаги 1- сон боқимсиз болалар уйига мудир қилиб тайинланади. Бу ерда у уч синфли мактаб очиб, ўзи ўқитувчилик қилади. 1922—1924 йилларда шоир Қорақалпоғистоннинг Хўжайли районидаги 1- болалар уйи мудир ва ўқитувчиси бўлиб ишлайди. 1925 йилда эса у Фарғонанинг Аввал қишлоғига ўқитувчи қилиб тайинланади ва ғоят оғир шароитда ишлайди. Айни вақтда у халқни янги замон қурилиши томон чақирувчи бадиий ижодини давом эттиради.

Шоир 1928 йилнинг август ойида Шоҳимардонга бориб ўқитувчилик қилади, бу ерда қишлоқ фаолларига суяниб, руҳонийлар қўлида бўлган тўртта — “усули қадимия” мактабини, икки эски қизлар мактабини ёпиб, қишлоқ болаларини шу мактабга тортади ва ўқитади.

Ҳамзанинг тарбиячилик фаолиятини унинг шу мавзуда ёзган асарлари янада тўлдирди. Унинг тарбиявий мавзуда яратган “Илм иста”, “Мактаб”, “Китоб”, “Ўқи”, “Қалам”, “Ҳикоя”, “Тўғри сўз бола”, “Ҳикоят”, “Тошбақа билан Чаён”, “Боланинг ёмон бўлмоғига сабаб бўлган онанинг жазоси” каби шеърлари характерлидир. Бу асарлар шоирнинг 1914 йилгача бўлган ижодидан намуна сифатида таҳсинга лойиқдир.

Ҳамза қаерга бормасин, меҳнаткаш халқ оммасининг муҳтожлик ва нодонликда яшаганини кўриб ачинади ва уларнинг оғир аҳволдан қутулишларига умид-ишонч билдиради.

“Енгил адабиёт” Мактабларнинг дарслик ва қўлланмалари янги усулдаги мактаб талабига тўғри келмагани ва қониқтирмаганлиги сабабли мактаблар учун Ҳамза ўзи дарсликлар ёзди. Ҳамза ёзган дарсликлар унинг ўша даврдаги дунёқарashi, бадиий ижоди, болалар адабиётини тушуниши ҳақида ҳам кўпгина маълумот беради.

Ҳамза бу китобдаги шеърларни 16 мисрадан қилиб, дарсларга тақсимлайди. Олтинчи дарс мактабнинг таърифига бағишланади. Шоир камбағалларнинг болаларига мурожаат қилиб дейди:

Мактаб энг чин дўстимиз,
Ҳам жону тан, пўстимиз,
Беш-олти йил ўқисак,
Битар ҳар кам-кўстимиз.

Китоб болаларнинг ёши, савиясини кўзда тутиб, жуда содда тилда, бармоқ вазнида юқоридаги қаби “очиқ маъноли қилиб” ёзилган.

Унда 31- дарсдан 35- дарсгача бўлган оралиқда яна мактаб ва маърифат улуғланади. 36- дарсдан бошлаб муаллиф “Ҳикоялар” деб сарлавҳа қўяди ва болалар учун ибратли, тушунарли, масал жанрига оид кичик-кичик асарларни, сўнги қисмларига сюжети каттароқ ҳикояларни киритади. 38-45- дарслар “Ато насиҳатининг натижаси”, “Қиморнинг боши” ва “Нафси бад касофати” сарлавҳали уч асардан иборат.

Кўриниб турибдики, Ҳамза мазкур китобида болаларни аста-секин адабиётни тушунишга ўргатади. Шоир аввал дидактик усулда илм-маърифатни улуғласа, кейин бадиий усул қўллайди. У мактаб, устоз, қалам кабиларга шеър бағишлайди. Буларда ҳам илм-маърифатни тарғиб қилади, болаларни мактабга келиб, илм ва ҳунар олишга ундайди.

Ҳамза қаламнинг таърифини шундай тасвирлайди:

Мен қачон мактабга келдим, ошна қилди қалам,
Бора-бора ақлу ҳушимни расо қилди қалам.
Ургатиб илму адаб, ҳам фазлу ратаб,
Ори гайрат, шари ила порсо қилди қалам.
Ота-онам қилмаган, ҳар яхшилик бўлса агар,
Кўрсатиб, менга ўзини раҳнамо қилди қалам.

Шоир қаламнинг ролини жуда юқори баҳолайди, унга муҳаббат ва ҳурмат билан қарашни ифодалаб, шундай хулоса чиқаради:

Ҳисса бўлди, подшоҳ, боқғил қаламни ҳурмати,
Ҳар кишини ўзидан шундоғ ризо қилди қалам.

Шеър охирида ҳисса чиқариб, фикрни яқунлаш шоирнинг “Тўғри сўз бола”, “Қиморнинг боши” каби бошқа асарларига ҳам хосдир.

Ҳамзанинг “Енгил адабиёт” га киритган шеърларидаги бош қаҳрамонларнинг белгили хусусиятларидан бири — тўғри сўзлик. Шоир болаларни тўғри ва ростгўй бўлишга, зарарли ва фойдасиз ишлардан қочиб ижобий ишлар билан шуғулланишга, кишиларнинг яхши сифатларидан ибрат олишга чақиради.

Ҳамза бу шеърида барча нарса пул ва “Тўғри сўз бола” бойлик билан ўлчанган жамиятда ҳамма нарсадан кўра ҳақиқатни устун қўйган ижобий қаҳрамон — бола образини яратади.

Бир бола ўқишдан қайтаётганида икки киши унинг олдини тўсиб, бири деди: “Танга берурман сенга, сўзла бир озгина ёлғон менга”.

Шунда бола унга жуда донолик билан жавоб беради:

“Сўзланг, ако, қоматингизга қараб,
Бу сўзингиз аслида ёлғон эрур,
Тангага ёлғонни ким олган эрур.
Сизда кўп экан ўзи ёлғон, ако,
Сиз они аввал сотиб айланг адо.
Қолса камиб, етмай агар сизданам,
Ўртоғингизда кўп эрур бизданам”.
Офарин айтдилар онинг сўзига
Тангани холис берубон ўзига.
Ҳисса: кими тўғри сўзи ҳар қачон,
Текизадир доимий бўйла хисон.

Ҳамза бу шеърида болаларни ёшлигиданоқ ростгўйлик руҳида тарбиялаш лозимлигини уқтиради, уларни ёлғончилик ва алдамчиликдан узоқроқ юришга чақиради.

Шоир “Қиморнинг боши” шеърида Ҳошимжон деган боланинг аянчли қисматидан тўғри хулоса чиқаришга чақиради. Ҳошимнинг “Тўптош”, “Жуфтми-тоқ?” деган ўйинларни ўйнашдан аста-секин қимор ўйнашга ўрганганини, бора-бора қиморга муккасидан кетиб, охирида бор-ўғини қиморга бой берганини, ниҳоят унинг гўлохликка тушиб, хорликда ўлиб кетганини ифода этади.

“Ахлоқий ҳикоялар” (1914) Бу Ҳамзанинг иккинчи дарслигидир. Унда тўққизта дарс бўлиб, уларнинг ҳар бири ахлоқий масалага бағишланган. Барча ҳикояларнинг қаҳрамони ижобий фазилатларни ўзида мужассамлантирган мактаб ўқувчисидир.

“Бир ақлли мактаб боласининг ўз-ўзича домласининг қилган тарбиялари ёдига тушиб, фикрланиб, деган сўзлари” сарлавҳали иккинчи дарсда боланинг нутқи-таърифи воситасида устоз образи чизилади. Ҳамза ўзи орзу қилган ўқитувчини бола тилидан бундай таърифлайди:

Уйласак, бизни эрурлар чин отамиз шул киши,
Чунки, бизга билмагани билдирур устодимиз. . .
Ота бирла онамиздан яхшироқ шафқат қилиб,
Биздаги ҳар камчилиكنи кўрсатур устодимиз. . . .
Аста-аста бизда бўлган ҳар ёмон, шум феълни,
Ҳар кунни айлаб насихат, йўқотур устодимиз.

Ёшларни инсонпарварлик руҳида тарбиялаш ишига Ҳамза алоҳида аҳамият беради. Одамларга меҳру муҳаббат қўйиш, кишиларнинг қадр-қимматига етиш, уларни ҳурмат қилиб, иззат-икром билан муомала қилиш, Ҳамзанинг фикрича, ёшлардаги инсонпарварликнинг асосидир. Ёшларни бундай руҳда тарбиялаш даставвал, болаларнинг энг яқин кишиларига айниқса, ота-онасига нисбатан муҳаббат туйғуларини ривожлантиришдан бошланиши керак. Шоир ота-онани ҳурмат қилишни боланинг энг юксак инсоний фазилатларидан бири деб ҳисоблайди. “Ул ақллик бола отасини ҳам қилган тарбия ва шафқатларини ёт этиб деган сўзи” сарлавҳали учинчи ва “Ул ақллик боланинг мушфиқа энаси учинда қилган ташаккурлари” номли тўртинчи дарсларда ота-оналар қиёфаси чизилади.

Ҳамза китобда отанинг лирик образини чизаркан, унинг амри халқ амридан ҳам кучли, деб таърифлайди. Онани эса “Отамиздан ҳам муқаддас онамиз” тарзида улуғлайди. Айни чоқда, ота-онанинг бола тарбияси учун масъул эканлиги таъкидланади.

“Ўқиш китоби” даги бир неча шеърлар ўқиш, илм, мактаб ҳамда китобнинг таърифига бағишланади. Жумладан, “Ўқи” шеърида шоир ўқиш натижасида камбағал-бечораларнинг асоратдан қутулиб, маданият ва санъатдан баҳраманд бўлиши турган гап, деб уқтиради. Ўқишнинг қадрини муаллиф ўқитувчи-устозлар тилидан шундай таърифлайди:

Гар дилингда ўйлаган орзуга етмоқ истасанг,
Қиммат умринг қилмагил беҳудага бекор, ўқи!..

Эй ўғил! Дунёда бўлмоқ истасанг олижаноб,
Ўқирил мактаб келиб, зинҳор ўқи, минг бор ўқи!

У “Мактаб” (1914) шеърида янги усулдаги мактаблар ташкил қилиш кераклигини талаб этади. “Ўқуб илму адаб

бўлгай гаранг ҳушёр мактабдин” деб “Инсонни инсон қаторига қўшиш”, инсонни камолотга етказиш ва уни олижаноб, фазилатли киши қилиб етиштиришда мактабнинг роли катта эканлигини кўрсатади. Шоир мактаб тарбиясининг аҳамиятини юксак баҳолайди, уни сирларнинг хазинаси, одамни одам қиладиган жой деб кўрсатади.

Болаларни илмли, одобли ҳамда ҳунарли қилишда китобнинг аҳамияти ниҳоятда катта эканлигини Ҳамза “Китоб” (1914) шеърида содда, образли, мазмундор мисраларда тасвирлаб берди. У ўз шеърида китоб билим манбаи, “кўзнинг нури, дил ҳузури, дилларнинг дармони!..”, “Ҳар балодан асрағувчи энг муҳим қиммат яроғ” каби сифат ва таърифларда китобнинг моҳиятини болалар савиясига мос мисраларда очади. Шу билан бирга ҳар бир киши кўнглидаги орзуга етиши учун “Илм манбаи бўлган китоб” ни севиши, саводли бўлиши лозимлигини уқтиради.

Ҳар кўнглининг орзуси шул эрур обиҳаёт,
Қадрини билган кишига, шубҳасиз, жондир китоб . . .

Кўзнинг нури, дил ҳузури, дилларнинг дармонидур,
Ҳар қоронғу дилга гўё моҳитобондир китоб . . .

Ҳар киши ёшлиқда қилса озгина ғайрат агар,
Тез замонда ошно бўлмоғи осондир китоб.

Мумтоз адабиётимизда давог-қалам ҳақида жуда кўп фалсафий-лирик шеърлар ёзилган. Ҳамзанинг “Қалам” (1914) деб номланган шеъри ҳам ана шундай асарлардан ҳисобланади. Шоир қаламни маърифат рамзи сифатида “Қорадир гарчи изи нури ҳақиқатдир ўзи” дея қадрлайди.

Ҳамза “Илм иста” шеърида ёшларга мурожаат қилиб кишининг кўзлаган мурод-мақсадларига эришишида илм олишнинг аҳамияти катта эканлигини айтади, ёшларни илм олишга, дунё сирларини ўрганишга даъват қилади. У илмли киши билан илмсиз кишини бир-бирига солиштириб илмли кишини порлоқ офтобга, илмсиз кишини қоронғу кечага ўхшатади. Шунинг учун ҳам Ҳамза илм-фаннинг моҳиятини тушунтиради ва ёшларни илм ўрганишга ундайди:

. . . Ҳар муроду мақсадинга етмоқ истарсан мурод,
Кўз очиб бедор бўл: даркор илм, даркор илм!

Ул ҳақиқат ойнига сайқал истарсан, Ниҳон,
Илм иста, илм иста, истарил зинҳор илм!

Шунингдек, шоир илм-фанни қуруқ ўрганиб олишнинг тарғиб этмайди, балки унинг халққа хизмат қилишини, янги-янги кашфиётлар учун кераклигини назарда тутди ва буни болаларга уқтиради:

Илм бизни етургай ҳар мурода,
Бизам илм ўлса учгаймиз ҳавода
Олим бўлсак дунёда.

Келур ҳар иш бунёда,
Биз ҳам сув ости кезиб,
Ҳам учармиз ҳавода.

Шоир илм-фаннинг куч-қудратини, кишилар онгини ўстиришдаги бағоят катта ролини болаларга содда ва равон мисраларда ифода қилади:

. . . Олим бўлсак қанча биз,
Ҳар бидъатни янчамиз.
Жаҳл отлиғ душманни,
Кўксина тиг санчамиз.

Ҳамзанинг “Ахлоқий ҳикоялар” китобидан вазли ва қофияли шеърӣ ҳикоялар ҳам ўрин олган.

Шоир “Ҳикоя” асарида болаларни ёлғон гапирмасликка, ростгўйликка чақиради. Бу ғоя холасининг пулини ўғирлаган оиладаги катта ўғилнинг сири фош этилиши воситасида ифодаланади. Шоир шарманда бўлган бола ҳақида гапириб, қиссадан ҳисса чиқаради:

Ҳисса, кими бўйла хиёнат қилур,
Бир кун ўзин шўйла хижолат қилур.

“Тошбақа билан Чаён” масалининг сюжети халқ оғзаки ижодида жуда машҳур. Гулханий бу масал мазмунини насрий йўл билан берган бўлса, Ҳамза унга қайта сайқал бериб, назмда баён этган. Ҳамза масалда дўстликни улуғлайди, фирибгарлик, тилёғламаликни эса қаттиқ қоралайди. Тошбақа орқали раҳмдил, чин дўст образини яратади, Чаён образида эса яхшиликка ёмонлик қайтарувчи, тилёғлама, ўз сўзида турмовчи кишилар фош этилади.

Шоир болаларни танлаб, билиб дўст бўлишга, ёмон ниятли кишилар билан ҳамроҳ бўлмасликка чақиради, кимда-ким яхшиликка ёмонлик қайтарса, унинг бошига кулфат тушиши турган гаплигини уқтиради. Масалдан бундай хулоса чиқарилади:

Ҳисса, кими гайрни улфат этар,
Ўз-ўзича бошига кулфат етар.

“Ўқиш китоби” даги асарларнинг кўпчилигида ўз замонаси учун ғоят илғор фикрлар олға сурилади. Айниқса, ундаги мактаб, китоб, қалам, илм, ўқитувчи, бола тарбиясида ота-онанинг роли ҳақидаги шеърлар, “Тошбақа билан Чаён” каби ибратли асарлар ҳозирги вақтда ҳам китобхонларга манзур бўлган ва маърифий-эстетик тарбия берадиган асарлар сирасидандир. Ана шу ғоявий ва бадиий юксак, ўқувчиларга манзур бўлган асарлар “Ўқиш китоби” ни ўзбек болалар адабиётининг ноёб намуналаридан деб ҳисоблашга асос бўлади.

“Қироат китоби” Ҳамза 1925 йилда “Иккинчи синф учун қироат китоби” дарслигини ёзди. Бу китоб ғоявий мавзуи жиҳатидан Алишер Навоийнинг “Ҳайратул-аброр” асарига яқин туради. Китоб болалар руҳига мос қилиб, насрий йўл билан ёзилган. Ундаги би ринчи асар — “Илм” да маърифатлилик, илмли бўлиш шундай шарҳланади:

“Эй болалар, ҳар бир инсон боласига дунёда энг аввал зарур ва лозим бўлган нарсa дунёда илмлик ўлмоқдир. Илмсиз кишини бутун инсон демак айни хатодир. . . ”.

Китобдаги барча дарслар ана шундай тафсилот билан бошланади, сўнг бир байт шеър келтирилади:

Илмсиз ҳар киши учса ҳавога
Кўнгил берма анингдек худнамога.

Ҳамза илм ҳақидаги ҳикояларидан кейингиларини ахлоқ, одоб масалаларига бағишлайди. Хусусан, муаллиф дарслиқда бола тарбиясида ота-онанинг беқиёс ролини юқори баҳолайди.

Ҳамза бу асарида халқ оғзаки ижодидан унумли фойдаланган. Асарнинг бадиий шаклини белгилашда болалар адабиётининг талаблари кўзда тутилган, фикр содда, ихчам, айни вақтда, жонли тил ва образли иборалар билан баён қилинган.

Асарнинг бошидан-оёқ бева-бечора, меҳнаткаш омма манфаатини ҳимоя қилиш ва маърифатга даъват этиш руҳи билан суғорилганлиги Ҳамзанинг ҳақиқий демократ ҳамда маърифатпарвар шоир эканини тасдиқлайди.

“Қироат китоби ” Ҳамза ижодида етакчи ўринда туради.

1915 йилда Ҳамзанинг “Миллий ашулалар” тўплами босилиб чиқди. Бу тўпламдаги шеърларнинг катта кўпчилигида маърифатпарварлик ғояларини тарғиб этиш

¹ Л. Қ а ю м о в. Инқилоб ва ижод. 163—164-бетлар.

давом эттирилди. Ҳамза аввалги шеърларида илмли ва яхши хулқли кишиларни маърифатпарвар деб кўрсатган бўлса, энди ўз халқи учун жонини ҳам аямайдиган, юксак ижтимоий онгли шахсларни маърифатпарвар деб талқин қилди. Бу унинг ижодига ижтимоий воқелик таъсир этганини, ижодкорнинг ғоявий томондан ўсганини кўрсатади.

Шоир “Миллий ашулалар”, “Оқ гул”, “Қизил гул”, “Яшил гул” ва бошқа тўпламларидаги қўшиқлари билан халқ оммасини маданиятлн бўлишга ундайди, зулмдан шикоят қилади, ижтимоий фаолликка чақиради.

Машҳур тарбиячи, атоқли шоир, драматург ва бастакор Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий меҳнаткаш халқни, шунингдек, ёш авлодни ўқитиш, маърифатли қилиш, тарбиялаш ишига ўзининг бутун иқтидорини, умрини бағишлади.

Ҳамзанинг илғор анъаналарини ундан кейинги ёзувчилар давом эттириб, ўзбек болалар адабиёти байроғини юқори босқичларга кўтармоқдалар.

САДРИДДИН АЙНИЙ

(1878—1954)

Тожиқ ва ўзбек адабиётининг юксалишига баракали ҳисса қўшган шоир ва адиб, публицист ва тарихчи, улкан адабиётшунос олим ҳамда жонкуяр педагог Садриддин Саидмуродхўжа ўғли Айний ўзбек болалар адабиётининг тараққиётига муносиб ҳисса қўшган санъаткорлардан биридир. У ўзининг шеърларидан ташқари “Одина”, “Дохунда”, “Қулла”, “Судхўрнинг ўлими”, “Тожиқ халқининг қаҳрамони Темур Малик”, “Муқанна қўзғолони”, “Етим”, “Эсдаликлар” каби асарлари билан катта шухрат қозонди. Бу асарлар гарчи катталар учун ёзилган бўлса-да, аммо ҳозирги замон болалар адабиётининг юксалишига ҳам муносиб ҳисса бўлиб қўшилди, десак хато бўлмайди.

Садриддин Айнийнинг 1905 йилги рус инқилоби Россияда, шунингдек, Ўрта Осиёда ҳам озодлик ва педагогик фаолияти илғор ҳаракатнинг кучайишига таъсир этди. Бу, айниқса, илғор фикрли зиёлиларга, жумладан, Садриддин Айнийга ҳам қаттиқ таъсир кўрсатмай қолмади. Бир гуруҳ зиёлилар қаторида Садриддин Айний ҳам мактаб ва мадрасаларни ислоҳ қилишни тарғиб қилди.

Бу даврда Самарқанд, Тошкент ва Қўқонда маҳаллий халқ болалари учун янги усулдаги мактаблар очилди. Бухородаги татарлар эса ўз болалари учун мактаблар очдилар. Садриддин Айний ана шу мактаблардан бирида таржимонлик қилиб, татар тилидаги дарсликларни тожиқ тилига ағдаради.

1905 йил инқилобидан кейин ташкил этилган “Бухоройи шариф биродарлиги” жамиятининг топшириғи билан С. Айний Самарқандга келиб, Абдуқодир Шакурий ташкил этган янги миллий мактабнинг таълим-тарбия ишлари билан танишди. Ана шу тажрибалар асосида у ўзининг дўсти Мирзо Абдулвоҳид Мунзим билан унинг ҳовлисида янги усулдаги тожиқ мактаби очиб, камбағал болаларини бепул ўқитди. Садриддин Айний ва Мирзо Абдулвоҳид Мунзим ўша мактаб учун алифбе тузадилар (бу алифбе ҳозиргача топилгани йўқ).

Садриддин Айний 1909 йилда “Таҳзибус-сибиён” (“Болалар тарбияси”) ўқиш китобини (бу китоб иккинчи марта 1917 йилда нашр этилган) тузди. Китоб ҳақида С. Айний:

“Таҳзибус-сибиён” адабий китоб характерида бўлиб, унинг материали болалар учун қизиқарли эди”, — деган эди. Шу ўқиш китобига киритилган “Мактаб эшигидан” радиопли шёрида муаллиф янги мактаб ва унинг ҳаётдаги аҳамиятини кўрсатиб, меҳнаткаш халқ ва унинг болаларини ўқишга чорлайди:

Озода юзинг ўғирма мактаб эшигидан,
Чунки етгайсан мақсадинга мактаб эшигидан . . .
Ғафлат водийсида чанқоқлик қачонгача,
Нодир ғаваҳар топ мактаб эшигидан . . .
Одам боласи нега илмдан қочадир?
Ҳой, сен узоқлашма мактаб эшигидан.
Кимё-ю фан, санъат омилли ила
Ечилгай ҳамма ишнинг тугуни мактаб эшигидан.

Реакцион муллалар 1909 йил кузида иғво кўтариб, мактабни ёптиришди, Мирзо Абдулвоҳид билан Садриддин Айнийни қаттиқ таъқиб остига олишди, улар бир қанча вақт яшириниб юрдилар. Бу юриш жонига теккан С. Айний Бухоро аъламининг олдига бориб, янги мактабнинг аҳамиятини тушунтирмоқчи бўлади. Шунда аълам С. Айнийга қўпол ва бадкирлик билан жавоб беради:

“Бировларнинг боласи саводли бўлса нима-ю, саводсиз қолса нима? Ўзингнинг саводинг бор, илминг бор, қози бўлгин, раис бўлгин. Агар яшашни хоҳласанг, ундай ишларнинг изига тушма”¹. Лекин С. Айний ва унинг сафдошлари ўз аҳдларидан қайтмайдилар. Улар 1910 йилда “Тарбиявий афтол” (“Болалар тарбияси”) номли махфий жамият тузишади. Бу жамият аъзолари янги махфий мактаблар очар ва болаларни ўқитиб, саводли бўлганларини Оренбург, Қозон, Уфа, Қримга ўқишга юборар эдилар.

У таъқиб остида бўлса-да, ўзининг севган касбини — муаллимликни давом эттиради. У ўқитувчилик қилган мактаб Самарқанд шаҳрининг Қўшқовуз маҳалласида жойлашган эди. Шу мактабда С. Айний тожик ва ўзбек тили, адабиёт, тарих ва ашуладан дарс берган. У маориф бўлимида йўл-йўриқ кўрсатувчи бўлиб ишлайди, аҳоли ўртасида ҳозирги мактабнинг аҳамияти тўғрисида суҳбатлар қилар ва маърузалар ўқир эди. Садриддин Айний ўзининг шу даврда ёзган “Дорилмуаллимин марши” (1919), “Мактаб марши” (1919), “Мактаб шарқийси” (1920) каби шеърларида ёш авлодни мактабда ўқишга чақиради:

Юринг, ўртоқлар, билим юртига,
Билим юртига юринг, ўртоқлар!

¹ С. Айний. Қисқача таржимаи қолим.. Тошкент, 1960, 75- бет.

Биринчи тожик алифбеси “Солинахустин” (“Биринчи йил”) даги С. Айнийнинг “Мактаб нима?” шеъри унинг 20-йиллардаги фаолиятига тааллуқлидир. Бу шеърда жамият ва киши тараққиётида мактабнинг роли жуда юқори эканлиги кўрсатилади:

Мактабда ўқимаган кишига ҳаёт йўқ,
Мактаб — бу сув, мактаб — бу нон.

“Таҳзибус-сибиён” (“Болалар тарбияси”) Садриддин Айний мазкур китобида таълим ва илм олишнинг маркази бўлган мактаб хусусида “Киши мактаб ёрдами билан одам бўлади”, дейди. Шунингдек, “Ахлоқий тарбияланган бола ҳеч вақт ёлғон гапирмайди, ҳамма вақт чин сўз” бўлишини уқтириш билан болаларни ростгўй ва виждонли бўлишга чақиради. Садриддин Айний ростгўй виждонли бола образини яратиб, ундайлар кишилар олдида доимо обрў-эътиборга эга бўлишлигини, ёлғончини эса ҳеч ким ёқтирмаслигини кўрсатади. “Таҳзибус-сибиён” китобининг “Тарбия кўрган бола” ва “Яхши одобли бола” бобларида болаларни озода юришга, одобли бўлишга чақирилади.

Муаллиф болаларни инсонпарварлик руҳида тарбиялаш ишига алоҳида диққат билан қарайди. Бундай тарбияни оиладан бошлаш кераклиги, ишни ҳаммадан аввал, ота-онага муҳаббат руҳида тарбиялашдан бошлаш кераклиги уқтирилади. Айний кишидаги барча олижаноб инсоний фазилатларнинг шаклланишида меҳнатнинг жуда катта аҳамияти бор, деб ҳисоблайди. Шунинг учун у болаларга меҳнат тарбияси бериш ишига алоҳида эътибор берди. Бу борада ота-оналар болаларни аввало рўзғор ишларини бажаришга ўргатиш ва одатлантириш орқали асосий роль ўйнайдилар.

Педагогик қарашларни муаллиф “Таҳзибус-сибиён” дарслигидаги Муҳаммад Фарид, унинг синглиси Зайнаб, “Қиз бола ёки Холида” асарида Холида ва Фотима, “Эсдалик”ларда Ҳабиба, Садриддин, Муҳиддин образлари мисолида аниқ ифодалайди.

Садриддин Айнийнинг “Дорилмуаллимин марши”, “Мактаб марши”, “Мактаб шарқийси” каби шеърларида янги усулдаги мактаб тарғиб этилади, ёшлар билимли бўлишга ундалади. У “Мактаб марши” да илмсизликни қоралаб, ота-оналарга болалар тилидан мурожаат қилади:

Чекдик жафолар билимсизликдан,
Билимсизликдан чекдик жафолар,
Энди оталар бизни ўқитинг,
Бизни ўқитинг энди оталар!

Шундан кейин муаллиф болалар ва ёшларни билим юртига — мактабга келиб ўқишга сафарбар этувчи мисралар яратади, янги замон имтиёзларидан тўла баҳраманд бўлиш туйғуларини ифодалайди.

“Қиз бола ёки Холида” Садриддин Айний 1922 йилда қизлар мактаблари учун махсус адабий-ахлоқий ўқув китоби — “Қиз бола ёки Холида” номли асарини ёзди. Бу асар 1924 йилда Берлинда нашр этилди. Адабий-ахлоқий руҳдаги бу китоб ўша даврда хотин-қизлар мактаби учун ўзбек тилида чиқарилган биринчи ўқув китоби эди. Китоб 30 дарсга мўлжаллаб тузилган. Унда одоб ва ахлоқ, ўқишга муҳаббат, ҳунар ўрганиш, хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрни, ўқитувчининг таълим-тарбия ишларидаги роли ҳақида баён этилган. Ёзувчи “Қиз бола” бобида қизларнинг оила ва жамиятдаги ролини шундай кўрсатади: “Қиз бола қавму қариндошларнинг обрўи ва номусларидир. Қиз бола уйнинг зийнати ва хонадоннинг давлатидир. Қиз бола юртнинг боғи ва бутун элу улуснинг чироғидир...”.¹ С. Айний қизлар қандай фазилатларга эга бўлишлигини кўрсатиб бераркан, “Агар сиз илмли, одобли ва ахлоқли бўлсангиз, отангизни, онангизни, оға-инингизни ва бутун элу улусингизни қувонтирасиз, агар одобсизлик қилсангиз барчани хафа қиларсиз ва қайғуга соларсиз”², — дейди. Ёзувчи китобнинг “Одобли қиз бола”, “Яхши қиз бола” бобларида қизлар учун қатор ижобий хусусиятларни кўрсатади. Бинобарин, ортиқча зебу зийнатларга берилиб кетмаслик кераклиги ва “Яхши қиз бола ўзига илмдан, одобдан зийнат ясаши”, “Номус ва поклик билан ясан” иши зарурлиги, ота-оналарни севиш, иззат ва ҳурмат қилиш, илм, ҳунар ўрганиб, уларни севинтиришни таъкидлайди.

Садриддин Айний ўз мақсадини Холида ва Фотима образлари орқали тасвирлайди. Холида — Маҳмуд исмли бойнинг ёлғиз арзанда қизи. Асар бошида у қимматбаҳо кийимлар, турли-туман тақинчоқ ва безаклар билан ясаниб, ўзига оро бериб юрадиган ва бошқаларни назар-писанд қилмайдиган, ниҳоятда кибр-ҳавога берилган бир қиз сифатида тасвирланади. Садриддин Айний Холидада бундай салбий хусусиятларнинг пайдо бўлишида ота-она сабабчи дейди. У

¹ С. Айний. “Қиз бола ёки Холида”, “Ўрта ва олий мактаб”, 1964, 9-бет.

² Ўша китоб, 9-бет.

Холида образига қарама-қарши қилиб Ортиқ мешкоб оиласида тарбияланган одобли, оддийгина кийинган, мактаб ва ўқишга ихлос қўйган Фотима образини тасвирлайди.

Холида мактабдан қайтган Фотимани учратиб, ўзининг кийим ва безакларини кўз-кўз қилганида, Фотима унга ҳеч бир эътибор бермайди-да, “сенинг бахмал, шойи, атлас кийим ва зебу зийнатларингдан ҳам яхшироқ нарсам бор” дегандек китобини чиқариб шариллатиб ўқийди. “Сўнгра у ўз китобини Холиданинг қўлига бериб “Қани, сен ҳам ўқисанг-чи” — дейди. Холида китобга қараб бирон нарсани ўқий олмайди ва уялганидан йиғлаб юбориб, уйига қочиб кетади. Китоб ана шундай ҳаётий, жонли ва таъсирли лавҳаларга ғоят бой.

Холиданинг Фотима билан учрашуви, мактабдаги қизларнинг оддий кийиниши ва зеҳн билан ўқиши, ўқувчиларнинг ўзига зеб бериб кийинувчи Холидага эътибор бермасликлари қизга қаттиқ таъсир қилади. Китобнинг “Холида хат ва саводдан бўлак нарсани истамай-дур”, “Холида мактабга борадур”, “Холида бугун сабоғини ўрганадур” бобларида Холида характерида содир бўлган ўзгаришлар унинг хат-савод чиқаришга киришганлиги, мактабга меҳр-муҳаббат қўйгани, одобли ва ахлоқли қиз бўлиб, ижобий хислатларга эга бўлганлиги кўрсатилади.

Китобда меҳнат дарсига алоҳида эътибор берилади. Бундай мақсад “Холида қўл ишлари ўрганадур”, “Холида тикиш тикадур” бобларида тасвирланади. Бу ишга катта эътиқод билан қарагани учун Холида тез кунда кийим бичиш ва тикишни ўрганиб олади. Бир оз вақт ўтиши билан у фақат ўзинигина эмас, ҳатто қавму қариндошларининг кийимларини ҳам бичиб, тикадиган бўлиб қолади. Бу асарлар ўқувчига таъсир қилмай қолмайди, албатта. Болаларнинг тўғри йўлдан боришларига уларга йўл кўрсатувчи бўлиб хизмат қилади. Бу билан Садриддин Айний болаларни ҳунар ва меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаш ишига катта эътибор берган.

Бола тарбиясида ота-онанинг роли катта эканлигини алоҳида уқтиради. Бу фикр “Хат ва савод бозорда сотилмай-дур” бобида Холиданинг отаси Маҳмудбойнинг ўз қизига хатлик ва саводлик бўлиш учун шахсий ғайрат зарурлиги, қунт қилиб мактабга бориб ўқиш лозимлиги тўғрисида айтган панд-насиҳатлари орқали ифодаланади.

Мактабдаги таълим-тарбия таъсирида Холиданинг камтар ўқувчи, меҳнатсевар, инсонпарвар бўлиб етишганини ёзувчи асардаги “Холиданинг ахлоқ ва одатлари”, “Холиданинг мактабдаги аҳволи”, “Холида Қундузни ўлимдан қутқазадур” бобларида баён этади. У ҳақиқий

бойлик меҳнат ва билимда эканини Холида образи орқали очади.

Китобдаги “Соғлиқни сақламоқ керак”, “Соғлиқни сақлаш йўллари”, “Холида касал бўладур” бобларида эса, тетик ва соғлом ўсишнинг энг асосий омилларидан бири соғлиқни сақлаш эканлиги кўрсатилади.

“Машҳур хотинлар” бобини китобнинг хулоса қисми дейиш мумкин: “. . . анча машҳур хотинлар ўтган, — дейилади асарда, — шеър айтгонлар саксон тўрт нафар, мударрис бўлиб дарс айтгонлар йигирма тўрт нафар, халққа ваъз сўйлаб, халқни тўғри йўлга ундаб юрганлар йигирма саккиз нафар экан. Булардан бошқа ҳар турли илм ва фанларни биладургон кўп хотинлар бор эканлар”.

Ёзувчи ажойиб хотинлар тоифасини санагач, қизларни ана шулардай машҳур бўлишга ундайди, уларнинг келажакдаги аниқ йўллари белгилаб беради: “Анинг биринчи мақсади мана шул машҳур хотинлардек бўлиб халққа наф етказмоқ бўлди”.

Садриддин Айнийнинг “Қиз бола ёки Холида” китоби болалар ва ёшларни одобли, ақлли, билимли қилишда, уларни ҳунар ва меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга. Муаллиф бу китобда тажрибали тарбиячи ва улкан маърифатпарвар зиёли эканлигини кўрсатди. Болалар адабиётининг назариячиси ва танқидчиси сифатида ҳам алоҳида билим эгаси бўлганлигини исботлади.

“Эски мактаб” (1935) ҳикояси эски мактаблардаги ўқиш ва таълим-тарбия ишларини, қисман, ўзининг ёшлик чоғида қандай билим олганлигини, эски мактабларда ўқиш қандай олиб борилганлигини, дарс берувчи мударрисларнинг ва ўқувчиларнинг билим савияси қай даражада бўлганлигини ёритади.

“Эски мактаб” ҳикоясидаги муаллифнинг ўзи — Садриддин образи алоҳида характерга эга. У мактабдаги энг кичкина, ювош, одобли ва қобилиятли бола сифатида тасвирланади.

Садриддинни отаси катта умидлар билан мактабга беради. Ота-онаси унга “энди ғайрат қилиб ўқи. . . тенгқурларинг билан баробар бўл” дер эди. Шунинг учун ҳам у “Мен, менга қаттиқ таъсирли бўлган меҳрибон онаминг бу насиҳатини бажо келтириш, тезроқ сабоқ ўрганиб ўз тенгқурларим билан баробар бўлиш ва ҳатто улардан ўзиб кетишни истар эдим”.

Ёзувчи ҳикояни болаларга хос тилда баён этган. Воқеанинг бола тилидан ифода этилиши ҳикоянинг таъсирчанлигини, тушунарли бўлишини оширган. Воқеалар, образлар жонли ва уларнинг тили ифодаларга бойдир. Бу ҳол ҳикоянинг бадиий бақувват бўлишига олиб келган.

Ёзувчи “Эсдаликлар” да ёшлик чоғларида ўз бошидан кечирган воқеаларни ҳаққоний чизиб, меҳнаткаш ва илғор кишилар билан яқинлаша бориб, онги ва характери шаклланган, бой, руҳоний ва амалдорларга қарши норозилиги ўса борган бола образини яратади.

Ёш Садриддиннинг ҳаёт йўли, унинг оилавий ва ижтимоий муҳити, у билган, мулоқотда бўлган кишилар образлари, уларнинг ҳис-туйғулари, ҳаёти ва курашлари асар марказида туради. Муаллиф бу билан ҳам чекланмайди. У Садриддиннинг аста-секин ўсиб бориш жараёни тасвирланаётган ижтимоий ҳодисалар ҳисобиغا кенгайтириб боради ва бу билан ўша даврдаги халқ ҳаётини анчагина муфассал ва ҳаққоний акс эттиришга эришади.

“Эсдаликлар”да илмга интилувчи, халқнинг бахтли ҳаёт кечиришини ва адолатли даврни орзу қилувчи, меҳнатсевар бола — Садриддин образи яхши берилган. Характери шакллана борган сайин унинг ёзувчиларга қарши норозилиги ўса бориши ҳам жонли ифодаланган.

Асарда ёзувчининг халқпарварлик, ватанпарварлик ғоялари кўзга яққол ташланиб туради. Унинг меҳр қўйиб тасвирлаган образларидан бири, эртақлар хазиначиси — 80 ёшлардаги Тўтапошшодир. С. Айний бу дово кампирдан эшитган эртақларини “Эсдаликлар”га киритиб, асар таъсирчанлигини оширган.

Ёзувчининг отаси — Саидмуродхўжа образида оқ-қорани таний бошлаган ўзбек ва тожик халқининг ажойиб вакили кўрсатилган. Ундаги камтарлик, салобатлилик, меҳнатсеварлик ва адолатпарварлик хусусиятлари бу образнинг хатти-ҳаракатларида яққол кўзга ташланиб туради. У илм-маърифатни севади, лекин етарли даражада ўқий олмайди. Бу ҳақда у шундай дейди: “Ўқишга шавқим зўр, қобилиятим ҳам бор эди, аммо тирикчиликнинг мажбурияти билан “чала мулла” бўлиб қолдим. Лекин “Мен эришмаган мақсадга бошқалар эришсин”, деб яна бир неча ёшларни мадрасага жойлашгирдим”.

Саидмуродхўжа жаҳолат, нодонлик ва зулмни ёмон кўради ва унга қарши курашади. У ўз болаларини меҳнатсеварлик, ростгўйлик ва камбағалларга раҳм-шафқат руҳида тарбиялайди. Бу образда меҳнаткаш халқ оммасидаги донолик, одиллик, ҳақгўйлик каби энг яхши хислатлар акс эттирилган. Унинг образи ёзувчининг ҳаққоний образ яратиш йўлидаги катта муваффақиятларидан биридир.

Садриддин Айнийнинг онаси эса меҳрибон, меҳнатсевар, жафокаш ва ҳақиқатпарвар аёл образидир.

Лутфилла Гўшпон — камбағаллар оммасининг типик вакили. У меҳнатсевар, жисмонан бақувват йигит. Унинг образида қардош тожик халқининг кучи, меҳнатсеварлиги,

пахлавонлиги, жафокашлиги ўзининг ёрқин бадий ифодасини топган.

Асардаги энг жозибали образлардан бири Ҳабибадир. Ҳабиба — маънавий бой, инсонпарвар, ёқимли ва олижаноб қиз. Муаллиф уни сидқидилдан севиб, жўшқин муҳаббат ва ҳурмат билан тасвирлайди. Унинг тасвирини чизишда ёзувчи янги ва гўзал ўхшатишлар ишлатади:

“Қизил гулнинг туси Ҳабиба юзининг рангига ўхшарди, айниқса ҳали офтоб чиқмаган ва гул баргларидаги шабнам томчилари кўтарилмаган бир вақтда жуда ҳам жозибали эди. У . . . шеърни куйлаётганда кўзидан оққан ёш томчилари остидаги Ҳабибанинг юзи каби жозибали, ўшандай дилкаш ва ўшандай дилрабо эди”.

Ёзувчи гоят севган, унинг ҳаётида муҳим роль ўйнаган киши маърифатпарвар шоир Аҳмад Донишдир. Муаллиф уни олим ва ёзувчилиги, юксак инсоний фазилатлари, илғор дунёқараши ва жасурлиги учун севади. Аҳмад Дониш Бухоро амирини, унинг чиркин тузумини кескин қоралайди, руҳонийларнинг жоҳиллиги ва адолатсизлигини мардонавор фош қилади.

“Эсдаликлар” композицион жиҳатдан ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, кўпгина ҳикоялардан, новеллалардан иборатдир.

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ

(1878—1934)

Ўзбек маданиятининг улкан вакилларида бири, педагог, жамоат арбоби, болалар адабиётининг майдонга келишида катта ҳисса қўшган шоирлардан бири бўлган Абдулла Авлоний 1878 йилда Тошкент шаҳрида дунёга келди.

Абдулла Авлоний бошланғич диний мактабда ва мадрасада ўқиди, илм-фанга ихлос қўйди. Ўзбек ва бошқа шарқ халқлари адабиётини ва тилини берилиб ўрганди. Абдулла Авлоний 14 ёшидан бошлабоқ шеърлар ёзишни машқ қила бошлади. Унинг бу даврда ёзган илк шеърлари ўша давр вақтли матбуот саҳифаларида босилиб туради. Бу шеърларида у халқни маърифатли бўлишга, янги усул мактаблари очишга тарғиб қилар, ярамас урф-одатларни эса қаттиқ танқид остига олар эди.

Абдулла Авлоний ўз халқини илм-фан нурларидан баҳраманд қилишни ўзининг фуқоралик бурчи деб билади ва 1904 йилда Мирободда мактаб очади. 1907 йилда “Шухрат” деб номланган рўзнома ташкил этади ва унинг саҳифаларида меҳнаткаш халқ манфаатларини ҳимоя қилувчи фикрларни ёритади.

Абдулла Авлоний камбағал етим-есир болаларни моддий томондан рағбатлантириш мақсадида 1909 йилда “Жамияти хайрия” ни ташкил этади.

Педагог Абдулла Авлоний мактаблар учун дарслик ва қўлланмалар яратиш ишига киришади. Унинг “Адабиёт ёхуд миллий шеърлар” деб номланган беш китобдан иборат бўлган дарслиги ҳурматга сазовордир.

Абдулла Авлоний бу дарсликда халқни маориф-маданиятга чорлайди, ярамас хулқ-атворли кишиларни эса танқид қилади.

Ўша давр халқ педагогикасини ривожлантиришда Абдулла Авлонийнинг “Биринчи муаллим”, “Алифбе”, “Иккинчи муаллим” ўқиш китоблари катта роль ўйнади.

Абдулла Авлоний 1904 йилдан то умрининг охирига қадар ўқитувчи бўлиб қолди. У ўнлаб шеърлар, мактаб дарсликлари ва кўплаб драматик асарлар ижод этди.

Демак, биз шоир Абдулла Авлонийни ўзбек болалар адабиётининг майдонга келишида катта роль ўйнаган шоир десак, хато қилмаган бўламиз. Зеро, унинг “Адабиёт ёхуд миллий шеърлар”, “Мардикорлар ашуласи”, “Биринчи муаллим”, “Иккинчи муаллим”, “Мактаб гулистони”, “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” китоблари фикримизга асос бўлади.

Абдулла Авлоний “Мактаб”, “Истиқболдан орзуларим”,

“Садойи булбул”, “Мухотобим қалам”, “Нима кимники?”, “Миллатга хитоб”, “Мактабга тарғиб”, “Миллат ҳайкалига хитоб”, “Миллатга салом” ва бошқа шу каби шеърларида илм-маърифатни улуғлади.

Шоирнинг “Миллатга хитоб” шеърини олиб кўрайлик. Унда шоир биринчи навбатда халқни сергак бўлишга, ғафлат уйқусида ётавермасликка чақиради:

Кўзларинг оч, эй миллат,
Куб замон гофил ётдинг.
Умринг ўтди ётмакда,

Қайғуга тоза ботдинг.
Кетди шону шарафинг.
Мозор тошидек қотдинг.

Шоир қуйидаги мисраларида эса ўқиш, савод чиқариш вақти келганлигини, бу ишга қаттиқ киришиш зарурлигини таъкидлайди:

Эй! . Токайгача биз ўқувдан қочамиз,
Келинг ёшлар, миллий мактаб очамиз.
Бизга букун илма киришмак керак.
Бизга букун илма тиришмак керак. . .

Ёки бўлмаса “Истиқболдан орзуларим” шеърига назар ташлайдиган бўлсак, бу асарда ҳам бошдан-оёқ порлоқ истиқбол ва унга эришишнинг асосий йўли илмда деб билади у:

Гарчи ман маъюсу пурғам миллатим аҳволидан,
Қаъ уמיד айламам таъмин истиқболидан,
Илма рағбат истарам миллатни ёшу чолидан,
Илму дониш яхши зийнат қиз-хотунга молидан,
Илм олуб шояд қутулса рағлат(н)инг чанголидан.

Абдулла Авлоний болалар ҳаётига ҳам бепарқ қарагани йўқ. У болалар ҳаётига оид қатор шеърлар ижод қилди.

Шоирнинг болаларга бағишлаб ёзган шеърларида онаюрт, Ватанга садоқат (“Ватан”); табиатга муҳаббат (“Баҳор келди”), паррандалар ва қушларни асраш, авайлаш (“Булбул”); ўқиш, илм-фанга иштиёқ (“Мактаб”); иш ёқмаслик, ялқовликдан қочиш (“Ялқов”); ёлғон гапирмаслик (“Ёлғончи чўпон”) каби мавзулар етакчи ўринда туради.

Абдулла Авлоний ўзбек адабиётида драма жанрининг ривожланишига ҳам катта ҳисса қўшди. Унинг “Адвокатлик осонми?”, “Пинак”, “Биз ва сиз” саҳна асарлари адабиётимиз тарихида ўчмас из қолдирди.

Абдулла Авлоний маърифатчи шоир, драматург, режиссёр, таржимон, актёр, жамоатчи ўқитувчи-профессор сифатида халқимиз қалбида мангу сақланиб қолди. ТошДД жамоаси ҳамон унинг ўқитувчилигини меҳр ва фахр билан тилга олади.

Абдулла Авлоний 1934 йилда вафот этди.

(1930—1941)

30- йиллар республикамизда мураккаб бир жараёни бошидан кечирган давр сифатида характерлидир. Бу даврда сталинчилик сиёсатининг юзага келиши халқимиз ҳаётида оғир фожиалар кечишига сабаб бўлди.

Сталин шахсига сиғинишнинг оғир асорати энг аввало асрлар давомида шаклланган ёзувнинг йўқ қилиниши (1929) ва лотин алифбосига, кейинчалик (1940) рус алифбосига ўтишда намоён бўлди. Бундан ташқари, А. Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир каби ўнлаб талантли ижодкорларнинг қатағон қилиниши адабиётимизнинг кейинги тараққиётига фожиали зарба бўлди. Натижада вужудга келган адабиёт бир томонлама ривожлана борди, улар ҳаётда юз берган ўзгаришларни фақат мадҳ этиш йўлидан бордилар. Бу ҳол болалар адабиётида ҳам маълум даражада ўз асоратини қолдирди.

Шуни таъкидлаш зарурки, мана шундай зарарли оқибатларга қарамай, бу давр катталар адабиёти сингари болалар адабиёти ҳам ўз тараққиётида давом этди. Болаларга бағишланган бир қатор рўзнома ва ойномалар нашр этила бошланди. Айниқса, болалар ойномаси нашр қилиш ҳам анча кенгайди. Ўзбек тилида “Колхозчи болалар”, “Ёш куч”, “Вожатий”, “Китоб ва инқилоб” каби ойномалар чиқа бошлади. Бу ойномаларда болалар ҳаётдан ёки улар учун ёзилган бадий асарлар, машҳур кишиларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги мақолалар, тарихий маълумотномалар ҳамда болалар адабиёти тўғрисида ахборотлардан ташқари, бу адабиётга доир илмий, назарий ҳамда танқидий мақолалар босилиб турди.

Бу даврда ўзбек болалар адабиёти ҳам ўзининг шоир ва ёзувчиларига эга бўла бошлади. Натижада назмда Зафар Диёр, Илёс Муслим, Шукур Саъдулла, Адҳам Раҳмат, Султон Жўра, М. Оқилова, Қ. Муҳаммадий, наср соҳасида Мажид Файзий, Ҳаким Назир, драмада Зафар Диёр, Д. Оппоқовалар етишди. С. Айний, Ғафур Ғулум, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Уйғун, Ш. Сулаймон, Ғайратий каби ёзувчилар ижод қила бошладилар.

Бу ҳол 30- йилларда ўзбек болалар адабиёти барча соҳаларда шакллана борганлигини, унинг мавзу доираси кенгайиб, мазмуни чуқурлашганини кўрсатади. Ижодда ватанпарварлик, халқлар дўстлиги, ўртоқлик, ижодий

меҳнат, ҳунар танлаш мавзуларига алоҳида эътибор берилди.

Ўзбек болалар адабиётида 30- йилларда Ватанга муҳаббат туйғулари ифодаланган, инсонпарварлик, байналмилаллик, меҳнатсеварлик хислатлари тасвирланган бир қанча асарлар яратилдики, булар ҳам ёшларнинг характери ни шакллантиришда, уларни юксак орзу-умидлар руҳида тарбиялашда катта роль ўйнаб келмоқда.

Зафар Диёр болаларни ватанимизда рўй бераётган ўзгаришлар билан таништиришни “Муборак” (1940) шеърлар тўпламида акс эттиради. Тўпламдаги “Ўзбекистон”, “Сув”, “Орден билан қутлаймиз”, “Канал”, “Муборак”, “Ватан” шеърлари шу жиҳатдан характерлидир.

Шоир “Амударё бўйида” шеърида “Куёш каби кулган ўлкани” сергак, ҳушёр туриб сақлаётган ғайратли чегарачи образини тасвирлайди. Чегарачи ўз постида турар экан, ҳеч қандай душман бу ўлкага қадам боса олмаслиги таъкидланади. Шоир чегара соқчисининг ватанпарварлик бурчини адо этишини ифодалаш орқали болаларни чегарачилар ҳаёти билан таништиради, уларни сергакликка, қўрқмас бўлишга, халқ топшириқларини жону дилдан бажариш учун ҳар доим тайёр туришга чақиради.

Ўлкамиз табиатини болалар адабиётида бадий образлар орқали таъсирли кўрсатиш, шу орқали болаларда табиатга муҳаббат туйғуларини шакллантириш болалар адабиётининг асосий вазифаларидан биридир. Зафар Диёрнинг “Навбаҳор”, “Бинафша”, “Қушлар ҳақида қўшиқ”, “Капалак”, “Янги эртак”, Султон Жўранинг “Ёзги ёмғирдан сўнг” шеърлари ана шу жиҳатдан характерли асарлардир.

Султон Жўра ўзининг “Ёзги ёмғирдан сўнг” шеърида табиат манзарасини акс эттиради, бу билан болаларда бизни қуршаган табиат олаmidан завқлана олиш туйғуларини уйғотади. У ёмғирдан сўнгги манзарани чинакам шоирона чечанлик билан гавдалантиради:

Куёш балқиб нур сепди яна,
Кўкда нафис ранго-ранг камон.
Йилт-йилт ёнар барглар устида
Қолган кумуш томчи дурдона,
Унда-бунда қолган сел суви,
Кузги кўлдек, соф, тиниқ бети.
Сув тагидан силкинар осмон,
Оқ булутлар сузади секин.

Шеърдаги чинакам ҳаққоний манзаралар бола тасавурида жонланиб, унга завқ бағишлайди.

Шоир шеърда табиатни “Кўкни ёпди булут чойшаби”,

“Қутуради чақмоқ асабий. . .”, “Шивир-шивир бошланди ёмғир” каби шоирона ифодалар орқали жонлантириб, болалар тасаввурини бойитади, табиат ва турмуш ҳодисаларини бир-бири билан чоғиштиришга ўргатади, нутқни, фикрлаш қобилиятини ўстиришга, луғат бойлигини оширишга хизмат қилади.

Ўзбек болалар ёзувчилари Ватан мавзуини ёритишга бағишланган анчагина асарлар яратдилар. Бу асарлар ёшларни Ватанга садоқат ва байналмилал руҳда тарбиялашда катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлди. Шу сабабдан Ватан мавзуи 30- йиллардан кейинги ўзбек болалар адабиётида, унинг барча босқичларида ёзувчиларнинг диққат марказида турди, илҳомбахш мавзулардан бирига айланди.

Мақтаб ҳаёти 30- йиллар ўзбек болалар адабиётида ҳам мактаб ҳаёти ҳақида анчагина асарлар яратилди. Зафар Диёрнинг “Оппоғим-қўзим”, “Жўнатиш”, “Китоб, менинг дўстимсан”, Султон Жўранинг “Икки баҳо”, “Маматнинг кечирмиши”, “Аъло” ва “Яхши” нинг мақтови”, “Кимнинг хати чиройли”, “Ҳарфлар паради”, “Тиниш белгиларининг мажлиси”, Адҳам Раҳматнинг “Каникул кунлари”, “Биринчи сентябрь”, Х.Назирнинг “Шаҳардан ташқари”, Д.Оппоқованинг “Душман” пьесаси ва “Ёш зарбдорлар” ҳикояси, Мажид Файзийнинг “Ҳушёр ёшлар” қиссаси, Қ. Муҳаммадийнинг “Ўз-ўзини танқид” асарлари пайдо бўлди.

Зафар Диёр “Оппоғим-қўзим” шеърида боласи мактабга борадиган биринчи кундаги онанинг беҳад меҳрибонлиги, хурсандлиги ифодаланади:

Бу кун сенга янги бир олам —
Фан гулзори эшик очади:
Мана китоб,
Дафтар ва қалам
Келгусинпта нурлар сочади.

Султон Жўра “Маматнинг кечирмиши” шеърида ялқовликни ташлаб аъло ўқишга маҳкам бел боғлаган боланинг ижобий намунасида ўз кучига ишониш, нуқсонларга танқидий қарай билиш ғоят катта куч, деган зарур таълим-тарбиявий ўғитни бадиий таъсирчан воситаларда, ранг-баранг образларда ёритиб, ўз маҳоратини кўрсатади.

Ҳаким Назир “Шаҳардан ташқарига” ҳикоясида шаҳар ўқувчиларининг қишлоққа, жамоа хўжалигига ёрдам берганликларини тасвирлайди, қишлоққа, меҳнат аҳлига муҳаббат уйғотади.

Адҳам Раҳматнинг “Мақтаб саҳнаси учун” деган лапариди қолоқ ва илғор ўқувчиларнинг жонли образини

берди. Унинг ижобий қаҳрамони Санобар ўқишдан орқада қолаётган дўстига куйинувчи, унга амалий ёрдам беришга ҳаракат қилувчи жонкуяр бола образидир.

30- йилларда ўзбек болалар адабиётини юксалтиришда ўз ҳиссасини қўшган ёзувчилардан яна бири Мажид Файзий (1911—1950) дир. У ўзининг “Хушёр ёшлар”, “Донгдор йигит”, “Қизил тахтага”, “Дўстлик”, “Бригадир” каби асарлари билан насрнавис сифатида танилди.

Доржия Оппоқова ўзининг “Ёш зарбдорлар”, “Кичкина Бону”, “Лўлилар” ҳикоялари ва “Душман” пьесаси билан 30- йиллар болалар адабиётининг юксалишига арзирли ҳисса қўшди.

“Ёш зарбдорлар” ҳикоясида муаллиф эскилик сарқитларининг зарарини тушунган замонамизнинг илғор болалари образларини яратади. Ўқиш ва меҳнатда илғорлик, ташкилотчилик, ташаббускорлик, эскиликка қарши курашувчанлик каби хусусиятлар ҳикоя қаҳрамони Мурод образида мужассамлаштирилган.

30- йилларда Махдума Оқилова мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун бир қанча шеърлар ёзди.

Авалло, шунинг айтиши керакки, Махдума Оқилова (1940 йилда) “Мактабгача тарбия ёшидаги бола нутқини ўстириш” ҳақида қўлланма ишлаб чиққан эди. Шу билан бирга у “Мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун эртақ ва ҳикоялар” (1940) китобини, “Биз куйлаймиз” деган қўшиқлар тўпламини нашр эттирди. Бунда 32 та ашула бўлиб, шундан 25 тасини М. Оқилованинг ўзи ёзган ва 17 тасини тўплаган, қўшиқлар мусиқасини И. Акбаров ёзган.

Махдума Оқилова “Мактабгача тарбия ёшидаги бола нутқини ўстириш” қўлланмасида шу ёшдаги болалар китобининг аҳамияти, мавзуи ва хусусиятини илмий асосда баён этиб берди. Муаллиф мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун ёзилган асарларни эгаларига қандай ўқиб бериш йўллариини ҳам кўрсатган. М. Оқилова бу китоби билан ўзбек болалар ёзувчилари олдига масъулиятли ва шарафли вазифаларни, мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун қандай асарлар ёзиш кераклигини қўйишга интилди. Бу эса унинг болалар адабиётини ривожлантиришдаги катта ҳиссасидир.

30- йилларда мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун жуда кам асар яратилган. Шу нуқтаи назардан ҳам М. Оқилованинг “Биз куйлаймиз” номли ашулалар тўплами катта аҳамиятга эга.

Муаллиф мактабгача тарбия ёшидаги болаларга ҳаётимиздаги тарихий воқеаларни “Март қўшиғи”, “Пўлат қушлар” каби шеърларида содда ва ёшлар савиясига мос қилиб ифодалайди.

“Баҳор” ашуласида муаллиф болаларни баҳор фасли ва у вақтдаги қушлар ҳаёти билан таништиради, “Гуллола” шеърисида шу фикрни содда, янада чуқурроқ, кенгроқ ҳамда шўхчан куйлайди:

Далаларда очилди,
Гунафшалар, лолалар,
Бизга учиб келишди,
Майна, булбул, саъвалар.
Бир томондан болалар
Қувнаб терар лолалар,
Бир томондан қушчалар,
Бизлар каби сайрашар.

Хуллас, М. Оқилова юқоридаги шеър ва ашулаларида болаларни ҳаётимиздаги буюк воқеалар, фасллар, ҳайвон ва қушлар ҳаёти билан таништириб, улар онгининг ўсишига, атрофдаги ҳаётни тўғри тушунишга катта ёрдам беради.

Шундай қилиб, 30- йилларда мактаб, ва ўқувчи-ёшлар ҳаёти ўзбек болалар адабиётида маълум даражада ўз аксини топди. Бу мавзунинг ёритиш ишига З. Диёр, И. Муслим, С. Жўра, А. Раҳмат, М. Файзий ва М. Оқилова, Д. Оппоқовалар сезиларли ҳисса қўшдилар.

ОЙБЕК

(1905—1968)

Мусо Тошмуҳаммад ўғли — Ойбек ўзининг роман ва қиссалари, илмий-назарий, сиёсий, бадиий публицистик асарлари, таржималари, ажойиб шеърлари, дostonлари, ҳикоялари билан ўзбек адабиёти хазинасини бойитган атоқли сўз санъаткоридир. Айни чоқда, Ойбек болалар адабиётига ҳам муносиб ҳисса қўшган улкан адибдир. У яратган шеър ва ҳикоялар, қисса ва дostonлар болалар маънавиятига самарали таъсир этиб, ёш авлод эстетик дидининг шаклланишида катта роль ўйнамоқда. “Ёш йўлчи” (1925), “Гунафша” (1926), “Болаликни эслаб” (1926), “Шаҳарча болаларига” (1934), “Шоирнинг болалиги” (1937), “Эски ва янги болалик” (1937), “Одобли Турғун”, “Аҳмаджон боғбон” (1971) каби шеърый асарлари; “Зафар ва Захро” (1953), “Ҳақгўйлар” (1976), “Бобом” (1957) каби дostonлари, “Алишернинг ёшлиги” (1975) қиссаси, “Глобус” (1981) ҳикоялар тўплами, “Болалик” каби асарлари шу жиҳатдан характерлидир.

Ойбекнинг ижодий мероси унинг XIX жилдлик академик нашрда жамланган.

Ёш Мусо илк саводни эски усулдаги мактабда олади. У ҳаётининг бу босқичини ўзининг кўпгина шеърый асарларида, айниқса, “Шоирнинг болалиги” шеъриси муфассал тасвирлаган. Адиб эски усулдаги мактабга кириб қандай ўқиганлиги, эски мактабдаги ўқиш ва ўқитиш усуларини, болаларга билим бериш ўрнига эртадан кечгача қуруқ нотаниш матн ва сўзларни ёдлатиш ва тан жазонинг қўлланиш ҳолатларини тасвирлаш орқали эски мактабда ўқиган вақтларидаги оғир ва самарасиз ўтган кунларини надомат билан эслайди:

Эсиз . . . о, эсиз умрим,
Уриндим бир неча йил,
Нур кўрмай — сиёҳ дилим,
Болалик бўлди чил-чил. . . .

Шунга ўхшаган лавҳалар унинг “Болалик” қиссасида ҳам берилади.

Ойбекнинг яна бошқа бир қатор шеърларида ҳам шахсий ҳаётига, таржимаи ҳолига оид лавҳалар берилган. Кўп ижодкорларнинг ижодидаги каби Ойбек асарларида ҳам болалик таассуротларини бадиий хотирлаш етакчи ху-

сусиятлардан биридир. Бундай асарлар шоирнинг мазкур ҳаётга муносабатини, дунёқарашини ифодалашга ҳам хизмат қилади.

Ёзувчи Ойбекнинг болалиги ҳам барча меҳнаткаш халқ болалари каби кечади. У ёшлиқдан уй-рўзгорга қарашиш, гузардан нарса олиб келиш, сув ташиш, ўтин ёриш, қор кураш каби юмушларни бажаради. Барча болалар каби баҳор вақтларида томма-том ошиб варрак учирай, довучча қоқар, қиш бўлса ошиқ ўйнай, хўроз, тухум ва ит уриштиришларда қатнашар, ёз кунлари онасининг пинжида қариндош-уруғларининг боғларига “меҳмон” га борар, ҳайит, сайил ва бошқа миллий байрам кезларида эса ўзида йўқ севиниб, дор ўйини, халқ қизиқчиликларини, кўнгил очар томошаларни кўришга муяссар бўлар эди. Кейинчалик “Шаҳарча болаларига”, “Шоирнинг болалиги” шеърларида шу манзаралар ўз аксини топади.

Ойбекнинг болалар ва ўсмирларга бағишланган шеърий асарларида бугунги қайноқ ҳаёт, илм, ҳунар ва меҳнатга бўлган муҳаб-батларини, характерларидаги ватанпарварлик, коллективизм, ижтимоий бурчни англаш каби хусусиятларини тасвирлайди. Бу фазилатлар ўша даврда Ойбек асарларининг етакчи мавзуйига айланади.

Ойбек ғоявий-бадний кучли шеърлар билан бирга болалар ва ўсмирлар ҳаётини тасвирловчи ҳикоялар ҳам ёзди. Адибнинг 1981 йилда “Глобус” номли ҳикоялар тўплами босилиб чиқди. Бунда Ойбекнинг шу вақтгача эълон қилинмаган “Гулнор опа” (1930 йил), “Фанорчи ота” (1930 йил), “Синган умид” (1930 йил), “Тиллатопар” (1930 йил) ҳикоялари ҳам чоп этилган.

“Қонли бармоқлар” Ойбек кичик ёшдаги мактаб болалари учун Покистон болалари ҳаётидан “Қонли бармоқлар” (1962 йил) ҳикоясини ёзди. Ҳикояда

Покистонда тинчлик учун курашувчилардан қандай қасос олинаётганлиги, уларнинг болалари кўчаларга чиқариб ташланаётганлиги, тиланчиликка ва малайликка маҳкум этилаётганлиги ҳикоя қилинади. Ёзувчи бунини асар қаҳрамони тўққиз ёшли Алининг саргузаштлари орқали тасвирлайди.

Ойбек ҳикояда Алиларнинг яшаш шароитини ва қандай кун кечирешини қуйидагича тасвирлайди: “Горишов Лоҳурнинг бағридаги бир даҳа. Лоҳур — қўшиқлар, гуллар диёри. Горишов эса даҳшат! Али бу хароба-вайроналар ичида югуради. Кўча, йўлка дейдиган нарса йўқ, туташ хароба кулбалар. Шундай хароба кулбаларнинг бирисидан Али билан онаси, отаси қамалгандан сўнг ҳайдалиб, кўчага ташланган эди”.

Покистон шаҳарларининг кўча-кўйларида тўда-тўда тиланчи болалар юради. Гадоилар одатда “бахшиш” дейилса, ўзларини томдан ташлаб юборишга тайёр эканлиги ҳикояда бўртиб туради.

Али бир парча нон қидириб, беш-олти кундан буён расталарни кезиб юрганда гулобчи дўкондор уни чақириб “жаҳл аралаш деди, — мана бу яшиқларни бўшат!” ва бунинг эвазига ҳақ тўлашга ваъда қилади. Али “Ростданми?” — деб сўради ва “дўкондорнинг ”ҳа” деган товушини эшитгач, бола узун хўрсинди, жилмайди. Кир, калта кўйлагининг енгларини шимариб ишга тушди”. Али яшиқлардаги синиқ гулоб шишаларини ташийди: “Синиқ, чети учган шишалар ва бераҳм қуёшнинг иссиғи уни хуноб қилар, кичик бармоқлари тилинган, қўллари қон. Аммо оч, тентираб юришдан чарчаган бола бу хизматдан вақти хуш” эди. “Исқирт, жулдур, чўпдай ориқ болалар боланинг қонаган қўлларига тикидилар”. Болалар Алига кўмак бермоқчи бўлганларида у “раҳмат” деб жавоб берди. Али оч-наҳор, бармоқларини шиша синиқлари кесиб ачитишига, бир парча нон топишнинг ниҳоятда азоб-уқубатлари ва машаққатларига қарамай дўкондор гулобчининг оғир ишини ҳам бажаради. Дўкондор “бир қутини очиб, юпқа ”чапати” ни — нонни улоқтирди. Али илиб олди, қувониб деди:

— Дарров бориб, аямга бераман, у касал!

— Ая, мен келдим, нон топиб келдим. Тур, нон е, нон . . . Кампир онанинг юзини очди:

— Ўтди оламдан!

Дард билан, йўқчилик билан, очлик билан, ғам билан ҳамиша кўрашган бу ғариб аёлнинг юзида бахтсиз ҳаётнинг энг сўнгги нафасида ўлим билан кураш даҳшати кўринар эди”.

Бу ҳаётий парча фақат покистонлик Алининг ҳаёти учун хос ҳодиса бўлибгина қолмай, балки олтмишинчи йиллар капитализм сиёсатидаги камбағал меҳнаткаш болаларининг ҳаёти учун ҳам типик ҳол эди.

Китобхон Алининг саргузаштлари билан танишар экан, оддий инсоний ҳуқуқлардан ҳам маҳрум боланинг аянчли тақдири орқали ёвузликка нисбатан нафрат туйғулари шаклланади.

Муҳими шундаки, ҳаётда доимо ёвузлик билан эзгулик орасида тинимсиз кураш боришини, бу кураш инсонларни улуғ ишларга отлантириши мумкинлигини ҳис қиладилар.

“Алишернинг ёшлиғи” Ойбек буюк ўзбек шоири Алишер Навойнинг болалик йиллари ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу қиссасини 1967 йилда ёзди.

Улуғ Навоий Ойбекнинг севимли сиймоларидан бири эди. Бу ҳақда адиб мақолаларидан бирида шундай ҳикоя

қилинади: “Навоий шеърляти ва Навоий образи ҳамиша кучли бир қуёш каби кўнглимни тортар эди. Ўз асарларимда шоир Навоий образини яратишга зўр майл ва истагим бор эди. Ёшлигимдан бери Навоийнинг ўлмас, абадий шеърларини севиб ўқир эдим, унинг жозибали ғазаллари борган сари кўнглимга сингиб борди, шакл ва мазмунлари юрагимни маст ва мафтун этди. . . У менинг кўнглимда, ёдимда эди, бутун борлигимни банд этганди. Юрсам-турсам ҳамиша Навоийни ўйлар эдим. Унинг маънодор, ақлли кўзлари, хушфёъл, раҳмдил, олижаноб қиёфаси, асл, пок, улуғ қалбини ҳис этардим, кўз ўнгимда кўрардим. . . ”¹.

Ойбек 1928 йилдан бошлаб Алишер Навоий ижодини чуқур ўрганишга киришади. У дастлаб, Навоий ижодига доир кўпгина илмий мақолаларни ўқиб ўрганади. Кейинроқ “Навоий”, “Ғули ва Навоий” дostonларини нашр эттиради. Давлат мукофотига сазовор бўлган “Навоий” романида улуғ шоир ва мутафаккир ҳаётининг камолот даври тасвирланади. Буюк шоирнинг болалиги ҳақидаги қиссанинг ёзилиш тарихини адибнинг рафиқаси Зарифа Саидносирова шундай изоҳлайди:

“Алишернинг ёшлигини қаламга олиш нияти адиб қалбида қирқинчи йилларнинг бошларида туғилган бўлиб, “Навоий” романини ёзиш даврида бу иштиёқи янада кучайган эди. Тили, услуби жиҳатдан мазкур романга яқин бу қисса 1967 йилда тугалланган бўлса-да, ўзига нисбатан ғоятда талабчан адиб, уни қайтадан ишлаш мақсади бўлгани учун эълон қилишга ошиқмади”².

“Алишернинг ёшлиги” қиссасида Ҳиротдаги (тахминан, 1447—1452 йиллар) тарихий воқеалар, шаҳзодаларнинг Шохруҳ вафотидан кейинги ўзаро тахт учун курашлари ва шу даврда ўтган Алишернинг болалик (тўрт ёшдан бошлаб) йиллари ҳақида ҳикоя қилинади. Қиссада Алишер образининг такомилли ўша вақтдаги ташқи муҳит воқеалари ва зиддиятлари билан узвий алоқада тасвирланади. Ҳукмрон доира орасида мавқеи анча баланд бўлган Ғиёсиддин ва Гулбегим беканинг оиладаги самимийликлари, ўзларини сипо ҳам оқилона тутишлари, фарзанди Алишернинг ҳам жисмоний, ҳам ақлий томондан камолотида муҳим роль ўйнаганлиги ҳаққоний тасвирланади.

Ойбек қиссадаги қаҳрамонлар билан ўқувчиларни таништиришда ва Алишер фазилатларининг такомиллашини тасвирлашда Ғиёсиддин Кичкина уйдаги меҳмондорчилик лавҳасидан усталик билан фойдаланган.

¹ Ойбек. Алишернинг ёшлиги. “Ёш гвардия”, 1979, 2-бет.

² Уша китоб, 2-бет.

Қисса чарақлаган кенг чорхари меҳмонхонада меҳмонлар, қавм-қариндош, яқин дўстлар йиғилиб ажойиб суханварлик ва самимий суҳбат тасвири билан бошланади. Ойбек Алишернинг отаси Ғиёсиддин Кичкинани камтар, юмшоқ феъли, кўзлари ақлли, калта соқоли ўзига ярашган, жуссаси кичкина, ҳамманинг ҳурматини ўзига тортган киши сифатида тасвирлайди. Кўпчилик уни Ғиёсиддин Кичкина, яқин дўстлари эса кўпинча Кичик баҳодир ҳам дер эдилар. Адиб Малика Гавҳаршод саройига келган меҳмонлар орасида Алишернинг онаси Гулбегим бека ҳам борлигини баён этиб, уни қуйидагича тасвирлайди: “Хушбичим, келишган қоматли, юзлари оппоқ Гулбегимнинг ингичка қошлари ва жилвали меҳр чақнаган қора кўзлари гўзалликнинг энг зўр омили эди. Катта завқ ва дид билан кийинган, йигирма беш ёшлардаги бу жувон йиғинларда кўзга дарров ташланар, чеҳраси иссиқ, ёқимли аёл эди”. Шундай қилиб, Ойбек асарнинг бошидаёқ ўқувчилар диққатини Алишер ота-онасининг ажойиб ёқимли фазилатлари билан таништиришга тортади.

Ойбек ўша даврдаги ижтимоий, сиёсий муҳит ва тахт учун бўлган даҳшатли жанглар манзараси, ўзининг туркий шеърлари билан машҳур бўлган Қобулий Алишернинг тоғаси эканлигини ҳам ўзаро суҳбат лавҳаси асосида таъсирли баён этади:

“Ҳазрат Улуғбек илм дунёсида мангулик кашф этган мушарраф олимдурлар. Кўнгиллари барча илмларнинг тажассуми бўлмиш бу зот тарихимиз китобида абадий ёрқин юлдуздорлар”, деб таърифини келтиради.

Меҳмондорчилик даврасида ёш Алишерга Султон Улуғбекнинг тенгсиз олимлиги ва донишмандлиги, салтанатнинг тадбиркор намояндаси эканлиги маълум бўлади. Алишер унинг бу фазилатларига чуқур муҳаббат билан қарайди.

Ойбек ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий ва адабий ҳаёт ҳамда тарихий шахслар характерини болалар ва ўсмирлар ёши ва савиясига мос ҳолда қизиқарли қилиб тасвирлайди. Адиб Алишер онгининг шаклланиши ва тақомилида ота-онаси, Ҳусайн Бойқаро билан ўқиган чоғлари, тоғаси ва бошқалар, айниқса, Улуғбекнинг кашфиётлари ҳақидаги ҳикоялар ижодий мактаб бўлганлигини маҳорат билан тасвирлаган. Меҳмонлар олдига кириб борган ёш Алишернинг катталарга бўлган самимий ҳурматини, шеърни чуқур дид билан тушуна билишини, фаҳм-фаросатлигини Ойбек ҳаққоний тасвирлайди.

Ёш Алишер характеридаги ўзига хос хислатлар унинг болалик чоғиданоқ намоён бўлган эди. Алишер сиймосига хос бўлган ақллилик, катталарга бўлган самимий ҳурмат,

шеъриятни нозик ҳис этиш, ғазалларни ғоят маромига етказиб ифодали ўқиш, айниқса, “—от чоптиришдан фикр юритиш яхшироқдир чамамда”, дея фикр юритиш китобхонда катта таассурот қолдиради.

Алишернинг кейинчалик буюк давлат арбоби, улкан шоир даражасига етишувида бу каби фазилатларнинг ўзигина етарли асос бўлиб хизмат этмади, албатта.

Ойбек Алишер характерининг шаклланиш жараёнини ҳар бир эпизод, штрих, суҳбат, ёрдамчи образ ва қаҳрамонлар муносабати орқали ҳам бадий асослаб олган.

Алишернинг ўқишга — мактабга бўлган ҳавасини адиб унинг тилидан: “—ов қилмоқ мерганлик — эрмак нарса, лекин энг зўр зарурият мактабдир. Турмушнинг кўп сирларини мактаб ўргатади”, деб унинг илмга бўлган қизиқишини тасвирлайди. Шу билан бирга унинг ота-онаси, қавм-қариндоши ва бошқаларнинг суҳбати, шоирларнинг ғазаллари Алишерга катта таъсир этганини қайд этади.

Алишер ўзи яшаган даврнинг зиддиятларини ҳали ўзи у қадар англаб етмайди. Шунинг учун ҳам Шоҳруҳнинг Абдуллатиф билан, Абдуллатифнинг Хонзода бегим ва Гавҳаршод бегим билан Улуғбек тўғрисидаги мунозаралари мағзини чақа олмайди. Улуғбек тўғрисида порлоқ таассуротга эга бўлган зийрак Алишер Абдуллатифнинг ўз отасига қарши гапларидан дастлаб ҳайрон қолади ва иккиланади. Бироқ у шундайлигича қолавермайди.

Алишерга хос фазилатлардан яна бири катталарнинг фикр-мулоҳазаларини синчковлик билан тинглаш, ким ҳақ, ким ноҳақлигини билишга интилишида намоён бўлишидадир. Худди шу тариқа ёш Алишер характери аста-секин шакллана боради. Қиссада Алишернинг санъатга бўлган муносабати ҳам ўзига хос лавҳаларда ишонарли акс этади. Хусусан, най парчаси асосида ифодаланган тасвирлар бугунги ёш китобхон учун ҳам ибратлидир. Айниқса, Бобо “Завқу шавқнинг сири кўп. . . кўп синадим, улғайса билгич, донишманд бўлур. Ҳалитдан тили тангани тешади, кўзларидан кўкрагининг ўтини кўрурмен. Ғазаларни завқ билан тинглайдур, чолғуларга ҳаваси баланд” каби фикрлари шу жиҳатдан ибратлидир.

Алишер характерида даврга муносабатнинг ифода этилишида қишлоқдан келтирилган етти маҳбусни дорга осиб воқеасининг таъсири катта бўлади.

Чорсу майдонидаги одамларнинг кўпчилиги дорга осилаётган кишиларнинг ҳолига ачиниб кўз ёшини тўхтата олмай йиғлаётганидан Алишернинг ҳам хўрлиги келади. Бу ҳолни ёзувчи “... Кў расизми? Аларнинг ҳолига аҳли шаҳар йиғлашур!.. Алишернинг кўз ёшлари тагин қуйила бошлаган эди” деб тасвирлайди.

Алишер дор, дарра каби жазо турларини фақат эшитган. Бу вазиятни кўргандан кейин шафқатсизлик ва зулмкорлик ҳақидаги тушунчаси кенгая боради. Асарда мазкур воқеа орқали қиз ва йигит муҳаббатининг поймол этилиши, уларнинг севги ва эрк учун кураши халқнинг қўзғолонига бориб боғланиши даврнинг ўзига хос тавсифидир. Шу сингари воқеалар Алишер ҳаётида ўчмас из қолдиради, характерининг чуқурлашишига сабаб бўлади.

Ойбек Алишернинг илм ва адабиётга бўлган интилишини қуръоннинг маъносини тушунишга уринишини, форс-араб тилларини ўрганиши, туркий (она тили) байтларни ва ғазалларни маҳорат билан ўқиши ва кўплаб ғазалларни ёд олиши, мақоллар, масаллар, эртақларни севиб мутолаа қилишга ҳаракат қилганлигини тасвирлаш орқали баён этади. Алишер шаҳзодалар ўртасидаги даҳшатли жанглар, қонли урушлар борган сари зўрайиб бораётганини, ўз замонасининг нотинч воқеалари, ота ва бола ўртасидаги душманликларни энди чуқурроқ тушуниб, фикр доираси кундан-кунга ошиб борди.

Шоҳруҳ Мирзонинг вафотидан сўнг шаҳзодалар ўртасидаги ўзаро жанглар кучайиб кетгач, Гиёсиддин Кичкина бир неча яқин қариндошлари билан Ироққа йўл олади. Йўл азобини тортиб, Ҳиротга етиб борган Гиёсиддин Кичкина шаҳзодаларнинг ўзаро бўлиб ўтган жанглари билан танишади. У ердаги аҳволни ёзувчи бир чол тилидан шундай ҳикоя қилади:

— Ҳали қарабсиз — тахтда Алоуддавла, ҳали Абдуллатиф. . . ҳаммаси оч бўридек чор тарафдан ёпишади. Тожтаҳт ғалваси халқнинг тинкасини қурипти. Абулқосим юракли, ўткир одам, эҳтимол замоннинг лойқаси энди чўкса, Гиёсиддинбек”.

Чолнинг ҳар бир гапи, шаҳзодаларга берган баҳоси ёш Алишер қалбини ларзага келтиради. Шаҳзодаларнинг пасткаш, раҳм-шафқатсизликлари унинг нафратини оширади. Машъум тузумга, даврнинг нобоплигига, шаҳзодаларнинг ҳаддан зиёда қутуришларига қарши туғён билан улғая бошлайди.

Ойбек бундан беш юз йил илгари яшаган туркий ва форсий халқ тилини; унинг миллий руҳини, бойлигини, сўз ёки иборалар маъносини нозик ҳис этади. Найчи чол образини эслайлик. У аслида бечора фақирлар табақасидан, ҳунари най яшаш ва чалиш. Бобо ҳаётнинг асл маъносини найсиз тасаввур этмайди. Ёш китобхон бу чолнинг гап-сўзларидан, суҳбатларидан унинг касб-ҳунари, найчилик эканини билиб олади. Нутқидаги маъноли, тагдор, аниқ ибораларда эса, чолнинг ёши жуда улўлигини дарров ҳис қилади. “. . . — Най ўзимизнинг қадимдан қолган чолғу,

мунгли, маъюс қалбларнинг фироқи, аламларини куйлай-дур, тўй-базмларда унинг гўзал садоси кўнгулларга завқ тўлдурадур, ажойиб сеҳркор чолғудир най. Алишербекнинг ишқи тушибдими — ўргатурмиз. Ўғлоним хоҳласа балки машҳур мусиқий аҳлидан бўлур. . . Дилдаги оҳанг нафас ила найга ўтур. . . Бармоқлар куйни пардаларга солиб тура-дур”.

Ойбек бу каби кекса нурунийлар образлари воситасида инсонпарварлик, эзулик, одамийлик ва сахийлик, ёшларга муҳаббат каби ғояларни тарғиб этиб, ўзининг бадийий маҳорат эгаси эканлигини яна бир намоиш этди.

Алишернинг ҳақиқий инсон бўлиб улғайишида Ғиёсиддин Кячкина, Гулбегим бека, хизматкор бобо, тоғаси Мирсаиднинг маънавий таъсири жуда катта бўлган. Ойбек қиссада Алишернинг Туркистон саҳроларини, буюк тоғларини, бу ерда истиқомат қилган халқларнинг урф-одатларини, анъаналарини, қўшиқ ва куйларини, дoston ва эртакларини, “гўзал, ширин ва рангли” тилларини қаттиқ севиши ва ардоқлашини ишончли қилиб тасвирлай олган.

Ойбекнинг шахс тасвирини яратишдаги маҳорати мазкур асарда ҳам аниқ кўринди. У кўпинча, аниқ образ ва қаҳрамонларнинг ташқи қиёфасини чизиш орқали уларнинг ижобий ёки салбий, маънавий дунёсини очиб беради.

Бадийий тилдаги ва тасвир яратишдаги адиб маҳорати қиссанинг халқчиллик руҳини таъминлаган, шу залда Ойбек “Алишернинг ёшлиги” қиссаси орқали халқимизнинг узоқ ўтмишдаги ачинарли аҳволи ҳақида ҳам ёш китобхон онгида ҳаққоний таассуротлар ҳосил қила олган.

“Болалик” Бу қисса автобиографик характерга эга бўлиб, унинг марказида ёш Мусанинг саргузаштлари ётади.

Муса образининг ҳаётдаги асоси адиб Ойбекнинг ўзидир. Асарда Мусавойнинг етти ёшгача бўлган даврдаги характери шўхлик, тегажоқлик, тиниб-тинчимаслик ва ўйинқароқликдан ташқари, очиқ кўнгил, дангалчи, ўткир зеҳнлилиги Ойбекона тасвирга эга.

Мусавой характерининг шаклланишида оила, ҳаётда кўрган-кечирганлари, кишилар билан бўлган суҳбатлари ҳам муҳим роль ўйнайди. Кексаларнинг хонлар, беклар, бўлислар, бойлар ҳақидаги хотиралари, эшитган халқ эртаклари Мусавойни адолатсизликка ва ноҳақликка нафрат руҳида тарбиялайди, меҳнаткаш халққа меҳр-муҳаббат билан қарашга ўргатади. У ўзи туғилиб ўсган маҳалладаги бозор, расталардаги базозлар, баққоллар, дўкондорларнинг хатти-ҳаракатларини диққат-эътибор билан кузатар экан, уларнинг зиқна, хасис, чайқовчи, текинхўр ва маккор кишилар эканлигини билиб, қалби ларзага келар эди.

Ойбек Мусавойнинг ўқиш-изланишларига чуқур муҳаббат билан муносабатда бўлади. Унинг ўқишда тиришқоқлигини, зеҳнининг ўткирлигини, қунт билан мутолаа қилишини, арабча сўз ва ибораларни қондасини келтириб ёқимли оҳангда талаффуз эта билишини маҳорат билан чизади.

“Болалик” қиссасида Турғун, Аъзам, Аҳмад, Қодир, Ҳожи, Собир каби Мусавойнинг тенгқурлари ва ўртоқларининг образлари ҳам берилган. Уларнинг ҳар бири ўз шахсий қиёфаларига эга. Қодир кўринишдан мўминқобилга ўхшаб туюлса-да, аммо жаҳлдор. Аҳмад ошиқбоз, тентакроқ, Ҳожи мардикорнинг ўғли, қувгина, Собир кичкина бўлса ҳам пишиққина. Уларнинг турмуш тарзи турлича. Каттароқ болалар ошиқ, чиллак уйнайдилар, кичик болалар эса тол новдаларидан от қилиб минадилар. Бу борада Турғун образи феъли атворидаги сергаплик, тоқатсизлик, шартакилик билан бирмунча ажралиб туради.

Ойбек ўша давр ташвишларини болалар ҳаёти ва тақдирида ҳам маълум даражада акс этганлигини маҳорат билан тасвир этади.

“Зафар ва Заҳро” Бу дoston Покистондаги деҳқон ва ишчи оилалари, улар болаларининг оғир ва азобуқубатларга тўла ҳаёти ҳақидадир. Бундай оғир, машаққатли турмуш лавҳалари бадиий воситалар ёрдамида лирик-эпик шаклда ёрқин гавдаланади. Дoston қаҳрамонлари катта заминдорларга қул бўлишга мажбур этилган деҳқон боласи Зафар, онаси билан кўчага улоқтириб ташланган ишчи қизи Заҳродир.

Шоир болалар ва уларнинг оилалари бошига тушган бахтсизлик ва кулфатларни ифодалаш орқали болаларнинг онги ва қалбида содир бўлган ўзгаришларни турли тасвирий воситалар асосида аста-секин оча боради, эркин, бахтли, озод ҳаёт йўлини қидириш орзуларининг туғилишини ҳаётий ҳолатларда ҳаққоний тасвирлайди. Китобхон дostonнинг бошидаёқ Зафар мусибати мисолида покистонлик болаларнинг аянчли ҳаёти билан яқиндан танишади:

Зафар аста тентирайди, ёнса-да кун,
Еши ўнда, жингалак соч, кўзи туйғун.
Эғнидадир парча латта, кир ва ямоқ,
Товонларин туёқлаган қизрин тупроқ,
Ориқ кучсиз қўлда чўлтоқ супурги бор,
Бошида гўнг сават, тентирап, битган мадор.

Дostonда қашшоқ деҳқон оиласининг фожиали ҳаёти, солиқ тўловчиларнинг қўрс-қўполлигию золимлиги, бойнинг раҳмсиз ҳамда қувлиги Зафарлар оиласи мисолида кўрсатилади. Бунда шоир ҳаёт кўринишларини уста рассом-

дек аниқ чизади. Зафар чарчаб, очиқиб базўр қишлоғига қайтиб келганда, у шундай ҳолга дуч келади:

Бироқ бола уйда кўрар зўр қайғу-ғам:
Ота, она ва опанинг кўзлари нам.
Чунки келмиш налог йиғар золим киши,
Бирин икки қилиб олмоқ унинг иши. . .
Отага у қайқиради, қилади дўқ,
Сотмоқ учун ҳеч нима йўқ, ёнда пул йўқ,
Налогчи дер: “Бойга бўлсин чўри қизинг!
Пул топмасанг, қамаласан, битар изинг!”
Қалтирайди ота безгак тутган каби,
Ҳар тарафга югуради пул топгали.
Қўшнилар деҳқон, батрак — бари қашшоқ,
Бари қарам бой қўлига, рўзғори қоқ.
Шу маҳалда келиб қолар қишлоқ бойи,
Салласи зўр, бўёқ соқол бир ёввойи. . .
Четга имлаб деҳқонни у беради пул,
Ва дер: “Менга бўлсин мана шу ўғлон қул!”
Деҳқон бойқиш, иложи йўқ, рози бўлар,
Налогчининг кафти шунда пулга тўлар.

Зафар шу тариқа ёш бўлишига қарамай кўп оғир кунларни бошидан кечиради. Шоир Зафар образи мисолида қалбида золим бойларга, ҳадсиз зулмга қарши нафрати тобора кучайиб борганини кўрсатади. Зафар қанчалик оғир ҳаёт чанғалига тушмасин, унда озодликка, бахтиёр ҳаётга эришиш умиди сира сўнмайди. “Бир қуш бўлсам, у мамлакат қуёшига томон учсам!” деган орзу қанотида яшайди.

Ойбек Зафар ва Заҳролар ўртасидаги самимий дўстлик ришталарини, оғир ҳаётга, зулмга бўлган чексиз нафратларини хилма-хил ҳаётий бўёқларда гавдалантиради.

Достонда катталар образи ҳам берилган. Жумладан, Заҳронинг отаси “инглизга, ҳамма бойга душман” бўлгани учун қамалган, Заҳро икки укаси ва онаси билан ётоқдан қувилган. Бу икки тақдир оҳроқали ижодкор Покистондаги миллионларча бошпанасиз аҳоли қисматини поэтик умумлаштиришга ҳаракат қилади. Заҳро “жин кўчалар” орқасида жойлашган парашют фабрикасининг икки юздан ортиқ ишчи оилалари муҳитида, “шамол кирмай, қилча ҳам қуёш тушмас, ғор сингари қоронғу, қора, хунук, бир уй” да яшайди. Унинг оиласи қанчалик машаққатли ҳаёт кечирмасин, қиз хотирасида отасининг айтган ҳақ сўзлари жонланади, озод меҳнат, ҳамма нарсага халқ хўжайинлик қилган, бахтиёрлик ато этилган, халқлар дўстлиги равнақ топган бир мамлакат ҳаётини хаёлидан асло нари кетказа олмайди:

“Биласанми, бир мамлакат дунёда бор,
Унда барча тенг ва эркин, ҳам бахтиёр.

Унда этар идорани ишчи-деҳқон,
У мамлакат олтин, халқлар бахтла ҳар он. . .
У мамлакат ишчи-деҳқон учун азиз,
Чин курашиб шундай бахтни топармиз биз.
Қизим, ёнсин юрагингда умид-юлдуз,
Биз ҳам бир кун қайғуларни унутармиз!”

Достон ниҳоясида Покистон меҳнаткашлари ҳам чиннакам озодликка ва тўла мустақилликка фақат кураш йўли орқалигина эришиши мумкинлиги ўзига хос йўсинда ифода этилади:

Эрк, ҳақиқат инсонлари айлар кўмак,
Тинчлик учун курашчилар сенга керак.
Покистоннинг болалари — етгай муддат! —
Сизни эркли, бахтли ҳаёт қучгай албат!

Ойбек “Зафар ва Заҳро” достонида Покистон болаларида ҳам чет эл ва маҳаллий эзувчилар зулмига қарши нафрат ва ғазаб туйғулари жўш ура бошлаганини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, Ойбек ўзбек болалар адабиётининг шаклланиши ва юксалишида юқоридаги каби асарлари билан катта ҳисса қўшди. У ўзининг бундай асарлари билан болалар адабиётининг севимли куйчисига айланиб қолди.

ҲАМИД ОЛИМЖОН

(1909—1944)

Ҳамид Олимжон ўзбек болалар адабиётини ривожлантиришга баракали ҳисса қўшган улкан истеъдодлардан биридир. У “Ойгул билан Бахтиёр”, “Семург” каби эртақ-достонлари, “Болалик”, “Ҳулкарнинг шеъри”, “Самолёт”, “Лола”, “Ватан”, “Она ва ўғил”, “Зафар достони”, “Жангчи Турсун” ва бошқа асарлари билан ўзбек болалар адабиётининг хазинасига муҳим ҳисса қўшди.

“Ҳамид Олимжон ёшлигида соғлом, шўх, зийрак” (*Сарвар Азимов*), интилувчи бола бўлган. У ҳозирги болаларнинг келажакдаги порлоқ ҳаётини шўх, қувноқ руҳда куйлайди.

Бўлажак шоир Ҳамид Олимжон Жиззахдаги Наримонов номи мактабни тамомлагач, Самарқанд педагогика билим юртига кириб, ўқишни давом эттирди. Ғоят тиришқоқлик ва кунт билан ўқиган Ҳ. Олимжон давр ҳаёти ва интилишларини қуйидагича шеърга солади:

Кунлар ўтди.
Шаҳар бизни
Олов кўзли,
Темир таши
От билан
Қўкрагига чақирди. . .
Ешқўнгиллар,
Поёни йўқ ҳисларни,
Йўлга сепиб,
Сўнг завқларга толдилар,
Йиллар учиб кетдилар,
Кўп баҳорлар
Қанот ёзиб,
Тилакларга етдилар.
Биз шаҳарнинг кураш маршин
ўргандик.

Шеърда болаларга хос интилиш, орзу-умидлар, келажакка бўлган ишонч туйғулари образли мисраларда табиий ва самимий ҳолда намоён бўлади. Шоир турли ҳаётий, ҳаққоний тафсилотларда, бой ифода воситаларида болаликка хос хусусиятларни ғоят завқли мадҳ этади.

“Ҳулкарнинг шеъри” Шоир бу шеърини қизи Ҳулкарга (1937) бағишлайди. Ҳулкар образида кичкинтойларнинг ажойиб фазилатларини тасвирлайди. Шунга кўра, асар умумлашма моҳиятта эга.

Шеърда Хулкар “Меҳнат узра қаноти” ни ёзиб, “Оқ қушларнинг ўлкасида юриш”ни истайди. Бироқ бунга осонлик билан эришиб бўлмайди, албатта. Бунинг учун қунт ва чидам билан ўқиш, илм-фан чўққиларини эгаллаш, тер тўкиб меҳнат қилиш талаб қилинади. Шоир ўз жажжи қаҳрамони олдига ана шундай муҳим, масъулиятли вазифаларни қўяди. Бу билан бола тарбиясида ўзининг масъулиятини чуқур ҳис этган олижаноб ота — тарбиячи образи кўз олдимизда яққол гавдаланади.

Шеърда шоир Хулкар тақдири мисолида болаларнинг ёрқин келажаги ҳақидаги юксак мақсадини қуйидагича ифода этади:

Тушаб алвон-алвон гиламлар,
Сенинг билан яшнасин баҳор,
Сенинг билан хуш бўлсин дамлар,
Сенга доим шодлик бўлсин ёр.
Сени кўrsa очилсин гуллар,
Сени кўrsa ёнсин булбуллар,
Сени кўрган бари топсин жон,
Сен юрган ер кўрмасин хазон.

“Лола” Шеър мактабгача тарбия ёшидаги болаларга бағишланган. Бу шеърда ҳам “Хулкарнинг шеъри” даги сингари шоир мақсади тўла мужассам этилган. Шоир миллионлаб жажжи қизларнинг она-Ватан қучоғида қувноқ ҳаёт кечирishi ҳақидаги орзусини Лола тимсолида ифодалайди. Шоир Лола яшаётган Ватанни гулга тўла бир бўстон сифатида таърифлайди:

Лола боқчага чиқиб,
Кечга қадар гул терди.
Этак-этак гўллади,
Ҳар кунгидан мўл терди.
Сочига гул боғлади,
Чаккасига тақди гул,
Елкаларидан ташлаб
Гулга кўмилди буткул.

Ҳақиқатан ҳам бу ёшдаги болалар гул-лолаларга ўхшашини, уларга худди гулларга ўхшаб эҳтиётлик ва меҳрибонлик билан муомалада бўлиш зарурлиги таъкидланади. Шоир шеърни бекорга “Лола” деб номламаган. Бу маълум рамзийлик касб этади. Ҳар бир болалик ўзига хос гулдир. Шоир ифода этилаётган ушбу ғояни ҳаётий эпизод — Лоланинг гулзорда гул-лолаларга ўралганини ихчам чизиш орқали тасвирлайди. Айни чоқда, шеър китобхонда табиат гўзаллигига, она-Ватанга муҳаббат ҳисларини уйғотади.

“Самолёт”

Шеър болаларда ватанпарварлик, қаҳрамонлик ва учувчиликка бўлган муҳаббат ҳисларини уйғотишга қаратилган. Товуши “оламни тутиб кетган” самолётлардан завқланган бола ана шу буюк жасоратли ишларда акаси борлигидан мағрурланади, унга ҳаваси келади.

Шоир кичик ёшдаги боладаги ватанпарварлик, жасурлик ҳисларини унинг ўз акасига ёзган хатида жуда чиройли ифодалайди:

Ватанимиз ёвига
Омон берма, — деб ёздим.
Орден олмасдан туриб,
Уйга келма, — деб ёздим.

“Ватан”

Озод, эркин она-Ватанимизни жондан севган, эъзозлаган Ҳамид Олимжон бу шеърда мамлакатимизнинг тенги йўқ куч ва қудратга эгаллигини, шу Ватаннинг фарзанди бўлганлигидан беҳад хурсандлигини ғоявий-бадийий юксак мисраларда беради:

Шодлигим кўкка сирмас,
Битмас бахтим бор маним,
Мени бахтиёр қилган
Шу енгилмас Ватаним.

Шоир боладаги она-Ватан билан фахрланиш сабабларини ҳам зўр эҳтирос билан чизади:

Душманга омон бермас,
Ҳар бир аскар отган ўқ.
Дунёда меникидай
Қатта ва зўр Ватан йўқ.
Ёвнинг ўқи ҳеч қачон
Аскардан ўтмайди.
Нишон олса осмонни,
Самолётда етмайди.

Албатта, бу мисраларда, шоир ишлатаётган муволафаларда ёш қаҳрамоннинг орзу-умидлари, тасаввурлари мужассам этилган. Одатда, болалар ўзлари меҳр қўйган нарсаларни “ўтда ёнмас, сувга ботмас” ҳолда кўришни орзу қиладилар. Шоир болаларга хос шу хусусиятлардан усталик билан фойдаланиб, уларда Ватандан фахрланиш туйғуларини кўрсатишга ҳаракат қилган. Шеър шу жиҳати билан ёш китобхонда ватанпарварлик туйғуларини шаклантиришда катта аҳамиятга эгадир.

Ватанпарварлик ғояларини илгари суришда шоирнинг

“Жангчи Турсун” (1942) балладаси ўзига хос ўринга эга. Шоир балладасида халқ оғзаки ижоди оҳанглиридан самарали фойдаланиб Она ва Ватан тушунчасини битта нуқтада жамлай олган. Бу ғояни у Она ва жангчи Турсун образи тимсолида акс эттиради. Айтиш мумкинки, шоирнинг “Жангчи Турсун” балладаси ватанпарварлик мавзуидаги энг сара асарлардан биридир. Шунга кўра, бу асар ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда катта тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Ҳамид Олимжоннинг болалар учун ёзган шеърларининг деярли ҳаммаси ҳажм жиҳатидан ихчам, болаларбоп, ғоявий-бадий жиҳатдан мукамалдир. Шоир шеърлари болаларга тез ва осонлик билан сингади. Содда ва ихчам мисралар, ўйноқи, жўшқин қофиялар, образли ифодалар, бадий тасвирлар, характерли, болаларбоп парчалар шеърларнинг қимматини оширади, кичкинтойларнинг тез ёдлаб олишларига имконият яратади.

Ҳамид Олимжон болалар учун ёзган шеърларида турли тасвирий воситалар, ажойиб ўхшатиш, сифатлаш ва истиораларни усталик билан қўллайдики, булар асарнинг ғоявий-бадий мукамаллигини таъминлабгина қолмай, китобхонларнинг сўз бойлигини, нутқини бойитади, уларда эстетик завқ-шавқ уйғотади.

Шоир болалигиданоқ халқ оғзаки ижоди намуналаридан баҳраманд бўлди. Эртақлар оламига уни бувиси олиб кирди. Буни шоир шундай хотирлайди:

Болалик кунларимда,
Уйқусиз тунларимда,
Кўп эртақ эшитгандим,
Сўйлаб берарди бувим. . .
Бувимнинг ҳар қиссаси,
Ҳар бир қилган қиссаси
Фикримни тортар эди,
Ҳавасим ортар эди.
Тинглар эдим бетиним,
Узун тунлар ётиб жим,
Сеза олардим кучин.

Дарҳақиқат, халқ ижодининг энг нодир асарлари, улардаги халқ донишмандлигининг ажойиб фазилатлари шоирни ўзига тортган, завқини оширган, адабиётга ҳавас уйғотган, адабиёт оламига киришига катта таъсир этган. Ҳамид Олимжон халқ оғзаки ижоди асарлари таъсирида “Ойгул билан Бахтиёр” (1937), “Семурғ ёки Паризод ва Бунёд” (1939) каби ажойиб дostonларини яратди.

Шоир бу дostonларни яратишда, Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун ҳақидаги афсоналарни қайта ишлаб, уларга бадий камолот бағишлаган Алишер Навоий, жаҳон

адабиёти хазиначиси “Шоҳ Салтан”, “Ўлик малика ва етти баҳодир ҳақида эртак”, “Олтин хўроз ҳақида эртак” каби эртак-дostonлар билан бойитган А.С. Пушкин ҳамда халқ ижодига бўлган муҳаббатини жасур йигит Данко юраги тимсолида алангали ифодалаган А.М. Горький анъаналарига мурожаат қилганлиги шубҳасиз. Ҳамид Олимжон халқ оғзаки ижоди материални ишлашда бу буюк устозлардан ижодий фойдаланиш билан бирга, ўзбек фольклорига феодаал ва бошқа эзувчиларга қарши кураш руҳини яна ҳам равшанроқ акс эттиради.

“Ойгул билан Бахтиёр” Шоирнинг “Ойгул билан Бахтиёр” достони ўзбек болалар адабиётига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Халқ оғзаки ижоди бўлмиш “Маликаи Ҳуснобод” эртаги асосида яратилган бу асарда шоир ватанни севиш, зулмга ғазаб-нафрат, ботирлик, мақсадга эришиш йўлида саботли курашиш, яхшилиқнинг ёмонлик устидан ғалаба қилиши муқаррарлигини илгари суради. Мақсадни ифодалаш учун шоир дostonда яхшилиқ билан ёмонликни, адолат билан зулмни, гўзаллик билан худбинлик дунёсини қарама-қарши қўяди. Бу ғоялар бир томондан Ойгул, Дархон, Тарлон образларида, иккинчи томондан, Жамбул ва Журжон хонлари образлари орқали ёритилади.

Халқ эртагидан фарқли равишда дostonда меҳнаткашларнинг озодлик учун қаҳрамонларча олиб борган кураши, уларнинг энгилмас иродаси ифода этилади.

Бирови ушлаб косов
Саваларди келса ёв.
Болтаси бор бирининг —
Ўлим келмас унга тенг
Агар дуч келса шу чоқ,
Ағдарарди бўлса тоғ.

Асарда халқ кураши ва қўзғолони Дархон билан унинг қизи Ойгул бошчилигида намоён бўлади. Ойгул фақат гўзаллиги билангина эмас, балки жасур, меҳнаткаш, иродали, ақлли, халқпарвар, тадбирли аёл тимсоли сифатида ҳам чинакам халқ қаҳрамони даражасига кўтарилади ва ўқувчида унга нисбатан чуқур муҳаббат уйғонади. Ойгул образи золимларга нисбатан ғазабкор, подшоларнинг молу дунёсидан кўра озодликни афзал кўрувчи, соф виждонли камбағал аёл тимсолидир.

Шоир халқнинг энгилмаслигини ўтга солса куймайди, қилич солса ўтмайди, милтиқ ўқи тешмайди, сувга солса чўкмайди каби халқчил ибораларда болаларга тушунарли ва қизиқарли тарзда ифодалайди. Бунини Ойгулнинг сандиқ

билан сувда оққанда, Жайхун балиқ ютганда ҳам тирик қолиши воқеаларида кўриш мумкин.

Ойгул кишини молу дунёсига қараб эмас, балки унинг ҳақиқий инсоний фазилатларига қараб севади. Шунинг учун у хон ва подшодан кўра “қиличдай ўткир” ва камбағал Бахтиёрни севади, унинг оиласига ғамхўрлик қилади, меҳнаткаш халқни оғир, машаққатли ҳаётдан қутқариб, озод, бахтли ҳаётга эриштиришда, “янги бир дунё” яратишда Ойгул халққа раҳбарлик қилади. Эзилган меҳнаткашлар Ойгулнинг яхши ниятларини қўллаб, уни амалга оширишга киришадилар. Натижада улар:

Болаларга саройлар,
Гўзал, озода жойлар,
Ҳар қаламда бир бўстон,
Ҳар ерда бир гулистон. —

яратадилар.

Шоир Ойгулни ўз эл-юртини чин дилдан севган, мамлакат ободончилиги учун тинмай курашган ватанпарвар ва халқпарвар аёл сифатида улуғлайди, зотан, унинг раҳбарлигида, кўпчиликнинг кучи билан камбағал ва қулларнинг ватани — Сусамбил “жаннатга тенг ўлка бўлди”. Камбағалларни ва унинг болаларини озод, бахтиёр ҳаётга эриштиришда халққа раҳбарлик қилгани учун Ойгулни эл жондан севади.

Асарда Ойгул шахсий қиёфада гавдалантирилади: у душманга нисбатан қаҳр-ғазаби қайнаб тошган, яхшиликка яхшилик қайтаришни ўзи учун бир бахт деб биладиган шахс ва ҳарбий таълимни жуда пухта эгаллаган жасур, қаҳрамон аёл сифатида ҳам халққа ардоқли. Бу жиҳатдан у китобхонга жасур аёл халқ қаҳрамони — Тўмарисни эслатади.

Шоир Ойгулнинг ватанга ва халққа қилган зўр хизматлари учун уни қанча-қанча эл севганлигини тасвирлар экан, унинг гўзал ва ёқимли тасвирини маҳорат билан чизиб, китобхоннинг меҳр-муҳаббатини яна бир бор оширади.

Ойгул туриши билан
Сарой чарақлаб кетди.
Ҳамма ёқ бўлиб равшан,
Уйлар ярақлаб кетди.
Ой деганда юзи бор,
Кун деганда кўзи бор,
Бир гўзал қиз қаршида
Бебаҳо эди жуда.
Қалдирғоч қошларидан,
Тўниб қарашларидан
Ҳаёт сочилар эди,
Гуллар очилар эди. . .
Ой деганда юзи бор,

Кун деганда кўзи бор,
Гўзал, доно Ойгулни, —
Бу барно баҳор гулни
Эл севар эди жондан.

“Ойгул билан Бахтиёр” да эл қасоскори кекса Дархон образи ҳам диққатга сазовордир. Дархон жабр-зулмга қарши озодлик учун кураш олиб борган исёнчиларнинг бошлиғидир. У зўр иродали, зулмга ва ноҳақ қон тўкишга қарши курашувчи исёнкор сифатида тасвирланган. Шоир унга хос исёнкорлик сабабларини шундай шоирона тасвирлайди:

Дархон сўз бошлаб деди:
“Мен ва қизимдан бошқа
Ўлмаган қул қолмади,
Кириб шунчалик ёшга
Кўрмовдим шунча қонни,
Шунча зору фиғонни.
Эл хоғу монин буткул
Сен ўт ёқиб этдинг қул.
Сендай қонхўр золимдан
Қолмасин деб бирор зот,
Бош кўтардик, зулмдан,
Бўлмоқчи эдик озол”.

Бу мисраларда шоир Дархон исёнчининг сабабини баён этибгина қолмай, Жамбил хонининг золимлигини ҳам фош этиб ташлайди, беҳисоб гуноҳсиз кишилар қонининг тўкилишига сабабчи бўлган хонга нисбатан китобхонларнинг нафратини оширади.

Хон Дархонни ўлимга маҳкум этган чоғда ҳам, у ўз мақсадидан қайтмайди, келажакка, озодликка катта умид билан қарайди:

“ . . . Лекин бу гал бўлмади,
Аммо тилак ўлмади:
Бир кун сани йиқармиз
Ва қабрга тиқармиз”.

Камбағалларнинг бахтга эришиши, юртга бош бўлиб, уни обод қилиши ва тинчликни сақлаш ғоясини шоир Бахтиёр образи орқали ифодалайди.

Асарда Бахтиёр образи халқ қаҳрамонларига хос хусусиятларга эга шахс сифатида тасвир этилади. Шоир уни “Чинордай қоматдор”, “Кўкраги офтобни яширган”, “Қиличдай ўткир, Рустам каби зўр” каби эпитетлар билан гавдалантиради.

Шу тариқа Ойгул ва Бахтиёр — оддий меҳнаткаш халқ вакиллари — халқ озодлиги курашчилари даражасига кўтарилади.

Асарда Ойгул ва Бахтиёр йўлбошчилигида ўз бахтига эришган, мақсадига етган меҳнаткаш халқ вакиллари ҳам кўрсатилади. Шоир меҳнаткашларни ҳамиша эзиб, хўрлаб келган, ватанни харобаликка айлантирган хон ва подшо-ларнинг ёвузлигини ҳам моҳирона фош этган.

“Тани заҳарга ботган Жамбилнинг золим хони” шулардан биридир. Жамбил элининг хони Дархонни ўлдиргач, Ойгулга “менга хотин бўлурсан” деганда, Ойгул:

Тақдирим ёр бўлса-ю,
Фурсат қулай келса-ю,
Сени агар ўлдирсам,
Танангга ханжар урсам,
Дунёда энг бахтиёр,
Одам бўлардим, номдор, —

дея ғазаб билан унга тик қарайди.

Шоир “қутуриб қаҳри келди, илондай заҳри келди” каби аниқ ўхшатишлар орқали хоннинг золимлигини яна ҳам яққолроқ кўрсатади.

Ҳамид Олимжон бу дostonни ёзишда халқ оғзаки ижодининг энг яхши анъаналаридан усталик билан фойдаланган. Шунинг учун шоир эртақдаги парчаларга ижодий ёндашиб, бир қатор образларни (масалан, қул Тарлон образи) ҳам киритади. Айни чоқда, асарда халқ — буюк кучдир, деган мазмун етакчилик қилади. Асар ғоявий-бадий жиҳатдан ниҳоятда мукамал. Дostonда хилма-хил манзаралар, чуқур ички кечинмалар кенг лирик-эпик тарзда кўрсатилган.

Ҳамид Олимжоннинг ғоявий-бадий жиҳатдан баркамол бу дostonи болаларни ватанпарвар, қаҳрамон, жасур, ўз халқига содиқ қилиб ўстиришда катта тарбиявий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон маданияти, адабиёти ва унинг энг муҳим қисми бўлган болалар адабиётининг юксалишига катта ҳисса қўшган шоир Ҳамид Олимжон болаларнинг ҳам сеvimли шоири бўлиб қолди.

ҒАФУР ҒУЛОМ

(1903—1966)

Шоир ва адиб Ғафур Ғулом ўзбек болалар адабиётининг юксалишида муҳим ўрин эгаллайди.

1918 йилда Ғафур Ғулом 8 ойлик муаллимлар тайёрлаш курсига кириб ўқиди ва 1919 йилдан бошлаб ўқитувчилик ишлари билан шуғуллана бошлади. Ёшларни билим ва маданият қучоғига тортишда у астойдил хизмат қилди. У Тошкентдаги “Урфон” номли мактаб қошидаги боқимсиз болалар уйида тарбиячи ва мудир бўлиб ишлади.

1923 йилдан адабиёт майдонига қадам қўйган Ғафур Ғулом ўз ижодини болаларга атаб шеър ёзишдан бошлади. У бутун ижоди давомида ёш авлодни унутмади ва унга муносиб адабий мерос қолдирди. Шоирнинг “Мукофот” (1940), “Шеърлар” (1946), “Тонготар қўшиғи” (1949), “Бари сеники” (1953), “Бир ғунча очилгунча” (1955), “Сиз менинг ёшлигимсиз” (1958) шеърлар тўпламлари, ўрта ва катта ёшдаги болалар учун “Шум бола”, “Тирилган мурда” (1934), “Ёдгор” (1935) каби ажойиб асарлари болалар адабиётида муносиб ўрин тутди.

“Яша, дейман ўғлим!” Ғафур Ғулом бу шеърда фан ва техникани эгаллашни ҳавас қилган, қалби қаҳрамонлик руҳи билан тўлиб-тошган, чексиз осмонга учиб, юлдуздан-юлдузга ўтишни орзу қилган замонамизнинг илғор ёш қаҳрамони туйғуларини ўғил мисолида тараннум этади. Шоир болалардаги қаҳрамонликка бўлган зўр ҳавасни сезгирлик билан илғаб олиб, уни моҳирлик билан ифодалаб берган. Ота билан боланинг суҳбати шаклида ёзилган бу шеърда ўғилнинг қўрқмаслик ва иродалилик хислатлари жонли тафсилот ва образлар орқали очилади. Шеърда болаларнинг ички кечинмалари, характери, ҳамма нарсани билишга бўлган қизикувчанлик ҳолатлари кулгили усулда таъсирли ифодаланган:

— Дада, мен осмонга учар бўлсам,
Чеки йўқ кўкни ҳам қучар бўлсам,
Юлдуздан-юлдузга кўчар бўлсам. . .

— Дада, мен жўнадим Арктикага,
Битта ортиқча путёвка сенга,
Эътибор бермай совуқ осмонга,
Сен туманда қолиб не лейсан?

— Яша, дейман, ўғлим!

Юқорида келтирилган мисолларда шоир мактаб ёшидаги кичик болалар диққати ва зеҳнининг мустаҳкамланиб боришини, уларнинг руҳиятидаги ўзгарувчан хусусиятларни болалар адабиётига хос воситалар орқали тасвирлашда моҳир санъаткор эканини кўрсатади. Шеър болаларни илм-техникани эгаллашга ва қаҳрамонлик кўрсатишга чақириши билан катта тарбиявий аҳамиятга эга.

“Турсунали нега варракдан воз кечди?” шеърида Гафур Фулом техниканинг куч-қудратини кичик ёшдаги болалар савиясига мос воситаларда варрак ва аэроплан орқали кўрсатади. Шоир буни варракнинг кучсизлиги ва аэропланнынг кучлилигини бир-бирига қарама-қарши қўйиш ва жонлантириш усули орқали моҳирона кўрсатишга муваффақ бўлган. Шоир аэропланда тинмай баланд ва узоқларга учган қаҳрамон образини чизар экан, болаларда замонамизнинг шундай қаҳрамонига нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотади. Шу билан бирга, муаллиф шеърда Ватанимиз қудрати ва гўзаллигини шоирона тасвирлайди, ҳаётда туғилаётган янгиликлар билан болаларни таништиради, буларнинг ҳаммаси ижодий меҳнат орқали яратилганлигини куйлаб, уларни замонамиз қаҳрамонлари изидан боришга, фаннинг чўққиларини эгаллашга ундайди.

Аэропланнынг учар отга ўхшаб кетиши боланинг хаёлига мувофиқ келади. Шоир аэроплан талқинида болани уни миниб олишга, “Фаннинг энг чўққиси” га учириб олиб боришга чақиради. Бундай ҳавас иштиёқи ёш юракни тўлқинлантиради ва бола самолётни минишга қатъий аҳд қилади.

Шоир “Бари сеники” шеърида юксак ватанпарварлик ғоясини илгари суради. Айни чоқда, ўз халқининг бахтини, бепоеън Ватанининг истиқболини куйлаган шоир ҳаётга бўлган муҳаббатини Ватанга бўлган муҳаббати туйғуси билан ёнма-ён кўради, болаларга икковини бир бутун ҳолда туншунтиради. Буни шоир бола тилидан қуйидагича ифодалайди:

Мунча ҳам чиройлисан, азиз Ватаним,
Бодомдай минг кўз билан севар баданим,
Сенсан аввал-охир, сенсан севганим,
Жоним, юрак қоним, ҳатто шу таним,
Бир бутун ҳолича бари сеники.

“Аҳмад ёмон бола эмас-ку, аммо. . .” шеърида Аҳмад образи орқали “Соғлом танда — соғ ақл” мақолидаги мазмунни ўзига хос образли тарзда ёритади. Шоирнинг маҳорати шундаки, шартлилик асосида Аҳмаднинг тана аъзоларини жонлантиради ва Аҳмад ўз тозалигига бефарқ қарагач, бу аъзолар мажлис қилиб, ҳар бири сўзга чиқади ва эгасидан норози эканликларини айтиб, уни танқид

қилишади. Ғафур Ғулом докторнинг фойдали маслаҳатларига амал қилган Аҳмаднинг кейинчалик озода, соғлом ва интизомлигина бўлиб қолмай, аълочи ўқувчига айланганлигини ишонарли тасвирлайди:

Қўллари қам севинчидан чапақда,
Бутун аъзо бир-бирига кўмақда.
Энди Аҳмад соғлом, тоза, аълочи,
Меъда кучли, тишлари мисли инжи.

“Нортожининг курак тиши” Шоир бу шеърда ҳам болаларни Нортожи образи орқали тозалikka риоя қилишга ундайди. Кичик китобхон диққатини дастлаб бешли Нортожининг “... чоллар каби кемшик” эканлигига қаратади:

Олдинги тўртта курак тишининг
Соғи йўқ — ҳаммаси чирик, дарз кетган.
Баъзиси жуда паст, баъзиси баланд,
Баъзиси лаб юлар — мисоли тикан.

“Нортожининг курак тиши”. Шоир образли тасвирлар орқали Нортожи характерига хос бўлган эринчоқлик ва ялқовликни, тозалikka риоя қилмаслигини ўзига хос йўсинда фош этади. Хусусан, Нортожи тишининг ковагидан жой олган нарсаларни тасвирлар экан, унинг кулгили ҳолатини “Карнайдай оғзини очиши билан сассиқ ҳид ҳаммага билиниб кетди”, “олдинги курак тишида бир ҳафта бурунги овқат қолдиғи” каби мисралар орқали янада бўрттириб гавдалантиради. Шеърда тозалikka риоя қилмасликнинг зарарли оқибати болаларга ғоят ҳаётий ва характерли мисраларда етказилади.

Ғафур Ғулом Нортожининг ўз нуқсонларини тўғри англаб, тегишли хулоса чиқариб, тозалikka риоя қилувчи болага айланганлигини ифодалаб, ибратли хулоса чиқаради:

Биласизми, ўртоқлар, бу дори нима?
Бир қути порошок, кичкина чўтка. . .
Энди Нортожининг тишлари дурдай;
Оғриқни, сасишни билмайди, тоза,
Ҳар кимки, тишини тозалаб турса,
Жони ором олур, ўзи покиза!

Демак, шоир шеърларидан келиб чиқадиган муҳим хулоса шунчаки баён ёки панд-насихат тарзида эмас, балки жонли тасвир, образли ифода орқали бериладики, бу каби хулосалар кичкинтойлар маънавиятига тезроқ етиб боради.

Шуни таъкидлаш зарурки, Ғафур Ғулом “Шум бола”, “Тирилган мурда”, “Едгор” асарлари билан болалар

адабиёти насрий жанрининг юксалишига ўзининг муносиб улушини қўшди.

“Тирилган мурда” Ҳикояда жамиятга доғ бўлган дангасалик илллати қаттиқ кулги остига олинади. Бу мақсад, ишчанлик билан ялқовлик, меҳнатсеварлик билан дангасалик ўртасидаги кураш асосида меҳнатнинг тарбияловчи қудрати тасвир этилади. Муаллиф ижодий мақсадни Мамажоннинг бошидан кечирганлари ва унинг ўзи томонидан ёзилган кундалик саҳифалари воситасида, кулгидан тарзда ҳикоя қилади. Асар пролог ва эпилогдан ташқари, олти фаслдан иборат бўлиб, уларда мулла Мамажоннинг 1925 йилдан то 1933 йилгача ўтган даврда бошидан кечирганлари ёзилган. Асарда Ғ. Ғулوم ўз қаҳрамонига “сўз” бериб, унинг ўзига хос характери яратди.

Ялқовликда афсонавий дангасаларни ҳам “бир чўқишда қочирадиган” мулла Мамажоннинг бугунги кунда меҳнаткашларнинг ижобий таъсирида аста-секин ялқовликни ташлаб, илғор колхозчи ва бригадирга айланганлиги ҳаётий, типик шароитда, ҳажвий ва кулгили ифодаларга бой лавҳаларда кўрсатилади. Мамажон тимсоли аста-секин ўсиб, изчил характер даражасига кўтарилган.

“Тирилган мурда” асари икки қисмдан иборат. Биринчи қисмида Мамажоннинг ялқовлиги, танбаллиги, эринчоқлиги кўрсатилса, иккинчи қисмида унинг жамоа хўжалигига кириши ва қайта тарбияланиши, фаровон ҳаётга эришиши тасвирланади.

Ёзувчи Мамажоннинг ялқовлиги ва эринчоқлигини чуқурроқ очиш учун, аввал уни “Минг бир кеча” эртакларидаги Абутанбалнинг ялқовлиги билан таққослайди: “Хўш десангиз, Бағдод деган шаҳарда Абутанбал деган бир ялқов йигит ўз онаси қошида яшар экан. Абутанбал ҳеч қандай иш қилмас экан. Онаси топиб келган овқатни ҳам, чайнаб оғзига солса, ютгани эринар экан. Доимо ёнбошлаб ётар экан-у, ўрнидан туришга ҳафсаласи келмас экан. Мабодо қўлтиғидан кўтариб, тикка турғизиб қўйсангиз, қадам қўйишга ботинолмас, зўрлаб қадам қўйдирган чоғингизда ҳам, оёқлари бир-бировига чалишиб йиқилар экан. . . ” Мамажон саргузаштларининг унинг ўз тилидан сўзлатилиши болаларга асар ғоявий мазмунини яхши тушунишда ва уларнинг қизиқувчанлигини оширишга хизмат қилган.

Мамажон шу қадар ялқовки, у отаси экиб кетган ярим танобча ердаги жўхорини қайириб олишга ва буни пишириб тириклик ўтказишга ҳам эринади. Бу ҳақда унинг ўзи шундай дейди: “Қаддимни кўтаришдан кўра чолларнинг койишларини эшитиш осонроқ кўринар эди”.

Ҳатто юришга ҳам ҳафсаласи келмаган ялқов Мамажон бирданига илғор колхозчи бўлиб қолмайди. Давримиз

воқелиги, меҳнатнинг шон-шараф ва қаҳрамонлик ишига айланиб, ялқовликнинг таг-томири билан емириб ташланиши Мамажон онгидаги иллатларни йўқотиб, унинг ўзгариб боришида ҳаққоний, аниқ ва ҳаётбахш куч ролини ўтайди. Мамажонни меҳнатга жалб қилишда яхши одамларнинг кўрсатган ижобий таъсир намуналари Сатторқул образда мужассамлаштирилади.

“Сатторқул акам қўярда-қўймай шудгорга олиб чиқди.

— Бас энди, ётаверма. Сал меҳнатга ҳам қайиш. Рангинг жойига келиб қопти. Тўлишибсан. Юр мен билан, — деди. Эриниб унинг кетидан кета бошладим. У қўш ҳайдади. Мен отбоши етакладим. Шудгор одамлар билан тўла эди: бириси ҳайдаётир, бириси мола босаётир, бошқалари кетмон чопаетир”. Бундай жўшқин ҳаёт, даладаги қайноқ меҳнат сурури Мамажонда аста-секин меҳнатга ҳавас туйғусини уйғота бошлайди.

Кўпчилик Мамажонга ўз таъсирини ўтказди. Унинг устидан колхозчи аёлларнинг кулиб, масхара қилишлари қаттиқ таъсир қилди.

Мамажон ялқовликдан, қолақликдан қутулиб, илғор, онгли колхозчига айланади. Унинг қайта тарбияланишида жамоа ва эркин меҳнат катта роль ўйнаганлиги ҳаққоний равишда тасвирлаб берилган. Ёзувчи бу образ орқали меҳнат-севарлик ғояларини илгари суради.

Асарнинг тузилиши ўзига хос, қизиқарли, тили равон ва соддадир. Мамажоннинг тушида кўрган аёлнинг: “Ғунчадай тугилиб келган қип-қизил лаб, ҳавода учиб юрган қалдирғочнинг муттасил қанотидай пайваста қорақош, сочларининг учи қўнғироқ бойлагандай, жингалак, юзлари атиргулга ўхшаган тиниқ пушти ранг” тарзида чизилган шахс тасвирида ёки “гапларим зуваласи пишмаган ҳамирдай уваланиб, тўкилиб кетмоқда эди” каби иборалар асарга зийнат бағишлаган.

Шоирнинг Ватан уруши йилларида шеъриятнинг жуда уруши йилларида кўп дурдоналарини яратган Ғафур Ғулом да болаларга ёзган ўзбек болаларига ҳам ажойиб асарлар асарлари тақдим этди. Унинг болалар учун яратган асарларида ватанпарварлик ва байналмилаллик ғоялари, қаҳрамонлик ва жасурлик, ғалабага ишонч оҳанглари янграйди. Шоир “Навқирон наслимиз синов олдида” (1941) шеърида ёшларнинг келажагини ифодалаб, уларни эрк ва бахт берган ватанга мувофиқ кишилар бўлишга чақиради:

Бизнинг ўлкамизда йўқолур офат,
Ўлимни енгилсиз сизлар кандидат. . .
Эртанинг, эй адиб ва шоирлари,

Кишилик руҳининг инженерлари. . .
Сиз осмон илмини сувдай ичасиз,
Юлдуздан-юдузга зумда кўчасиз. . .
Аълочи ўғлонлар, аълочи қизлар,
Ватан истаги ҳам худди ана шу.

Шоирнинг бу даврда ёзган ноёб ва гўзал асарларидан бири “Сен етим эмассан” шеъридир. Унда Ватан уруши йилларида етим қолган болаларга одамларнинг ватанпарварлик, қардошлик, инсонпарварлик ҳис-туйғулари юксак маҳорат билан тараннум этилади:

Сен етим эмассан,
Тинчлан жигарим,
Қуёшдай меҳрибон,
Ватанинг — онанг,
Заминдай вазмину,
Меҳнаткаш, мушфиқ
Истаган нарсангни тайёрлагувчи
Халқ бор — отанг бор.
Ўқима жигарим,
Ўз уйингдасан.

Бу парчада Ватаннинг муаззамлигини, унинг меҳри дарё кишилари қуйма образларда, лўнда, таъсирли ифодаланганлиги ҳар бир мисрада кўриниб турибди. Шоир болаларга етимлик нима эканлигини тушунтираркан, уни ўзининг аччиқ етимлик ҳаётини эслаш орқали асарнинг таъсир кучини оширишга эришган:

Етимлик нимадир —
Бизлардан сўра.
Ўнинчи йилларнинг
Саргардонлиги;
Иситма аралаш
Қўрқинч туш каби
Хаёл кўзгусидан
Ўчмайди сира.
Мен етим ўтганман,
Оҳ, у етимлик. . .
Вой, бечора жоним,
Десам арзийди.
Бошимни силашга,
Бир меҳрибон қўл,
Бир оғиз ширин сўз
Нондек арзанда,
Мен одам эдимку,
Инсон фарзанди. . .

Бу сатрларда шоир маҳорати аввало етимлик тушунчасига бўлган муносабатда намоён бўлади. Шоир наздида ҳақиқий етимлик фақат ота-онадан жудо бўлишгина эмас, балки Ватан деган, халқ деган тушунчалардан ҳам жудо бўлишдадир, деган фалсафада намоён бўлади.

Шоир урушнинг даҳшатли, фожиали воқеаларини гўдак хаёлида гавдалантириб, мана шу ваҳшийликларнинг сабабчиси бўлган Гитлерни лаънатлайди:

Сут кўр қилгур, ҳароми
Гитлер оқпадар —
Фарзанднинг қадрини
Қаердан билсин?

Шоир шеърда ғалабамизнинг муқаррарлигини зўр ҳаяжон ва кўтаринки руҳда, образли мисраларда ифода этади:

Тонг яқин,
тонг яқин,
оппоқ тонг яқин. . .
Улуғ оиланинг
гўдак фарзанди,
билиб қўй энди:
Сен тезда улгайиб,

Олам кезасан. . .
Ҳақорат емирилур,
Зулм янчилур,
Жаҳонда бўлурмиз,
Озод, музаффар,
Сен етим эмассан,
Менинг жигарим!

Ғафур Ғулумнинг бу шеъри ёшларда Ватанга садоқат, ватанпарварлик ва байналмилаллик ҳамда босқинчиларга нафрат туйғуларини тарбиялашда катта аҳамиятга эга бўлган баркамол асардир.

Ғафур Ғулум “Билиб қўйки, сени Ватан кутади” шеърида ёшларни аъло ва яхши ўқишга, фан асосларини чуқур эгаллаб, замонамизнинг илғор кишилари бўлишга даъват этади:

Фанлар кўп, фанлар бор ўрганишга куч:
Ерда юр, сувда суз, осмон узра уч.
Ҳаммасида аъло, барчадан олдин,
Билиб қўйки, сени Ватан кутади!

Қунт ва чидам билан ўқиш ва изланиш, илм-фан сирларини эгаллаб, маълум касб эгаси бўлиши ва шу орқалигина “аъло мамлакатнинг аъло фарзанди” га айланиш мумкинлиги шеърнинг асосий ғоясини ташкил этади. Шеърнинг яна характерли жойи шундаки, шоир она тили қаторида бошқа турли халқлар тилини ўрганишнинг аҳамиятини, халқлар ўртасидаги чинакам дўстлик ва қардошлик ғояларини ҳам талқин этади.

Шоирнинг Урушдан кейинги тинч қурилиш даврида Ватан урушидан кейинги ижоди Ғафур Ғулум болалар учун “Шеърлар” (1946), “Тонготар қўшиғи” (1949), “Бари сеники” (1953), “Бир ғунча очилгунча” (1955), “Сиз менинг ёшлигимеиз” (1958) шеърлар тўплами ва “Менинг ўғригина болам” (1965) воқеий ҳикоясини яратди.

Ғафур Ғулом бу давр ижодида болаларнинг ўзига хос орзу-умидлари, юксак маънавий олами, одоб ва ахлоқи, ўқиш ва интилишлари асосий мавзуга айланди. Жумладан, шоир “Олтин медаль” шеърида 10- синфни битираётган ўғил ва қизларга ишонч ва умид кўзи билан қарайди. Уларни келажакимизнинг ишонган кишилари — “замоналар тонгининг чироқлари” деб тасвирлайди.

Сизсиз келажак йўқ, сиз ахир халқнинг
Минг йилни кўражак қароғларисиз.
Сизсиз ёримаёди осмонда Зуқра,
Замонлар тонгининг чароғларисиз.

Шоир ўлкамизнинг келгусида янада гуллаб-яшнашини, жаҳонда тенги йўқ диёрга айланишини орзу қилади ва ёшларни ана шундай Ватанга муносиб фарзанд бўлишга, илм-фанни эгаллашга ундайди. У ёшларнинг илм-фанда камол топишига зўр ишонч билан қарайди.

Болалар ва ёшларни катталарга, айниқса, ота-онага меҳр-муҳаббатли қилиб тарбиялаш мавзусида Ғафур Ғулом анчагина шеърлар яратди. Шулардан бири “Она” (1953) шеърдир. Шоир бу шеърида бағри уфқлардан ҳам кенг онанинг лирик образини яратиб, боланинг унга бўлган меҳр-муҳаббатини ифода этади.

Шоир болани чақалоқлигиданоқ меҳр-муҳаббат билан асраб, авайлаб тарбиялаб келган онани таърифлаб, бу мўътабар зотни эъзозлайди.

Ўзинг ахир нимасан,
Қоямисан, тоғмисан?..
Жаҳонмисан, бормисан?
Рангмисан, қуёшмисан?
Ҳаммасидан улугсан!..

Ҳойнаҳой бир китобсан,
Минглаб қомусдан баланд.
Ҳойнаҳой офтобсан,
Мен эса сенга фарзанд.

Шоир шеърда онага мурожаат этиб, уни қоя, юксак тоғ, чаман боғ ҳамда қуёшга қиёслайди ва онани улардан юқори қўяди. Дарҳақиқат, онадан улуг зот дунёда йўқ! У борлиққа жон бахш этувчи, оламни нурга бурковчи офтоб мисол қадрли, ҳатто ундан ҳам азиздир. Шеър болаларда оналарга чуқур муҳаббат ҳиссини уйғотишда катта хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, академик шоир Ғафур Ғулом ўзбек болалар адабиётини юксалтиришга баракали ҳисса қўшди. У ёшлар учун ёзган асарларида болаларнинг қувноқ ҳаётини юракдан берилиб куйлади. Унинг асарлари болаларни яхши ўқишга, фан асосларини чуқур эгаллашга, замонамизнинг илғор кишилари бўлиб етишишга чақирди.

УЙҒУН

(1905—1990)

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири Раҳматулла Отақўзиев — Уйғун ўзбек болалар адабиёти тараққиётига катта ҳисса қўшган қалам соҳибларидан биридир. Унинг кичкинтойларга бағишлаб яратган “Қорбобо”, “Ҳадя”, “Баҳор ва мен”, “Менинг икки онам бор” ва бошқа шеърӣ тўпламлари болалар адабиётида етакчи ўринда туради. Шоир болаларга атаб ёзган барча катта-кичик шеърларида ўқимишли, она-Ватан ва меҳнатни жон-дилидан севган чин дўст, ростгўй, соф дил болаларнинг ҳис-туйғуларини ифодалайди, ёшларни Ватанимизнинг гўзал табиати, бойликлари ва кишиларимизнинг ажойиб фазилатлари билан таништиради.

Уйғун болаларга бағишлаб ёзган барча шеърларида мавзуни ўзига хос жиҳатдан акс эттиришга ҳаракат қилади. Шоирларимиз томонидан куйланган она-Ватан мавзуини ўзига хос тарзда ифода этади. Шу жиҳатдан унинг “Икки она” шеърӣ характерлидир. Шеър қаҳрамонининг икки онаси бор: бири унга оқ сут берган; иккинчиси эса ўз бағрида авайлаб парвариш қилган. Иккала онаси ҳам азиз, муқаддас ва мўътабар. Бири — унинг туққан меҳрибон онаси бўлса, иккинчиси — жонажон Ватани. Лирик қаҳрамон ана шу бир-биридан мўътабар икки онаси билан ғурурланади, факрланади. Ўзини боққан, тарбиялаган бу икки она олдида бир умр қарздор. Зарур бўлиб қолса улар учун қурбон бўлишга ҳам тайёр.

Бири туққан онамдир,
Иккинчиси ҳур Ватан,
Иккисига баробар
Қурбон бўлсин жону тан.

Уйғун болалар адабиётида ватанпарварлик ғоялари тўғрисида кўплаб шеърлар ёзган шоир сифатида эъзозланади. Масалан, “Менинг акам”, “Чегарачи”, “Садоқат соқчилари” каби асарлари бунга мисол бўла олади. Бу шеърларда чегара соқчиларини ўз постларида сергак туриб, уни қўриқлаётганини ва жангчиларнинг Ватан олдидаги қаҳрамонликларини тасвирлаш орқали болаларни ҳарбий-ватанпарварлик ҳислари руҳида тарбиялайди.

“Қасос” Болаларнинг она-Ватан олдидаги муқаддас бурчи, фидойилиги, эътиқоди ва садоқати шоирнинг “Қасос” (1944) достонида янада чуқур ифодасини тошган. Асарда муқаддас Ватан, душманга нисбатан нафрат, ғалабага комил ишонч ғояси ифодаланади.

Шоирнинг “Қизалоқнинг ўлими”, “Ўғирланган ҳусн”, “Инсон” каби қатор шеърлари мудҳиш уруш даҳшатлари ва ёш гўдаклар тақдири ҳақида ёзилган.

Ватан уруши йилларида фашистлар томонидан қанчадан-қанча шаҳар ва қишлоқлар вайрон бўлди, кишиларимиз жанг майдонларида қаҳрамонларча ҳалок бўлди, неча-неча бегуноҳ гўдаклар ота-онасидан тирик етим қолди, қанчалари фашист газандаларининг қўлида ҳалок бўлди.

“Қизалоқнинг ўлими” да ана шундай мудҳиш ва фожиали кўринишлардан бири қуйидагича тасвирланади:

Қаранг, бу манзара нақадар мудҳиш,
Тилка-тилка бўлинган юрак бурдаси;
Жонсиз онасининг қонли кўксида
Ётар чақалоқнинг кичик мурдаси.
Пахтадай юзлари... жажжи қўллари...
Шу азиз боланинг не гуноҳи бор?
Оғзи қон, усти қон, қўли қон бўри
Бурдалаб гўдакни айламишдир хор.

Ватан уруши йилларида ўқувчи — Валя Котик, Лёня Голиков, Зина Портнова кабиларнинг қаҳрамонлиги-ю, жасурлигини ким билмайди дейсиз? Булар ҳар қандай вазиятда ҳам ёвуз душманга қарши шафқатсиз курашдилар, ўз ота-оналари, ака ва дўстлари учун қасос олдилар, кўплари эса ана шу курашда қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар.

Ёшларнинг кўрсатган қаҳрамонликлари ҳақида ёзувчиларимиз кўплаб бадиий асарлар яратдилар. Уйғун ҳам ана шундай қаҳрамонларнинг ёрқин сиймосини ўзининг “Қасос” достонида Коля тимсоли орқали яратиб берди. Асар тўрт қисмдан иборат, ҳамма қисмларда бир ғоя — ватанпарварлик ва қаҳрамонлик ғояси илгари сурилган. Достон урушдан олдинги тинч ҳаётнинг тасвири билан бошланади. Колялар оиласи гўзал бир қишлоқда яшар, у қишлоқдан чегара кўриниб турар эди. Ота-онаси колхозда ишлайди. Коля эса синглиси билан мактабда ўқир эди:

Ўтар эди соз кунлари,
Хушчақчақ, ҳаловат.
Ўтар эди: ўқиш, иш,
Ўйин, кулги, роҳатда.

“Июннинг бир сақари, Ухлар эди тинч қишлоқ”. Бирдан тинчлик бузилиб, шовқин-сурон бошланиб, гўёки осмонда чақмоқлар чақнаб, тўсатдан тасир-тусур отилган тўплар овози, самолётдан ташланган ҳисобсиз бомбаларнинг даҳшатли портлаши Коляни уйқудан уйғотиб юборади. Қарасаки:

Олов, тутун, чанг, фарёд
Қоплаб олди ҳар ёқни.
Йиғи, қий-чув, тўполон
Босди бутун қишлоқни.
Тонг отиб, кейин билса,
Бошланган экан уруш.
Қонхўр, ёвуз фашистлар
Юртга қилибди юриш.

Фашист-газандаларнинг бегуноҳ одамларни осганлигини, “Қилич билан бош кесиб, танклар билан эз” ганлигини, душман ўқидан қора қонга беланиб ётган қанчадан-қанча мурдаларни, вайрон бўлган боғлар, ёнаётган ва харобазорларга айланаётган кўплаб қишлоқларни ўз кўзи билан кўрган Колянинг ранглари ўчади, бутун вужудини титроқ босади, қаҳр-ғазаби тўлиб тошади.

Коляларнинг қишлоғига биринчи бўлиб бостириб кирган куниёқ “Бўйи новча, бадқовоқ, жуда ҳам қонхўр” бир фашист кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ваҳшийликни қилади:

Уша отди отасин,
Онасини остирди.
Синглисини тириклайин
Девдай танка бостирди.
Буни кўриб Колянинг
Ақли учди бошидан
Кўйлақлари ҳўл бўлди
Кўздан оққан ёшидан.

Уша офицер Коляни ҳам ўлдирмоқчи бўлиб унга ўқ узади, ўқ тегмайди. У ўрмонга қочиб қутулади. Шоир Колянинг кўз ўнгида бўлаётган даҳшатли манзараларни тасвирлаш билан фашистларнинг тинч яшаётган халқимиз бошига солган фожиаларини болаларга содда ва чуқур мазмунли, таъсирли мисраларда етказиб беришга эришади. Шоир урушнинг дастлабки кунларидаги немис-фашистлар босиб олган қишлоқнинг мудҳиш қиёфаси, кишиларнинг фожиали тақдирини тасвирлаш орқали ўқувчида босқинчи немис-фашистга нисбатан қаҳр-ғазаб уйғотади, улардан қасос олишга ундайди.

Коля дoston охирида душманнинг қилмиши учун ундan қасос олишга отланган қасоскор, жасур қаҳрамон сифатида гавдаланади. У вайрон бўлган қишлоғи, отилган отаси,

осилган онаси, тириклайича танкка бостирилган синглиси учун душмандан қасос олишга онт ичади, ўша мальун новча, бадқовоқ, хунхўр офицерни қидириб топади ва ундан қаттиқ ўч олади:

Пойлаб пешанасидан,
Унга қараб ўқ отди.
Новча немис шу замон
Қора қонига ботди.
Коля деди: “Бу синглим
Ва онанинг қасоси.
Бу дўстларим, қушларим
Ва отамнинг қасоси!
Энди қолган ёвларни
Белагайман қонига”.
Сунгра Коля йўл олди,
Партизанлар ёнига.

Уйғун табиат ва фасллар куйчиси сифатида ҳам эъозланади. Серқуёш Ўзбекистоннинг бир-биридан ажойиб фаслларининг ўзига хос фазилатлари, хосияти, жозибаси шоирнинг “Баҳор”, “Баҳор ҳақида”, “Куз келди”, “Қор”, “Ёз”, “Қорбобо” каби қатор асарларида зўр ҳаяжон билан куйланади. Уйғун фаслларнинг ўзига хос такрорланмас сирларини болаларга турли усуллар билан уларнинг ёши, савиясига мос ҳолда содда, ихчам ва жозибали мисраларда ифодалаб беради. Уларни ҳаётдаги турли-туман муаммолар билан таништиради, фасллар шоирнинг ниятини амалга оширишда бир восита саналади. Шоир фасллар ва уларга хос бўлган ўйинлар орқали ўз қаҳрамони - болаларнинг руҳиятини очиш ва уларнинг характерини кўрсатишда унумли фойдаланади. Мана, унинг “Фасллар” шеъри:

Йилмизнинг салмоқдор иши
Тўрт фаслга текис бўлинар:
Қиш тайёрлар, баҳор экади,
Куз йиғади, ёз тарбиялар.

Шоир ҳар фаслнинг хислати ва фазилати инсон меҳнати билан гўзал эканлигини “Баҳор” шеърида яхшигина тасвирлаб беради:

Богбон чиқар боғига,
Чўпон кетар тоғига.
Бол арлар ғувиллаб,
Қунар гул япроғига. . .
Сувлар шилдираб оқар,
Қўшиғи дилга ёқар.
Бизга шодлик келтирдинг,
Салом сенга, гул баҳор.

Болалар учун турли-туман қушларнинг учиб келиши ҳам, дала ва қирларнинг гул ва майсага бурканиши ҳам, ранг-баранг жониворларнинг пайдо бўлиши ҳам номаълум-дек бир ҳодиса сифатида кўринади. Шунинг учун шоир болаларга номаълумдек кўринган бу ҳодисаларни уларга тушунтирмоқчи бўлган фикрини, ғоясини кўп ҳолларда баҳор билан боғланган ҳодисалар орқали тасвирлайди. Бу борада: “Гул ўтказдим боғимга”, “Қушлар келди”, “Бойчечак”, “Булбулга”, “Лайлак” каби шеърлари характерлидир.

Шоир қушларга аталган шеърларида эса, болаларни қушлар оламига олиб киради, қушлар баҳор элчиси эканлиги, қушлар билан олам янада гўзаллашиб яшнаши, уларнинг сайраши болаларга завқ-шавқ бағишлашини жозибали мисраларда тараннум этади.

Уйғун қиш фасли ҳақида ҳам анчагина бадий пишиқ шеърлар ёзган. Болалар ҳамма фаслларни, жумладан қишни жуда севдилар. Чунки бу даврда болалар ўйнайдиган ўйиннинг турлари кўпаяди. Айниқса, болаларнинг энг сеvimли арча байрамлари ҳам қишда бўлади. Ҳар бир бола учун арча байрамида иштирок этиш бир олам қувонч бағишлайди. Шунинг учун шоирларимиз болаларга атаб ёзган асарларида арча, қорбобо, яхмалак, чана учиш, қор ўйинини завқ билан тасвирлайди. Уйғуннинг “Қиш”, “Қорбобо”, “Арча”, “Холиқ қўрқоқ”, “Янги йил қўшиғи” каби шеърларида қиш фасли ўзининг бутун гўзаллиги билан намоён бўлади.

Уйғун адабиётимизда табиат манзараси тасвирининг моҳир устаси сифатида танилган. Бу унинг болалар учун ёзган шеърларида ҳам яққол кўринади.

Шоир “Баҳор” шеърида:

Осмон тиниқ кўк шоҳи,
Оқ булут кезар гоҳи.
Гулларга кўмилади
Қандак ўрикнинг шоҳи, —

деб Ватанимиз ҳуснига-ҳусн қўшаётган баҳор гўзаллигини тараннум этади ва болалар қалбида шодлик ҳисларини қўзғатади, меҳнатга бўлган ғайратини янада оширади:

Сувлар шилдираб оқар,
Қўшиғи дилга ёқар.
Бизга шодлик келтирдинг,
Салом сенга, гул баҳор!

Уйғуннинг мактабгача тарбия ёшидаги болаларга бағишлаб ёзган шеърларидан бири “Лайлак” дир. Шоир:

Лайлак келди ёз бўлди;
Қаноти қоғоз бўлди. —

деб уни ёз элчиси эканини болаларга соддагина тушунтиради ва лайлак келиши билан болалардаги табассум, шодлик ҳисларини таъсирли ифодалайди. Шоир болаларга лайлакнинг бутун қиёфасини қуйидагича чизишга интилди:

Лайлакнинг бўйи новча,
Тумшуғи бор тарновча
Лапанглайди учганда,
Уясидан кўчганда.
Узун экан оёғи,
Худди чолнинг таёғи.
Қаноти ола экан,
Сайрашга бало экан.

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар кўпгина нарсасодисаларни тушунавермайдилар, лекин уларни билишга, тушунишга қизиқадилар. Уйғуннинг “Лайлак”, “Гулдор капалак”, “Бойчечак”, “Қушлар келди” каби шеърлари шу жиҳатдан характерлидир. Шоирнинг бу каби шеърлари кичкинтойларни паррандалар, ўсимликлар ҳаёти билан таништиради.

Шоирнинг “Гулдор капалак” шеъри бу жиҳатдан таҳсинга лойиқ. Аҳмад даста-даста гуллар териб, дўстларимни хурсанд қилай, деб боққа киради. Аммо у ўзига нотаниш ҳодисага дуч келганидан ҳайратга тушади:

Узаман деб қўл чўзувди
Гул тўсатдан учиб кетди.
Аввалига шошиб қолиб,
Аҳмад бирдан чўчиб кетди.

Шоир Аҳмад узмоқчи бўлган “гулнинг учиб кетганида” болада туғилган ҳаяжон ва ички ҳолатидаги ўзгаришни жуда усталик билан ифодалаб, китобхонда ҳам ёқимли руҳий кечинма уйғотади. Кейинчалик шоир бу воқеанинг сабабини болага тушунтириб беради:

Кейин билса, гул дегани —
Гул эмас, бўлак экан,
Чўп бошига қўниб турган
Гулдор капалак экан.

Шоир “Бойчечак”, “Қушлар келди” шеърида табиатнинг ажойиб гўзаллигини тасвирлаб, болаларда Ватан ва унинг табиатига муҳаббат туйғусини сингдиради:

— Йўқ, бойчечак, сендан асло кулмаймиз,
Хотиржам бўл, сени сира юлмаймиз.
Ҳавас билан юзларингга қараймиз,
Бизлар сени қўриқлашга яраймиз.
Шафқат билан бошларингни силаймиз,
Сенга узоқ-узоқ умр тилаймиз.

Уйғун болаларнинг табиат гўзаллигига бўлган муҳаббатини уларнинг паррандаларга бўлган меҳридан ажратиб қарамайди:

— Қушларим, ҳой қушларим,
Қаноти кумушларим,

Меҳмон бўлиб қолингиз,
Богимда дам олингиз.

Шоир болаларнинг қушларга бўлган меҳрибонлигини “қаноти кумушларим” деб эркалашида кўрсатса, уларни энг азиз меҳмон сифатида улуғлайди.

Шоир ўзининг кўпгина шеърларида ҳар фаслнинг ўзига хос гаштини шоирона тараннум этади. Ёзнинг тўкин-пишиқчилигини (“Ёз”), кўркем чамандай оромгоҳларда қувнаб дам олаётган бахтиёр ёшларни (“Лагерда”), “Қуёш нурида, сув қўйнида яйраб-яйраб сузиб юрган” шўх болаларни (“Сув қучоғида”) қаламга олиб, уларнинг севинчли кайфиятлари орқали ёзнинг нақадар нашъали эканлигини ёзади. Бундан ташқари, шоир ёзнинг гаштини унумли меҳнатда деб ҳисоблайди. Бу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, Уйғуннинг “Ҳандалак”, “Ишкомда узум пишди”, “Теримчи қиз қўшиғи” шеърлари ўзбек болалар адабиётида алоҳида аҳамиятга эга.

Шоир “Ҳандалак” шеърда ҳандалакнинг шакли ва рангини: “Усти йўл-йўл, сариқ-кўк беқасамга ўхшайди” деб бола кўз олдида тасвирлаш билан бирга унинг “тилни ёрар ширин” лигини ҳам моҳирона ифодалайди. Айни чоқда, ширин-шакар ҳандалакни, “шарбатларга тўлиб” тошган узумларни етиштирган бободоҳқон меҳнатига болаларда муҳаббат уйғотади ва бундай меҳнатнинг роҳатини тўлқинланиб куйлайди:

Олиб келиб сўйганда
Шарбати оқиб кетди.
Еган чоғда меваси
Жуда ҳам ёқиб кетди.

Шунда тоза севиндим.
Ёзда қилган ишимга,
Уни қаид, асал қилган
Яхши парваришимга..

Хуллас, Уйғуннинг болаларга аталган асарлари улар характери, орзу-умидлари, қизиқишларини ўзида мужассам этиши билан характерлидир.

Бу асарлар бугунги кунда ҳам болалар маънавиятини, эстетик дидларини шакллантиришда катта аҳамиятга эгадир. Уйғун истеъдодли шоир сифатида болалар адабиёти тараққиётига катта ҳисса қўшди.

ЗАФАР ДИЁР

(1912—1946)

Ўзбек болалар адабиётининг тараққиётида ёрқин из қолдирган кичкинтойларнинг истеъдодли шоирларидан бири Зафар Диёр 1912 йилда Наманган вилоятининг ҳозирги Чуст район, Самсоқтепа қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилди. 1916 йилда Зафарлар оиласи Тошкент шаҳрига кўчиб келади. Зафарнинг отаси дала ишларида, онаси эса босмахонада меҳнат қилардилар.

1927 йилда Зафар тўлиқсиз ўрта мактабни битиради ва Самарқанддаги Наримонов номи Педагогика техникумига ўқишга кириди. Техникумда ўқиб, кўпроқ илм-фан сирларидан баҳраманд бўлишга ҳаракат қилади. Унинг дастлабки шеърӣ машқлари билим юрти деворӣ рўзномаси саҳифаларида кўрина бошлайди.

Йигирманчи йиллар охири ва ўттизинчи йиллар бошлари “Ленин учқуни” рўзномасида, “Ёш куч”, “Колхозчи болалар” ва “Вожатий” ойнамаларида илк шеърлари чоп этила бошланди. Зафар Диёрнинг биринчи шеърӣ ёш шоирларнинг “Қурилиш куйлари” деган тўпламида босилиб чиқди. Кўп ўтмай, унинг биринчи шеърлар тўплами “Кўшиқлар” номи билан 1933 йилда нашр этилди.

Ёш шоир 1933 йилда билим юртини муваффақиятли битиргач, ўқитувчи бўлиб ишлай бошлайди. Бу ҳол унинг мактаб ва болалар ҳаёти билан яқиндан танишишида, ёш авлод ҳаёти ҳақида ёзадиган асарларининг ҳаётӣ пухта бўлишида ижобӣ роль ўйнади. Унинг бундай руҳдаги шеър, ҳикоя ва очерклари 1928 йилдан бошлаб матбуот саҳифаларида тез-тез босилиб турди.

1934 йилда Зафар Диёр Самарқанддан Тошкентга қайтади ва “Ленин учқуни” рўзномасида адабий ходим, кейинроқ рўзноманинг масъул котиби бўлиб ишлайди. Шу билан бирга, у Тошкент давлат педагогика олийгоҳининг тил ва адабиёт факультетига кириб, ўқишни давом эттиради. Ўзбек ҳамда қардош халқлар ёзувчиларининг асарларини қунт билан ўрганади. Зафар Диёр кичкинтойлар учун шеърлар ёзар экан, изланиш, ўқиш, ўрганиш зарурлигини дилдан ҳис этади. Кейинчалик бу ҳақда шундай деб ёзади: “Болалар учун асар ёзишни мен ўзим учун жуда қийин ва масъулиятли вазифа деб биламан. Бу масъулиятли вазифанинг уддасидан чиқиш учун тажрибали, суюкли болалар ёзувчилари С. Маршак, С. Михалков, Квитколарнинг

асарларини ўқиб, уларнинг бой тажрибаларидан ўрганиш йўлида ишламоқдаман”¹.

Ёш қаламқаш шеър билан бир қаторда болалар учун ҳикоялар ҳам ёзади. 1934 йилда у ўрта ёшдаги болалар учун “Чўпон қизи” ҳикоясини ёзди. Унда ўқувчиларнинг дўстлиги, она-Ватанга муҳаббат туйғулари ҳаққоний равишда тасвирланган.

Зафар Диёр 1935 йилда дастлабки энг машҳур асарларидан бири бўлган “Машинист” достонини яратади. Достон ўтмишда бойлар қўлида оғир азоб-уқубатларни бошидан кечирган, бугун мактабда ўқиб, илм-ҳунар орттирган Ашур образида бахтиёр ёшларнинг фазилатларини умумлаштиришга бағишланган.

Мактабда ўқиш Ашурни ҳунарли қилиш билан бирга, унинг сиёсий онги ва тушунчасини ҳам ўстиради. У Ватанга садоқатли, ҳар доим олға интилувчи илғор ёшлардан бири бўлиб етишади. Шунинг учун достон қаҳрамони ўз умрини Ватан йўлига тикишга тайёр туради:

Мен илғари қандай ёмон ўғри эдим,
Мени севиб тарбиялаб қўшди кўпга.
Севинаман, ҳали ёшман, кўп яшайман
Бу ўлканинг саодати-бахти учун.
Яна ўқиб, яна кулиб кўп яшайман
Шу кўпларнинг бири бўлиб ўлкам учун.
Ҳе! Мамлакат шундай ваъда берай сенга:
Бутун умрим сенинг порлоқ ҳаётингга!

Асар ёшларнинг илм-фанга, касб-ҳунарга, она-Ватанга муҳаббат, садоқат руҳи билан суғорилган.

Зафар Диёрнинг ўттизинчи йиллар ижоди ватанпарварлик, инсонпарварлик, байналмилаллик ва меҳнатсеварлик туйғуларини акс эттирувчи асарларининг кўплиги билан характерлидир. Бу хил асарлар ёшлар характерини шакллантиришда, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда катта роль ўйнаб келмоқда. Унинг шундай асарларидан бири “Ёшлик ғурури” дир.

“Ёшлик ғурури” (1937) шеърининг лирик қаҳрамони — озод, эркин ватанда туғилиб, улғайган бахтиёр бола. Унинг яшаши, ўқиши учун она-Ватанимизда барча нарса муҳайё.

Ёшларнинг Ватанга, меҳнатга муҳаббатлари қаҳрамоннинг ички кечинмалари — ғурур туйғулари орқали тасвирланади. Ёшлар шу Ватаннинг фуқароси бўлишлари билан фахрланиб, бундан ортиқ шараф, шуҳрат оламда йўқлигини чуқур ҳис этадилар. Бундай хислат ёшларга хос

¹ Зафар Диёр. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” журнали, 1938 йил, 4-сон.

типик фазилят эканлигини шоир таъсирчан мисраларда талқин этади:

Яшаган сайин яшаш истайсан,
Нақадар шавқли — олтин Ватанда;
Меҳнат — муҳаббат, меҳнат — шараф-шон,
Меҳнат — яшашнинг лаззати сенда.

Шоир ижодидаги муҳим мавзулардан бири инсон ва табиат муносабати мавзусидир. Шу жиҳатдан, унинг “Тантана” шеърлар тўплами (1938) даги кўплаб шеърлари характерлидир. “Бинафша”, “Навбаҳор”, “Қушлар ҳақида қўшиқ”, “Капалак” сингари шеърлари ҳам шулар жумласига киради.

Ранг-баранг гулларни, турли-туман қушларни севган шоир болалар руҳиятини чуқур таҳлил этиб, уларни ҳам она табиатни севишга ва парвариш қилишга руҳлантиради, ёшларни меҳнатдан завқланишга ўргатади. Шоир болаларда қушларга муҳаббат ҳиссини уйғота оладиган қувноқ вазн, ўйноқи мисралар яратади. Шоир шу мақсадда сўзларнинг хилма-хил такроридан, мисраларни эса Маяковскийчасига тизиб, тасвирнинг оҳангдорлик жарангини, кучини янада оширади:

Ҳой, қушлар,
қушлар,
қушлар,
Қанот қоқиб келинглар,
саяъа,
майна,
булбуллар
Сизга термулар кўзлар. . .
Бизга ортиқ ёқади
Қувноқ қўшиқ — куйингиз!

Шоир болаларнинг табиат ҳодисаларига, ҳашароту жониворларга, айниқса, капалакка қизиқишини, меҳр-муҳаббатини кичкинтойларга хос сўз ва оҳангда ифодалаб, ҳаётта диққат-эътиборини оширади, кучли завқ уйғотади, капалак образи орқали китобхонда инсоний туйғуларни шакллантиришга ҳаракат қилади.

Уч, уча бер, уча бер,
Гўзал боғчам — гулшанда.
Сира озор бермайман.
Севгим, фикрим ҳам санда.
Капалакжон, капалак,
Қанотларинг ипақдек;
Дўст бўлайлик иккимиз,
Тўхта, сўзлайин андек!

Зафар Диёрнинг “Бинафша” шеърини ёддан билмаган ўқувчи бўлмаса керак. Шеър ўзининг равон ўқилиши, қофияларининг жарангдорлиги билан ўқувчини ўзига тортади:

Бинафшахон, бинафша,
Кулишларинг чиройли;
Богимизда очилиб,
Туришларинг чиройли.

“Тантана” тўпламида шоирнинг “Мамлакат”, “Казбек”, “Тилсиз ўртоқ”, “Мадриддан келган меҳмон” каби шеър ва дostonлари ўрин олган. Бу асарлар шоир ижодининг ҳар тарафлама юксалишидан далолат берувчи лирик-эпик асарлардир.

“Кел, учайлик Шимолга!” (1937) Асли педагог бўлган Зафар Диёр болаларнинг хатти-ҳаракатларини, орзу-интилишларини яхши билади. Шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, унинг учувчиликка бағишланган бу шеъри ғоят характерлидир. Бунда шоир “Қуёш тушмайди” ган қутбни бориб кўришни орзу қилган боланинг лирик образини гавдалантиради. Ёш боланинг мурғак хаёли шимолий қутбни бориб кўришни, ундаги ҳодисалар билан танишишни хоҳлайди. Шоир лирик қаҳрамоннинг илғор мақсадларга эришиш учун фан ва техника асосларини амалда эгаллаши кераклигини чуқур англайди. Буни шоир моделча ясаш жараёнида кичик ёшдаги болаларнинг руҳиятига мос, содда қолда тушунтиради ва уларда катта ишларга — қаҳрамонликка ҳавас уйғотади:

Ёш бўлсам ҳам майлига
Қанот боғлаб учайин;
Муз саҳроси Қутбнинг
Сирин мен ҳам очайин.
Ҳой, суюкли моделчам,
Тайёрмисан сафарга?
Фикрим сенда ҳамиша,
Кел, учайлик Шимолга!

Шоир довурак учувчиларнинг тарихда биринчи бўлиб қутб йўлини очганлиги билан болаларни таништириб, уларни чкаловлар каби мард учувчи бўлишга ундайди.

Шу нарса характерлики, шеърда Зафар Диёр болаларнинг янгиликка интилиши ва қизиқишини қизгин қўллаб-қувватлайди, улардаги олий ҳис-туйғуларни ўстиришга, ватанпарварлик ҳисларини таркиб топтиришга ёрдам беради. Шоир бундай юксак туйғуларни бадиий содда, таъсирчан ва мазмундор мисралар билан ифодалайди:

Бутун дунё англасин
“Бир моделлист кепти, — деб, —
Янги авлод байрогин
Қутб узра тикди, — деб”.

Шеър боланинг келажакка, орзу-умидига эришишига бўлган зўр ишонч билан тугайди. Бу асар болаларни илм ва ҳунарга муҳаббат, тинмай олға интилишга чақириқ руҳида тарбиялаши жиҳатидан катта аҳамиятга эга.

Шоир “Кел, учайлик Шимолга!” шеърида кичик ёшдаги болалар характеридаги энг муҳим бир хусусиятни — қутбни кўриш ҳавасини кучайтириб ифодалаш орқали қаҳрамон характерини чуқурроқ очишга, тасвирланаётган воқеаларнинг моҳиятини атрофлича бадиий таҳлил этишга эришган. Бу шоирнинг типик характер яратишда ҳаққоний тасвир йўлидан боранлигини тасдиқлайди. Зотан, шоир бу шеърида кичик ёшдаги болаларга хос илм-ҳунарга қизиқиш, ингилекка интилиш, замонамизнинг илғор кишиси бўлишга ихлосмандлик каби белгиларни ифодалашга интилган ва буни муваффақиятли бажара олган.

“Юксак тоғ, кенг
ўтлоқ ва мард
ўртоқ ҳақида қисса”

Замондошларимизнинг, янги қўриқ ва
бўз ерларни ўзлаштириш, мўл-кўл
ҳосил олиш ва қишлоқларни ободон-
лаштириш ишида олиб бораётган ку-
рашлари бу асарнинг ғоявий мазмунини ташкил этади.
Шоир “Юксак тоғ, кенг ўтлоқ ва мард ўртоқ ҳақида қисса”
достонида саҳро-чўлларга сув чиқариб, у жойларни обод
қилишга киришган кишиларнинг куч-қудрати, меҳнат за-
фарлари, зўр матонатини ифодалайди.

Зафар Диёр дostonда саҳро-чўллардаги шамолнинг
ваҳимаси ва унинг аянчли тасвирини чизиб, китобхон
диққатини жалб қилади. Достон эртақ шаклида, болаларбоп
усулда ёзилган. Шоир саҳроларнинг “Қашқир каби ув-
ловчи”, “Бойқуш каби ҳувловчи” даҳшатли шамоллари
ҳаёт-зироат душмани эканини образли мисраларда ёритади.
Бундан кейин шоир ҳаётни гўзал, саҳро-чўлларни обод
қилишда сувнинг қадрини жуда яхши билган кенг ўтлоқни
жонлантириб сўзлатади ва у ерларда “гул ҳаёт” қуриш
ғоясини олға суради. Кенг ўтлоқ юксак тоққа мурожаат
қилади:

Не бўлармиш бизнинг ҳам
Кўксимиздан кетса ғам.
Бу ғам сувсиз кетмайди,
Сувсиз яра битмайди. . .
Мен сувингдан куч олсам,
Тентак елдан ўч олсам,
Узоқ йиллар хўрланган,
Қақраб тошга айланган

Кўксим бўларди обод,
Бошларини гул ҳаёт. . .
Талабимга еткур тоғ,
Бер сувингдан, жон ўртоқ!

Юксак тоғ ҳам чорасизликдан ўз дардини — сувни кенг ўтлоққа элтиб беролмаслигини ўқинч билан сўзлайди.

Шоир энди бола фикрини бошқа нарсага — дунёда онгга, қудратга эга бўлган инсон ва унинг таърифига буради. Зафар Диёр инсоннинг куч-қудратини содда, мазмундор, ширали, болалар қалбига тез етадиган ибораларда ифодалаган:

Бу мардлик ва маҳорат,
Бу куч-қувват, жасорат
Инсонларга йўлдошдир,
Уларга хос қўлдошдир,
Бутун борлиқ — табиат
(Бу сўзларим қаҳиқат)
Бўйсунажак инсонга
Гул тутажак ул жонга.

Шоир инсоннинг ақл-заковати, куч-қудрати қаҳида фикрлар экан, муболағага зўр беради, инсонни ҳатто табиатни ҳам ўзига бўйсундирувчи куч сифатида таъриф этади. Албатта, бу фикрлар турғунлик даврининг оқибатидир. Негаки, “Сирдарёнинг жиловланиши” бугунги кунда халқимизга қимматга тушмоқда. Бир сўз билан айтганда, табиат инсонларнинг бошбошдоқлик хатти-ҳаракатлари учун шафқатсиз ўч олмоқда. Бундан бу асар мутлақо кераксиз ёки зарарли асар, деган хулоса чиқмаслик зарур. Асар китобхонларни меҳнатсеварликка, яратувчиликка ундаши, табиат билан инсон муносабатида муҳаббат туйғулари бўлиши лозимлигига ундайди. Бу фикрни ифода этишда янги усул — тоғ ва ўтлоқларни жошлантириш орқали эришади.

— Ҳой, мард ўртоқ, мард ўртоқ . . .
Қара қанча кенг ўтлоқ
Сувсизликдан дили доғ,
Унинг оқин ўчириб,
Дилдан доғин ўчириб,

Чаманзорга айлантир,
Мангуликка шодлантир.

Достонда шу тариқа халқимизнинг азалий орзуси — чўл-биёбонларни боғ-роғларга айланттириш орзуси ўзининг бадиий ифодасини топган.

Зафар Диёр достоннинг ғоявий-бадиий мукамаллиги учун қаттиқ ижодий меҳнат қилган. Асарнинг композицион тузилиши халқ эртақларига яқинлиги билан характерлидир.

Шоир асарнинг сеҳрли, романтик, яъни ғоят таъсирчан, ўқимишли бўлишини таъминлаш учун содда, ажойиб бадий-тасвирий воситалардан усталик билан фойдаланган. Кенг ўтлоқ, саҳро, чўлларнинг сувга ташналиги ва унинг орзуси ҳақидаги “Битта тўйиб сув ичсак”, “Сув бер, менга сув бергин”, “Кўксимдан сўнг гул тергин”, саҳро ва унинг шамоли тўғрисидаги “Энг ғазабли, энг ўчли”, “харсанг тошдай қотаман, мисдек қизиб ётаман”; давр кишиларининг куч-қудратига оид “Чинордек зўр қомати, Гўрўғлидек савлати” каби тасвирий воситаларга бой мисралар орқали ифодалайди.

Бу асар ёш китобхонларни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаши билан ҳам муҳимдир.

“Кичкина боғбон ҳақида дoston” Зафар Диёрнинг кўпгина асарлари меҳнат мавзуга бағишланган. Ана шундай асарларидан бири “Кичкина боғбон ҳақида дoston”дир. Дostonда болалар ва ёшлар довдарахтларни экиш, парвариш қилишга чақирилиб, меҳнат завқи ва аҳамияти куйланади. Бу ғоя Шотурсун образи орқали ифодаланади. Кичик қаҳрамон отаси билан биргалашиб мевали дарахтларни парвариш қилишга, “Қўлда кичик кетмон” билан боғларни яшнатишга меҳр қўйиб, меҳнатда ўзини кўрсатади.

Зўр ғайрат ва катта иштиёқ билан ишга киришган Шотурсуннинг ўзи парвариш қилиб юрган бир туп олмаси барвақт пишиб, мўл-кўл ҳосил беради. Бола бир йили ялқовликка берилиб, олмага қарамай қўяди. Шоирнинг маҳорати шундаки, олмани жонлантириб унинг сўзлари орқали болаларга ибрат бўладиган фикрни айтади:

Бу йил эса Шотурсун
Ғайратинг йўқ унчалик;
Берилмассан, деб эдим
Ялқовликка бунчалик.
Аҳволимни сўрмадинг,
Оқламадинг танамни;
Қурт-қумурсқа талайди,
Эртадан кеч мевамни.

Олманинг бундай аянчли аҳволи Шотурсунга қаттиқ таъсир қилади ва у ўз хато-камчиликларини тўла англайди. Олманинг тилидан айтилган, “Иш ёқмасга, ялқовга мен ҳам энди душманман” деб, ғайрат билан яна иш бошлаб юборади. Бу билан Зафар Диёр ўқувчида Шотурсунга нисбатан меҳр уйғотади, ундан ўрнак олишга чақиради.

Зафар Диёрнинг учинчи тўплами 1939 йилда “Шеърлар” номи билан босилиб чиқди. Унинг бу тўплами мавзу жиҳатдан болаларбоплиги, қизиқарли мазмун ва образли ифода-

лари билан ажралиб туради. Бу эса Зафар Диёрнинг тобора ижод сирларини мукаммал эгаллаб бораётганини, болалар ва ёшлар ҳаётини яхши ўрганиб, улар учун пухта, баркамол асарлар яратиш йўлида тинмай ижодий меҳнат қилаётганини кўрсатади.

Тўпламдаги “Амударё бўйида” шеърида шоир ўлка чегарачиларининг лирик образини маҳорат билан яратган. Шеърда болаларни чегара соқчиларининг ҳаёти, уларнинг масъулиятли ва фахрли бурчи билан таништиради.

“Қутб қўшиғи” шеърида эса шоир олам яратилгандан буён ҳеч ким бориб кўрмаган қутбни эгаллаган бугунги кишиларнинг куч-қудратини зўр маҳорат билан куйлайди.

Зафар Диёр 1940 йилгача “Ленин учқуни” рўзномасида масъул котиб бўлиб ишлади. У 1940 йилда Тошкент давлат педагогика олийгоҳини битирди. Шоирнинг “Муборак” номли шеърлар тўплами (1940) ана шу даврда юзага келди.

Шоир бу тўпламдаги шеърларида ватанпарварлик, ватанга муҳаббат ғояларини илгари суради. Болаларни ватаннинг муносиб фарзандлари бўлиб етишишга ундайди. Бунинг учун уларга билим манбаи бўлган китобни севиб, фан асосларини чуқур эгаллашлари зарурлигини уқтиради. Бу ғояни “Китоб, менинг дўстимсан” шеърида шундай тасвирлайди:

Варақасам бир бошдан
Қувнаб баҳрим очилур,
Олтин ҳарф-сўзлардан
Тотли маъно сочилур.
Шунинг учун дейманки:
Китоб, менинг дўстимсан!

Зафар Диёр китобнинг моҳиятини болалар онгига осон сингдиришда жонлантириш воситаларидан усталик билан фойдалана олган. Шоир китобни бола тилидан шундай таърифлайди:

Ҳар саҳифанг мен учун
Бир қикоят сўзлайди,
— Уқиб, олим бўлгин, — деб
Яхши ният кўзлайди.

Шоир китоб боланинг энг яқин, меҳрибон дўсти, ғамхўр ўртоғи деб кўрсатгач, уни жон-дилдан севган боланинг жонли қиёфасини чизади:

Сени жондан севаман,
Мени тилга ўргатдинг,
Ҳада қилиб илм-фан
Бруғ йўллар кўрсатдинг.

Шоир китобнинг моҳиятини болаларга чуқурроқ англашишда, уни таъсирчан қилиб гавдалантиришда: “Бахтим

кулар китобдан”, “Қувнаб бахтим очилар”, “Ёш ўйноқи кўзларим шуур олар китобдан” каби истиораларни ишлатиб, шеърнинг бадиий таъсирчанлигини янада оширган.

Зафар Диёр Ватан уруши йилларида “Қизил Ўзбекистон” рўзномасида адабий ходим бўлиб ишлади. Айни чоқда, у тинмай, самарали ижод этди. Шоирнинг “Ғунчалар”, “Серқуёш ўлка”, “Она қўшиғи”, “Бизнинг оила”, “Қаҳрамон”, “Танкист”, “Улуғ байрам”, “Қурол беринг менга ҳам!”, “Қаҳрамоннинг келиши”, “Биз яшамоқ истаймиз”, “Қўриқчиликда” сингари жанговар шеърлари шу йилларда яратилган.

Шоир фронтда ҳаёт-мамот учун жанг қилаётган жангчиларга халқимизнинг даъватини “Танкист” (1942) шеърда бола тилидан жанговар чақириқ руҳида ифодалайди:

Остингдадир пўлат от,
Янчиб ташла ёвларни.
Бизнинг эркин ҳаётга
Тўсиқ бўлган говларни. . .
— Ватан учун!
— Бахт учун!
Танкист ака, бос олга!
Намойиш қил халқ кучин,
Ҳеч тўхтама,
Тўхтама!

Ватан мавзуи Зафар Диёр ижодида бутун бир саҳифани ташкил қилади. Шоир ўзининг бу мавзудаги шеърларида Ватанимизнинг беҳисоб бойликлари, унинг порлоқ келажаги, болаларнинг қувноқлигини шоирона ҳикоя қилади.

Шоир “Яшна, Ватан!” (1944) шеърда Ватанга бўлган садоқатни қалби фаҳрга тўлиб-тошиб куйлайди:

Яшна, Ватан,
Жон Ватан,
Сенга шараф-шон Ватан.
Сенсан
Бизнинг онамиз,
Ҳади сенга жон ва тан!

Зафар Диёрнинг бундай шеърлари болаларни ватанпарварлик ва байналмилаллик руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эгадир.

“Ғунчалар”
(1945)

Зафар Диёр бу шеърда ажойиб образлар ва истиоралар ёрдамида болалар образини маҳорат билан чизади.

Ватан агар бўлса бир чаман,
Сиз қўйнида хандон ғунчалар,
Эй сиз, менинг кичик дўстларим,
Ватанингиз севар шунчалар.

Шоир келажакнинг ишонган кишилари — болаларга катта умид кўзи билан қарайди:

Эрта-индин — навбат сизники,
Яшнатасиз борлиқни яна;
Келгусида сизлар биздан ҳам
Юксакларга парвоз этарсиз;
Балки, чиқиб ойнанинг юзига —
Ғалабанинг нақшин битарсиз.

Лекин шоир бундай улуғвор ғалабаларни қўлга киритиш учун катта шарт борлигини, бунинг учун фан асосларини эгаллаш зарурлигини болаларга алоҳида уқтиради, у:

Унгачайин, мана — шод қаёт,
Камолотга етсин ақлингиз;
Юксакларга тез қоқинг қанот,
Фан нурига қонсин қалбингиз.

Шоир серқуёш ўлкамизга бағишлаб жуда кўп шеърлар ёзди. Бу даврдаги шеърларида она-Ватан бойликларини, гўзаллигини, ширин-шарбатга тўла боғ-роғларини, ундаги қувноқ ҳаётини, уни яратган меҳнат аҳлларини чексиз меҳр-муҳаббат билан куйлайди. Шоирнинг ана шундай асарларидан бири “Серқуёш ўлка” шеъридир. Шоир ўлкамизни:

Дўстлар, менинг юртимни
Ўзбекистон, дейдилар.
— Донғи гутан дунёни
Боғу бўстон, дейдилар. —

каби мисраларда таърифлагач, “Мақтовига етмайди, шоирларнинг дафтари”, “Бу ўлканинг устида Қуёш ҳам кўпроқ кулар” мисралари билан Ватаннинг мақтовини яна ҳам жозибали тасвирлайди.

“Қурол беринг менга ҳам” (1942) Немис босқинчилари она-Ватанимизга ҳужум қилганини эшитган бутун эл бир тан, бир жон бўлиб, Ватан мудофаасига отланди. Буни шоир ҳаққоний ифодалайди:

... Ҳамма бирдан
қўзғалди,
Худди вулқон сингари,
Мардонавор
йўл олди,
Зафар сари —
илгари

Шундай оғир пайтда ёшларимизнинг жонажон Ватанни ҳимоя қилишга, разил душман бошига кулфат солишга шай-

ланиб чиққанини шоир болалар тилидан улар руҳига хос мисраларда шундай баён этади:

Қурол беринг
менга ҳам,
қурол беринг
менга ҳам,
Разил немис бошига,
Мен ҳам солай
катта гам.

Шеър халқларимизнинг немис босқинчилари устидан тўла ғалаба қилишига бўлган қатъий умид ва ишонч билан тугалланади.

Болаларнинг душманга нисбатан нафрат, Ватанга муҳаббат ҳислари фан асосларини эгаллаш ниятида қунт, чидам билан ўқишга интилишлари Зафар Диёр шеърларида ўз бадиий ифодасини топди. Шу нуқтаи назардан қараганда унинг “Иккимиз ҳам аълочи” шеъри характерлидир. Шеърда отанинг ўз ўғлига қилган насиҳати ифодаланади. Шоир бу шеърда она Ватанни жонидан азий кўрган, керак бўлса Ватан учун ўзини фидо қилишга тайёр турган жасур қаҳрамон ота образини гавдалантиради. Ота ўз фарзандини ўзига муносиб бўлишга чақиради, “Сен ботирлар наслисан”, дея уқтиради. Ўз навбатида бола отаси “Ватан учун, шон учун” жанг қилаётганидан фахрланади, ўзини ҳам Ватан мудофаасига сафарбар деб билади.

Зафар Диёр бахтли болаларнинг гўзал боғлардан, чаманзорлардан, ранг-баранг гуллардан, баҳордан олган қувончини “Баҳор келди”, “Орзу”, “Қалдирғоч”, “Қушлар ҳақида кўшиқ”, “Бинафша” каби шеърларида содда, раван тилда, оҳангдор, енгил қофияли, ўйноқи мисраларда шоирона талқин этади ва улар қалбида ҳаётга меҳр уйғотади.

Зафар Диёр дўстлик мавзуидаги шеърларида халқларнинг мустақкам дўстлиги, қардошлик туйғусини зўр маҳорат билан ёритади. Унинг “Дўстлар” (1944) шеърда барча халқнинг яқин дўстлиги куйланади.

Зафар Диёрнинг дўстлик мавзуидаги асарлари болаларни чин ўртоқлик, иттифоқлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда шоир гоёси сифатида намоён бўлади.

Зафар Диёр бугунги ўзбек болалар драматургияси тараққиётига ҳам барақали ҳисса қўшди. У болалар ҳаётидан “Бахтли ёшлик”, “Ёш ватанпарварлар”, “Омонат”, “Уч оғайни” каби қатор драма асарлари ёзди.

Ўзбек болалар насрини ривожлантиришда ҳам Зафар Диёр ўз ҳиссасини қўшган ёзувчидир. Унинг “Жўнатиш”, “Чўпон қизи”, “Ножўяликлар” каби ҳикоялари шулар жумласидандир.

Зафар Диёр болалар адабиётининг ҳамма жанрларида қалам тебратди. У болаларнинг турмуши, талаб-эҳтиёжлари ҳамда орзу-тилакларини, турмушини, уларнинг руҳиятини пухта билганлиги учун болаларнинг ёшига, онг-тушунчасига мослаб, ғоявий-бадиий жиҳатдан пухта асарлар яратди.

Зафар Диёр турли ёшдаги болаларнинг тилини яхши ўрганиб, улар учун содда, равон, ширали тилда, ўйноқи вазнларда оҳангдор, таъсирчан шеърлар ёзди.

Шоир ўзининг қўшиқ ва шеърларида ҳамда бошқа асарларида ёш китобхонларни улуғ Ватанимизнинг беҳисоб бойликлари билан фахрланишга, келгусида яхши ҳаёт бунёд этишлари учун астойдил курашувчи, онгли, маданиятли, ватанпарвар кишилар бўлиб етишиш учун аъло баҳолар билан ўқишга чақиради. У ёш авлодни меҳнатга муҳаббат билан қарашга, ростгўй ва интизомли бўлишга ундади, уларда ватанпарварлик, дўстлик туйғуларини ўстиришга катта эътибор берди. Унинг асарлари давр болалари ва ёшлари учун завқ бағишлади, уларни ўқиш-ўрганиш ва камол топиш учун курашга руҳлантирди.

Ўзбек болалар адабиётининг ривожланишига шеър, қўшиқ, дoston ва ҳикоялари билан жуда катта ҳисса қўшган Зафар Диёрнинг асарларини болалар ҳамон севиб ўқийдилар ва юксак қадрлайдилар.

СУЛТОН ЖҶРА

(1910—1943)

Султон Жўра 1910 йилнинг 15 январида ҳозирги Бухоро вилоятининг Шофиркон ноҳиясидаги Қағалтом қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилди. Етти ёшида ота-онасидан етим қолган Султон ҳар кимларнинг эшигида хизмат қилди. У дастлаб бошланғич мактабда ўқиб, 1924 йилда Бухорога келди ва бу ерда эрлар педагогика билим юртига ўқишга кирди, уни 1930 йилда битирди.

Султон Жўра 1931—1938 йилларда Бухоро рабфагида, 1938—1941 йилларда Андижондаги ўқитувчилар илмгоҳ ва педагогика билим юртида тил ва адабиётдан дарс берди.

1942 йилда Султон Жўра ҳарбий хизматга чақирилади. У душманга қарши ҳам қурол, ҳам қалам билан жанг олиб борди. 1943 йилнинг 14 ноябрида Белоруссия тупроғида немис-фашист босқинчиларига қарши жанглarning бирида жангчи-шоир қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Султон Жўранинг дастлабки шеърлари 1933 йилда Бухоро ёш шоирларининг “Шеърлар” тўпламида нашр этилди. Унинг 1939 йилда “Фидокор”, 1941 йилда “Москва” шеърый тўпламлари, 1942 йилда “Ирода” номли пьесаси нашр этилди. Шоир вафотидан сўнг 1951 йилда рус ва ўзбек тилларида “Танланган асарлар”, тинч қурилиш йиллари даврида истеъдодли шоирнинг “Ҳаво ранг гилам”, “Зангори гилам”, “Бруно”, “Парвоз”, “Қалдирғоч”, “Танланган асарлар” китоблари босилиб чиқди.

Ватан уруши даврида яратган асарларида фашист газандаларининг бутун ёвузликлари очиб ташланди, уларда ёвга қарши лаънат ва нафрат туйғулари давр кишиларининг юксак ватанпарварлик руҳи билан ҳамоҳанг янгради. “Тўпчи Муҳаммад”, “Пулемётчи овози”, “Чавандоз”, “Уч оғайни ботирлар”, “Найзамиз” (1941), “Қаҳрамон Қўчқор” (1942), “Жаҳон сени олқишлар”, “Берлин аптекасида” (1943) шеърлари шулар жумласидандир.

Султон Жўра катталар учун жўшқин лирик шеърлар, йирик достонлар яратиш билан бирга, болаларга атаб ҳам ажойиб асарлар ёзди.

Шоир-педагог Султон Жўра болалар учун ёзган асарларида бахтли болалик, Ватанга муҳаббат ва душманга нафрат, меҳнат аҳллариға этиқод туйғуларини ифодалади. Айни чоқда, у яхши ва аъло баҳоларда ўқиш учун кураш, ростгўй ва интизомли бўлиш, маданий ва покиза кийиниш,

саводхон ва чиройли ёзув малакасини эгаллаш каби таълим-тарбиявий масалаларни ҳам бадий воситаларда талқин этди. Бундай ғоялар шоирнинг “Ёзги ёмғирдан сўнг” (1936), “Қизлар”, “Аъло” ва “Яхши” нинг мақтовиди, “Зангори гилам” (1939), “Лола”, “Ой нечта?”, “Тиниш белгиларининг мажлиси”, “Чўнтак”, “Циркда” (1940), “Қ арздор”, “Қ алдирғоч”, “Ёғончи”, “Денгиз тагида” (1941), “Соғиниб” (1942), “Соғинчи салом”, “Салом хат” (1943) каби асарларида ўз ифодасини топди.

У ўз асарларида болалар ва мактаб ҳаётини, уларнинг ўқиши, кўча ва оилада ўзини тутишини ҳаққоний акс эттирди. Шоир ёш китобхоннинг диққатини ўзига тортувчи асарлар ижодкори сифатида танилди.

“Ҳаворанг гилам” тўпламида 30- йилларда ёзилган 15 шеър, дoston ва эртақ босилган. Улар моҳият эътибори билан ғоят ранг-барангдир. Тўпланда болаларни Ватанимизнинг ажойиб манзаралари билан таништириб, уларда ватанпарварлик туйғуларини оширувчи (“Ёзги ёмғирдан сўнг”); ёш авлодни келажакка зўр умид билан қараш ва илм-фанга муҳаббат уйғотувчи (“Ота меҳри”, “Ой нечта?”), тинчлик тўғрисида куйловчи (“Қалдирғоч”), тарихий воқеалар билан болаларни таништиришга бағишланган (“Лола”, “Ҳаворанг” каби) асарлари бор.

Шоир ўзининг “Ота меҳри” шеърда келажакка, илм-фанга зўр умид қўйган, қалби ширин орзу-ниятлар билан тўлган бола образини чизади.

Болалар илмий-оммавий мавзуларда ёзилган санъат асарларини ҳам севиб ўқийдилар. Султон Жўра бундай мавзуда ҳам анча асарлар ёзди. Шундай асарлардан бири “Ой нечта?” дир. Бунда шоир кичкинтойларнинг орзу-умидларини характерли парча — она ва болаларнинг диалоги орқали ифода этади:

Она деди:
— Ётинлар энди,
Фақат битта осмоннинг ойна!
Катта бўлгач, айланайларим,
Ойнинг ўзин миниб кўрарсиз.
— Ушанда-чи, ойижон, бизга
Катта тотти олиб берарсиз.

“Маматнинг кечирмиши” (1937 йил). Султон Жўра бу шеърда дарсни ўзлаштираётган болаларнинг ўз камчиликларини аста-секин тушуниб етган ва ялқовликни енгишини Мамат тимсолида яратди. Шеърда Маматнинг ички-руҳий кечинмалари, иш ёқмаслиги, ялқовлиги,

¹ Тотти — от.

тўнглиги орқасида дарслардан қолоқ бўлиб, изтироб чекиши ишонарли акс этган. Мана, ҳамма ухлаган, аммо танҳо Мамат уйғоқ. Шоир унинг ана шу дақиқалардаги қалб изтиробини, руҳан қийналаётганлигини, нотинч руҳий ҳолатини қуйидагича содда, равон тасвирлайди:

Фақат Мамат уйғоқ,
У безовта...
Уйқу қуши учар қар қайда.
Дам бир ёнбошига,
Дам бирига
Айланади. Бироқ не фойда?
. . . Гоҳо тишлар лабин,
Гоҳо чойшабин,
Ўзи тергов қилар ўзини:
— Қани, гапир, Мамат,
Ким айбдор?

Шоир қолоқлик сабабларини бировдан эмас, балки қахрамоннинг ўзидан қидиртиради ва буни Маматнинг ўзини гапиртириш орқали очади:

— Тўғри, насиҳатлар кор қилмади,
Хушёқмаслик эди ҳамдамим,
Аттанг, нега қиттай ор қилмадим,
Газеталарда чиқса қам номим?..

Дарсдан қолоқлиги орқасида руҳан азоб чекиб, қийналиб юрган Мамат ўжарлиги, ўзбошимчалигини ташлаб, дўстлари ёрдамида оёққа туриб, эндиликда астойдил ўқишга аҳд қилади:

— Бўлди... Мен бас қилдим ялқовликни,
Дўстларимдай олай, билимни.
Аччиқ тажрибамнинг ўзи сабоқ,
Ол дарсхонам ишқ, дилимни!
Бор кучимни берайки, бу “ёмон”
Ёндошмасин менга эртадан.
Номим Мамат бўлмай кетсин агар
Ваъда қилган бўлсам жўрттага!

Султон Жўра шеърда қиссадан ҳисса чиқариб, аъло ўқиш катга аҳамиятга эга эканлигини болалар қулоғига қуяди:

Аъло ўқиш ўзи юксак шуҳрат,
Ҳар шуҳратинг тилларда дoston.

“Маматнинг кечирмиши” шеърда барча тасвирий воситалар, гоъвий, бадийий ниятни ёрқин амалга оширишга қаратилган. Шоир табиат лавҳаларидан, гўзал ҳаётий

тасвирлар орқали қаҳрамоннинг ички ҳолатини очади ва таъсирчанликка эришади:

Барча ухлар..
Кумуш ариқчанинг
Эшитилар шилдир-шилдири.
Япроқлар ҳам “алла” деб тебрата
Сиртларига қўнган ой нурин.

Шеърнинг таъсирчанлигини ошириш, юз бераётган воқеани тўла тушунтириш учун диалогдан ўринли фойдаланади.

Аниқ ҳолатдаги тасвир ҳам ғоявий мақсадга хизмат эттирилади. Чунончи, китоб ўқимай, тайёрланмай, таваккал қилиб имтиҳонга кириб шарманда бўлган Мамат тасвири бугунги кунда ҳам ўз таъсир кучини йўқотгани йўқ:

“Сир” босибми, қолди билмайин?..
Дам дафтарга боқдинг,
Дам оқ шифтга,
Йилт-йилт ёнди шунда кўзларинг,
Алланималар деб мингилладинг,
Лабдан аранг учди сўзларинг.

Султон Жўра “Маматнинг кечирмиши” шеърда ялқовликни ташлаб, аъло ўқишга маҳкам бел боғлаган боланинг ижобий намунасида ўз кучига ишониш, нуқсонларга танқидий қарай билиш ғоят катта куч, деган зарур таълим-тарбиявий, педагогик ўғитни таъсирчан воситаларда ёритиб, ўз маҳоратини кўрсатди.

Педагогик
шеърлар Султон Жўра болалар ва мактаб ҳаётини ҳаққоний акс эттирувчи бир қанча асарлар ёзди. Шоирнинг бу хилдаги асарлари уни ҳам шоир, ҳам педагог сифатида танитди.

Таълим-тарбия соҳасида ёзма нутқ санъатини эгаллаш энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Баъзи ўқувчилар грамматик машқлар билан жиддий шуғулланмаслиги, бадий адабиётни кам ўқиши натижасида ёзма ишлардан оқсайдилар. Чиройли ёзув қоидаларини бузиб, хунук хат ёзишдан ташқари, турли хатоларга йўл қўядилар. Педагог, шоир Султон Жўра таълим-тарбия ишидаги бундай нуқсонларни тугатишда ўқувчиларга ёрдам мақсадида “Кимнинг хати чиройли”, “Тиниш белгиларининг мажлиси”, “Ҳарфлар паради” шеърларини ёзди.

Султон Жўра болаларни яхши ўқишга даъват этибгина қолмай, уларнинг яхши ўқиши учун энг зарур бўлган нарсаларни, айниқса, ўзбек тили грамматикаси қоидаларини билиш зарурлигини болаларга образли тилда тасвирлаб берди. Бу Султон Жўранинг болалар адабиётида

дидактикани юксалтиришга қўшган катта ҳиссасидир. У “Кимнинг хати чиройли” шеърда хунук ёзилган хатдан кулиб, болаларни чиройли, тоза, тўғри ёзишга чақиради. Чиройли ёзишни катта бир санъат деб уқтиради.

“Кимнинг хати чиройли” да боланинг соғлом, бақувват бўлиб камол топишида, ёзма нутқининг гўзал бўлишида партада тўғри ўтириш қондасига қатъий риоя қилиш катта аҳамиятга эга эканлигини ҳам уқтириб ўтади:

Ўтиришим тўғри, соз,
Қоидага жуда мос.
Кўкрагимни мен сира
Ўлтирганим йўқ тираб!
Чиройли ёз, ёзсанг хат!
Чунки бу ҳам зўр санъат. . .

“Тиниш белгиларининг мажлиси” Шоир ижодий фаолиятида бу асар катта аҳамиятга эга. Шеър ўзбек тилининг энг муҳим қоидалари — тиниш белгиларининг вазифалари болаларга мос равишда жонлантириш каби бадиий тасвир воситаси орқали ифода этилади. Унда ҳар бир тиниш белгиси жонлантирилиб, қўлланишига мос тарзда гапиртирилади ва ўзига хос жойига қўйилади. Бу ҳол китобхонда аниқ тасаввур ҳосил қилади. Бу эса шоирнинг педагогик ва бадиий маҳоратини эгизак ҳолда намойиш қилади.

Шоир шеърда ўхшатишдан ҳам усталик билан фойдаланиб, ундов белгисини мирзатеракка; нуқтани коптокка; сўроқ белгисини ўроққа, зирак таққан қулоққа; вергулни кичик тўқмоққа; қўштирноқни қизиқчиларга; тирени гугуртга ўхшатиб, шоирона тасвирлайди. Гапда эса нуқта фикрларнинг станциясига, вергул “фикрларнинг разъезди” га ўхшатилади. Бундай ўхшатишлар тиниш белгилари қондасини осон ўзлаштиришга ёрдам беради.

Сўроқ белгиси:

Уқдингизми? Етадимми? Борми савол?
Ёки ўзим сўраинми сиздан савол?

Вергул:

Гар ундалма гапда келса қоқ ўртада,
Унинг икки ёнбошида мен жўрттага,
“Қани энди, ундалмахон, қочиб боқчи” —
Деб бўлурман юбормайин унга соқчи,
Гар ундалма гап сўнгида келса, у чоқ,
Ундан олдин қўйиларман, тушун ўртоқ!

Қўштирноқлар:

Мана раис: — “Вақт тамом, тўхтангиз!”
Деб қолдику, майли, энди йўқ гапимиз.

Тире:

Бироқ шартим — сўз қолмасин ўлда-жўлда.

Кўриниб турибдйки, шоир тиниш белгиларнинг хусусиятларини тасвирлабгина қолмай, унга мувофиқ мисолларни ҳам шеърини йўл билан кўрсатган. Шунинг учун бу шеърини кўргазмални шеър дейиш ва дарсларда ижодий фойдаланиш мумкин.

Султон Жўра давримиз болалари ҳаётдан “Ёлғончи”, “Чўнтак”, “Қизлар” асарларини ёзган.

“Ёлғончи” достонида болаларни ростгўй бўлишга, яхши ва аъло ўқишга чақиради. Достон қаҳрамони Нўъмон мактабда таълим-тарбия қондасини бузувчи, ўқитувчи ва ота-онасига нисбатан ҳурматсизлик қилувчи бола сифатида гавдаланади. Шоир Нўъмон қониқарсиз ўқишига қарамай, ўзини тузатиш ўрнига ўқитувчига зарда қилиши, ёлғон гапириши, ўжарлиги, дарс тайёрламаслигини ва ишёқмаслигини турли ҳаётини парчаларда жуда ишонарли очади. Чунончи, Нўъмон ўқитувчи ёзиб берган хатни йиртиб ташлаб, “2” баҳоларини яшириб, ўзини аълочи қилиб кўрсатиб беодоблигини фош этади.

Ўқитувчи ва ота-онаси таъсирида Нўъмон бутун камчиликларини англаб этади, яхши ўқишга ваъда қилади ва ваъдасининг устидан чиқади. Достон ўз камчиликларини англаб, ўқишга астойдил берилган Нўъмоннинг ижобий хатти-ҳаракатини улуғлаш билан тамомланади.

“Қалдирғоч” Ўзбек болалар шеъринида бу асар катта ўринда туради. Унда мамлакатимизнинг тинчликсевар юрт экани қалдирғоч саргузашти орқали ҳикоя қилинади. Қалдирғоч Африкага учиб боради, аммо у ерда тинч жой топа олмайди. Мисрда эса етим-есирлар ва оч-яланғочларни кўради. Сўнг “Дод урушнинг дастидан!” — деб бошқа томонга парвоз қилади.

Шоир капиталистик ва мустамлака мамлакатлардаги урушларни, унинг даҳшатли оқибатларини қалдирғоч образи орқали очади. “Қалдирғоч” эксплуатация дунёсидаги аянчли ҳаётни жуда жонли, образли тилда болаларга ҳикоя қилади. Она-диёримиз тинчлик макони эканини эса шоир қалдирғоч воситасида, айниқса, таъсирли ифода-лайди:

Қирқ кундуз-у, қирқ кеча
Булутни кеча-кеча,
Қалдирғочим пар қанот

Энди бахтиёр қанот
Бизга келиб етибди
Ва сайраб шундай депти:
— Эҳ... Ҳур Ватан! Жон Ватан! . .
Қишда ҳам жонажонсан,
Илтиғуви нуринг бор,
Бизга иссиқ ўрнинг бор!"

Бу эртақ болаларнинг урушга қарши нафратини оширишда, Ватанимизнинг тинчлик таянчи эканини янада чуқурроқ тушунишда, уни севишда катта тарбиявий аҳамиятга эгадир.

"Ҳаворанг
гилам"

Султон Жўранинг бу эртагидаги ижобий қаҳрамон Раҳимдир. У ўтмишда оғир кул-фатларни бошидан кечиради.

Раҳим зиндондан қочиб, уйига келса, на хотини, на қизи бор. Унинг хароба уйини шоир:

Уй ўрнида бир девор!
Атрофи ўт — тиканзор, —

деб тасвирлайди. Ғазабда ёнган Раҳим бойларга қарши курашга бел боғлайди. Эртақда шоир асар қаҳрамони Раҳимнинг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилар экан, унинг характеридаги энг муҳим белгини — халқ билан чамбарчаслигини кўрсатади.

Инқилоб туфайли меҳнаткаш халқ ёруғликка чиқади. Шоир "Мозордай жимжит", "Қушлар учса қаноти, инсон юрса оёғи" куядиган бепоён дашт-чўлларда энди янги ҳаёт қайнаётганини тасвирлаб, буларнинг ҳаммаси Раҳимларнинг ижодий меҳнати туфайли юз берганлигини болаларга ҳикоя қилади:

Чўл ўрнида боғ-бўстон,
Ранг-баранг бир гулистон. . .
Қўнғироқдай шалола,
Ой каби нузли дала. . .
Дарёни қилиб қамал,
Ўтказишган зўр канал . . .
Хуллас, гўё бу — сара
Ва ажойиб манзара
Ўхшарди боққан сари

Гиламчаки — зангори! . .
Кўрди: кўм-кўк кенг дала,
Унда ишлар бир гала
Сон-саноксиз эр-хотин,
Экардилар зар-олтин. . .

Халқ оммасининг меҳнати туфайли ажойиб шаҳарлар, чўл ўрнида бўстонлар яратилишини тасвирлаш орқали шоир катталар меҳнатига болаларнинг ҳавасини оширади.

Султон Жўра бу эртақнинг мактаб ёшидаги болалар савиясига мос, тушунарли бўлиши учун анча куч сарфлаган, бунда у тожик халқ оғзаки поэтик ижодидан самарали фойдаланди.

Шоир чўлу биёбонлар ўрнида меҳнаткаш халқ яратган боғу бўстонларни, шаҳар ва қишлоқларни зангори гиламга ўхшатиб, яхлит ва жонли манзара яратади:

Қилардилар томоша. . .
Гилам шунга яраша. . .
Унга — ҳаво ранг тоғлар,
Ям-яшил шинам боғлар,
Феруза, шипша осмон

Ва осмонда нур сочган —
Ой ва юлдузнинг бари
Ипак билан гуллари
Солинганди бирма-бир. . .
Хуллас, гилам кўп асил.

Шоир Раҳимнинг гиламни севишини “Гуллар севгандек намни, Раҳим севар гиламни” деб ўхшатади. Болаларнинг қувноқ, бахтиёр ва ёқимтойлигини чиройли эпитет ва ўхшатишларда — “Дўндиқ-дўндиқ болалар, Гўё ғунча лолалар” тарзида ифодалайди.

Султон Жўра бойларнинг ярамас, дағал ва баджаҳдлигини “Жаҳли чиқиб нокас бой, бир ўшқирди “аждар” дай”. “Бўридек ҳид олиб бой, етиб келди бир пасда” каби ўхшатишлар орқали фош этди.

Шоир “Йўл юрса ҳам мўл юрди”, “Қушлар учса қаноти, инсон юрса оёғи куяр”, “Боши тошим” каби бир қанча халқ мақол ва ибораларини ҳам ўринли ишлатиб, эртақнинг ғоявий мазмунини болалар онгига осонлик билан сингдиришга ҳаракат қилади.

“Соғинчли салом” Султон Жўра бу шеърда Ватанга муҳаббат, душманга нафрат ҳисларини ва ғалабамизнинг муқаррарлигини тасвирлайди.

Шоир немис босқинчиларининг ёвузликлари ва ваҳшийликларини, инсоният бошига солган азоб-уқубатлари, жабр-зулминини “гули ғунчалари”, “олтин юлдузчалари”, “гиргиттон қизчалари” га соғинчли салом ёзар экан, уларга фашистлар вайрон қилган жойлардаги халқнинг оғир аҳволи, ёш болаларнинг аянчли тақдири ҳақида ҳикоя қилиб беради. Шоир уруш ва унинг даҳшатларини, халқнинг азоб-уқубатларини ўз кўзи билан кўриб, бошидан кечирган бир кампир тилидан сўзлатиб воқеанинг таъсирчанлигини, болалар онгига тез, осон етиб боришини таъминлайди. Кампирнинг қалби дардга тўла. Ғам, алам, қасд унинг бутун вужудини эгаллаб олган. Унинг сўзларидан фашистлар томонидан отиб ўлдирилган қизи ва неварасининг фожиасигина эмас, умуман, душмanning ёвузлиги, раҳм-шафқатсизлиги рўй-рост очиб берилган:

Кўзим очсам не кўрай:
— Вой! “Қўрқинчли манзара”
Кўкрагида қон оқиб,
Ерда ётар Варвара. . . .
Фашист жаллод найзасин
Санчибди кўкрагидан,
Боланинг ҳали ёши
Кетмаган кипригидан.
Бир томонда онаси,
Бир томонда боласи,
Қон ичида ётибди,
Э — воҳ, ҳар иккаласи!..

Уруш даҳшатларининг кичик бир парчасини юқорида-
гидай тасвирлаш билан шоир болаларнинг мурғак дилида
уруш оловини ёқувчиларга нисбатан кучли нафрат
туйғуларини қўзғатади. Улар қалбида тинчлик, дўстлик,
бахтиёрлик ҳақидаги улуғ мақсад, буюк орзу, ҳисларини
уйғотади.

Обод қишлоқларни вайрон қилган, бегуноҳ кишиларнинг
умрини хазон қилган фашистлардан қасос олишга бел боғла-
ган ғазабкор отанинг ҳайқирғи тубандаги мисраларда зўр
маҳорат билан тасвирланган:

Ана шу Варварадай
Қанча ёш болаларни,
Болалик бўстонида
Очилган лолаларни
Ҳалок этган пеллардан —
Шу жаллод фашистлардан
Жон учун жон оламан,
Қон учун қон оламан.
Хуллас, фашист ёлларни
Тор-мор этиб батамом,
Сўнгра, жигарбандларим,
Ёнингизга қайтаман!..

Шоир ҳис-ҳаяжонни оширишда халқ оғзаки ижодидан
ўринли фойдаланган:

Ҳай, жанубга учган қуш,
Кел, ёнимга бирпас туш!
Қизларимга хат берай,
Андижонга қараб уч!

Шоирнинг “Соғинчли салом” шеъри болаларни Ватанга,
уни жон-дилидан севувчи ва меҳрибон отага муҳаббат, душ-
манга лаънат-нафрат руҳида тарбиялашда катта тарбиявий
аҳамиятга эгадир.

Ватан ва халқ манфаати йўлида жонини аямаган педагог
— мураббий ва жангчи-шоир Султон Жўра ўзбек болалар
адабиётининг хазинасига ўзининг қимматбаҳо асарлари
билан муносиб ҳисса қўшди.

ВАТАН УРУШИ ДАВРИДА ЎЗБЕК БОЛАЛАР АДАБИЁТИ

(1941—1945)

Бу давр болалар адабиётининг мавзуида, ғоявий мундарижасида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Чунончи, ёзувчилар ижодида Ватан муҳофазаси билан бевосита боғлиқ жанговар мавзулар асосий ўринни эгаллади. Ватанпарварлик, қаҳрамонлик, ёш авлоднинг она-Ватан муҳофазасига кўмаклашиши, аynи вақтда, уларнинг “аъло” ва “яхши” ўқиши асосий масалалардан бирига айланди. Буларнинг ҳаммасини ўзида мужассамлаган жанговар шеърлар биринкетин юзага кела бошлади. Бу даврда болаларни бевосита Ватан муҳофазачиси сифатида кўрсатган асарлар ҳам яратилди.

Бу йилларда ўзбек адабиётида яратилган Ғ. Ғулومнинг “Сен етим эмассан”, “Соғиниш”, “Кузатиш”, “Биз енгамиз”, Ҳ. Олимжоннинг “Она ва ўғил”, “Йигитларни фронтга жўнатиш”, “Қўлингга қурол ол!”, “Жангчи Турсун”, “Самолёт”, “Россия”, Уйғуннинг “Ватан ҳақида кўшиқ”, “Қасос”, “Хайрлашув”, “Лолалар”, “Қизалоқнинг ўлими”, Ойбекнинг “Ёвга ўлим!”, “Йигитларга”, М. Шайхзоданинг “Женя”, “Учинчи ўғил”, “Кураш нечун?”, “Капитан Гастелло”, Миртемирнинг “Сен — Она”, “Олег ва унинг ўртоқлари” каби асарлари ўзбек болалар адабиёти доирасини янада кенгайтди.

Бу даврда Зафар Диёр, Султон Жўра, Илём Муслим, Қ. Муҳаммадий, Ш. Саъдулла, Адҳам Раҳмат каби жонкуяр болалар шоирлари бир талай асарлар яратдилар. Улар ўз асарларида шу давр кишисининг маънавий қиёфаси, Ватанга, халққа муҳаббати ҳамда халқлар дўстлиги каби юксак ғояларни тараннум этдилар.

Шоир Зафар Диёр “Биз яшамоқ истаймиз” шеърида ёшларнинг ватанпарварлик туйғусини қуйидаги мисраларда содда ифодалади:

Биз яшамоқ истаймиз
Қул бўлишга кўнмаймиз.
Демак, озод яшаш-чун
Ёвга омон бермаймиз!
Шундай экан ўртоқлар,
Қани юринг илгари.
Разил Гитлер устига
Ҳайбатли тоғ сингари.

Бу мисраларда душманга нисбатан ғазабкор, ўз озодлигини абадий сақлаб қолишга жон-дили билан курашувчи минглаб болаларнинг она-Ватанни севиши яққол чизилган.

Уруш йилларида, ўзбек адабиётида, жумладан, болалар адабиётида шеърый хат жанри анча ривожланди.

Бу йилларда яратилган шеърый хатлар, жангчининг ўз ёрига, ота-онасига, жигарбандларига ёки хотин-қизларнинг фронтдаги ёрига йўллаган мактублари шаклида бўлиб, уларда уруш даврининг энг муҳим томонлари акс эттирилди. Шоир Султон Жўра болалар адабиётида шеърый хат жанрининг юксалишига баракали ҳисса қўшди. Унинг “Соғиниб”, “Соғинчли салом” шеърлари ана шу шаклда ёзилган асарлардан ҳисобланади.

1941—1944 йилларда Қуддус Муҳаммадийнинг “Қизил Норпой” газетасида бир қанча асарлари босилиб чиқди. “Қизил аскар”, “Ватан учун жанг қиламан”, “Фашистларга қирғин келсин”, “Ватан йўлида”, “Ғазаб” кабилар шулар жумласидандир.

Бу даврда Адҳам Раҳмат “Онамнинг айтганлари”, “Мени кут”, “Шинель”, “Окоп қўшиқлари”, “Соғиниш соатларида” (*ўғлим Ҳаётжонга*) каби шеърларини ёзди.

“Онамнинг айтганлари” (1941) шеърда шоир фронтга ўз фарзандларини кузатаётган ота-оналар даъвати, ўз фарзандларини мардлик, қаҳрамонликка ундашлари акс эттирилади. Муаллиф бу шеърда онанинг юрак сўзлари орқали бир вақтнинг ўзида Ватан учун фидокор она ва ўғил образини жонли чизади.

Шоирнинг “Мени кут” (1942) шеърда меҳрибон отанинг ватанпарварлик туйғулари ифодаланган. Улуғ мамлакатимиз, халқимиз озодлиги учун фронтда қаҳрамонона жанг қилган, ғалабамизнинг муқаррарлигига тўла ишонч туйғуси билан яшайди. Ота ўз фарзандига қатъий ишонч билан шундай дейди:

Милтигим тушмас асло қўлимдан,
Номардман агар қўрқсам ўлимдан.
Номимни унут қайтсам йўлимдан,
Бутун ёронлар қайтганида кут,
Шодлик қўшигини айтганида кут...
Мен ҳам қайтаман, тездан қайтаман
Сен билан бирга қўшиқ айтаман.

Шеърда Адҳам Раҳмат порлоқ истиқбол учун курашган оталарнинг келажакка умид билан қарашларини ифодалайди.

Шукур Саъдулла ҳам Ватан уруши йилларида ҳаётий мавзуларда бир қанча асарлар ёзди. Унинг бу даврда “Сен нима қилдинг?”, (1942), “Шоҳиста” (1944) каби шеърӣ тўпламлари нашр этилди. Шунингдек, шоирнинг республика ёш томошабинлар театрида “Бизнинг жангчимиз” (1942), “Гулхан” (1943) драма асарлари сахнага қўйилди.

Бу йилларда қисса, ҳикоя ва шеърларда Ватан уруши қатнашчилари, меҳнат қаҳрамонлари образлари яратилди. Қисқаси, бу йилларда болалар адабиётининг мавзуи беқиёс даражада кенгайди, айниқса, ватанпарварлик, дўстлик ғоялари янада чуқурроқ, аниқ, ҳаётий далиллар асосида тўла-роқ акс эттирилди.

Ватан уруши йиллари болалар адабиёти ёш авлодни меҳнатда фидокорлик, Ватан учун курашларда қаҳрамонлик кўрсатишга ундади, уларни байналмилал руҳда тарбиялашга хизмат қилди.

ВАТАН УРУШИДАН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАР ЎЗБЕК БОЛАЛАРАДАБИЁТИ

Бу давр болалар адабиёти ўзининг мураккаблиги билан ажралиб туради. Бир томондан моддий ва маънавий ҳаётда жиддий ўзгаришлар рўй берса, иккинчи томондан адабиёт ва санъатда сталинчилик сиёсати оқибати сифатида “конфликтсизлик” иллатлари намоён бўла бошлади.

Адабиёт ва санъатда ҳукм сурган “конфликтсизлик” болалар адабиёти ривожига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Натижада болалар учун яратилган асарларда ҳам ҳаёт бир томонлама акс эттирила бошлади.

Лекин ҳаётнинг ўзи мамлакатимизда авж олган сталинчилик сиёсатини, шахсга сиғинишнинг оғир оқибатларини фож этди. Бу ҳолнинг мафкурамизда, хусусан, адабиёт ва санъатда қолдирган салбий асоратларини, жумладан, “конфликтсизлик назария” сини ҳам очиб ташлади.

Бу даврда Ғ. Ғулум, Ойбек, Қ. Муҳаммадий, Ш. Саъдулла, А. Раҳмат, И. Муслим, Ҳ. Назир, П. Мўмин, Қ. Ҳикматларнинг ғоявий-бадиий жиҳатдан юксак асарлари майдонга кела бошлади.

Ватан ва меҳнат мавзуи Ватан ва меҳнат мавзуи болалар адабиётининг ҳам маънавий мавзуларидан биридир. Шoirларимиз бу мавзуни ёритишда болалар ва ўсмирларни қизиқтирадиган образ ва турли ифода воситаларидан фойдаланиб, уларнинг тил бойликларини оширишга, тушунчаларини янада кенгайтирмоқдалар. Шу маънода Пўлат Мўминнинг “Юртимизнинг юраги”, Қудрат Ҳикматнинг “Менинг Ватаним”, “Бахтли болалар”, Адҳам Раҳматнинг “Ўлкамизнинг тонги отмоқда”, Шуҳратнинг “Мен бобомга содиқман”, Уйғуннинг “Икки она”, Ҳабиб Раҳматнинг “Бахтли бола қўшиғи”, Толиб Йўлдошнинг “Олтин тупроқ”, Миразиз Аъзамнинг “Келажак бизники”, Тошпўлат Неъматнинг “Менинг Ватаним”, Сафар Барноевнинг “Маҳалламиз” каби бир қанча шеърлари болалар адабиётида сезиларли из қолдирди.

Кишиларнинг яратувчилик меҳнатини, болалар ва ўсмирларнинг катталар меҳнатига эътиқоди ва ёрдамини улуғловчи “Беш қизнинг совғаси”, “Этик”, “Бувимнинг ҳикояси” “Темирлар ўйини” (Қ. Муҳаммадий), “Гулдаста”, “Эҳ, роса ширин экан!”, “Бизнинг Зайнаб холамиз”

(П. Мўмин), “Дастёр қиз”, “Боғбон қиз” (Ш. Саъдулла), “Сенинг совғанг”, “Ёз” (И. Муслим), “Бувимнинг деганлари”, “Бобо ва набира”, “Жўжам, юрма лақиллаб” (Қ. Ҳикмат), “Айиқчам”, “Пилла қурт тутамиз” (А. Раҳмат), “Барака”, “Тикувчи” (Ю. Шомансур) каби бир қатор шеърлар яратилди.

Бу шеърларда, асосан меҳнат ва меҳнат аҳли мадҳ этилади. Уларда инсон қадр-қимматининг улуғлигини, меҳнаткаш халқ тарихини яратувчи куч эканлигини кўрсатиш алоҳида ўринда туради.

Болаларда меҳнатга эътиқодни жуда ёшлигиданоқ уйғотиш гоят муҳим тарбиявий масалалардан биридир. Шунинг учун болалар шоирлари меҳнат мавзуида мактабга-ча тарбия ва кичик ёшдаги мактаб болаларига атаб анчагина асарлар яратдилар.

Қудрат Ҳикмат меҳнат кишига ҳурмат келтиришини, ҳурмат эса инсоннинг энг яхши зеб-зийнати, фазилати эканини холасининг меҳнатида мамнун бўлган боланинг хурсандлигини тасвирлаш орқали ёритади.

Шунинг учун холамдан,
Катта-кичик миннатдор.

Унга ёруғ оламда
Ҳурматдан зўр нима бор?

“Тикувчи”.

Бу даврдаги болалар адабиётида ҳунарни севган, уни эъзозлаган болалар ва ёшлар ҳақида қатор асарлар яратилди. “Йигитга йигирма ҳунар оз”, “Қандай бўлмоғим керак?” (Қ. Муҳаммадий), “Ҳовлимизнинг болалари” (Ш. Саъдулла), “Электр аррачи” (Қ. Ҳикмат), “Уста Усмон”, “Шахтёр” (П. Мўмин) каби асарлар шулар жумласидандир.

Меҳнат мавзуида ёзилган шеърларда меҳнат унумдорлигини ошириш учун энг аввал илм-фанни пухта эгаллаш кераклиги алоҳида ўрин тутаяди.

Тинчлик ва дўстлик мавзуи. Шоирларимиз тинчлик мавзусидаги асарлари билан болалар ва ёшларни тинчлик ва дўстлик руҳида тарбиялашга, уларнинг тинчлик учун толмас курашчилар бўлиб камол топишига даъват этувчи ўнлаб бадиий асарлар яратдилар. Ғафур Ғуломнинг “Каптар учар, гоз учар”, “Тинчлик арчаси”, Қ. Муҳаммадийнинг “Урушга йўл бермаймиз”, Ш. Саъдулланинг “Тинчлик қуши ҳақида мен ўқиган шеър”, И. Муслимнинг “Дўстлик”, П. Мўминнинг “Ўғил бола ва қиз бола”, Қ. Ҳикматнинг “Тинчлик ҳақида қўшиқ”, “Дўстлик”, Шухратнинг “Тинчлик алласи”, “Дўстлик

гули”, Ў. Рашиднинг “Биз дўстлармиз”, Т. Неъматнинг “Тинчлик бизнинг бахтимиз”, М. Аъзамнинг “Ерга довруқ соламмиз”, С. Жабборнинг “Тинчликни севган Саманта деган қизимга” каби асарлари шулар жумласидандир.

Қуддус Муҳаммадий “Урушга йўл бермаймиз” шеърида бутун илғор инсониятнинг асосий мақсади тинчлик эканлигини тушунтиргач, уларни тинчлик учун курашга чақиради:

Дейсан, танда жоним бор,
Тинчлик учун курашай,
Урушга ҳеч йўл бермай,
Ватан, халқим яшатай.

Шоир тинчлик тарафдорларининг енгилмас куч-қудратини, тинчлик урушни энгиши муқаррар эканлигини шундай ифода қилади:

Тинчлик бўлсин қамма ёқ,
Бунинг учун ҳамма вақт,
Курашар ҳамма халқ,
Урушга йўл бермаймиз,
Тинчлик энгар, тинчлик ҳақ!

Шоир Қудрат Ҳикмат Қуддус Муҳаммадийнинг бу фикрини қувватлаб унга жўр бўлади:

Тинчлик доим сақланар,
Қасд қилган мажақланар.

Дўстлар, беринг қўлга-қўл,
Урушга ҳеч қўйманг йўл!

“Дўстлар, беринг қўлга-қўл”.

Тинчликнинг асосий гарови бўлган дўстлик мавзуи болалар адабиётида тобора кенгайиб бормоқда. Ҳозирги болалар шеъриятида ёшларни дўстлик ҳамда ўртоқлик руҳида тарбиялашга бағишланган ғоявий-бадиий юксак асарлар кўплаб яратилаётир. Мамлакатимиз халқларининг қардошларча дўстлигини ҳаётий образлар ва ҳаққоний акс эттирувчи асарларнинг тобора кўпайиб бориши болалар шеъриятининг тарбиявий таъсири янада кучайиб бораётганини тасдиқлайди.

Мақтаб ҳаёти Мамлакатимиз бу даврда мактаб ва маориф ишларини янада яхшилаш, уларни ҳар тарафлама ривожлантириш, ёш авлодга илм-фан асосларини чуқурроқ бериш, уларни тинимсиз юксалиб бораётган ҳаётимиз талабларига тўла жавоб берадиган кишилар қилиб етиштириш ҳақида бир қанча муҳим тадбирларни амалга оширди. Натижада, мактаб ва маориф

ишлари яхшиланди, таълимни унумли меҳнат билан боғлаб олиб бориш кучайди, ёшлар илм-фан асосларини чуқурроқ эгаллай борди. Уқувчиларда илм-фан ва меҳнатга муҳаббат янада ошди. Мактаб ва маориф ҳаётидаги бу муҳим масалалар болалар шоирлари диққатини ҳам ўзига тортди.

Бу мавзуда “Билиб қўйки, сени Ватан кутади”, “Биринчи дарс”, “Бир гунча очилгунча” (Ф. Фулом), “Ҳар кун мактаб борганда”, “Қандай бўлмоғим керак?”, “Аълочи Содиқ”, “Салимжоннинг дарсхонаси”, “Сизни севиб табриклайман”, “Уқувчиларнинг кун тартиби” (Қ. Муҳаммадий), “Кулишингиз гулни кулдиар”, “Ассалом, мактабжоним”, “Беш олдим, беш”, “Сентябрь тонги” (П. Мўмин), “Шу сиз эмасми?”, “Мен ”2” дан қандай қутулдим”, “Мактабга кета туриб”, “Соатжоннинг соати” (Қ. Ҳикмат), “Мактабим”, “Булар — асл болалар” (И. Муслим), “Аъло ўқи”, “Одобли бола” (Шухрат), “Қ ўшув, олув, баробар” (Ю. Шомансур), “Тил дарси” (М. Аъзам), “У қи-тувчимга” (Х. Салоҳ), “Ўнгача санаш” (Б. Эрматов) каби яхши асарлар пайдо бўлди.

Мактаб ҳаёти мавзуида ёзилган шеърларда кўркам, озода мактаблар, унда қайнаётган бахтли ҳаёт болаларнинг қувончи орқали илм-фан асосларини пухта эгаллашга астойдил ҳаракат қилаётган ёшларнинг интилишлари ифодаланади. Айниқса, илм-фан ва меҳнатга муҳаббатли, одоби билан ёшларга намуна бўладиган жамоатчи болаларнинг шахсий қиёфасини яратиш бу давр болалар шеърлятида кенг ўрин эгаллади.

Академик шоир Фафур Фулом мактабни муболағали тарзда “олимларнинг бешиги” деб таърифлайди:

Бу синфдир эрта кунги
Олимларнинг бешиги,

Қадамига гулдасталар
Пояндоздай сочилган.

“Биринчи дарс”

Пўлат Мўмин “олимлар бешиги” бўлган мактабда олий истақларга интилган, мақсадига етишишга астойдил ишонган бола образини “Ассалом, мактабжоним!” шеърда яради:

Енглари шимарамиз,
Фан чўққиси — маррамиз.
Унга дадил чиқамиз,
Ҳунарда чиниқамиз.

Бизларга бағрин очган,
Кундан-кун қадр ошган,
Ассалом, билим коним,
Ассалом, мактабжоним!

Қуддус Муҳаммадий ҳам мактабга муҳаббат қўйган кичкинтойларнинг самимий ҳис-туйғуларини ўзининг “Мактабжоним чиройли!” шеърда гоят образли ифода этади.

О, мактабим, кўз ўнгимда гулжаҳон,
Ярақлайсан, бир ўзгача оламсан.
Деворинга гард қўндирмай сақлайин,
Ўқитувчим, мактабжоним, онамсан!

Пўлат Мўмин “5” баҳо қўшиғи” шеърида аълочи боланинг ҳар ерда иззат-ҳурматли эканлигини кўрсатгач, унинг қандай қилиб аълочи бўлганини бошқаларга ибрат сифатида кўрсатади:

Бўлса кимнинг табелида беши кўп,
Ҳамма жойда унинг дўсти-эши кўп.
Беш олувчи одобли ҳар боланинг
Бўш вақти йўқ — ўқиши-ю, иши кўп.

Пўлат Мўмин аъло ўқиш боланинг иззат-ҳурматини оширибгина қолмай, унинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшишини, боладаги беҳад завқ-шавқ манбаи ҳам шу туфайли эканини маҳорат билан ифодалайди.

Шоир мактабда чидам, қунт билан астойдил ўқишнинг яхши, фойдали ва унумли оқибатини “Қирқ беш минут” шеърида ажойиб образларда ишонарли, таъсирли ифодалаб, болаларнинг илм-фанга бўлган муҳаббатини янада оширади:

Билим чўққиси сари
Дарс бўлса гўё зина,
Фан куёши сочар нур,
Мактаб улур хазина.

Чиндан дарс, ўқиш, ғайрат
Етказар чин тилакка.
Ташлагин дадил қадам
Яшнаган келажакка.

Ҳукуматимиз болаларнинг таълим-тарбия олиши ва ҳунар эгаллаши учун бутун шароитни яратиб берган. Бу ҳолни Қ. Муҳаммадий мазмундор, чуқур образли ифодаларда беради:

Оппоқ тонг гўзал, ҳай-ҳай!
Ўқиш, китоб, мактаб шай.

“Ўқувчиларнинг кун тартиби”.

Китоб ҳақида бирор сўз айтмаган мутафаккир шоир ёки ёзувчи бўлмаса керак. Шоир зўр мамнуният билан:

Китобни қанча севсам оз бўлур
Китоб десам, кўнглим баҳор, ёз бўлур,—

“Китобни қанча севсам оз бўлур”.

деб ёзади.

Умуман олганда, бу хилдаги шеърларга шоир гоёси сифатида қарамоқ керак. Чунки бугунги аниқ воқелик шоирларимизнинг ҳақиқий ҳаётдан қанчалик узоқда эканлигини тасдиқлайди. Шунинг учун болаларимизни бахтиёр, қувноқ ҳолда кўрсатиш, уларнинг билим олишлари учун ҳамма нарса муҳайё эди, қабилда шеър битиш урфга айланган эди. Бу каби тасвирлар реализмдан кўра романтикага, шоир орзу-умидларига асосдир. Бинобарин, бу давр шеърляти ҳақида фикрлаганда, шу жиҳатларини назарда тутиш лозим бўлади.

Кейинги йилларда болаларда юмор ҳисларини ривожлантирувчи қувноқ, қизиқтирувчи асарлар ҳам анчагина яратилди. Бундай шеърлар айрим болалар ҳаётидаги нуқсонларни турли бадиий воситаларда ҳажв этиш орқали уларнинг тўғри йўлга тушиб олишига ёрдам беради. "Аҳмаджонга уят", "Дум", "Дум-доғ", "Лапашанг" (Қ. Муҳаммадий), "Инжиқ қиз", "Шалаббо", "Ивирсиқ" (Ш. Саъдулла), "Бекоржон", "Зарда", "Тиш чўтка, порошок ва атир совун эртаги" (П. Мўмин), "Тантиқ", "Чақимчи", "Эринчоқ", "Муғамбир бола", "Ғолиб сўлақмон" (Қ. Ҳикмат) каби асарлар шулар жумласидандир.

Қуддус Муҳаммадий "Қоровойнинг шу иши тўғрими?" шеърда китоб тайёрлаш жараёни ҳақида батафсил образли маълумот бериш орқали болаларда меҳнатга оғли муносабатда бўлиш, унинг қадрига етиш зарурлиги хусусида ибратли хулоса чиқаради.

Шоир китобни йиртган Қоровойнинг ноҳўя ишини Валининг тилидан шундай қоралайди:

Шундай экан, китобни
Не учун сақламайсан?
Ота-онанг меҳнатин
Ҳурматлаб ёқламайсан!

Сен йиртганинг шу китоб
Мактабники — бизники,
Қоровой, ўртоқ, билсанг,
Бир чети ўзингники.

Баъзи болалардаги дангасалик ва ялқовлик, унинг заррли оқибатларини кўрсатувчи бир қатор ҳажвий асарлар ҳам яратилди. Бу мавзуда яратилган Ш. Саъдулланинг "Ивирсиқ" шеърда кийим-кечаклари ва ўқув қуролларини дуч келган жойга ташлаб кетаверадиган, бесаранжом, уй вазифаларини пала-партиш ва чала бажариши орқасида баҳолари пасайиб кетган ивирсиқ бола образи яратилиб, ундан аччиқ кулинади.

Қудрат Ҳикматнинг "Тантиқ" асарида эса дангасалик, ўйинқароқлик орқасида дарсдан орқада қолувчи тантиқ болаларнинг образи юмористик бўёқларда фош қилинади:

Ишга бўйин ёр бермас,
Куп дарслардан бўш — “икки”.
Жамлаб саккиз чиқарар,
Десаиғ “тўртга қўш икки!”..

Кино деса “учади”,
Ўқигани оғрир бош.
Бўйи мирзатераҳдек,
Кошки эди бўлса ёш.

Хуллас, бу даврда болалар шеърятининг мавзу доираси бирмунча кенгайиб, бадиий мукамаллик касб эта борди. Айни чоқда, тарбиявий аҳамияти кучая борди, эстетик қиммати ошди.

Лирик-эпик асарлар Урушдан кейинги тинч қурилиш йилларида ўзбек болалар адабиётида қатор дostonлар, шеърый эртақлар ва балладалар пайдо бўлди. Ойбекнинг “Зафар ва Захро”, “Бобом”, Қ. Муҳаммадийнинг “Дунёда энг кучли нима?”, “Буви, сандиқ қиссаси”, “Мушук нега пихиллайди?”, “Солижон”, “Адашган бола қиссаси”, “Олтин дарахт”, Ш. Саъдулланнинг “Лақма ит”, “Икки донишманд”, “Оч бўри, шўх қўзи ва қирчанғи”, Пўлат Мўминнинг “Кўнгил истар яхшилик”, “Олтмиш олти олтин қўл”, “Бахт топган йигит”, “Олтин ноқли боғ”, “Холнинг жийрон велосипеди”, “Олтин най”, Қудрат Ҳикматнинг “Тошбақалар ҳужуми”, “Бобо деҳқон ҳангомаси”, “Чирчиқ фарзанди”, “Илон шоҳ ва унинг амалдори Ари ҳақида эртақ”, Рамз Бобожоннинг “Назми ва Турғун”, “Парвоз”, Миразиз Аъзамнинг “Ақлли болалар”, Юсуф Шомансурнинг “Ойдан келган болалар”, Эргаш Раимовнинг “Бир дона япроқ”, Мавлон Икромнинг “Ёш партизан”, Шуҳратнинг “Меҳрол”, Тошпўлат Ҳамиднинг “Асрорқулнинг кўчқори”, Султон Жабборнинг “Дўстлик қўшиғи”, Турсунбой Адашбоевнинг “Олтин ёлзи тулпор қиссаси”, “Қоплонқул”, “Саёҳат-роҳат”, Ҳамза Имонбердиевнинг “Меҳмон хола ва бола саргузашти”, Муҳаммадjon Раҳмоннинг “Момақаймоқ”, Чўлпон Эргашнинг “Улғайиш”, Қамбар Ўтаевнинг “Ойдан келган Аёз чол” каби дoston ва эртақ-дostonлари шулар жумласидандир.

Пўлат Мўминнинг “Кўнгил истар яхшилик” дostonи ҳаётийлиги, мавзуининг долзарблиги, ғоявий-бадиий пишиқлиги, воқеаларнинг қизиқарли баён этилиши жиҳатидан ўзбек болалар дostonчилигининг кейинги йилларда қўлга киритган ютуқларидан бири бўлиб қолди. Шоир оддий бир ҳодиса — 6 “Б” синф ўқувчиси Ўктам билан Толяб ўртасидаги кичик бир жанжалдан катта, таълим-тарбия тўғрисидаги муҳим масалани ҳаққоний ёритиб беради.

Асарнинг асосий қаҳрамонларидан бири Ўктам бошда жуда шўх, ота-онасининг гапига унча қулоқ солмайдиган бола. Варрак учириб юриб, томдан қулаб тушади ва асаб ка-

салига мубтало бўлади. Шунинг учун у ўзини ва одамларни кадрлайдиган бўлади.

Шоир ҳар бир боланинг келажак тақдири учун куйиб-пишадиган, меҳрибон ўқитувчи-тарбиячини муаллим Шокир ака образида мужассамлаштиради. Шокир ака Ўктамнинг ўқимайман деган гапини эшитгач, уни койиб кетади. Унинг ички ҳис-туйғуларини шоир жонли, образли мисраларда қуйидагича ифодалайди:

— Ўқимас эмиш нега,
Билимда кетмас араз.
Ўқимади деб Ўктам,
Қилайлик, майли фараз.
Ўқимай қолган одам
Гўё тунда чироқсиз,

Гўё овда яроқсиз,
Гўё оёқсиз, қўлсиз,
Гўё япроқсиз, гулсиз
Дарахтга ўхшаб қолар,
Ким ундан бир наф олар?

Шоир Шокир акани болаларнинг ғамхўри, меҳрибони, олижаноб инсон, моҳир тарбиячи сифатида улуғлайди. Шу билан бирга у хушмуомала, ширин сўз, ёқимтой ўқитувчи сифатида гавдалантирилади. У ўз ўқувчиларини ҳам ширин сўз, хушмуомала ва одобли бўлишга ундайди.

Достонда ўқувчи диққатини ўзига жалб қиладиган образлардан бири Қодирдир. Қодир ўзининг мўмин-қобиллиги, камтарлиги, очиқ кўнгил ва тўғри сўзлиги ҳамда одоби билан иззат-ҳурматга сазовар бола. Қодир ҳақиқий, чин дўстнинг жонли тимсоли. У Ўктамнинг касаллигига ачинади, дарсга қатнашмай қолганлигидан қайғуради, унинг ғамига ҳам, севинчига ҳам шерик бўлади. Қодир Ўктамни чин сўз, соф кўнгилли, тўғри бола бўлганлиги учун ҳурмат қилади. Шоир Қодирдаги бу фазилатларни, айниқса, унинг мажлисдаги нутқида очиқ-ойдин ифодалайди.

“Дилозор ва димоғдор” бола Толиб ўқиш ва жамоат ишларини хуш кўрмайди, бошқаларни менсимайди. Синфдош ўртоқлари Толибнинг камчиликларини очиб ташлайдилар. Жамоат ёрдамида у қайта тарбияланади.

Пўлат Мўмин бу асарда ўқитувчининг меҳнатини улуғлайди, уни ҳурматлашга чақиради.

Қудрат Ҳикмат “Чирчиқ фарзанди” достонида меҳнат аҳлини улуғлайди. Бу ғояни у Қўлдош ва унинг ота-оналари Боқи ака ва Норбувиларнинг ҳаётларини ҳимоя қилиш орқали ёритади.

Ўтмишдаги оғир турмуш устига “Нортуядек лўкиллаб, бебош Чирчиқ суви пишқириб” Боқи аканинг якка-ю ягона чақалоғини бешиги билан оқизиб кетади. Шоир Боқи ака ва Норбувининг бундай пайтдаги ҳолатини “кўзларига тор жаҳон” истиораси орқали ифодалайди. Шоир Боқи ака ва Норбувиларнинг ачинарли, аянчли аҳволини бериш учун

киши юрагини эзадиган даражада мунгли оҳангдаги тасвирий воситаларни ишга солади:

Дард устига чипқондай
Боқи ота бемажол.
Ёлғиз фарзанд доғида
Қадди яна бўлди дол.

Ишга ортиқ қўл бормас,
Эсиз кетди боласи.
Етти қават осмонни
Титратар оҳ-ноласи.

Темирчи Хол ака дарёда оқиб кетаётган болани бешиги билан сувдан тутиб олади, исмини Қўлдош қўйиб, ўз боласидай асраб тарбиялайди.

Қудрат Ҳикмат дostonда янги ҳаёт тўлқинларини, турли миллат кишиларининг фидокорона меҳнати Чирчиқни ўзгартираётганини, янги шаҳар ва ГЭСлар қурилаётганини катта меҳр билан ифодалайди.

Бу ҳол қайноқ меҳнат қучоғида, турли миллат кишиларининг дўстона ёрдамида “Қўлдош шердай забардаст, абжир, етук” ишчи бўлганини ифодалаш асосида ҳаққоний ёритилади:

Бир замонлар тошқинда
Оққан бизнинг қаҳрамон.
Ҳол аканинг пинжида
Ўсиб, унди соғ-омон.

Зийрак туйғун қушидек
Суқсур каби қомати.
Севган она юртидек
Кулган бахти-омади.

Илғорлиги туфайли Қўлдошнинг номи ҳамма ерда дoston бўлади, рўзномада мақталади. Қўлдошнинг дараги Норбувига ҳам бориб етади, натижада у ўз онаси билан дийдор кўришади.

Бу ўринда ҳам шоир она билан боланинг дийдор кўришиши сабабини Қўлдошнинг меҳнатдаги шуҳратига боғлайди.

Шундай қилиб, шоирларимиз бу даврда долзарб ҳаётий мавзуларда ғоявий-бадий пишиқ асарлар ёзиб, ўзбек болалар адабиётини янги босқичга кўтардилар. Улар болалар ҳаётига чуқурроқ кириб бориб, уларнинг бахтиёр ва қувноқ турмушини, илм-фанга меҳр-муҳаббат, дўстлик, биродарлик, ватанпарварлик, катталарга иззат-ҳурмат, улуғ ишларга интилиш каби туйғуларини маҳорат билан куйлаб, бу давр шеърлятига катта ҳисса қўшдилар.

Бу давр болалар насрининг маълум ютуқларни қўлга киритишида ижодкорлар сафининг ўсиши, ёш ёзувчиларнинг етишиб чиқиши муҳим роль ўйнади. Болалар насрида асосий эътибор замонавий мавзуга, ёш замондошларнинг ҳаққоний образини яратишга қаратилди.

Мактабгача тарбия ёшидаги кичик болаларга атаб замо-

навий мавзуларда ёзилган ҳикояларда болалар ҳаёти чуқурроқ ёритилиб, ҳаққоний образлар, жонли характерлар яратилганини, қизиқарли бадиий усуллар орқали ёшларни ҳаёт ҳақиқати билан таништиришга интилиш ҳоллари етакчилик қилади. Ёзувчиларимиз болаларнинг ёш хусусиятлари ва руҳиятидаги ўзига хос жиҳатларни бадиий акс эттиришга ҳаракат қилдилар.

Шу жиҳатдан, Ш. Саъдулла, Ҳ. Назир, С. Юнусов, Н. Фозилов, М. Муродов, Х. Тўхтабоев, Н. Орифжонов, Ҳ. Пўлатов, А. Обиджон каби ижодкорларнинг ҳикоялари характерли. Айни вақтда, Ойбекнинг “Қонли бармоқлар”, Ғафур Ғулломнинг “Менинг ўғригина болам”, Ғайратийнинг “Ёшлигимиз”, Бобомнинг совғаси”, Раҳмат Файзийнинг “Чўнтак тилга кирди”, Асқад Мухторнинг “Сут ачиб қолди”, Мирмуҳсиннинг “Мўйиллол”, “Ҳасан билан Хусан” каби қатор асарларида ҳам бу ҳолат ўз ифодасини топди.

Шукур Саъдулланинг “Исм қўйилмаган хат” тўплами мактабгача тарбия ва кичик ёшдаги болаларга аталган. Тўпламдаги ҳикояларда болаларнинг ўзаро суҳбатлари орқали уларнинг ҳаёт ҳақидаги тушунчаси, кўрган-билганларини мустақил муҳокама қилиши, орзу-умидлари, айримларининг ширин сўз, ёқимтой, меҳрибон, баъзилари эса инжиқ, ўзбилармон эканлиги усталик билан ёритилади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг руҳий ҳолати, уларнинг ҳаётдаги ҳодисаларга бўлган тўғри, самимий муносабати, ниятлари фақат яхшилик эканлиги улар ёшига мос усулда, қисқа, маънодор, образли сўзларда кулгили тасвирлаб берилган.

50- йилларда ўзбек болалар насрига дадил кириб келган, ўз ижодини кичик ёшдаги болаларга қизиқарли ҳикоялар ёзишдан бошлаган Худойберди Тўхтабоев саргузашт жанрида ҳам асарлар яратди. Унинг “Сариқ девни миниб”, “Қасоскорнинг олтин боши”, “Беш болали йигитча”, “Ширин қовунлар мамлакатида” каби қисса ва романлари шулар жумласидандир.

Унинг бу асарлари нафақат жумҳуриятимиз болаларининг, балки қардош ҳамда чет эл мамлакатлари болаларининг ҳам сеvimли асарларига айланиб қолди.

Худойберди Тўхтабоевнинг кичик ёшдаги болалар учун ёзган “Ҳасса” асари болаларда катта таассурот қолдиради. Ўзидан катталарни ҳурмат қилиш ғояси асарнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Ҳаким Назир “Мени танийсизми? ҳикоясида болаларни саҳро-чўлларни ўзлаштираётган катталар иши билан таништиради. Ёзувчи Қодиржон образи орқали ёш авлоднинг улкан маънавий дунёсини очишга интилади.

Қодиржон онасининг "Ҳали гўдаксан, ҳеч нарса билмайсан" деб унга ишонмаслигидан жаҳли чиқади. У ўзининг гўдак эмаслигини кўрсатиб қўймоқчи бўлади. У илгари ботинкасининг ипини ўзи боғлай олмаса, ҳозир ўзи бемалол боғлаб, еча олишини, илгари онаси уйда чўмилтирган бўлса, энди ўртоқлари билан сойда бемалол чўмилаётганини, ҳозир ўзи мактабга бора олишини сўзлаб, гўдак эмаслигини исботламоқчи бўлади. Кейин Қодиржон ўртоқлари билан дадаси ишлаётган жойга саёҳат қилади.

Турғунбой Ғойиповнинг "Нотаниш бола" эртаклар тўплами кичик ёшдаги болаларга аталган.

"Дев билан техника" эртагида муаллиф инсоннинг "Дарахтларни илдизи билан юлиб ташламоқчи, бинони бир тепиб ерга чўктирмоқчи, тоғни четга суриб қўймоқчи. . ." бўлган девдан ҳам кучли эканлигини қизиқарли усулда ифодалаб, унинг шундай куч-қудратга эга бўлишининг сабаби илм, фан-техникани билишида деб кўрсатади.

Турғунбой Ғойипов эртаклари болаларни яхши хулқли бўлишга, илм-фан ва меҳнатга муҳаббат қўйишга, улуғ ишларга тайёр туришга чорлайди, улар ёш авлодни мустақил фикрлашга ўргатадиган, эстетик завқни ўстирадиган тарбиявий асарлардир.

Урушдан кейинги йиллар ўзбек болалар қиссачилигининг намуналаридан бири Ҳаким Назирнинг "Кўкорол чироқлари" 1954 номли қиссасидир. Ёзувчи кейинчалик бу асарни қайта ишлаб 1958 йилда "Сўнмас чақмоқлар" номи билан нашр эттирди. Қиссада Фарғона водийсидаги хўжаликларнинг бирида қишлоқ болаларининг ўқиши, тарбияси ва меҳнати тасвир этилади. Қудрат ва унинг ўртоқлари образи орқали меҳнатсеварлик, аҳиллик, ростгўйлик, одоблилик, билимга иштиёқ, ватанпарварлик ғоялари илгари сурилади.

Қиссада болалар билан бир қаторда уларнинг меҳнатсевар ота-оналари, ака ва опалари образи ҳам яратилган. Умурзоқ ака, Пўлатжон, Марҳамат образлари шулар жумласидандир.

Ойбекнинг "Миср болалари", "Қонли бармоқлар", Асқад Мухторнинг "Жаҳон болалари", Ҳамид Ғулом, Мирмуҳсин ва Шухратларнинг талай асарлари чет эл таассуротлари асосида яратилган.

Асқад Мухтор йигирмага яқин мамлакатда бўлган ва чет эллик болалар билан дўстлашиб, уларнинг ҳаётидан ўнлаб лавҳалар чизди. Адибнинг "Жаҳон болалари" китобидаги ҳар бир ҳикоя, лавҳа империализм устидан чиқарилган ўткир айбномадир.

Ёзувчи империалистларнинг йиртқичлигини фош этиш ва мазлумлар бошига тушган фожиаларни тасвир этиш билан

чекланмайди. У қаҳрамонлар қалбида зулмга, золимларга, мавжуд тартиб-қоидаларга қарши исён очишга, ўзлигини англай бошлаган кичик қаҳрамонлар, ёш романтиклар образини яратишга ҳаракат қилади. “Эҳ, катталар. . .” ҳикоясидаги Баждат, “Бобо набира” даги Банг-банг, “Кактус” даги икки ватанпарвар бола шу хилдаги образлардандир.

“Жаҳон болалари” тўпламидаги ҳикоялар болаларнинг ҳаёт ҳақидаги тасаввурини кенгайтиради, уларни чет эллардаги ҳозирги ҳаққоний ҳаёт билан таништиради.

Худойберди Тўхтабоев “Сариқ девни миниб” романини яратди.

Ёзувчи маҳорати асарнинг бош қаҳрамони Ҳошимжон образи талқинида яққол кўринади. Ҳошимжон топиб гапиради, жўн гапларга ҳам тўн кийдириб юборадиган, табиатан кулдирувчи бола. Унинг нутқи ҳазил мутуйиба, киноя кесатиқларга ниҳоятда бой. У ўзгаларни кулдиришга ниҳоятда уста, ўз ҳолатини сир тута олади. Ёзувчи воқеаларни Ҳошимжон тилидан баён этиб, асарнинг юмористик кучини оширишга, болаларбоп бўлишига имкон яратган.

Ҳошимжон кўринишда ниҳоятда содда, гўл, ширинсухан бола. Аслида у ниҳоятда муғамбир, шўх, ўқишга тоби йўқ, бировлардан кўчириб олишга уста. Ҳаттоки, қийин дарсларни дарс жадвалидан чиқариб ташлашни сўраб директорга ариза ҳам ёзади. У меҳнатга сира тоби йўқ, ҳар доим осон йўл қидиради.

Ҳошимжон ўқимасдан, меҳнат қилмасдан шуҳрат ва мартабага эришишни орзу қилади. Шу орада у хоҳлаган нарсани муҳайё қиладиган афсонавий сеҳрли қалпоқчани топиб олади, у билан сайрга чиқади, иши юришиб кетади. Шундан сўнг бир-биридан қизиқ, кулгили саргузаштлар бошланади.

Болада ҳеч қандай ёмон ният йўқ, у маълум даражада романтик орзу-ҳавасларга эга. Бироқ у орзу-ҳавасларга элтадиган катта йўлақдан четга чиқиб сарсон-саргардон бўлади, кулгига қолади. Ҳошимжон сеҳрли қалпоқча ёрдами билан фолбиннинг кирдикорларини фош қилади, олғир ва порахўрларни саросимага солиб қўяди. Қиссининг иккинчи қисмида у, сохта дин ҳомийларининг асл башарасини очиб ташлайди. Учинчи қисмида Ҳошимжоннинг мактабдаги саргузаштлари ҳикоя қилинади. Асар охирида Ҳошимжон орзу-ҳавасларга элтадиган чинакам йўл — ҳалол меҳнат, одоб ва қунт билан ўқишда эканига тўла ишонч ҳосил қилади.

Ғайратий “Рустамжоннинг саргузаштлари” қиссасида Рустамжоннинг Ватан урушида иштирокини болаларбоп

қилиб ёзди. Р. Раҳмонов “Чангалзордаги шарпа” қиссасида уруш даврида болаларнинг ғалабага қўшган ҳиссаларини кўрсатди. Ш. Ҳолмирзаев “Оқ отли” қиссасини чорвадорлар ҳаётидан олиб ёзди.

Болалар тарбиясида саҳна асарларининг ҳам таъсири жуда катта. Буни тўғри ҳис этган Ҳ. Назир, А. Раҳмат, П. Мўмин, Л. Маҳмудов, А. Обиджон ва бошқалар бу жанрда пишиқ-пухта асарлар яратдилар.

Ёзувчиларимиз халқимиз ўтмишидаги шонли саҳифаларни, илғор ва бугунги кундаги ўзгаришларни кўрсатадиган, миллий ва байналмилал ғуруримизни оширадиган воқеаларни танлаб, уларни ўз асарларида ҳаққоний ёритишлари орқалигина замонавий руҳни ифодалашлари мумкин. Бундай чинакам замонавийлик ҳозирги даврнинг мазмунини, халқимиз ва ёш авлод ҳаётини, илғор кишиларимизнинг намуна бўладиган кучли характерларини яратишда тўла кўринади.

Болалар драматургиясида замонавий мавзу, ёшлар, уларнинг орзу-умидлари, ўй-фикрларини акс эттирувчи асарлар ҳам яратила бошлади. Ҳамза Умаровнинг “Ҳаёт йўли” (1958), О. Толипов билан И. Аҳмедовнинг “Ким айбдор?” (1958), “Ғайрат билан Ғафлат” (1965), Ҳаким Назирнинг “Чиранма ғоз — ҳунаринг оз” (1960), М. Бобоевнинг “Она қалби” (1960), Баҳром Раҳмоновнинг “Қилмиш-қидирмиш” (1961), Ғани Жаҳонгировнинг “Ажойиб уруғ” (1962), Ёнғин Мирзонинг “Севганим учун” (1963), Пўлат Мўминнинг “Қовоқвой билан Чаноқвой” каби пьесалари айни типдаги асарлардир.

Бу асарларда одоб-ахлоқ муаммоси, таълим-тарбия, дўстлик ва биродарлик, мактаб ва ўқувчиларнинг яратувчилик фаолияти турли хил кўринишларда ҳикоя қилинади. Айни чоғда, болалар драматургияси энг қолоқ соҳа бўлиб, яратилаётган асарларнинг бадиий савияси қониқарли аҳволда эмаслигини ҳам таъкидлаш зарур.

Болаларга бағишланган саҳна асарлари орасида Ҳаким Назирнинг “Чиранма ғоз — ҳунаринг оз” пьесаси баъзи ютуқлари билан ажралиб туради.

Ёзувчи пьесада характерларни аниқ ҳолат ва курашларда очиб жиҳатидан анча муваффақиятга эришган.

Фольклор — болалар адабиётининг бешиги, деб айтилиши бежиз эмас. Болаларга асар ёзувчи ҳар бир санъаткор фольклорга мансуб бирор хусусиятдан фойдаланади. Буни кўпчилик пьесаларнинг эртақ характерида ёзилишида ҳам кўраимиз. Чунки эртақ сирли ва романтик хусусиятларига кўра болалар ва ёшлар руҳиятига, улар табиатига ғоят мувофиқ бўлиб, бола зеҳнининг ўсишига кучли таъсир қилади.

Пўлат Мўмин “Қовоқвой билан Чаноқвой” эртақ-комедиясида билим олиш учун ғайратли, меҳнатсевар ва соғлом бўлиш учун курашиш ғоясини, шахсий қиёфадаги жонли образлар муносабатида очади. Муаллиф дангаса ўқувчиларни болалар руҳиятига монанд равишда Қовоқвой тимсолида; ғайратли, илғор ҳамда фидокор болаларни эса Чаноқвой образида умумлаштиради. Эртақдаги персонажлар Чаноқвой бошчилигида ҳаракат қилиб, Қовоқвойни дангасалик, ялқовлик, фаросатсизлик, қуруқлик каби салбий сифатлардан аста-секин қутулишига эришадилар. Бундай ҳолатлар асарда табиий, ишонарли ва кулгили ҳолатларда ғоят жонли ифодаланган.

О. Толипов ва И. Аҳмедовларнинг “Ғайрат билан Ғафлат” пьесасида ёш авлоднинг илм олишга бўлган интилишлари, ижтимоий-фойдали меҳнатга муҳаббатлари эртақ шаклида, янги ва қизиқарли драматик тугун яратиш орқали ифода этилади. Драма прологидида қуйидаги савол-жумбоқ ўртага ташланади:

Олам ичра тенги йўқ
Ажойиб бир хазина.
Асло таги топилмас,
Етмас ҳар қанча зина.
Қўлга кирса борми у,
Ғолибдирсан ҳар ишда.

Музлаб ётган сувлар ҳам
Қайнар қаҳратон қишда.
Унинг билан тилсимот
Очилмасдан қолмайди.
Кенг дунёнинг сирлари
Ечилмасдан қолмайди;

Шу драматик тугун мақсадни ифодаловчи барча ҳодисаларни мужассам этиб, сюжет яхлитлигига туртки бўлади.

Бу асарда илғор ўқувчи Раъно, Қўрқмас каби қаҳрамонлар билан бирга рамзий образлар ғайратлилик ва ғафлатга ботиш сифатлари усталик билан мазмунга сингдирилган. Шартли-романтик қиёфада пайдо бўлувчи Ғафлатнинг ўз тенгдошларини ишчанликка, меҳнат ва тиниб-тинчиманликка, билим олишга ундаш тимсоли бўлган Ғайратга қарши катти-ҳаракатлари жонли чиққан. Шу икки қарама-қарши инсоний сифат тимсоллари ўртасидаги зиддиятдан туғилувчи воқеалар, атрофдагиларнинг ўзаро муносабатлари драмани ҳаракатга келтиради.

Беғамлик, дангасалик ва ўйинқароқликка ундовчи Ғафлат содда ва лақма Ботирни ўзига оғдиради, уни ишчан, ғайратли, ўқишларни ўзлаштиришда чидамли ҳамда меҳнатсевар бўлиш каби яхши сифатлардан маҳрум этади. Оқибатда, Ғафлат дангаса, ишەқмас ҳамда дилозор шахс сифатида гавдаланади.

Қўрқмас ва Раънога рамзий қиёфадаги Ғайрат раҳнамо бўлади, уларни ишчанликка ундайди, Ғафлатга қарши курашга бошлайди. Шу йўл билан болалар ўз мақсадларига етишадилар. Тилсимотни очиб, ундаги китобга ёзилган жум-

боқ жавобини биладилар: ўқиш, қунт, меҳнат, сабот билан билим олиш, “олам ичра тенги йўқ”, “асло таги кўринмас” хазиналигини англашади.

Ахлоқий-тарбиявий масалаларни эртақ шаклида, саҳна ифода воситаларида ёритиш Пўлат Мўминнинг “Суқатой-Конфетвой” (1969) пьесасида ҳам кўринади. Пьеса ёш авлодни салбий одатлардан сақланишга чақиради. Бу билан муаллиф ўзининг янги асарлар яратишга қодир санъаткор эканини яна бир бор кўрсатди.

Пьесадаги характерларнинг очилишида, муаллиф мақсадининг таъсирли ифодаланишида конфет-шоколадларга уя қуриб, уларни яроқсиз ҳолга келтирувчи Қурт образи ёрқинлиги билан асарнинг муваффақиятини таъминлаган. Пўлат Мўмин бу образни романтик усулларда жонлангириб, ширинликка ортиқча ружу қўйишнинг ёмон оқибатларга олиб келишини саҳнабоп тарзда ишонарли ёритган.

Шукур Саъдулла шоир, драматург ва эртақчи-адиб сифатида, айниқса, ёш китобхонлар орасида шуҳрат топган. Унинг энг яхши шеърӣй, драматик ва насрий эртақлари адабиётимиз бойлигига айланди. Ёзувчининг болалар руҳиятига мос равишда, улардаги романтик туйғуларни эртақ шаклида чуқур инсоний ҳис-туйғуларни ифода этувчи асарлари фақат кичкинтойларнигина эмас, шунингдек, катталарни ҳам ўзига ром этади. Ёзувчининг “Афсона яратган қиз” (1971) янги асари ҳам ана шундай фазилатларга эга.

Афсонавий романтик услубдаги бу пьесада мақсад шунга мувофиқ образларда очилади. Муҳими шундаки, муаллиф шартли романтик образлар муносабатидан ҳам драматик моҳиятли сюжетни бунёд эта олган ва унда чуқур ҳаққоний мазмун ифодалаган: онага озор бермаслик, уни ҳурматлаш, инсоний бурч йўлида ҳар қандай қийинчиликларга бардош беришга чақиритиши пьесанинг ғоявий мазмунини ташкил этади. Бу мақсадни ифодалаш учун қулай драматик тугун ва унга муносиб инсоний тақдирлар танланган, ўз ўғилларининг тўполончилигидан озор чеккан она жаҳл устида уларни қарғаб-қувлаб, ғойиб бўлиб кетишларига сабабчи бўлади, ўзининг бу қилмишидан афсусланиб, армонда, фарзандлари фироқида ўртаниб ёнади. Онанинг бундай руҳий изтироблари қизи Зулайҳони мардликка чорловчи омил бўлиб хизмат қилади. Шу тугундан бошланган драматик ҳаракат ривожиди характерларга хос хусусиятлар, улар муносабатида эса, ғоявий мақсад очилади. Зулайҳо бедарак кетган оғаларини излаб топиш учун фаол ҳаракат

қилиб, воқеалар ривожини бошқаради. Зулайҳони бош қаҳрамон даражасига олиб чиқиш учун муаллиф уни асар ғояси ва шаклига мувофиқ образлар билан муносабатда, романтик моҳиятли ҳолатларда кўрсатади. Зулайҳо аҳди йўлида дашту биёбонлар, тоғу тошлар, дарё-денгизлар оша не-не қийинчиликларга дуч келади. Дарё, Шалола, Ой ва Қуёш образлари билан мулоқотда бўлиб, улардан оғаларини сўроқлайди. Ниҳоят, Зулайҳо ижобий кучлар кўмагида ёввойи қаргаларга айланиб қолган оғаларини топади.

Драмадаги драматизмни таъминлашда ижобий куч намояндаларидан Сеҳргар, Шаҳзода кабилар, салбий персонажлардан Қайнона, анъанавий романтик образ Жодугар сингариларнинг Зулайҳо билан боғлиқ ҳолатлардаги хатти-ҳаракатлари, ўзаро тўқнашувлари, курашлари муҳим роль ўйнайди.

Асар китобхонда яхши таассурот қолдиради. Драма томошабинни онага ҳурмат, меҳр-муҳаббат билан қарашга, онани улуғлашга чорлайди, ёшларни одобли, саботли, иродали, ҳунарли, жигаргўшали бўлиш каби инсонпарвар ғоялар билан ром қилади.

Адабиёт ва санъат намуналари ғоявий-бадиий жиҳатдан юксак бўлгандагина ёш авлоднинг эстетик дидларини шакллантиришга хизмат қилади.

Болалар адабиёти, унинг муҳим соҳаси бўлган драматургия адабиётимизнинг ажралмас қисми сифатида умумий ривожланиш йўлидан бораётир. Жамиятимизнинг тараққиёти суръатини, унинг юксак маънавий эстетик эҳтиёжларини қондириш учун ҳали бу соҳада кўп ишлар қилиниши керак.

ҚУДДУС МУҲАММАДИЙ

(1907 йилда туғилган)

Болалар адабиётини ривожлантиришда катта хизматлари сингган шоирлардан бири, Ўзбекистон халқ шоири, Ҳамза мукофотининг лауреати Қуддус Муҳаммадийдир. У ўзининг сермазмун, ўйноқи, давр нафаси билан йўғрилган бадиий баркамол асарлари билан болалар қалбига кириб борди, уларнинг севимли шоирига айланди.

Қуддус Муҳаммадий 1907 йилда Тошкент шаҳрининг Чувалачи маҳалласида деҳқон оиласида туғилди. 1925 йилда унинг отаси вафот этди. Сўнгра у, болалар уйига жойлашди, 1927 йилда мактабга ўқишга кирди ва мактаб қошидаги интернатда тарбияланди. Ёш Қуддус 1930 йилда мактабни тамомлаб, Ўрта Осиё Давлат дорилфунунининг биология факультетига ўқишга кирди, ўқиш билан бирга Тошкентдаги Улуғбек номли мактабда ўқитувчи (1930—1932 йиллар) бўлиб ишлади.

У 1928 йилдан бошлаб шеърлар ёза бошлади. Унинг дастлабки шеърларидан “Тонг ўйини” “Ёш ленинчи” да, “Паранжи” “Шарқ ҳақиқати” рўзномасида, “Селекция станцияси” номли шеъри эса “Ер юзи” ойномасида босилди. 1933 йилда шоирнинг “Аҳмаджон билан асалари” номли шеъри “Маданий инқилоб” рўзномасида босилиб чиқди. Бу шеърда меҳнатсеварлик улуғланади.

1936—1937 йилларда Қуддус Муҳаммадийнинг “Сандал билан печка”, “Ўз-ўзини танқид” асарлари майдонга келди. “Сандал билан печка” шеърисида шоир турмушимизга янгиликларнинг тобора кўпроқ кириб келишини, эскилик янгиликка ўз ўрнини жуда қийинчилик билан, кураш билан бўшатиб берганлигини болаларбоп қилиб таърифлайди.

Мактабда ўқиш ва ўқитиш ишларини тубдан яхшилашда, интизомни мустаҳкамлашда ўз-ўзини танқид катта тарбиявий кучга эгадир. Шунинг учун Қуддус Муҳаммадий “Ўз-ўзини танқид” шеърисида мактаб ва болалар ҳаётидаги камчиликларни, асосан, ўзини-ўзи танқид қилиш асосида тасвирлаб, таълим-тарбия ишларини яхшилашга, интизомни мустаҳкамлашга чақиради. “Ўз-ўзини танқид” шеърисида шоир болалар ҳаётидаги характерли воқеаларни танлаб олиб, уларни айрим ўқувчи ёшлар мисолида ёритади. Шоир тишини тозалاماган Аҳмаддан, юз қўлини юлмаган Холдан, тирноғини олмай ўстириб юрган Юнусдан ва ўқув

қуролларига, мактаб жиҳозларига ёмон муносабатда бўлган болалардан қаттиқ кулади.

Қуддус Муҳаммадий бунда жонлантириш воситаларидан усталик билан фойдаланиб, китоб, дафтар, қалам, портфель, эшик, парталарни ўзаро сўзлатади, улар айрим болаларнинг ноҳўя ишларидан, қилиқларидан, одобсизликларидан арз қиладилар. Уларнинг арз-қоли кулги қисси билан суғорилган. Шунинг учун ҳам китобхон беихтиёр кулади ва беодоб ўқувчилардан қаттиқ ранжийди. Буни шоир жонли, ҳаётий кўринишларда гоят таъсирли ифодалай олган:

Бирдан парта тагидан,
Арз этар йиртиқ китоб:
— Хол жонсарак қўлида

Эзилиб бўлдим бетоб.
Танларим яра-чақа,
Муқовам қайда қолган?
Юзу кўзим кир ва доғ,
Варақларим йўқолган.
Китоб сўзи тугалмай,
Дафтар фиғону фалак:
— Езилайми, қуш бўлай;
Ё варракка дардарақ?

Қалам ўзининг “гўё чўплиги”, “танлари кесилганлиги” ва “бошсизлиги” дан арз қилади. Портфель қам ўз аҳволидан нолийди:

Бақалоқ портфелча ҳам,
Куйиниб сўзлар у ҳам:
Мен портфелми, ё копток,
Уриб ўйнашар топ-топ.
Ичим эски склад,
Атторнинг қутисидай.

Асарнинг иккинчи қисмида шоир болаларни мактаб жамоат мулкини кўз қорачиғидай сақлашга даъват этади.

Қуддус Муҳаммадий Ислоом шоирни ўзининг устози деб билади, унга эргашади ва ундан кўп нарса ўрганади. Қуддус Муҳаммадийнинг халқ эртаклари, термалари услубида ёзган бир қанча шеър, дoston ва эртаклари шу ижодий ўрганишнинг натижасидир.

Қуддус Муҳаммадий 1945 йилда Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди. 1946 йилда унинг “Ўқувчига эсдалик” номи билан биринчи китоби босилиб чиқди.

“Ўқувчига эсдалик” Шоир бу шеърда ўқувчилар бажариши керак бўлган йигирма қойдани бадиий равишда ифодалаш билан бирга, ўқувчининг маънавий қиёфаси ва вазифасига атрофлича

тўхталади, болаларнинг мактабга, ўқишга ҳавасини оширади.

Шоир болаларнинг юксак орзу-истакларини ифодалаш билан улкан мақсадларга эришиш учун қунт ва чидам билан ўқиш, ўрганиш зарурлигини уқтиради:

Бўлай десанг боғбон,
Ё Ватанга посбон,
Ё осмонда учувчи,
Ё денгизда сузувчи,
Ниманки қилсанг тилак,
Барига ўқиш керак.

Шоир эзгу-ниятга эришиш учун энг аввало нималар қилиш кераклиги тўғрисида савол қўяди-да, сўнгра мактаб ўқувчиси қандай бўлиши кераклигидан, унинг вазифаси ва маънавий қиёфасидан келиб чиқиб, бирин-кетин жавоб беради, шу тарзда китобхонни юксак орзуларга эришиши учун мактабга, илм-фанга муҳаббатини ошириб боради.

Дарс пайтларида ўқитувчининг ҳар бир сўзини диққат билан тинглаб, берилган вазифани ўз вақтида пухта бажариш — таълим-тарбия ишларининг сифатини яхшилаш юқори ўзлаштиришнинг гарови. Ўқиш жараёнидаги бу нозик ва масъулиятли томонни яхши пайқаган шоир дарс пайтларида қоидага риоя қилмайдиган айрим болалардан аччиқ кулади ва уларга тўғри йўл кўрсатиб беради.

Бошланса синфда дарс,
Сергак бўлгин ҳар нафас
Анқайма ва лалайма,
Тўғри ўтир шалпайма!
Қочмасин хаёл-фикр,
Мўлжаллинга ўқдай кир!

Шоир “Соғлом танда — соғ ақл” мақолини болага эслатади, озодалик, тозалик, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш ҳам ўқувчининг яхши фазилатлариданлигини тушунтиради:

Хўп йигитчасан ўзинг...
Айб ювмасанг юзинг.
Гул япроғин босса чанг,
Шудрингдан кейин қаранг.

Шулардан сўнг мактаб қоидасини бадий равишда ҳикоя қилиб бериб, унга амал қилиш ўқувчининг бурчи эканлиги алоҳида таъкидланади.

Қуддус Муҳаммадий болаларнинг маънавий қиёфаси, фазилати ва хислатларини “Ўқишга меҳр, зеҳн, кўнгил қўйиб ўқийдиган”, “пок юзли”, “ёқимтой”, “ҳар сўзидан

бол томадиган”, “кўрганлар яша!” дейдиган хусусиятлари асосида ёшларнинг умумлашма лирик образини яратади.

Шеърнинг энг характерли бир жойи болага тўғри таълим-тарбия беришда, уни юксак орзуларга эриштиришда мактаб жамоасининг, айниқса, директор ва ўқитувчиларнинг ўйнайдиган роли ниҳоятда катта эканлигини ишонарли, образли, содда, равон мисраларда кўрсатишдадир:

Директор — командир, бош,
Муаллим — раҳбар, йўлдош,
Чиқма улар сўзидан,
Бор кўрсатган изидан.

1947 йилда Қуддус Муҳаммадийнинг 40 йиллигига бағишлаб, “Шеър ва эртаклар” тўплами нашр эттирилади. Тўпلامдаги “Хунар мактаби ўқувчиларининг эсдалиги” шеърида шоир болаларни пухта билим олиш билан бирга касб-хунарли бўлишга чақиради. Бу ўринда у хунар мактаби ўқувчилари қандай фазилатларга эга бўлиши кераклигини кўрсатишга алоҳида эътибор беради:

Виждонли бўл ҳар ишда.
Ҳо меҳнат, қо ўқишда. . .
Мактабнинг гули бўлгин,
Одобнинг нури бўлгин.
Ким кўрса қойил қолсин,
Ўрнакни сендан олсин!

Шоир болаларни она-Ватанга, эл-юртга садоқатли бўлиб камол топишга чорлайди.

Қуддус Муҳаммадийнинг “Дум” номли ҳажвий шеъри, айниқса шуҳрат қозонди. Унда Турғун деган ўқувчининг фанлардан “2” баҳо олишини болаларга хос қизиқарли усулда “Турғуннинг думи бормиш” деб тарқалган “миш-миш” ни ҳикоя қилиш орқали ифода этади.

Шеър болаларни ўзига ром қиладиган даражада баҳс шаклида бошланади:

Бир мактабда гап миш-миш,
Турғуннинг думи бормиш.
Хўш, бу ажаб, қандай дум,
Ҳеч кимда йўқ-ку бу дум?

“Турғуннинг думи бормиш” деган саволга:

Турғуннинг билим қарзи,
Судралиши дум тарзи, —

деган жавоб қайтариб, унинг қандай дум эканлигини кулгили тарзда кўрсатиб беради.

Шоирнинг “Дум” шеъри ғоявий-бадиий юксаклиги билан катта тарбиявий аҳамиятга эга.

Қуддус Муҳаммадийнинг 1947 йилда “Синов” номли тўплами босилиб чиқди. Тўпландаги “Аълочи Содиқ” шеърида одобли Содиқ тантиқ-ўйинқароқ, ўқишга кечикиб келувчи, дарсга қулоқ солмайдиган Холмат образига қарама-қарши қўйилади. Муаллиф болаларни Содиқ каби қунт ва чидам билан ўқишга ундайди.

Шоир “Синов” шеърида илм-фаннинг қадрини чуқур тушунувчи, боласининг тарбияси ва келажагини ўйловчи мураббий ота-она образини яратади. Ота ўз фарзандига имтиҳондан ўтишнинг моҳиятини шундай тушунтиради.

Ўғлим, бугун синов сенга,
Умр, бахтинг синови.
Синовлардан енгиб чиқар,
Йигит-қизнинг мард-дови.

Шоир пухта ўқишни “умр, бахт синови” деб таъкидлаши билан болаларни ўз келажаги ҳақида ўйлашга ундайди.

“Синов” тўпламидаги “Яша, Омон!”, “Дадавой имтиҳондан ўтди”, “Менинг орзум” каби шеърлари ҳам болаларни илм-фанга, меҳнатга муҳаббат, аъло ўқишга қақририш руҳи билан суғорилган.

Болаларнинг талантли шоири Қуддус Муҳаммадийнинг 1948 йилда “Орзу” номли тўплами босилиб чиқди. Шоирнинг 1951 йилда босилиб чиққан “Қирқ ўғил, қирқ қиз” китоби нашр этилди.

Шоир тўпландаги кўпгина шеърларида ўқиш, таълим-тарбия жараёнининг турли bosқичларини тўлиб-тошиб куйлайди. Чувончи, у “Сентябрь тонги”, “Биринчи сентябрь” каби шеърларида мактаблардаги ўқув йилининг бошланишидаги болаларнинг катта қувонч ва шодликларини ифодаласа, “Кимнинг хати кўхлик” да дарс пайтини қаламга олади. “Ота-болалар”, “Имтиҳон” асарларида бўлса имтиҳонга тайёргарлик ва ундан яхши ўтиб ҳамманинг ҳурмат ва олқишига сазовор бўлган бола образини яратади.

Китобда меҳнат ва баҳор мавзуси ҳам салмоқли ўринлардан бирини эгаллайди: “Беш қизнинг совғаси”, “Колхоз ГЭСи”, “Этик” каби шеърлари алоҳида аҳамиятга эгадир.

Баҳор шоирнинг энг севган мавзуларидан биридир. Шоир табиат гўзаллигидан, болаларнинг майсазорларда, поёни йўқ қир-далаларда завқ-шавқ олишидан илҳомланади ва ўқувчини мафтун этадиган мисралар битади.

“Баҳор келди” шеърида сўлим баҳорнинг гўзаллиги ва унинг ҳаётбахш фасл эканлиги ўйноқи мисраларда куйланади:

Қўлларида соз билан,
Гул-ғунча пардоз билан,
Силкиниб парвоз билан,
Учиб турна, роз билан,
Севикли баҳор келди.
Баҳорни кутинг боғда,
Баҳор эмас, дала, тоғда
Майса яшнаган чоғда,
Қушлар сайрар бутоғда.
Қадрдон баҳор келди,
Ҳар нарсада ўзгарини,
Эриб, оқиб, жўнар қиш,
Қайнар, гуркирар турмуш,
Урик гуллари кулмиш,
Меҳнат баҳори келди.

Шоир баҳор қўйнида болани “Қўлида соз”, “Гул-ғунча пардоз”, “Силкиниб парвоз”и билан тасаввур этади, табиатнинг ажойиб манзарасида унинг ҳаяжонли кайфиятини кўрсатади. Демак, Қуддус Муҳаммадий бу шеъри билан болаларда баҳор ҳақида яхлит таассурот қолдирибгина қолмай, уларда эстетик ҳис-туйғу ҳам уйғотади. Бундай асарлар болаларни гўзалликни ҳис этишга, унда эстетик завқ-шавқ уйғотишга хизмат қилади.

“Дунёда энг кучли нима?” шеърида шоир болаларни дунёдаги энг кучли нарсалар билан таништиради. Бу асарнинг характерли жойи шундаки, шоир:

“Дунёда энг кучли нима?
— Азамат ботир ким-а?”, —

деган жумбоқни болалар тилидан ўртага ташлаб, улар диққат-этиборини шунга жалб этади. Шоирнинг ўзи ҳам болалар суҳбатига аралашиб, жумбоқни ечишда қатнашади.

Бу шеър В. Маяковскийнинг “Ким бўлсам экан?” шеърига яқин усулда ёзилган. В. Маяковский болалар тилидан “Ким бўлсам экан?” саволини ўртага ташлаб, қатор ҳунарларнинг хусусиятларини қизиқарли ифодаласа, Қуддус Муҳаммадий шу усулдан ижодий фойдаланиб, тамомила янги масалани — табиат ҳодисаларини кўрсатиш орқали дунёда энг кучли — бу одам эканини моҳирона ифодалайди. Шоир филни “Тоғни ортсанг кўтаради”, шерни “Филни ҳам тикка ейдиган”, сувни “Дарё, сой, ирмоқлари, булоқлари, кўллари кўп”, совуқни “Дарёларни тош қотирган”, иссиқни “Қиш совуқни қочирган”, тоғларни “Осмонгача теккудай”, “Ҳар тоши минг юз ботмон”, шамол ва бўронни “Тоғу тошни қулатар”, қуёшни “Қаримайди, ўлмайди”, одамни “Бизга қарам ҳаммаси, дунёнинг баланд-пасти” деб ҳар хил мавжудот ва ҳодисаларга хос характерли хусусиятларни ғоят жонли, қизиқарли ифодалаб, уларни болаларнинг суҳбати орқали шоирона гавдалантиради, буни ўқиган бола

ҳодисаларнинг кучи нимадалигини, уларнинг ҳаётдаги ўрнини тушуниб олади. Бу боланинг фикрини, қобилиятини, онгини, дунё ҳақидаги тушунчасини оширади.

Шоир ҳар бир кучли ҳайвон ёки табиат ҳодисасини аниқ кўринишларда ойдинлаштиради. Чунончи, “Дунёда энг кучли фил” шундай жонли хусусиятлари билан эсда қолади:

Ҳарсангдек тиш, хартуми,
Туядек чўлтоқ думи.
Тоғни ортсанг кўтарар. . .

ёки Қуёш шунинг учун кучлики:

Қаримайди, ўлмайди,
Нури ҳеч соб бўлмайди.
! Ерга тушса-чи қуёш. . .
! Ер-сувинг бўлар одош.

Шу усулда болаларга жуда кўп ҳодисалар тўғрисида ҳикоя қилиб, ниҳоят шоир:

Ўша кучли ўзимиз,
Борлиқнинг эгасимиз. . .
Хотирингиз бўлсин жам,
Дунёда кучли одам! —

деган хулосага келади.

Бу ўринда шоирнинг ғоявий мақсади аниқ инсонни улуғлаш! Бироқ шунинг ҳам таъкидлаш зарурки, инсон ҳаётда ҳамма нарсадан кучли ёки кўр-кўрона табиатни ўз измимизга бўйсундирамиз, деб қилган хатти-ҳаракатларимизнинг фожиали оқибатлари намоян бўлаётган бугунги кунда бу типдаги асарларга маълум даражада танқидий ёндашиш ва бу шеърлар давр маъсули эканлигини, ижодкорнинг асосий мақсади инсонни бошқа табиат ҳодисаларига қарама-қарши қўйиш эмас, балки улуғлаш эканлигини назарда тутиш керак бўлади.

Қуддус Муҳаммадийнинг 1960 йилда “Қандай бўлмоғим керак?”, 1961 йилда эса, “Жуда қизиқ, жуда чиройли” тўпламлари нашр этилди.

Шоирнинг “Она-бола меҳри” тўплами эса 1963 йилда нашр этилди. Ўз шеърларида шоир ота-оналарнинг болаларга, болаларнинг ота-она ва меҳнатга, Ватанга, илм-фанга, қувноқ ҳаётга бўлган меҳр-муҳаббатини ифодалаш — бу тўпламдаги асарларнинг лейтмотивини ташкил қилади.

Шоир болаларнинг орзу-ҳавасларини, келажакка бўлган интилишларини “Матор кўйлак ясаймиз”, “Шахло”, “Тоғларим шунча баланд”, “Ишчи эрлар яшасин, инженерлар яшасин” каби шеърларида баён этади.

Қуддус Муҳаммадийнинг 1964 йилда “Бола бошидан, ўғлон ёшидан” деган шеър ва эртаклар, 1966 йилда “Доно бобонинг неварачеваралари” тўпламлари босмадан чиқди.

“Темирлар ўйини” Мактаб ўқувчилари ҳар йили неча минг тонналаб темир-терсаклар йиғиб топширадилар. Бу ҳол анъанага айланиб кетган.

Мактаб ўқувчилари бу ишга астойдил киришиб “ким кўп тўплашади” ўйнайдилар. Натижада, мусобақалар қизиб кетади. Шоир бу шеърда темир-терсак йиғиш чоғидаги ўқувчиларнинг қизгин меҳнатини, темир-терсакларнинг халқ хўжалигидаги моҳиятини, улардан нималар тайёрланишини “Темирлар ўйини” шеърда ифодалайди.

Темирлар ўйинини ифодалашда шоир уларбоп восита, оҳанг топган. Шеърни ўқир экансиз, темир-терсакларни жонлантириш асосида уларнинг ҳар бирига ўзига хос тасвир топиши ва ғояни образли ифодалай олишини кузатиш мумкин:

Темирлар жаранг-журинг,
Ўйнашиб диринг-диринг,
Дейишар: “Юринг-юринг”.
Тушдилар қизиқ-танца,
Сакрашар асса-асса.

“Темирлар ўйини” даги “синиқ перо”, “бузуқ ручка”, “эски челак”, “чўлтоқ кетмон”, “занг босган мих”, “кераксиз калит”, “узуқ занжир” ларнинг ўз ҳолига ачиниши, болалар меҳнати, ташаббуси туфайли улар ҳам халқ хўжалигини ривожлантиришда яроқли бўлишдан хушнудлиги янада аниқ, жонли ва лўнда ифодаланади; энди улар кераксиз бўлиб ҳар ерда сочилиб ётмайди. Заводларда эргалаб қайта қуйилганидан сўнг меҳнат қуроолларига айланишади, яна ўз ўрнини топишади:

Қурилишга борамиз,
Ўз ўрнимиз оламиз.

Шоир шеърнинг иккинчи қисмида мактаб болалари темир-терсакларни заводга топширишгач, ундан нималар бўлишини тушунтиришга ўтади:

“Победа”, “Зил” трактор
Мотоцикл, бульдозер,
Газовой печка-ҳузур,
Электр салқи симлар,
Троллейбус, дизеллар,
Поезд, вагон, пўлат из,
Дарёни шарт тўсган ГЭС . . .
Ҳаттоки қисқич, челак,

Тегирмонда сим элак
Паловимиз капгири,
Човли, кастрюль-бари.

Халқ хўжалиги ва меҳнаткашлар эҳтиёжини таъминлашда шундай катта аҳамиятли нарсалар тайёрланганлигидан темир-терсақларнинг:

Ўйнашар диринг-диринг,
Дейишар: “Юринг, юринг”, —

тарзидаги қувноқлик руҳини ифодалаш билан шоир болаларни бу ишга янада кўпроқ руҳлантиради.

Қ уддус Муҳаммадий шеърнинг қизиқарли, болаларбоп бўлиши учун катта хизмат қилган. Жонлантириш усулидан усталик билан фойдаланиб, темир-терсақлар аҳамиятини уларнинг ўзлари тилидан сўзлатади, ҳар қайсисига хос ва мос сифатларни топади. Дейишар: “Юринг, юринг”, “Биз қачон бўламиз ЗИЛ?”, “Тракторга винт бўлиб, Пахта майдонин кўрай”, “Қурилишга борамиз”, “Темир, меҳнаткаш дўстим” каби жонлантиришлар шеърнинг ғоявий-бадиий томондан юксақ бўлишини таъминлаш билан унинг таъсир кучини оширган.

Шоир шеърнинг енгил вазнда, равон ва оҳангдор бўлиши учун ёрқин қофиядош сўзларни топа олган:

Синиқ перо дикиллаб,
Бузуқ ручка ликиллаб. . .
Темир ишин биламан,
Қайда кўрсам иламан,
Мактабга топшираман
Заводга ошираман.

Қуддус Муҳаммадий халқ оғзаки поэтик ижодидан фойдаланиб, “Бир ўзбошимча чумчуқ ҳақида”, “Мушук нега пихиллайди?”, “Боғбон чол уч хум эртақ айтганмиш”, “Қўнғизой билан Сичқонбой”, “Доно бобо ва бир юз уч паҳлавон ўғил-қизлари ҳақида эртақ”, “Олтин дарахт” каби кўпгина эртақлар яратиб, ўзбек болалар адабиётида бу жанрни юксалтиришга муносиб ҳисса қўшди.

“Қўнғизой билан Сичқонбой” эртагида шоир эски урф-одатларни қоралаб, янгилик ва меҳнатсеварликни шарафлайди. Бу ғояни шоир қўнғизлар, сичқонлар, капалақлар, асаларилар, чигирткалар, каламушлар ҳамда тошбақаларнинг ўзаро муносабатларини ифодалаш орқали кўрсатади. Эртақнинг композицион тузилиши, воқеаларнинг ихчам, оҳангдор мисраларда берилиши ва кулгили ибораларнинг ўринли ишлатилиши болаларга жуда мос бўлиб,

асарни гоятда қизиқарли ва ўқимишли бўлишида етакчи омил бўлган. Қуддус Муҳаммадий бу эртагида меҳнатсевар, чевар, ўз эрки учун астойдил курашиб, мақсадига эришган аёлларни Қўнғизой тимсолида, ҳалол меҳнат туйфайли ҳаммага ёққан заҳматкаш кишиларни асалари образида, ҳийлагар, золим, майхўр, ичкиликбоз ва текинхўрларни Сичқон қиёфасида гавдалантиради.

Шоир Сичқонбой образида ёлгончи, мақтанчоқ, хасис, текинхўр шахслардан кулади ва уларни фош этади. Сичқонбой хотини, боласи бўлган ҳолда Қўнғизойга ошиқлик даъвосини қилади. Қуйидаги мисраларда шоир унинг ёлгончилиги ва мақтанчоқлигини яққол гавдалантириб беради:

Эмиш қирлар, далалар,
Унган ҳосил доналар
Олма, ўрикли боғлар,
Яйлов, сой, қиру тоғлар
Сичқонбойга қарармиш;
Мол давлати қаланмиш. . .
Эмиш омбор мудири —
Мудирларнинг кузири.

Зўрлик ва мол-дунё бадалига уйланиб, ўз хотинини хўрлаган, хотинбоз, доимо ичиб келиб, “Эркак хотинга подшо” деб аёлни жабрлаган шахслар феъл-атворини шоир Сичқонбой образида яққол чизиб беради.

Қуддус Муҳаммадий Сичқонбойдай кишилар бизнинг замонамизда қаршиликка, лаънат-нафратга учраб, ўз оёғидан ютиб кетиши турган гаплигини қиссадан ҳисса чиқариб ифодалайди: “Ҳар ким экканини ўрар, ёмон ҳоли шу бўлар!”

Шоир халқ оғзаки поэтик ижодининг бой усулларидан ус-талиқ билан фойдаланиб, Қўнғизойнинг гўзал, ёқимли образини, унинг тасвирини маҳорат билан чизади.

Яқин ўтган замонда,
Қўрғонтепа томонида
Қўнғизой қиз бор экан,
Хуснда барно экан.
Ой каби танҳо экан.
Содда феълли, қувноқ қиз,
Қўнгли очиқ ўйноқ қиз
Сочлари сунбул экан,
Қўшиқда булбул экан.
Серғайрат, меҳнатсевар,
Одобли, эпчил чевар.
Севаркан уни ҳамма
Элу юрт, хола, амма.

Бу мисралардаёқ шоир эртақ жанрининг бой хусусиятларини яхши эгаллаганлиги очиқ-равшан кўриниб турибди.

Шоир Қўнғизойнинг Сичқонбой қўлидаги оғир, ма-шаққатли ҳаётини “ниҳоят жондан тўяр, ўтсиз, ўчоқсиз куяр” тарзида ифодалайди.

Муаллиф оғир аҳволда қолган Қўнғизойни Сичқонбой қўлидан қутултиришда болаларга мос воқеа танлаб, уни қизиқарли ёритади, унинг дўстлари келиб, “Сичқонлар кўзини оч, Дугона, ўрмонга қоч”, деб Қўнғизойни ўрмонга олиб кетишади. Шоир уларнинг дўстлигини, бирлигини “Сиз учун биз парвона, эмасмиз-ку бегона” каби ажойиб мисраларда беради.

Қуддус Муҳаммадий бу эртагида бизда меҳнат шарафшон, шуҳрат ва қаҳрамонлик иши эканлигини болаларнинг дид ва савиясига, ёшига мос қилиб ифодалаб бера олган. Бу ғояни Асаларининг Қўнғизойга бўлган муҳаббатида ифода-лайди. Қўнғизой гўзал ўрмонга қочиб боргач, ўзининг ҳалол меҳнати билан донг чиқаради:

Очилди тутқун бахти,
Чеккасига гул тақди.
Ўрмонда ҳамма севар
Ишлар Қўнғизой чевар,
Гулчи қиз бўлди номи
Хизматда кундуз, шоми,
Унинг улфати пари,
Севган ёри болари.

Асалари унга ботиниб сўзлай олмайди, ёнидан кетолмайди. У Қўнғизойга ёқиш учун тер тўкиб меҳнат қилади. Аммо Қўнғизой ҳам меҳнатда ундан қолишмайди:

Қўнғизой билан бирга
Меҳнатда ботиб терга,

Ишда синашар экан,
Бирга ишлашар экан.

Бу мисраларда улар муҳаббатининг самимийлиги ва меҳнатда тобланиши болаларга хос услубда баён этилган.

Эскилик сарқитларидан бири қизларга йигитни кўрсатмай туриб, уларни совчилар воситасида турмушга беришдир. Қуддус Муҳаммадий бундай эскилик сарқитидан кулади ва уни қоралайди.

Асарда меҳнатда бир-бирини синаб севишган Асалари билан Қўнғизойнинг янгича тўйлари Сичқонбойнинг қолоқ, эскича тўйига солиштириш орқали акс эттирилади.

Қўнғизой ва Асаларининг тўйига гўзал ўрмондан саъва,

булбул, тўрғай, читтақу ва шунга ўхшаган сайроқи қушлар келиб, бир оркестр бўлиб куйлашади, тонг отгунча базм қизийди.

Шоир иккала меҳнатсеварнинг бир-бирига лойиқ эканлигини “Бири ой, бири кундек, Узукка кўз қўйгандек” каби ажойиб истиораларда ифодалаб, бадий маҳоратини намойиш қилади.

Қуддус Муҳаммадий ўз эртагини “Ким бировга қазир чоҳ, Унга ўзи бўлар жо” деган мақол билан тугатади:

“Ким бировга қазир чоҳ
Унга ўзи бўлар жо”.
Халқ мақоли қақ бўлар,
Сичқон тезда йуқ бўлар,
Ўғрилиқ қилган экан,
Омборга кирган экан,
Ушлаб олибди мушук,
Улоқ қилибди шумшук.
Ҳар ким эканин ўрар,
Емон ҳоли шу бўлар!

1970 йилда Қуддус Муҳаммадий болалар учун ёзган “Қанотли дўстлар” шеърлар тўплами учун Ҳамза мукофотига сазовор бўлди.

Ҳозирги замон болалар адабиётининг пешқадам вакили Қуддус Муҳаммадий ўзининг ранг-баранг мавзуларда ёзган чуқур мазмунли, юксак бадий асарлари билан халқимиз ўртасида катта ҳурматга сазовор бўлмоқда.

ШУКУР САЪДУЛЛА

(1912—1972)

Шукур Саъдулла кичкинтойларга эстетик шавқ-завқ бағишлайдиган забардаст шеърлари, ёш китобхонни эзгуликка ундовчи эртак-достонлари, аъло ўқишга, она-Ватанга муҳаббат руҳида тарбияловчи бадий бақувват ҳикоялари, тарихий ва замонавий мавзудаги қиссалари билан болаларнинг севимли ёзувчиси бўлиб қолди.

Шукур Саъдулла 1912 йилда Жиззах шаҳрида, хизматчи оиласида тугилди. Бошланғич маълумотни Жиззахдаги Наримонов номли мактабда олгач, 1924 йилда Самарқанддаги педагогика билим юртида ўқиди. У 1929 йилда билим юртини битириб, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат дорилфунунига кирди, унинг иккинчи курсини битириб, 1931 йилда Тошкентга келди ва Давлат нашриётининг болалар ва ёшлар адабиёти бўлимида ишлади.

Шукур Саъдулланинг ижодий фаолияти 1930 йилдан бошланди. У Зафар Диёр, Илёс Муслим, Адҳам Раҳмат, Доржия Оппоқова, Мажид Файзий, Султон Жўра каби ўзбек болалар адабиётининг вакиллари қаторида ижод қила бошлади. Унинг “Ҳайқириқ”, “Уч айиқ” (1932), ўзбек ва рус тилларида “Айёр чумчуқ” эртаги (1936), “Ёрилтош” (1939) мусиқали драмаси босилди. “Ёрилтош” мусиқали драмаси ўша даврдаёқ энг яхши саҳна асарлари учун эълон қилинган жумҳурият конкурсидида фахрли мукофот билан тақдирланди.

Шукур Саъдулла Ватан уруши йиллари даврида янада баракали ижод қилди. Ёш авлодни босқинчиларга нафрат руҳида тарбиялашга, озодлик урушида катталарга ёрдам бериш, фронт орқасини мустаҳкамлашга даъват этувчи асарлар яратди. Унинг бу даврда “Сен нима қилдинг?” (1942), “Шоҳиста” (1944) каби шеърлар тўплами босилиб чиқди, “Бизнинг жангчимиз” (1942), “Гулхан” (1943) каби пьесалари республика ёш томошабинлар театрида қўйилди.

Ватан урушидан кейин Шукур Саъдулланинг 20 дан ортиқ турли номда ва тилларда шеърый тўпламлари босилиб чиқди. Айниқса, мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг отахон шоирига айланиб қолди.

Шукур Саъдулла 60- йилларда “Командирнинг бошидан кечирганлари”, “Қачал полвон”, “Исм қўйилмаган хат”,

“Азиз қишлоғим” каби қиссалари билан болалар насрини бойитди.

Драматург Шукур Саъдулла болаларга аталган асарларидан ташқари, катталар учун ҳам “Далада байрам” (1954), “Икки билагузук” (1963) мусиқали сахна асарларини яратди. Айниқса, “Афсона яратган қиз”, “Ёрилтош” асарлари ва драматург Зиннат Фатхуллин билан ҳамкорликда ёзган “Ватан ишқи” драмаси муаллифни кенг театар ихлосмандлирига яқиндан танитди.

Шукур Саъдулла она-табиат ошиғи. Унинг асарларида шу руҳ барқ уриб туради. Айниқса, сўлим баҳор Шукур Саъдулла шеърларининг анчагина қисмини эгаллайди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки шоир гўзал баҳорни куйлаш орқали мактабгача тарбия ёшидаги болаларни табиат билан таништиради, уларда табиатга муҳаббат руҳини шакллантиради, эстетик завқларини тарбиялайди, шу тариқа она заминга маълум муносабат ҳосил қилади.

Шоир боланинг баҳор фаслига интизорлигини шўх мисраларда куйласа, бу фасл даракчиси “Бойчечак” ни янги усулда, ўзига хос бадий тасвирий воситалар орқали ифода этади:

Очилдими бойчечак,
Энди ҳар ён гул демак.
Чунки баҳор элчиси —
Шу митти гул — бойчечак.

Шоирнинг “Ёмғир ёғалоқ” шеъри бадий муқаммаллиги, образли тасвирларга бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Ёмғир ёққандан кейин табиат чиройини шоир ўйноқи оҳангларда ифодалаб, гўзал манзаралар чизади:

Ёмғир ёғалоқ,
Ям-яшил ўтлоқ,
Энди экинлар
Чиқарар қулоқ. . .
Ёмғир ёғалоқ,
Томчи юмалоқ,
Ёмғир тинганда
Чиқар камалак.

Ёмғир табиатнинг ҳуснига-ҳусн қўшади, у кишилар руҳини енгиллатади, аллалайди. Шукур Саъдулла баҳор ёмғирига муҳаббат билан муносабатда бўлади. Бу ёмғир она-табиатни гулга буркаши билан бирга экин-тикинлар учун ҳам кони фойда эканлигини кичкинтойлар қалбига етиб борадиган даражада қувноқ, шўх мисралар яратади:

Ёмғирдан фойда,
Майсага, донга

Юрт сероб бўлар
Оқ бугдой, донга.

“Тўрт фасл” шеърида эса йил фаслларининг ўзига хос хусусиятларини характерли деталлар ёрдамида ёритади. Уларнинг жозибаси, табиатга алоҳида кўрк бағишлаши, инсонлар қалбига таъсири хусусида болаларбоп хулосалар чиқаради.

Шеърда баҳор фасли шундай тасвирланади:

Милт этиб чиқди қуёш,
Деди: — Дўстлар, қиш одош.
Кўрсак йўқ қора булут,
Ер юзи кўк гилам-ўт.

Шукур Саъдулла баҳорни яратувчи, инсонларга эстетик завқ ва меҳнат инъом этган фасл деб таърифлагач, кўркам ёз фасли билан болаларни таништиришга ўтади. Ёз келиши билан хурсанд бўлган болаларнинг севинчини шоир шундай ифода этади:

Келди кўклам каби соз,
Бизлар севган иссиқ ёз.

Шоир Ватанимизнинг бойлигига бойлик қўшган, меҳнат-кашлар дастурхонини безовчи ноз-неъматларни вужудга келтирган, “тўқсон хил меваларни пишириб”, “янги дунёлар очган” кишиларни зўр муҳаббат билан, ажойиб мисраларда улуғлайди:

Экин ўсди ерларда, Бугдой пиши қирларда. . .	— Боғбон, тез узиб беринг!
Полиз тўла бодринг,	— Сабр қилинг сиз андек, Сўйиб берай ҳандалак.

Шукур Саъдулла ёз фаслини улуғлаш билан кузнинг ҳам ўзига хос фазилатларга тўлалигини табиатнинг олтин даври деб таърифлайди, куз фаслининг ўзига хослигини образли тасвирлар орқали очади:

Қуёш тушар тапидан, Қўрқиб қишнинг афтидан. Сарғаяди кўкатлар,	Барг тўкади дарахтлар. Ҳосил йиғиб олинар, Қишга замин солинар.
--	---

Шоир қиш фаслининг ҳам ўзига хос чиройи, гашти борлигини, кишиларда завқ-шавқ уйғотишини лирик бўёқларда кўрсатади:

Дала-тишда тинди иш, Келди меҳмон бўлиб қиш. Қиш эмас, у — қорбобо, Совғалари бор бобо. . .	Худди ёздай, баҳордай — Илиқ, кузги наҳордай. Қор ёғар, кеча-кундуз, Сув совқотиб кийган муз.
--	--

Шоир бу парчада “Сув совқотиб кийган муз” каби янги образ қўллаб, қиш манзарасини яққол гавдалантиради.

Хуллас, Шукур Саъдулла “Тўрт фасл” шеърида йилнинг ҳар бир фаслини ўзига хос характерли образлар орқали ифодалаб, уларнинг бири биридан гўзал ва сўлим эканлигини кўрсатиб беради.

Мактаб ва мактабгача тарбия ёшидаги болалар ҳайвонлар, паррандалар, гуллар, ҳашаротлар, ўйин ва ўйинчоқлар орқали кишилардаги хусусиятларни осонлик билан тушундиладилар. Шу билан бирга бундай асарлар орқали болаларда ўз атрофидаги воқеаларга маълум муносабат ҳосил бўлади, тасаввурлари кенгайиб, сўз бойлиги ошади. Кичик ёшдаги болалар ҳайвон, парранда ва ўсимликларни ўзларига қадрдон деб биладилар, гулларни кўриб қувнаб кетадилар. Кичик ёшдаги болаларга хос бундай хусусиятлар билан яхши таниш бўлган Шукур Саъдулла уларга атаб кўпгина асарлар ёзди.

Унинг ҳайвон ва паррандалар, ўйин ва ўйинчоқлар ҳақидаги асарларининг деярли ҳаммаси ихчам, содда, тили раван, ўйноқи қофияларда битилган. Муаллиф ҳар бир ҳайвон ва паррандаларни болаларга таништиришда уларнинг ўзига хос муҳим хусусиятини топади ва уни қавартиб бориш орқали ёшларнинг фикрини жалб қилади. Бу ҳол кичик ёшдаги болаларнинг ҳайвон ва паррандалар ҳақида тўла тушунчага эга бўлишига катта ёрдам беради. Энг муҳими улар хатти-ҳаракати ёки характери орқали ёш китобхонга бир ибратли хулоса, тарбиявий маъно жойлайди.

Ичида бири чипор,
Жажжигна пиҳи бор.
Туради керилиб соз,

Билсам — бу жўжа —
Хўроз.

“Читтак” асарида читтак тилидан айтилган қуйидаги сўзлар митти қушчани болалар кўз ўнгида яққол гавдалантиради:

Мен қушчаман кичкина,
Тилларим чучуккина.

Ола чипор қанотим,
Билсангиз — читтак отим.

Шукур Саъдулланинг “Тулки ва ғозлар” шеъри узоқ вақтлардан бери кичкинтойлар маънавий мулкига айланиб, шодлигига шодлик қўшиб келаётир. Шоир бу жажжи шеърида ўйин воситасида болалар табиатига хос хусусиятларни қувноқ руҳда ёритади:

Ойдин, Лола ғоз бўлди,
Ўйинимиз соз бўлди.
Болта бир ўзи тулки,
Туриши бўлди кулки,

Ғозлар кўрди тулкини
Йиғиштирди кулкини.
Тулки ҳеч етолмади,
Ғозларни тутолмади.

Шукур Саъдулланинг бундай шеърлари ёш болаларнинг онгини шакллантиришда ва ҳаётга муҳаббатини оширишда, бадиий дидини ўстиришда катта тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Болалар ва ёшларни катталарга, айниқса, ота-оналарга меҳр-муҳаббатли қилиб тарбиялаш болалар адабиётининг асосий вазифаларидан биридир. Бу борада ҳам Шукур Саъдулла бир қанча ғоявий-бадиий юксак асарлар ёзди. Бунга “Она алласи”, “Менинг аям” шеърлари мисол бўла олади.

Шукур Саъдулла олтмишинчи йилларда янада баракалироқ ижод этди. Унинг шеърлари ғоявий-бадиий томондан пишиқлиги, мавзу жиҳатдан ранг-баранглиги билан ажрала борди. Шу нуқтаи назардан қараганда унинг “Дастёр қиз” (1961), “Сенинг альбоминг” (1962) тўпламлари ажралиб туради.

“Дастёр қиз” тўпламидаги “Дастёр қиз”, “Ёрдамвой”, “Шу бола сиз эмасми?”, “Чўпон ва Джон”, “Меҳнат қўшиғи”, “Ойжамол” каби шеърлари мактабгача тарбия ва кичик ёшдаги болаларнинг савиясига мос, пухта ёзилган асарлардир.

Болани ёшлигиданоқ жисмоний меҳнатга ва уй ишларига ўргатиш катта тарбиявий аҳамиятга эга. Агар шундай қилинса, бола улғайиши билан меҳнат қилишга кўника боради. Шукур Саъдулла тўпламдаги кўпгина асарларида ўз меҳнати билан ёшлигиданоқ ота-онасига, катталарга ёрдам бериб келаётган болаларнинг меҳнатсеварлигини, меҳнатнинг қадрига етишини улуғлайди, меҳнат кишиларга роҳат, бахт-саодат келтиришини поэтиклаштиради.

Тўпламдаги бола диққатини ўзига жалб қиладиган мавзулардан яна бири Ватан ва дўстлик мавзуйидир. Шоир гўзал Ватанимиз чиройини, халқимиз ҳаётини тасвирлаш билан болаларда уларга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотади.

Шукур Саъдулла болалар адабиётида тинчлик, дўстлик, байналмилаллик куйчиси сифатида ҳам ажралиб туради. Бу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, шоирнинг “Тинчлик қуши ҳақида мен ўқиган шеър”и эътиборга лойиқ. Бу асарда у миллионларнинг орзуси — тинчлик ҳақида ҳикоя қилиб, уни улуғлайди. Миллион-миллион болаларнинг тинчлик ҳақидаги истагини оқ каптар мисолида беради. Шоир болаларнинг бу истагини “Учираман оқ каптар” иборасида кўрсатса, тинчлик ва миллионлар орзуси эканлигини “Ҳар уйдан учиб чиқар оқ каптар” дейиш орқали тасдиқлайди.

Шоир янги уруш оловини ёқмоқчи бўлганларга қарши миллионларнинг нафратини, қаҳр-ғазабини шундай ифодалайди:

Дунё кўрар:
Ҳар илк тонг.
Учиб юрар оқ каптар.
Чарх уради осмонда.
Тинчлик! — дея солиб жар.

Билсин уришқоқ жаллод,
Қотил, одамхўр, баттол,
Тинчлик истар ёш авлод,
Катта-кичик, эр-аёл!

Шоир “жаллод”, “қотил”, “одамхўр”, “баттол” каби эпитетларни қўллаб, уруш оловини ёқмоқчи бўлганларнинг башарасини фош этади.

Шукур Саъдулла болаларнинг энг яхши фазилатларини умумлаштирувчи жуда кўп асарлар ёзди. Шоир уларда болаларни олижаноб фазилатли бўлишга чақиради. Шу билан бирга у айрим болалардаги ножўя қилиқларни танқид қилувчи қатор асарлар ижод этди. “Анқов”, “Инжиқ қиз”, “Ивирсиқ” ана шундай асарлардан ҳисобланади.

Шукур Саъдулла “Анқов” шеърида анқов боланинг кулгили ҳолатини чизади, уни ялқовликдан қутулишга ундайди:

Она олдинда борар,
Орқада анқов,
Ҳадеб орқага боқар,
Эринчоқ-ялқов. . .

Милиция ҳуштак чалар,
Анқов бунга шод.
— Анқов дастидан, дўстлар,
Она дейди: — дод!

Шоир “Инжиқ қиз” шеърида инжиқ, “безбет — сув юкмас”, “заҳардай сўзи”, дангаса, жанжалкаш болалардан аччиқ кулади. Бунга арзанда Гулбодом образи орқали ифода этади.

Шукур Саъдулла бир қанча қизиқарли эртақлар муаллифидир. Улар орасида “Айёр чумчуқча”, “Ялқов айиқча”, “Лақма ит”, “Икки донишманд”, “Оч бўри, шўх қўзи ва қирчанғи” эртақлари диққатни тортади.

“Оч бўри, шўх қўзи ва қирчанғи” эртагида шоир “Кимки бировга қазир чоҳ, ўзи тушар бунга ногоҳ” деган халқ мақолини бадий равишда, мажозий усулда ҳикоя қилиб беради. Шоир очкўз, мақтанчоқ, бировга ҳамиша ёмонликни раво кўрувчи, нодон кишиларни Бўри тимсолида, тadbиркор, ёмонларга нафрат билан қаровчиларни Кўзичоқ ва Қирчанғи образларида гавдалантиради.

Шукур Саъдулла болаларнинг дилкаш ёзувчиси дир. Унинг ажойиб ҳикоялари болалар адабиётида катта роль ўйнаб келаётган (“Командирнинг бошидан кечирганлари”, “Азиз қишлоғим”, “Қачал полвон”) қиссалари унинг номини кенг китобхонлар оммасига танитди. Шукур Саъдулла 1972 йилда ижодий баркамолликка эришган бир пайтда вафот этди. Лекин у ўзининг ғоявий-бадий юксак, турлитуман жанрлардаги асарлари билан ўзбек болалар адабиётида салмоқли ўрин эгаллади.

ИЛЁС МУСЛИМ

(1909 — 1993)

Илёс Муслим болалар шоири сифатида кўпчиликка танилган, ўз асарлари билан ўзбек болалар адабиётининг тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган шоирлардан бири эди. Илёс Муслим — 30- йиллардаёқ болалар учун асарлар ёзиш билан бирга ўқиш китоблари тузишда ҳам фаол қатнашди.

Шоир 1909 йилда Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида чўян қуювчи-ҳунарманд оиласида дунёга келди. 1924 йилда Бишкек шаҳрида ташкил топган Наримонов номли 1- бошланғич ўзбек мактабига ўқишга кирди. У мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ ўзбек ва қирғиз тилидаги бадий китобларни кўп мутолаа қилди, мактабда чиқадиган деворий рўзнома ва жумҳуриятнинг “Эркин ту” (“Озодлик байроғи”), “Ленинчил жаш” (“Ёш ленинчи”) рўзномалари саҳифаларида ўзининг хабар, кичик-кичик шеърлари билан фаол қатнашиб турди.

1927 йилнинг кузида Илёс Муслим Тошкентга келиб, ўзбек эрлар билим юртига кирди ва уни муваффақиятли тугатди. 1930 йилда Қашқадарёга ўқитувчи қилиб юборилди. Яккабоғ ноҳиясига қарашли Шаман-Қирғиз ва Шерози қишлоқларида ёш авлодни илм-фан нурларидан баҳраманд этишда иштирок этди.

Илёс Муслим 1931—1941 йилларда Ўзбекистон Давлат нашриётида муҳаррир ва янги тузилган Ўзбекистон Бадий адабиёт нашриётида бош муҳаррир лавозимида ишлади. 1942 йилдан то 1947 йилгача ҳарбий хизматда бўлиб, Ватан уруши фронтларида фашист босқинчиларига қарши жанг қилди. Белоруссиянинг Витебск қишлоғи ёнидаги шиддатли жангда оғир контузияга учради, госпиталдан тузалиб чиққач, 1- Белоруссия фронтининг “Қизил Армия” рўзномасида ҳарбий мухбир бўлиб ишлади, кўплаб жанговар репортаж, лавҳа ва очерклар ёзди. У уруш йилларида “Ёвни тутдай тўкамиз”, “Холм эсдалиги”, “Жангта”, “Адолат жанги”, “Маршрут-Берлин”, “Зафар кунларида” каби шеърларини ёзди. Илёс Муслим 1947—1960 йилларда Ўзбекистон Бадий адабиёт нашриётида, 1960 йилдан “Ёш гвардия” нашриётида бош муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлаб келди.

Илёс Муслимнинг жумҳуриятимизда ноширлик ишини, айниқса, болалар адабиётини юксалтиришдаги катта

хизматини эътиборга олиб, 1970 йилда унга “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” фахрий унвони берилди. У “Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси” деган номга ҳам сазовар бўлган.

Унинг биринчи шеърлар тўплами “Ўсув” 1932 йилда босилиб чиқди. Бунга шоирнинг 1928—31- йилларда ёзган турли мавзудаги 24 та шеъри киритилган. Тўпламдаги шеърларнинг деярли ҳаммаси мамлакатимиз меҳнаткашларининг эркин, озод ҳаёт кечираётганини ва янги турмуш учун астойдил олиб бораётган курашини акс эттирган. Тўпламдаги биринчи бўлимга “Нурлар қўйнида”, иккинчи бўлимга “Қурилиш қўшиқлари” деб ном қўйилиши ҳам бежиз эмас. Шоирнинг “Нурли йўллар” шеърида меҳнаткашларнинг “нурли мақсад” сари бораётганликларини ифодаловчи тўпламдаги шеърларнинг бош мақсадини жамловчи лейтмотив дейиш мумкин. Шундан сўнг Илёс Муслимнинг “Заҳар хандалар” (1932), “Миқти келди” (1933), “Шод бўғинлар” (1934), “Шеърлар” (1938) тўплamlари босилиб чиқди.

Шоир кичик ёшдаги болаларга аталган “Турналар” (1952) тўпламидаги кўпчилик шеърларида болаларни паррандалар, ҳайвонлар, ҳашаротлар ва гуллар билан таништиради, уларнинг меҳнатга бўлган эътиқодини оширади.

Шоир кўпчилик шеърларида баҳор фаслининг гўзаллигини куйлаш билан бирга, ҳалол меҳнат ҳамда унинг завқини ифодалайди:

Ёқимлидир баҳор чоғи,
Табиат ҳам ўзгача.
Улуғ юртнинг чаман боғи
Ям-яшилдир кузгача.

“Лола”.

Боғ, далаларни кезиб,
Гул кўчат келтирамиз.
Боғимизга ўтқазиб,
Биз парвариш этамиз.

“Гул терамиз”.

Баҳор, гўзал баҳор келди,
Ям-яшил бўлди ҳар ён.
Лола қизгалдоқ очилди,
Севиниб тердик шу он.

“Гул терамиз”.

Илёс Муслим тўплamlарининг мавзуи ғоят ранг-баранг, “Эрк боласи”, “Эркин синглимга”, “Деҳқон сўзи” каби шеърларида эркин меҳнат, ўз келажagini, бахтини ўз қўли

билан бунёд этиш, заминдан ва ҳукуматимиздан беҳад миннатдорчилик туйғулари акс этади.

Илёс Муслим ўзининг “Миқти келди” асари билан ҳозирги замон ўзбек болалар адабиётида дoston жанрини бошлаб берди.

Достонда озодлик учун бўлган курашлар Миқти образи орқали ифода этилади.

Тўпламдаги “Болалар билан қушлар” шеърида эса табиат ва инсон мавзуи ўз аксини топади. Бунда болаларнинг қушларга ин ясаб, ғамхўрлик қилишлари, қушларнинг ҳам бунга жавобан миннатдорлик туйғулари жонли ва табиий ҳолда тасвирланади:

Ин ясабсиз бизларга
Яйраб кирамиз.

Раҳмат айтиб, сизларга
Сайраб берамиз.

Илёс Муслимнинг 1954 йилда кичик ва ўрта ёшдаги болалар учун “Бизнинг мактаб” тўплами босилиб чиқди. Тўпламда болаларнинг таълим-тарбиясига оид мазмун ўз ифодасини топган. Тўпламдаги “Мактабим” асарида дунёда мактабдек азиз, мўътабар жой йўқ, у гўёки “она каби меҳрибон” бир макон, кишининг саводини чиқарадиган, онги ва ақлига ақл қўшадиган улкан марказ деган илғор ғоя илгари сурилади. Шунингдек, асарда боланинг мактабдан беҳад миннатдорлиги, ўзининг олдида турган бир қатор вазифалар, эл-юртга содиқ хизматкор бўлиш учун аввало мактабда яхши ва намунали ўқиш кераклиги самимий ифодаланган:

Она каби меҳрибон,
Илм-фанларга макон,
Яйраб ўқийман ҳар он,
Қадрдоним мактабим! .
Аъло ўқишдир бурчим,
Сарф этаман бор кучим
Ишлайман халқим учун
Қадрдоним мактабим.

1957 йилда Илёс Муслимнинг “Сенинг совғанг” шеърлар тўплами босмадан чиқди. Тўпламдаги шеърлар мавзуининг хилма-хиллиги ва болаларбоплиги билан илгариги тўпламларидан фарқ қилади. Бу тўпламдаги шеърларда яратилган қаҳрамонлар ўзининг онглилиги, Ватан ва халққа содиқлиги ҳамда серҳаркат, чаққонлиги билан киши диққатини ўзига тортадиган кичик замондошларимиз тимсолларидир:

Яша, яша, кўп яша,
Эй шонли Ватан!

“Бахтли болалар қўшиғи”.

Илѐс Муслим ватанимизнинг гўзаллигини, болаларнинг бахтиёрлигини куйлар экан, уларнинг порлоқ келажигига назар ташлайди бу нуқтаи назардан қараганда шоирнинг “Дўстлик” шеъри диққатга сазовордир.

Шоир дўстлик ва тинчлик тушунчасини кичик ёшдаги бола тасавурида бериб, уларни мактабгача тарбия ёшида-ноқ дўстлик руҳида тарбиялашни асосий вазифалардан деб билади. Бу ғояни тинчлик учун кураш туйғуси билан омухта этиб ифодалайди.

Шоир тинчликнинг моҳиятини тушунтиришда кичик ёшдаги болаларнинг савиясига мос усуллар қидириб топган. Яъни болалар тинчликни ширин-шакар, қанд, шоколадлар, конфетларнинг мўл-кўллигида деб тасаввур қилади, деган хулоса чиқаради. Тинчликни шу йўсинда тушунтириб, уларнинг фикрини тасдиқлайди:

Жуда мўл бўлар шоколадлар ҳам,
Столга тўлар мармеладлар ҳам.
Кўпаяр яна ширин кулча — нон,
Қолва-ю, конфет обакиданон.

Боғларда ўйнаб-кулиб юрган, турли ноз-неъматлардан баҳраманд бўлган болалар ҳам, жаҳон меҳнаткашлари қам элнинг, юртнинг тинч ва обод бўлишини, ота-оналарининг ташвиш тортмаслигини хоҳлайди. Шунинг учун ҳам шоирнинг кичик қаҳрамонлари оламга жар солиб, тинчлик бўлсин, дейдилар:

Боғларимизда яйраймиз ҳар дам,
Билим оламиз, куйлаймиз бардам.
Дунёда халқлар кун кечирса тинч,
Ота-оналар ташвиш тортмас ҳеч.

Бу мурожаатда лирик қаҳрамоннинг — болаларнинг урушга қарши нафрати, озодлик билан дўстликнинг қудратига зўр ишончи ўз ифодасини топган.

Илѐс Муслим “Сенинг совғанг” номли шеърида ўз ҳунари билан ҳамманинг диққатини тортган чевар қизнинг лирик образини яратди. Шоир бу образда ўз ҳунари билан фақат онасинигина эмас, ҳаммани ўзига жалб қилган жажжи қизнинг фазилатини кўрди ва уни гавдалантирди. Чевар қиздаги энг яхши фазилатлардан бири унинг меҳнатга меҳр-дили билан берилишидир. Буни шоир турли истиоралар ёрдамида ифодалайди:

Чақнаб турган қувноқ кўзингни
Қўлингдаги ишдан олмайсан.
Ишни ҳар кун олиб ёнинга,
Зеҳн қўйиб кашта тикасан.

Шоир чевар қиз ўзининг бутун меҳр-эътиқоди билан тиккан каштасини онасига совға қилиши боланинг ота-онага бўлган чексиз муҳаббатини, у давр ёшларига хос хислатларга эга эканлигини улуғлайди.

Шоир “чақнаб, қувнаб турган кўзларинг”, “дилдан тошиб чиққан сўзинг”, “жажжигина бармоқчаларинг”, “сен онангнинг кичик йўлдоши” каби мисраларда каштачи қизнинг ёқимли хислатларини очиб, уни ўқувчиларга намуна қилиб кўрсатади.

“Сенинг совғанг” шеърдаги чевар қиз образи орқали болаларнинг ёшлигиданоқ ота-она ва меҳнатга, ҳунарга меҳр-муҳаббат қўйиши лозимлиги кўрсатилади.

Шоирнинг 1960 йилда “Тиллақўнғиз” китобчаси босилиб чиқди. Шоирнинг бу тўпламига мактабгача ва мактаб ёшидаги кичик болаларга ҳаётимиздаги буюк воқеаларни, қувноқ бахтли ҳаётни, болаларнинг ҳунар ва меҳнатга бўлган ҳавасини акс эттирувчи бир қанча асарлари кирган.

Шоир давримиз кишиларининг фазога биринчи бўлиб учганини ҳикоя қилиш билан фан ва техниканинг катта ютуғини кўрсатади:

Янги-янги ихтиролар
Кашф этамиз ҳали яна.
Олам биздан ўрнак олар,
Юртда бўлур кўп тантана.

Мактабгача ва мактаб ёшидаги кичик болалар паррандалар, ҳайвонлар, гуллар ҳақида ёзилган асарларни қизиқиб тинглайдилар ва ўқийдилар. Шу нуқтаи назардан қараганда, тўпламдаги “Митти ўрдакча”, “Тулки билан қарға”, “Тиллақўнғиз”, “Хом хаёл” шеърлари алоҳида диққатга сазовордир.

Кичик ёшдаги болаларга атаб ёзилган “Бефаҳм Эсон”, “Ёмон одат” каби ҳажвий шеърларида болалар характерида учраб турувчи баъзи салбий одатларни кулги йўли билан фош қилади.

Илёс Муслимнинг 1962 йилда “Ишчан асаларилар” тўплами босмадан чиқди. Халқимизнинг меҳнатсеварлиги билан бунёд этилган ютуқларни болалар ҳаёти орқали очиш ҳамда уларнинг ички дунёсини мукамал ва образли ифодалаши билан бу тўплам Илёс Муслимнинг маҳорати ўсиб бораётганини яққол кўрсатади. Буни “Бизнинг Гагарин”, “Тўрт ботир”, “Ҳамма севган тил” каби асарлари тасдиқлайди.

Тўплам “Орзумиз улкан” шеъри билан бошланади. Шеърда дунё меҳнаткашлари ҳаётида энг муҳим омиллар — халқлар дўстлиги ва тинчликнинг кун сайин мустаҳкамланиб, кучайиб бораётгани акс эттирилади.

“Ишчан асаларилар” шеърида шоир болаларни асаларилар ҳаёти билан таништиради, улардаги бирдамлик, аҳиллик, ишчанликни улуғлайди. Болаларда бунга ҳавас орттиради.

Шоирнинг 1964 йилда “Ойхон билан райҳон”, 1966 йилда эса мактабгача ёшдаги болалар учун “Пионер” шеърлар тўпламлари босмадан чиқди.

Шоир “Эй, ўғил” шеърида фарзандларининг келажagini ўйлаган, унинг таълим-тарбияси учун куйиб-пишган ота-она образини беради. Уларнинг бола ҳақидаги истакларини содда, кичик ёшдаги боланинг қалбига бориб етадиган мисраларда ифодалайди.

Илёс Муслим жисмоний меҳнат мактабгача тарбия ёшиданоқ бошланса дейди. Ўзининг бу эзгу ниятини у “Ойхон ва райҳон” деб номланган жажжигина бир шеърида жуда лўнда қилиб таърифлайди.

Ойхоннинг оддийлиги, соддалиги, меҳнатсеварлиги ҳатто, катта ёшдаги болаларни ҳам қойил қолдиради. У ҳар хил кўчатлар экади. Ерга кўчат экиш бошқа, уни парвариш қилиш бошқа. Ойхон кўчатларига меҳр билан қарайди. Тагини чопади, сув қуяди. Натижада “жамбил, сада, ошрайҳон” кўм-кўк бўлиб вояга етади. Айниқса, “Ойхоннинг сочи каби қуюқ ўсди, райҳон” лари. Райҳондан истеъмол қилиб кўрганлар меҳнаткаш қизга раҳмат дейдилар, унга миннатдорчилик билдирадилар.

Боболар насиҳатин
Эслаб севинчга ботди.
Ҳалол меҳнат роҳатин
Ойхон ҳам шу кунни тотди.

Илёс Муслимнинг 1969 йилда “Кўрик” номли шеърлар ва кичик дostonдан иборат каттагина тўплами нашр қилинди. Тўпламга шоирнинг илгари ва кейинги йилларда ёзган энг яхши шеърлари киритилган. Шунинг учун ҳам буни шоирнинг ўзига хос танланган асарлари дейиш мумкин.

Илёс Муслим машҳур болалар шоири С. Маршакнинг “Йил бўйи” шеърини ўзбек тилига таржима қилди. Кейинчалик бу шеърдан илҳомланиб, “Ойлар айтишуви” деган ажойиб асарини ёзди. Шоир шеърида бир йилнинг ўн икки ойида бўладиган тарихий воқеалар, ойларнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради. Шоир ойларни сўзлатишда жонлантириш усулидан фойдаланади, шеърнинг болаларбоп бўлишини таъминлайди.

Болаларнинг отахон шоири Илӛс Муслимнинг фазога оид ӛзилган шеърлари ҳам бир талай. “Ракетамиз учди ойга”, “Юрий Гагарин”, “Ҳайкал”, “Тўрт богир”, “Кичик Андриян” каби шеърларида шоир фан ва техниканинг гуркираб ўсганлигини, фазони забт этишда мамлакатимизнинг ғоят катта ролини кўрсатади.

Инсон эзгу-ниятлар қанотида ҳаёт кечиради. Айниқса, оналар орзуси буюк бўлади. Буни Илӛс Муслим “Кичик Андриян” асарида ифодали қилиб бера олган. Андриян Николаевлар фазода парвоз қилиб юрганларида ўзбек аёли Муборак Шерова фарзанд кўради. У яхши ният, эзгу-тилак билан ўғлим келажакда мард учувчи бўлсин, самога парвоз қилсин, деб фарзандининг исмини Андриян деб атайди.

Илӛс Муслимнинг рус тилида “Песня для школьников”, “Мой подарок”, “Майский жук”, “Кто лучше?”, “Журавли”, “Настоящие ребята” -каби шеърлар тўпламлари босилиб чиқди.

АДҲАМ РАҲМАТ

(1909—1982)

Адҳам Раҳмат ўз ижоди билан Зафар Диёр, Мажид Файзий, Доржия Оппоқова, Илёс Муслим, Шукур Саъдулла, Султон Жўра, Қ. Муҳаммадий, Ҳаким Назир каби ўзбек болалар ёзувчилари қаторида туради.

У 1909 йилда Қўқон шаҳрида туғилди, 1921—1923 йилларда болалар уйида тарбияланди, 1926—1928 йиллар орасида Тошкент тиббиёт техникумида ўқиди ва бир нечта мактабларда ўқитувчилик қилди. 1930—1935 йилларда Адҳам Раҳмат “Янги Фарғона” рўзномасида, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Қўқон бўлимида ишлади. У Ватан урушигача Ўзбекистон давлат нашриётида, “Ёш ленинчи” ҳозирги “Туркистон” рўзномасида ҳамда Ўзбекистон радиосининг болалар адабиёти бўлимида ишлади.

Шоир Ватан уруши даврида фронт рўзномаларида, кейин “Қизил Ўзбекистон” рўзномасида адабий ходим бўлиб ишлади, сўнгра Ўзбекистон Давлат Бадий адабиёт нашриётида муҳаррирлик қилди.

Адҳам Раҳмат болаларга 1939 йилда “Бахтли ёшлик” номли биринчи шеърлар тўпламини тақдим этди. Бу тўплам ўндан ортиқ шеър ва эртакларни ўз ичига олади. Китоб “Яша, Ватан!” шеъри билан бошланади.

“Қосим қайсар” шеърида шоир кўпчиликдан ажралиб қолган, ўқишга, дарс қилишга эътибор бермайдиган ялқов болаларни танқид қилади. Бунини шоир Қосим образи орқали тасвирлайди. Шеърда шоир болаларни яхши ўқишга, санитария ва гигиена қоидаларига риоя қилишга, ғайратли ва аҳил бўлишга чақиради.

“Бахтли ёшлик” тўпламида кичик ёшдаги болалар учун ёзилган энг характерли асарлардан бири “Қурбақа” масалидир. Масалда мактабгача ва кичик ёшдаги болаларни қурбақанинг ҳаёти билан таништирилади. Масални яратишда шоир халқ оғзаки ижодидан ўринли фойдаланиб, шеърни болалар дунёқарашига мослайди:

Қурбақажон, қурбақа,
Нега дейсан вақ-вақа?
Айтгин қилар ишингни,
Асли ўзи қандақа?
— Менинг ишимчи асл,
Пашша тутиб емакдир,
Бир йилнинг икки фасли,
Вақ-вақа-вақ демакдир. . .

Тилим елим, узундир,
Ейишим безгак пашша,
Қилар ишим муҳимдир,
Нима керак ваш-ваша.
Пайт пойлайди илон,
Орқамдан тишламоққа.
Мен ҳам пайт пойлайман
Оғзидан пуфламоққа.

Бу масал мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг сўз бойлигини оширишга, шеърларни оҳангдор қилиб ўқишга ёрдам беради.

Шоир ўз ижодининг бошланғич давридан бошлабоқ болалар саҳнаси учун лапар ёзишга ҳаракат қилади. Ана шундай ҳаракатларнинг маҳсули бўлган “Мактаб саҳнаси учун” лапарди диққатга сазовордир. Лапарда муаллиф болаларни ўқишда илғор бўлишга, дўстликка, ростгўйликка чақиради.

Бу тўпламга унинг С. Михалков, В. Бианки, В. Жуковскийлардан қилган таржималари ҳам кирган. Адҳам Раҳматнинг “Дум” асари 1939 йилда босилиб чиқди. Бу асар ўз мазмуни билан болалар учун жуда қизиқарлидир. С.В. Михалков Адҳам Раҳматнинг “Дум” асари ҳақида сўз юритиб: “Бу думнинг узилиб тушмай, болаларни куддириш учун ҳалигача қимирлаб тургани яхши, албатта”, деб эртақ-дostonнинг тарбиявий аҳамиятига юксак баҳо берган эди. Ҳақиқатан ҳам Адҳам Раҳматнинг Виталий Бианки мазмуни асосида ёзган бу эртақ-дostonи китобхонлар орасида анча шуҳрат топди.

Асар болаларнинг тушунчасини кенгайтиришда ва сўз бойликларини оширишда катта роль ўйнайди, уларни ақлли, фаҳм-фаросатли бўлишга даъват этади, ҳаддан зиёда ўй-хаёлга берилмасликка чақиради.

Муаллиф 1940 йилда “Шеърлар” деб номланган тўпламинини болаларга тақдим этди.

Шоир болаларнинг ўтмишдаги оғир ва ҳозирги қувноқ ҳаётини “Ёшлик”, “Бу кунги онанинг алласи” шеърларида, ўқувчи болаларнинг санаторий ва оромгоҳларда қувнаб дам олаётганлигини “Истироҳат кечаси”, “Каникул кунлари”, “Биринчи сентябрь” каби асарларида акс эттирди.

Адҳам Раҳмат ўз ижодида болалар ҳаётини янада чуқурроқ акс эттиришга интила борди. Ҳаёт ҳақиқатини тўғри, бадий мукамал, содда ва тушунарли қилиб тасвирлаш шоир ижодида яққол сезилади. Бу ҳол унинг “Завқли аллалар” (1940) шеърлар тўпламида кўзга ташланади. Муаллифнинг бу тўплами унинг бошқа китобларидан шу билан фарқланадики, бундаги асарларнинг кўпчилиги масал ва эртақлардан иборатдир. Бу эса Адҳам Раҳматнинг ўзбек болалар адабиётида масал ва эртақ жанрининг ривожига қўшган ҳиссасидан дарак беради. Шоир ўз олдига қўйган мақсадини болаларнинг руҳиятига, ёшига мос қилиб ёрита олишга интилади ва ижодий муваффақиятларга эришади.

Шоирнинг бу тўпламга кирган характерли асарларидан бири “Қалдирғоч, илон ва бешиктерватар” масалидир. Асарнинг қурилиши болаларбоп тузилган. Бола асар бошланишиданоқ воқеанинг нима билан тамом бўлишини

ҳаяжон билан кутиб, асарни қизиқиб ўқийди. Қалдирғоч бола очади, илон уни емоқчи бўлиб харига ёпишиб, инга томон яқинлашаверади. Қалдирғоч болаларини қутқозиш учун бешиктерватарни олиб келгани кетади. Лекин ундан дарак йўқ. Шоир боланинг шу вақтдаги ҳаяжонини усталик билан ифодалайди:

Оҳ, онаси келмаса,
Иш бўлади кўп ёмон.
Илон аста чиқарди,

Харига кўп қапишиб.
Болачалар ухларди
Бир-бирига ёпишиб.

Бу мисраларни ўқиган китобхон воқеанинг нима билан тугашини ҳаяжон билан кутади. Илон қалдирғочнинг ини олдига келиб, болаларни ейишга ҳозирланганда бешиктерватар тўсатдан илоннинг кўзини ўйиб олади: қалдирғочнинг болалари соғ-омон қолади, Шундан сўнг шоир бировга қасд қилганининг тақдири шу, деб қиссадан ҳисса чиқаради.

Шоир халқ оғзаки ижодини севиб ўқиди, ўрганди. Айрим халқ эртаклари шоир томонидан ишланди. “Ботир эчки” эртагида шоир оғир аҳволдан қутулиш учун душманга қарши биргаликда кураш олиб бориб, овқат ва сувга сероб кўркам жойга эга бўлган, хавф-хатарсиз яшаётган ҳайвонлар ҳақида қизиқарли ҳикоя қилади. Шоир эртақда куч-қудрат бирликда деган ғояни илгари суради. Бу мақсадни болаларга осон, қизиқарли тушунтириш иши учун муаллиф ихчам композиция топган: эчки, ҳўкиз, қўй каби рамзий образлар хатти-ҳаракати орқали мақсадни муваффақиятли тушунтиради.

Адҳам Раҳмат “Ботир эчки” эртагида кишилар бирлашса, ҳар қандай тўсиқни ҳам енгишга қодир эканлигини таъкидлаб, болаларни дўстлик ва бирликка чақиради.

Шоир Ватан уруши йилларида фронтдаги жангчиларни улуғлади, фронт орқасида фидокорона меҳнат қилаётган кишилар образини яратди.

У “Онамнинг айтганлари” шеърида ўз ўғлини фронтга жўнатаётган ватанпарвар онанинг лирик образини чизади:

Хайр ўғлим, хайр қўзим, яхши бор,
Эл-у халқлар доим сенга мадакдор.
Бахтли ёшлик, тинч кексалик учун бор,
Душманларга ер юзини қилгин тор.
Йиқит ёвни, аямайин тап босиб,
Ватан ўғли учун будир муносиб.

Шоирнинг урушдан кейинги тинч қурилиш йилларида ёзган асарларининг асосий қаҳрамони ижодий меҳнат кишилари ва уларга фаол ёрдам бераётган бахтиёр болалар бўлди.

Адҳам Раҳмат “Оиламиз” достонида ҳалол меҳнати

билан танилган ота-онаси, ака ва опаларидан фахрланувчи боланинг интилишларини лирик-эпик шаклда берди. Бола туғилиб ўсган қишлоғи — тўқай, сойлар ўрнида энди кишиларнинг фидокорона меҳнати туфайли ўзгарганидан ғурурланади. Шоир жамоа меҳнатини улуғлайди. Бола улуғ ишларда ўз оиласининг ҳиссаси борлигидан беҳад хурсанд бўлади. Боладаги бу кайфиятни шоир ғоят самимий ва содда мисраларда таъсирли ифодалайди.

Боланинг ака ва опаларидан мамнун эканлигининг сабабини ҳам шоир бола тилидан беради:

Улуғ Ватан жангида
Берлингача у борган. . .
Акам кетган чоғида
Отам ёзди унга хат.
Ҳар хатида дер эди,
Ботир бўлгин, дер, фақат
Опам терган пахтадан
Анча буюм бўларкан.
Фақат читнинг ўзига
Бир магазин тўларкан. . .
У дейдики, — Ватаним
Кучли бўлар пахтадан.

Ана шу онгли, меҳнатсевар оилада “севинчларга тўлиб” яшаган кенжатоӣ бола болаларга хос энг яхши фазилатларни ўзида мужассамлаштира олган.

“Бормаӣман” ҳам “қилмаӣман”
Деган одат менда йўқ.
Шунинг учун уларнинг
Мендан кўнгли жуда тўқ.
Табелимга ёзилган
Ҳамма фандан беш баҳо.
Мақтабимни, албатта,
Тугаллаӣман мен аъло.
Қатор-қатор уйларнинг
Биринчиси бизники.
Меҳмон бўлиб келингиз
Уйнинг тўри сизники.

Шу тарзда шоир оилада яхши тарбия кўрган, ижобий фазилатли лирик қаҳрамон — бола образини яратади. Айниқса, шоир боладаги ишчанлик, ўқишда тиришқоқлик, меҳмондўстлик фазилатларини тасвирлаб, ундан намуна олишга ундайди.

Адҳам Раҳмат кейинги йилларда ҳарбий-ватанпарварлик мавзуларида кўп асарлар ёзиб, катта муваффақиятларни қўлга киритди. У болалар ва ёшларни Ватанга фидокорлик, жасурлик, қаҳрамонлик руҳида тарбиялаш ишига катта ҳисса қўшди.

ҲАКИМ НАЗИР

(1915 йилда туғилган)

Бугунги болалар насрига ўзининг ҳиссасини қўшиб келётган ёзувчилардан бири, таниқли адиб, кичкинтойларнинг сеvimли ёзувчиси Ҳаким Назирдир.

Ҳаким Назир 1915 йилда Тошкент шаҳрида маҳсидўз оиласида туғилди. У 1931—1933 йилларда оёқ кийим фабрикасида дастлаб шогирд, кейинроқ уста бўлиб ишлади. Фабрикада ўз касбининг устаси бўлибгина қолмай, илм олиш учун кечки ишчилар дорилфунунида (ҳозирги индустриал техникум) таълим олиб, ўз малакасини оширишни давом эттирди.

Шу йилларда у ўзининг кичик-кичик хабар ва лавҳалари билан болалар матбуотида қатнаша бошлади.

1933—1934 йиллардан Ҳаким Назирнинг журналистлик фаолияти бошланади: “Ленин учқуни”, “Ёш ленинчи” рўзномалари, “Вожатий” ойномасида дастлаб адабий ходим, сўнгра бўлим мудири ва масъул котиб вазифаларида ишлади. У 1936 йилда Тошкент кечки педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетига ўқишга кириб, уни 1941 йилда муваффақиятли битириб чиқди. Сўнгра бир неча йил ўқитувчилик қилади. Шу йиллари Ҳаким Назир ўз устида қунт ва чидам билан ишлаб адабий ишга астойдил берилди. У 1942 йилдан бошлаб Ўзбекистон радиосида бўлим бошлиғи, Давлат нашриётида бўлим мудири, Бадий адабиёт нашриётида бош муҳаррир вазифаларида, сўнгра Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ишлади. Мазкур вазифаларни ёзувчи ижодий иш билан узвий боғлаб олиб борди. Қунт, чидам билан ўз устида ишлаши, ижодий изланиши натижасида Ҳаким Назир болалар ва катталар ёзувчиси сифатида оммага танилди.

Ҳаким Назир ўз ижодини ҳикоячиликдан бошлади. Унинг “Шаҳардан ташқарига”, “Кулиб боққан бахт” ҳикоялари 1934 йилда “Ёш куч” ойномасининг 7—8- сонларида босилиб чиқди. “Шаҳардан ташқарига” ҳикоясида далага ёрдамга чиқиб кетаётган ўқувчиларнинг қувноқ, янгроқ ашула садолари барчани, ҳаттоки, “тупроқ сочиб, конфет, папирос сотиб, бир мирилик фойданинг гадойи” бўлиб юрган болаларнинг эътиборини ҳам жалб этади. Муаллиф далада астойдил меҳнат қилиб, деҳқонларнинг ҳурматига сазовор бўлган чаққон, серғайрат ўқувчилар образини яратади. “Кулиб боққан бахт” ҳикоясида эса муаллиф болаларнинг

дўстлик, меҳрибонлик ва ўқишга бўлган муҳаббатини тасвирлайди. Бу ғояни Қаюмнинг звеносидаги болаларнинг бир-бирига дўст ва меҳрибонлигини тасвирлаш орқали очиб беради.

1935 йилда Ҳақим Назирнинг “Ёш куч” ойнамасида (4-сон) “Қимматли совға” ҳикояси босилиб чиқди. Бу ҳикояда муаллиф болаларни “4” ва “5” баҳолар билан ўқишга ундайди.

1948 йилда ёзувчининг қишлоқ болалари ҳаётидан олиб ёзган биринчи ҳикоялар тўплами — “Қишлоқдаги жиянларим” босилиб чиқди.

Ёзувчи ўзининг дастлабки тўпламидаёқ китобхонларнинг ҳурматиغا сазовор бўлди. Бу ёзувчини ҳаётимиздаги воқеаларни болаларнинг турмуши, ҳис-туйғулари, ўқиши ҳамда хулқ-одобини, уларнинг меҳнатга муносабатини янада чуқур ўрганишга даъват этди. Натижада ёзувчининг болалар ёши, савияси ва руҳиятига мос асарлари бирин-кетин нашр қилина бошлади. Унинг турли ном ва тилдаги ўттиздан зиёд китоблари босилиб чиқди. Қисса ва романлари китобхонларнинг сеvimли асарларига айланиб кетди.

Ҳақим Назир болалар учун асар ёзиш билан бирга катталар учун ҳам “Мусобақадослар” (1950), “Одамнинг қадри” (1958), “Ўтлар туташганда” (1960), “Онаизор” (1961), “Маёқ сари” (1961), “Азиз одам” (1964) каби ҳикоя ва очерклар тўпламлари, “Сув гадоси — оқпадар денгизни бошлаб қайтди”, “Кўктерак шабадаси” каби қиссаларини ёзди.

Муаллиф “Қишлоқдаги жиянларим” тўпламидаги “Валижоннинг дадаси” ҳикоясида болаларнинг жангчиларга ҳурмат ва муҳаббатини тасвирлайди. Буни Ватан урушидан қаҳрамон бўлиб қайтган Валижоннинг дадасини бутун қишлоқ аҳли зўр ҳурмат ва катта тантана билан кутиб олганини кўрсатиш орқали очади.

“Бошоқ” ҳикоясида болаларнинг ўқишдан бўш вақтларида ишга ёрдам берганини Азимжон, Мамат, Салимжон, Тошгилла образларида гавдалантиради.

“Жиянимнинг тойчаси” ҳикоясида китобхонни қишлоқ болаларининг характерлари ва ҳаёти билан таништиради. Маҳмуджон билан Омоннинг отаси пахтадан мўл ҳосил олиш учун мусобақалашади. Болалар ўз оталарининг ғолиб чиқиши учун куйиб-пишиб ҳаракат қиладилар. Маҳмуджон жонидан азиз кўрган тойчасини аравага қўшиб, пахта ташишга киришади. Бу билан ёзувчи қишлоқ болаларининг ўзига хос характерини яратади. Кичик бир парча орқали катта бир воқеани — болаларнинг улуғ ишларга қўл урганлигини ҳаққоний кўрсатади.

Ҳақим Назир “Бир туп ғўза” ҳикоясида болаларнинг жамият мулкани, юртимиз бойликларининг ҳар бир за-

ррасини кўз қорачиғидай сақлаш ғоясини илгари суради. Бу ғояни муаллиф Каримнинг сигири бир туп ғўзани нобуд қилган пайтдаги ҳамманинг ташвишли ҳаракатини тасвирлаш орқали жонли ифодалайди.

Ёзувчи ҳикоядаги воқеаларга болаларнинг диққат-эътиборини жалб қилишнинг қулай усулини топган. У ўз ҳикоясини: “Куппа-кундуз куни Каримнинг сигири йўқолиб қолса бўладими..”, дея китобхоннинг юрагига ғулғула солиб кўяди. Ҳикоянинг болаларга қизиқарли бўлиши учун шундай усулларни усталик билан топа билиши ёзувчининг маҳоратини кўрсатади. Ўқувчилар ҳар доим ҳикоядаги воқеа нима билан давом этиб, қандай тамом бўлишини билишга қизиқадилар.

Карим боқиб юрган сигир ғўзага тушиб, уни пайҳон қилади, бир тупини еб ҳам кўяди. Ёш пахтакор Башор сигирни тутиб қамайди. Бундан хабарсиз бўлган болалар сигирни қидира бошлайдилар. Ана шу воқеалар асосида болаларнинг ўзаро суҳбатлари орқали уларнинг характери очила боради. Ҳикоянинг ғоявий мазмунини муаллиф сигир топилгандан кейин Карим, унинг отаси, Башор ва Деҳқонбой акаларнинг ўзаро суҳбатлари орқали очади. Давлат мулки даҳлсиз — ҳар туп ғўза ҳам қимматлидир, деган ғоя ёш китобхонларга шу тарзда етказилади.

Ҳикоянинг бош қаҳрамони — Карим. У содда, тўғри бола. Ёзувчи унинг тасвирини жонли чизади: “У оёқ-қўлли чаққон болалардан, югуриш, сакраш, копток тепиш, от чопишда уста бўлганидай, сузишда ҳам ҳеч кимни ўзига етказмасди. Дам катталар каби қулоч отиб, дам ”қурбақа сузиш” қилиб, дам “балиқ” каби биланглаб сув юзида ҳунар кўрсатаркан, ўртоқлари ҳам қизишиб кетишди. . . “

Ҳаким Назир ҳикоянинг ғоявий-бадиий пишиқ чиқиши учун анчагина куч сарфлаган. “Улар адир этагидаги сойга тушиб, шаппа-шаппа сувга шўнғидилар. Эҳ, қандай маза! Тез оқар сой бир зумда уларни узоқ-узоқларга олиб қочар, ўз бағрида эркалатиб, гоҳ кўмиб юборар, гоҳ бетига чиқариб чайқатарди”. Бу парчада ёзнинг нашъали чоғлари, сувда яйраб чўмилаётган бахтиёр болаларнинг — асар қаҳрамонларининг шўх, қайноқ руҳий дунёси берилган.

Ҳаким Назир қишлоқнинг ғўзал табиятини сигир қидириб юрган Каримнинг руҳий ҳолатини кўрсатишда, табиат манзараларидан “... пешанасини танғиган сувчиларнинг” меҳнатидан зўр завқланаётган болаларнинг руҳий дунёсини очишда ажойиб янги воситалар топа билган: “Икки томон кўз илғамас кенг пахтазор. Тизза бўйи ўсиб ётган шапалоқдай кўм-кўк ғўзалар қуёш тиғида жимирилашиб, кўзни қамаштирарди. Даланинг у ер-бу ерида пешанасини танғиган сувчиларнинг кетмонлари ялтираб

кўринади. Карим тўхтади ва дала ўртасидаги одамларга қараб, икки қўлини лунжига қўйган қолда, кичкина оғзини кўвача қилиб, бор овози билан бақирди:

— Ола си-гир-ни кўр-динг-из-ми?"

Бу парчада ёзувчи боланинг ички-ҳаяжонли ҳолатини тасвирлашда ўзининг санъаткорлигини кўрсатган. Молларга қараб юрган Ҳамид Каримнинг сигири йўқолганлигини билиб қолгач, ҳаяжонга тушади, ташвишланади, унда кўрқув ҳисси пайдо бўлади. Ҳамиддаги бу ҳолатни ёзувчи тўғри ҳис қилади ва уни ҳаққоний ифодалайди.

Ҳаким Назир болаларнинг руҳиятини, уларнинг ўзига хос одатларини, ўзаро муносабатларини жуда яхши билади. Бу ҳол болаларнинг ўзаро суҳбатларида очиқ намоён бўлади:

“Карим Ҳамидга:

— Кўзинг қаёқда эди? Ухлаб қолувдингми? — деб ўдарайлади.

Ҳамид янглишиб: “Ҳа” деб қўйиб, кетидан шунча “йўқ” деса ҳам Карим тан олмади, у:

— Биладан! Ухлаб қолгансан!... Кейин Абдусамадга ёпишиб кетди ... Уканг ҳам ўзини та ўхшаган ландовур, дангаса. Ухлаб қолган.

— Ошна, менинг укамни ёмонлашга қаққинг йўқ.

— Ёмонлаётиманми, дангаса деяпман.

— Бизнинг ука сенинг укангдақа сўкагон эмас.

— Сўккан бўлса бекорга сўкмагандир. Нега бўлмаса, ўзи укамнинг мушугини кўрқитиб бўйнидан лентасини олиб қўймоқчи бўлган?

— Қачон? Қачон?"

Ҳаким Назир ҳикоянинг бадиийлигини кучайтириш учун турли тасвирий воситалардан ҳам усталик билан фойдаланган. Сув болаларни “ўз бағрида эркалатиб” олди, “оёқ-қўли чаққон”, “унинг ўткир кўзлари. . . моллар устидан югуриб чиқди-ю”, “от қашқасидай ҳаммага таниқли”, “кўз илғамас кенг пахтазор”, “кўзни қамашти-ради”, “бир туп ғўзани кўсак-пўсаги билан каппалаб жиғилдонига урди-қўйди”, “ер чизиб ўтирди”, “тилингни бир қарич қиласан” каби образли иборалар характерни, ҳикоянинг ғоявий мазмунини чуқурроқ англашга, болаларнинг фикрлаш қобилиятини ҳамда бадиий нутқини ўстиришга катта ёрдам беради. Буларнинг ҳаммаси ҳикоя тилининг равонлигини, болаларга мос бўлишини таъминлайди.

Ёзувчи “Қодир билан Собир” ҳикоясида ёлғончилик бола шаънига тўғри келмайдиган ҳол эканлигини таъкидлаб, тўғрилиқни улуғлайди. Ҳикояда Қодир билан Собирнинг

ўзаро суҳбати орқали кичик ёшдаги болаларнинг келажакда ким бўлиши ҳақидаги улкан орзулари ҳам шу ёшдаги болалар савиясига мос усулда баён этилган.

Ўқитувчи болаларга қараб:

— Зўр одам кучини ўқишда кўрсатади. Тўғрими, болалар?

— Тўғри-тўғри! — дейишди болалар”, — деб қиссадан ҳисса чиқаради. Бу билан ўқитувчи болаларнинг диққатини яхши ва аъло ўқишга, олижаноб фазилатларни эгаллашга тортади.

Ҳақим Назир ҳар иккала ҳикоясида ўқитувчининг энг яхши хислатларини аниқ тасвирлаган. Ёзувчи тасвирлаган ўқитувчи боланинг ноҳўя қилмишидан, ишидан хулоса чиқариб, уни тўғри йўлга бошлайди, оқибатда бола хурсанд бўлиб, унинг ўз тарбиячисига меҳр-муҳаббати янада ошади.

Ёзувчининг “Сўнмас чақмоқлар” асари Ватан урушидан кейинги ўзбек болалар адабиётида қисса жанрида қўлга киритилган ютуқлардан бири ҳисобланади. Қиссада “Ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун” деган шиорга амал қилиб яшаётган болаларнинг ҳаёти ва фаолияти тасвирланади.

Ҳақим Назирнинг мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун ёзган асарларидан яна бири “Яхши исм” ҳикоялар тўпламидир. Тўпламдаги ҳикояларнинг мавзулари ранг-баранг. Ёзувчи бундай кичик ҳажмдаги асарлари орқали мактабгача тарбия ёшдаги болаларни жамиятимиздаги энг катта воқеалар билан таништиради.

Ўқитувчи синфда юлдузга ракета учирилганлиги ҳақидаги мақолани ўқиб беради. Бу хабар Шоирага жуда таъсир қилади. У ракета учирилган кунни ҳеч эсидан чиқармайди. Шунинг учун Шоира укасининг исмини Зуҳра қўяди — Зуҳра деганида ҳамма вақт — юлдузга учирилган ракетани эслайди. Бу кичик воқеа воситасида ёзувчи болаларни аъло ўқишга даъват қилади. Бирор воқеани тасвирлаш орқали болаларга катта ҳодисаларни тушунтириш усулини ёзувчининг “Расмли китобча” ҳикоясида ҳам яққол кўриш мумкин.

Ёзувчи Ҳақим Назирнинг “Ёнар дарё” (1965) қиссаси ўзбек болалар адабиётининг кейинги йиллардаги катта ютуғидир. “Газқайнар” манзарасини ёрқин бўёқларда гавдалантирган бу асарда ўша даврда кишиларининг жасорати, қаҳрамонлиги ҳамда уларнинг бир-бирига чин меҳрибонлиги тасвирланади, шунингдек, оиладаги бола тарбияси,

бунда ота-онанинг тутган роли кўрсатилади. Асарда воқеа ўн икки ёшли ўқувчи Дамир тилидан ҳикоя қилинади. Бундан икки йил аввал отаси вафот этиб, синглиси Попук иккови онасининг қарамоғида қолишган. Кўп вақтлари ишда ўтадиган она болалар тарбиясига кам эътибор берган. Дамир эса, кекса бувисининг ўта меҳрибонлиги, юмшоқлиги орқасида ўйинқароқ, ўқишга кам ҳафсала, ўжар бўлиб қолган. Натижада, у онасига бўйин эгмасликка ҳаракат қилади.

Дамирларнинг узоқ қариндошлари Султон амаки уларнинг уйга тез-тез келиб туради, шунинг учун болалар унга ўрганиб қолишган. Кейинчалик ота сифатида шу оилга кирган Султон амаки Дамир характерининг шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Дамир характерида из қолдирган иккинчи муҳим воқеа унинг Қизилқумга сафари бўлди. Бу унинг кўз ўнгида янги олам очади, уни меҳнат қучоғида чиниқтиради.

Газчиларнинг “Ғилдираб юрадиган посёлкаси”, “Чўпон бобонинг бошчилигида” очилган “Мўъжиза қудуқ”, беморлигига қарамай Султон амаки кўрсатган фидокорлик, умуман, газчиларнинг афсонавий қаҳрамонлиги Дамир руҳида кескин бурилиш ясайди.

Ҳақим Назир болалар ва мактаб ҳаётидан “Чиранма ғоз — ҳунаринг оз” номли пьеса ҳам ёзди.

Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотининг совриндори, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳақим Назир ўз ижодий фаолиятини давом эттирмоқда.

ПЎЛАТ МЎМИН

(1922 йилда туғилган)

Пўлат Мўмин ўзининг қувноқ шеърлари, қанотли кўшиқлари, маъно ва мазмунга бой дostonлари, ҳаяжонли драмалари, ажойиб-ғаройиб эртак-dostonлари, зеҳнларни чархловчи топишмоқлари билан кенг китобхонлар оммасига манзур бўлган қаламкашлардан биридир. Унинг қирқдан зиёдроқ турли ном ва тилдаги шеърий гулдастаси, dostonлари, эртак-dostonлари ва драмалари ўзбек болалар адабиётининг тараққиётига муносиб қисса бўлиб қўшилди.

Пўлат Мўмин 1922 йилнинг 25 декабрида Тошкент шаҳрида деҳқон oilасида дунёга келди. У бошланғич маълумотни Тошкентдаги 22- мактабда олди, уни битиргач, Тошкентдаги педагогика билим юртига ўқишга кирди. Бу ерда тил ва адабиётни қаттиқ севиб қолгани учун, у билим юртидаги адабиёт тўғарагининг фаол қатнашчиларидан бирига айланади. Билим юртини муваффақиятли тамомлаганидан кейин ва илм-фан сирларини кўпроқ билиш иштиёқида бўлган Пўлат Мўмин Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетига ўқишга кирди. Уни аъло баҳолар билан битирган Пўлат Мўмин Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида аспирантурада ўқиди, бир қатор мактабларда она тили ва адабиётдан дарс берди. Сўнгра “Ленин учқуни” рўзномасида ҳамда Ўзбекистон Давлат нашриётида, шунингдек, Ўзбекистон маданият вазирлигида меҳнат қилди. У дастлабки шеъри “Баҳорга саёҳат”ни 1936 йилда ёзган бўлса-да, аммо у матбуотда 1944 йилда эълон қилинди. Бу шеърий машқ бадий томондан анча бўш эди. Лекин шунга қарамай, бўлажак шоирдаги сўз гўзаллигига бўлган интилиш ва иштиёқни яққол кўрсатиб турар эди.

Пўлат Мўминнинг биринчи шеърлар тўплами “Сайранг, қушлар” номи билан 1949 йили нашр этилди. Тўпلامдаги энг характерли шеърларидан бири “Ўқитувчи” дир. Унда шоир алифбени ўргатган, китоб, мактаб ва ҳаётга ҳавас уйғотган меҳрибон устоз — ўқитувчи образини яратган. Шоир шеърда ёшларни давримиз талабига муносиб қилиб тарбиялашдаги ўқитувчининг ролини лирик қаҳрамон мисолида таъсирли кўрсатди.

Пўлат Мўмин ўзининг “Обод ўлкам” шеърда Ўзбекистонни мадҳ этади:

Пахта экиб донг таратган
Меҳнат билан бахт яратган,
Боғларингга гул ярашган,

Озод ўлкам,
Обод ўлкам,
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Пўлат Мўминнинг “Тиш чўтка, порошок ва атирсовун эртаги” асарида кичик ёшдаги болаларнинг тозалик ва гигиена қонун-қоидаларига риоя қилиш масаласи кўтарилди. Шоир Эшматнинг ялқовлашиб, тиш-юзларини ювмасдан юришидан қаттиқ кулади. Ёзувчи озодаликка риоя қилмаган Эшматнинг қилиқларидан кулишда шартли усулларга кенг ўрин беради, эртақ моҳиятига мувофиқ равишда тиш чўтка, порошок ва атир совунларни тилга киритади, улар номидан Эшматни танқид олови остига олади.

Шоир танқид ва ўз-ўзини танқид ҳамда дўхтирларнинг маслаҳати натижасида ниҳоят Эшматнинг тузала бошлаганини, тозалик ва гигиена қоидаларига қаттиқ риоя қилишга киришганини тасвирлаш орқали ҳаётдаги гўзаллик намуналарини илғаб олишда ёш китобхонга кўмаклашади:

Эшматни кўрдим кеча,
Энди ишлар бошқача. . .
Уни кўриб қолсангиз
Ҳавасингиз келади,
Арзир ўрнак олсангиз.
Хурсанд ундан тиш чўтка,
Порошок қилмас ўпка.

Эртақда Пўлат Мўмин тозалик ва гигиена қоидаларига риоя қилган боланинг соғлом ўсиши, яхши ўқиши табиий деган хулоса чиқаради, бошқача айтганда, соғ танда — соғлом ақл бўлишини ажойиб шахсий ҳолатларда бадий ифодалайди. Эртақ катта тарбиявий аҳамиятга эга.

Шоир “Қутлуғ бўлсин” шеърида ёш қалбнинг беҳад қувончини Раҳмонжон образида беради.

Болаларнинг катталар меҳнатига ҳурмати тўғрисида, уларнинг ҳунарни қизиқиб, уни ўрганаётганлиги ҳақида Пўлат Мўмин анчагина асарлар ёзди. Эртақ шаклида ёзилган “Нўъмонжон аълочи бўлмоқчи” шеъри ҳам болаларнинг меҳнатга муҳаббатини ўстиради. Аълочи бўлишга орзуманда Нўъмонжонга донишманд чол сандиқнинг калитини беради. Нўъмонжон сандиқни очгач:

Меҳнатсиз роҳат бўлмас,
Деҳқон бўлсанг қил шудгор.
“Беш” баҳо олмоқ учун —

Қунг билан ўқи такрор!”
Барчага тегишлидир,
Хатда ёзилган мақол.

Бу ерда шоир болаларга тўғри йўл кўрсатишда, уларда меҳнатга муҳаббат туйғусини оширишда эртақка хос таъсирли, энг қулай, болаларбоп услубни топа билган.

“Ёз” шеърида ёз фаслининг Ўзбекистон ҳуснига-ҳусн

қўшишини , меҳнатнинг бу ҳуснга пардоз беришини, киши меҳнати ҳусннинг безағи эканини ажойиб истиораларда ифодалаган.

Пўлат Мўмин 1951 йилда катталар учун “Олтин бошоқлар” тўпламини нашр эттирди. Бу тўпламдаги кўпгина шеърлар мамлакатимизда ўз меҳнати билан шон-шарафга бурканган мўътабар кишилар ҳаётига бағишланган. Аёнки, ёшлар, одатда жуда тақлидчи бўладилар. Пўлат Мўмин ҳам ёш китобхонларни катталарнинг меҳнат ютуқларидан ибрат олишга, келажакда уларни ҳам худди шу кишилардай бўлиб камолга етишга чақиради.

Шоир 1953 йилда ўрта ёшдаги болалар учун шеърлар тўпламини тақдим этди. Тўпламдаги “Биз тинчлик посбони” шеъри алоҳида ажралиб туради. Шеърда тинчлик, осойишталик улуғланади:

“Бугун 1 сентябрь” шеърида эса мактабларда ўқи-тиладиган фанлар моҳиятини тасвирлаб, болаларда илм-фанга меҳр оширади.

Пўлат Мўминнинг шеър, қўшиқ, эртак ва топишмоқларидан иборат бўлган яхшигина бир китоби “Офтоб чиқди оламга” номи билан 1956 йилда босилиб чиқди.

Баҳор, кўкларнинг келиши, офтобнинг чарақлаб чиқиши, кишилар қалбига олам-олам шодлик, қувонч бағишлайди. Баҳорнинг келиши билан дала-даштларда ҳаёт қайнагандан қайнайди. Шоирнинг “Офтоб чиқди оламга” шеъри шу жиҳатдан ҳам характерлики, унда лирик қаҳрамон жисмоний иш, меҳнатни яхши кўради. Шунинг учун ҳам у эрта баҳордан дадасига қўшилиб кўчат экади, уни меҳр билан парвариш қилади. У эккан шафтоли ҳам худди қаҳрамон орзусидек кўкаради, мева беради.

Шоир бу шеърда болаларни меҳнаткаш бўлишга, мева-дарахтларни экишга ва уларни парвариш қилишга чақиради.

Шоир 1958 йилда “Ҳунардан унар” тўпламини нашр эттирди. Бу тўпламдаги “Гулдаста” шеърида шоир болалар меҳнатини янада улуғлашда давом этади. Лирик қаҳрамоннинг меҳнатини кўз-кўз қилади:

Бу кўчатни уч йил олдин
Ўзим экиб қўйгандим,
Меҳр билан парваришлаб,
Чопиб ҳам сув қуйгандим.
Ҳозир бўлса,
Гулларига
Тикиламан ҳавасда.
Баҳор менинг меҳнатимга
Гўё тутган гулдаста.

Пўлат Мўминнинг 1972 йилда “Ёш гвардия” нашриёти томонидан нашр этилган “Одоб ва офтоб” номли танланган асарлари билан танишган китобхон унинг ўзбек болалар шеърлятида анча салмоқли ҳисса қўшганлигига амин бўлади.

Унинг кичик ёшдаги болалар учун “Эҳ, роса ширин экан” кичик достони 1961 йилда чоп этилди. Бу дostonчада шоир деҳқоннинг меҳнати эвазига etказилган, тилни ёрадиган қовунларни ажойиб ўхшатишлар орқали таърифлаб, деҳқон меҳнатидаги гўзалликни улуғлайди. Шоир ҳаммадан аввал кишини ўзига тортадиган қовун-гарвузларнинг уюм-уюм тасвирини чизади.

Қовун-у гарвузлар тоғ,
Кўриб кўнглинг бўлар чоғ,
“Дидинг бўлса мени ол,
Ичим тўла лиқ-лиқ бол.

Майли, мени сўйиб е,
Деҳқонимга раҳмат де”
Дегандай кўк ананас
Қўзғар иштаҳа — ҳавас.

Пўлат Мўмин деҳқон меҳнатини улуғлайди. Болаларни миришкор деҳқон бўлишга чорлайди. Деҳқоннинг пешана тери билан бунёд этилган қовунининг ширин-шарбатта тўлиб кетганлигини болаларни тўлқинлантирадиган мисраларда жуда ишончли қилиб бера олган:

— Келиб, қол, эҳ, харидор!
Вақтинг ўтмасин бекор!
Бу Мирзачўл қовуни,
Кимки олмаса буни,
Тушиб қолади пули.
Эҳ, еганлар дармонда
Емаганлар армонда.
Олмасангиз ҳам, иним,
Еб кўринг-а бир тилим.
Мисоли қўй сўясиз,
Тилимига тўясиз.

Кўриб ўтганимиздек, болаларнинг талантли шоири Пўлат Мўмин халқ ибора ва мақолларидан ўринли фойдаланиб, шеърнинг ғоявий-бадий таъсирли бўлишига эришган.

Пўлат Мўмин газ ҳақида ҳам ўнлаб шеърлар ёзган. Улар орасида “Қизилқум ва одам” балладаси алоҳида ажралиб туради. Шоир кишиларимизнинг меҳнат қудратини кўрсатиш учун уни бўрттириброқ аждаҳодек олов пуркаб ётган Қизилқумга кишилар ҳужум бошлаганликларига жуда катта ўрин беради. Қизилқум осонлик билан тобе бўлишни истамайди. Қизилқум чора ахтариб бўронга мурожаат қилади, ундан мадад, ёрдам сўрайди:

Биласиз, мен зўрман оламда,
Тезликда ташланинг одамга!

Устидан сочинлар қум бўрон,
Ҳар ёнда кўтаринг тўполон!

Бўрондан ёрдам ола олмаган Қизилқум қуёшга мурожаат қилиб, “Сен бунинг танини куйдирган” деб илтижо қилади.

Инсон олдида, унинг ақли, заковати, биллак кучи олдида Қизилқум чидаш бера олмайди, енгилади. Ғолиб инсон гапи болаларда катта таассурот қолдиради.

— Мен шаҳар қураман бағрингда,
Дарёлар боғлайман боғинга

Афсуски, шоир газ мавзуида кўтаринки руҳ билан асарлар яратар экан, газ қувурлари шундоқ ёнидан ўтган қишлоқларда тезак ёқиб, кун кечираётган элатдошларини, уларнинг қийналаётган болаларини кўрмайди. Бу шеърларида инсон образи мадҳиябозлик тимсолига айланиб қолган. Умуман олганда, болалар шеърлятига хос бўлган хусусиятлардан бири ҳам ана шу мадҳиябозликдан иборатдир. Бу ҳолни “Вақтида бахт топганлар” достонида ҳам кўриш мумкин.

Пўлат Мўмин ўзбек болалар адабиётида қўшиқ жанрини юксалтиришда ўзига хос мактаб яратган шоирлардан бири ҳисобланади. Шоир яратган қўшиқларда болаларнинг ўзига хос ҳаёти, ўқиш ва ўйинлари кенг очилган, бой руҳий олами, табиати, руҳияти, ички кечинмалари, характери мукамал ифодаланган. Унинг болаларбоп қўшиқлари кичкинтойларни олижаноблик, инсонпарварлик, дўстлик, гўзаллик, меҳнатсеварлик, илм-фанга муҳаббат хислатларини камол топишига, гўзаллик олаmidан баҳра олишга, нафосатларининг шаклланишига ёрдам беради. Қўшиқларнинг ҳажвга бойлиги, ҳаётий мазмунга эгаллиги уларга алоҳида таъсир кучи бағишлайди. Пўлат Мўмин болаларга “Авлодлар қўшиғи”, “Устозлар”, “5” баҳо қўшиғи”, “Яшна улуғ ўлкамиз”, “Беш олдим беш”, “Пахта қўшиғи”, “Кўйлагим”, “Саёҳат-роҳат”, “Ачом-ачом бувижон”, “Салимжон-нимжон”, “Салимжон энди полвон”, “Раҳматга раҳмат”, “Баҳор, баҳор, баҳоржон” каби эллиқдан зиёдроқ қўшиқлар ижодкори сифатида яхши таниш.

Шоир ижодида “Салимжон-нимжон” ҳазил қўшиғи катта ўрин тутади. Пўлат Мўмин болаларни ёшлигиданоқ меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашга хизмат этувчи, улар қизиқадиган турли усулларни топишга ҳаракат қилади. У “Салимжон-нимжон” қўшиғида бола саломатлигида меҳнатнинг жуда катта роль ўйнашини ҳаётий кўринишларда, нимжонлик сабабини кўрсатиш орқали

осонгина тушунтира олган. Шоир мақсадни қисқа ва аниқ ифодалашга қодир образ-ибораларни топиб, жой-жойида ишлатади. Шоир шеърда меҳнат қилмай, соя-салқинда нимжон ўсган бола образини Салимжон мисолида жуда ишонарли қилиб бера олган.

Шоир фойдали меҳнатга берилмаган, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни ёқтирмайдиган Салимжон устидан очиқдан-очиқ кулади:

Салим, Салим, Салимжон,
Мунча бўлдинг сен нимжон?
Копток мисол семирдинг,
Гўё танинг хамиржон,
Салимжон-нимжон.

Пўлат Мўмин Салимжоннинг “нимжон”, “копток мисол семиз”, “тани хамир” бўлиб ўсишининг сабабини ҳам кескин очиб ташлайди:

Доим қочдинг меҳнатдан...	Рангинг ўхшар бетобга.
Асло борми гайратдан?	Уйку босиб кўзингни
.....	Қаролмайсан китобга.
Ҳеч бир чиқмай офтобга	

Одатда, одам меҳнатсиз ўсса қобилиятсиз, нимжон бўлиб ўсади.

Пўлат Мўмин Салимжонни “хамирдек хом семиз”, “ранги бетобга ўхшаган”, “китобга қаролмай” диган “нимжон” ҳолида қолдирмайди. Унинг тузалиш йўллари ҳам кўрсатиб беради, айниқса, қўшиқнинг яқунловчи бандидаги болаларга хос ўртоқлик кайфиятини изҳор этиш, меҳнатга чақириш алоҳида бўртиб турибдики, бу эса асарнинг тарбиявий аҳамияти катталигидан ва шоирнинг маҳорати зўр эканлигидан далолат бериб туради:

Бизлар каби куч йиққин,
Тур, ўртоқжон, тез чиққин,
Ишлаб мактаб боғида
Терлаб-терлаб чиниққин.
Бўларсан полвон!

Шоирнинг энг жозибали қўшиқларидан бири “Кўй-лагимдир”. Бу қўшиқни, айниқса, мактабгача тарбия ёшидаги жажжи қизчалар завқ-шавқ билан тўлиб-тошиб куйлайдилар.

Лирик қаҳрамоннинг аяси унга байрамда кийиш учун атлас кўйлак тикиб беради. Кўйлак жуда чиройли, тикилиши ҳам ҳавас қиладиган даражада бўлади. Бундан қизча беҳад шод.

Қўшиқда онанинг чеварлиги кичкинтойларни болаликдан бошлаб бу соҳанинг миришкори бўлиш ҳисларини

жўш урдириб юборади. Шунингдек, бизда ҳар бир байрам катта тайёргарлик, қувонч билан ўтиши бола қалбига сингдирилади.

Хуллас, кичкинтойлар адабиётида “Куйлагим” болаларнинг қувончига қувонч қўшадиган энг яхши қўшиқлардан биридир.

Болалар ўртасидаги ўзаро дўстлик, аҳиллик, биродарлик ҳақида ҳам Пўлат Мўмин кўплаб ҳузурбахш қўшиқлар яратган. Унинг “Бир жаҳон болаларимиз” қўшиғи шулар жумласига киради.

Қўшиқда бошдан-оёқ бутун дунё болалари бир ёқадан бош чиқариб, иноқ бўлиб яшашлари лозимлиги тўғрисида гап боради:

Узоқ-яқин орамиз,
Оқу сариқ, қорамиз,
Ҳар ерда бизга атаб

Қурилган боғча, мактаб,
Бир жаҳон болаларимиз,
Қиз-ўғлон болаларимиз.

Янги йил ҳақида шоирлар жуда кўп шеърлар яратишган. Бундай шеърлар бир-бирига ўхшаб қолмаслиги учун кўп изланишни, жиддий ижодий меҳнатни талаб қилади. Янги йилни таърифлашда Пўлат Мўмин ҳам янги, ўзига хос, ажойиб усул топа билган. Буни унинг “Йилдан-йилга йил яхши” деган шеъри мисолида кўрамиз:

Салом сенга янги йил!
Салом сенга, яхши йил!

Аввало хуш келибсан,
Ракетада елибсан, —

деб янги йилни болалар билан қувнаб кутиб олган шоир, эски йилда қўлга киритилган катта ғалабаларни “Ракетада елибсан” мисраларида баён этади. Шу билан бирга, янги йилда ҳам янги ғалабаларга эришишимизни қўйидаги мисраларда тасдиқлайди:

Сен келасан ёш бўлиб,
Режаларга бош бўлиб,

Йилдан-йилга йил яхши,
Йилдан-йилга эл яхши.

Пўлат Мўмин “Офтоб ҳам яхши, одоб ҳам яхши” шеърда одобнинг моҳиятини болаларга бадий равишда тасвирлаб беради. Одобни таърифлашда шоир болаларга қизиқарли, тез етиб борадиган, осон сингадиган, яъни одоб билан офтобни бир-бирига солиштириш шаклидан фойдаланган.

Шоир болалар ўртасига улардан қайси бири афзал, деган саволни ташлаб, улар диққатини ўзига тортгач, ҳар икковининг ҳам ҳаётдаги ва киши саломатлигидаги ролини тушунтириб беради:

Офтоб яхшими,
Одоб яхшими?
Офтоб берар нур,
Одоб-чи ҳузур,
Лолалар учун
Офтоб яхшидир.

Болалар учун
Одоб яхшидир.
Офтоб бўлмаса
Қоронғу тушар
Одоб бўлмаса
Ғам-қайғу тушар.

Шоир одобии “бола учун ҳузур берувчи”, “ғам-қайғудан сақловчи” деб унинг моҳиятини яна чуқурроқ очади. Шунинг учун ҳам “Одоб яхшидир” деб уни тўғри улуғлайди. Шу билан бирга муаллиф офтобни ҳам камситмайди. Офтобни “ҳаётга нур берувчи”, “Офтоб бўлмаса оламга қоронғи тушади”, “Офтоб яхшидир” дейди.

Пўлат Мўмин одобнинг энг кичик белгиларидан ҳам кишиликнинг улуғ фазилатларини кўра олган ва уни ўз шеърида гавдалантириб, одоби болада шу фазилатларни бўлишлигини астойдил таъкидлайди.

Офтоб кўринар
Тоғ-тепаликда,
Одоб кўринар
Салом-аликда,

Одоб қар кимнинг
Яхши сўзида,
Одоб қар кимнинг
Юзи-кўзида.

Пўлат Мўмин одобнинг бола ҳаётидаги муҳим ролини кичкинтойлар савиясига мос равишда беради:

Оламнинг юзи,
Офтобдан исир,
Одамнинг юзи
Одобдан исир.

Оламнинг доим
Офтоби бўлсин,
Одамнинг доим
Одоби бўлсин

деб, бола одоби билан ёқимли, деган ҳаётгий хулоса чиқаради.

Пўлат Мўмин ҳамиша изланади, болалар ҳаётини чуқур билишга, ҳис этишга интилади. Буни унинг тўпламидаги бир талай шеърларида кўриш мумкин. У қар бир шеърида мазмунли бир сўз билан бола ахлоқи ҳақида, янги ва яхлит фикр айтмоқчи бўлади, бунинг уддасидан ҳам чиқади.

“Баракалла” деган сўз
Сўзларнинг гули-сози.
Қар бир боланинг ишини
Ўлчови тош-тарози.

“Баракалла” ва “балли”
Теппа-тенг “беш” баҳога,
Буни олган боланинг
Дили ўшар баҳорга.

Шоир “Баракалла” сўзининг моҳиятини шундай таърифлагач, “буни олиш ҳам осону, ҳам қийин” кимда ким қунт, чидам билан ўқиса, ўз устида жиддий, ҳалол ишласа, ҳалол меҳнат қилса ўшаларгина “баракалла” га сазовор бўлади, деб бу сўзнинг қадр-қимматини бадийий тушунтиради.

Пўлат Мўмин “Эҳ, роса ширин экан”, “Ўринбосарлар”, “Алла билан Жалла”, “Холнинг жийрон велосипеди”,

“Жалил эшитган эртак”, “Олтин най”, “Кўча — кўпчилик учун”, “Вақтида бахт топганлар”, “Она кўнгли болада”, “Кўнгил истар яхшилиқ” каби асарлари билан ўзбек болалар адабиётида лирик-эпик жанрни ривожлантиришга жуда катта ҳисса қўшган талантлардан бири сифатида кенг китобхонлар оммасига яхши танилгандир.

Ўзбек драматургиясини ривожлантиришда ҳам Пўлат Мўминнинг муносиб ҳиссаси бор. Унинг “Қовоқвой билан Чаноқвой” эртак-комедияси, “Суқатой-Конфетвой” деб аталган хаёлий-эртак пьесаси кўп йиллардан бери ёш томошабинлар эътиборини қозониб келади. Бу пьесалар Пўлат Мўмин ижодинигина эмас, балки болалар драматургиясининг ҳам катта муваффақияти ҳисобланади.

Булардан ташқари, ёзувчининг Сирдарё вилоят музикали драма театрида “Оқ фил йўқолди” (1972), Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театрида “Баҳодирнинг ботирлиги” (1979) каби асарлари саҳнага қўйилди.

“Қовоқвой билан Чаноқвой” асарининг ғояси эртакларга хос шартли ва мажозий образлар воситасида аниқ ҳам ҳаётий заминга асосланган ҳолда бадиий-тасвирий воситаларда ифодаланади. Ижобий образлар: Пахта бобо, Тарвуз, Қовун, Чаноқвой, Пахтавой, Лавлаги, Шолғомлар билан салбий образлар Қовоқвой, Чигиртка, Капалакларнинг ўзаро тўқнашувлари асар ғоясини очиб беради.

Қовоқвой тимсолида драматург танбаллик, беғамлик, гўллик, лақмалик ва мақтанчоқлик оқибатида текинхўр чигиртка ва капалакларнинг тузоғига осонгина илинади. Улар Қовоқвойга ўз уруғлари солинган тугунчани тутқазиб, қишлоқ хўжалик экинлари орасига сочиб келишини буюрадилар. Қовоқвой, “Кейин нима бўлади?” деб қўрқиб кетади. Шунда капалак: “Атроф гулга тўлди?”, деб жавоб беради. Қовоқвойнинг ишлари кундан-кунга чаппасига кета бошлайди. Энг оддий карра жадвалини билиб олишга ҳам қурби етмайди. Натижада синфда қолади. Қовоқвой Чаноқвой ёрдамида аста-секин ўзгаради. Қовоқвойнинг тарбияланишида Пахта бобо, Чигитой, Ғужумой каби образлар ҳам катта ҳисса қўшади. Аммо Қовоқвойни қайта тарбиялашда Чаноқвой ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Чаноқвой ўзининг ёқимли, хатти-ҳаракатлари, ўртоқларга нисбатан самимий муҳаббати билан ўқувчида муҳаббат уйғотади. Дўстлари, муҳит таъсирида Қовоқвойнинг аста-секин тузала бориши, унинг илғорлар қаторига кириб, меҳнатсеварлик ва ғайратлилик даражасига кўтарилиши билан боғлиқ тортишувлар ва курашлар пьесанинг мазмунини шакллантиради.

Драматург 1969 йилда ўзининг “Суқатой-Конфетвой” хаёлий эртак пьесасини яратди. Асарда ширинликларга ўчлик, баднафслик, иродасизлик, муғамбирлик, текин-хўрлик, ишёқмаслик: (Конфетвой, Суқатой, Нафсвой, Чалавой, Лақма ота, Жанжал хола образларида) каби сифатлар кулгили танқид қилинади. Аксинча, бирдамлик, хавф-қийинчиликлар қаршисида довдирамаслик, аҳиллик, тадбиркорлик сингари фазилатлар Ақилжон, Обиджон образлари орқали шарафланади. Пўлат Мўминнинг пьесаларини театрларда фақат ёш томошабинларгина эмас, катталар ҳам қизиқиб томоша қилишади.

Кичкинтойларнинг эстетик дидларини шакллантиришда муҳим роль ўйнаб келаётган бу пьесалар болалар драматургиясига қўшилган катта ҳиссадир.

Пўлат Мўмин ўз ижодида болалар ва ўсмирларнинг бугунги қувноқ ва мазмундор ҳаётини акс эттириш билан уларни маърифий-эстетик руҳда тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшди. Шунинг учун ҳам Пўлат Мўминни бугунги болалар адабиётининг етук намояндаларидан бири деб айтамыз.

Ўзбекистон халқ шоири Пўлат Мўмин мана қирқ йилдан бери болалар ва ўсмирлар адабиётининг ҳамма жанрларида баракали ижод қилиб келмоқда.

ҚУДРАТ ҲИҚМАТ

(1925-1968)

Ўзбек болалар адабиётининг ривожланишига ва тараққиётига катта ҳисса қўшган шоирлардан бири Қудрат Ҳикматдир. У қисқа, баракали ва сермазмун ижодий фаолиятини кичиктойларга бағишлади. Қудрат Ҳикмат болаларни тўлқинлантирадиган, ҳаяжонга соладиган ажойиб поэтик асарлар қолдирди.

Болаларнинг суюкли шоири Қудрат Ҳикмат 1925 йилда Тошкент шаҳрининг Себзор маҳалласида камбағал деҳқон оиласида дунёга келди. Унинг отаси Ҳикмат ота дастлаб деҳқончилик билан шуғулланиб, сўнгра ҳунармандлар артелида, кейинчалик умрининг охирига қадар (1961) заводда оддий ишчи бўлиб ишлайди. Онаси Муборак ая бўлса (1934) йилда вафот этади.

Қудрат Ҳикмат 1934-44 йилларда Тошкент шаҳридаги 22- мактабда ўқиди. Унинг шеърятга ихлоси мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ кўрина бошлайди. Бўлажак шоир Қуддус Муҳаммадий раҳбарлик қилган адабиёт тўғарагига фаол иштирок эта бошлайди. Бу тўғарак уни адабиёт оламига дадил қадам қўйишида, шеърят “сир” ларини эгаллашида катта роль ўйнади. Унинг адабиёт соҳасига кириб келишида, ижодкор бўлиб эл оғзига тушишида атоқли сўз санъаткорларидан Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун, Миртемир, Қуддус Муҳаммадийлар мураббийлик қилдилар. Уша йиллари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига раислик қилган Ойбек Қудрат Ҳикматни ҳузурига чақириб, унга халқ оғзаки ижодини яхши ўрганиш зарурлигини уқтириб, Ислом шоир ёнига бориб ишлашни маслаҳат берди.

1947 йилда Қудрат Ҳикмат Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан Самарқанд вилояти Нарпай ноҳиясига бориб, Ислом шоир Назар ўғлининг котиби сифатида хизмат қилди. У ердан Қудрат Ҳикмат 1948 йилда Тошкентга қайтиб келади. Шу вақт орасида йигирмадан ортиқ халқ достонини ёд билган Ислом шоир билан ҳамкорлик қилиш ёш шоир Қудрат Ҳикматга катта ижобий таъсир кўрсатди. Кундалик воқеалардан хабардор қилиб янги-янги терма, қўшиқлар яратишга даъват этган содиқ шогирди Қудрат номини Ислом шоир ўз сатрларида мамнун бўлиб тилга олади. Ислом шоир “Юртимиз абадий обод бўлсин деб” шеърини қуйидаги мисраларда тугатади:

Ислом шоир шеърни айтди тил билан,
Қудрат уни ёзди сидқи дил билан,
Ҳар мушкул иш ҳал бўлади эл билан,
Юртимиз абадий обод бўлсин деб.

Орзулар қанотида ижод қилаётган Қудрат Ҳикматнинг биринчи шеърлар тўплами 1950 йилда “Менинг Ватаним” номи билан нашр этилди. Қудрат Ҳикмат шу даврда “Ёш ленинчи” рўзномасида адабий ходим бўлиб ишлаш билан бирга у Тошкент Давлат педагогика институтининг кечки филология факультетига кириб ўқий бошлади.

1951 йилда эса шоирнинг икки китоби — “Бахтли болалар” ва рус тилида “Мы садовники” тўпламлари босилиб чиқади. Китоблардаги шеърларнинг асосий ғояси болаларда ватанпарварлик, яхши ўқиш, илм-фанга муҳаббат туйғуларини тарбиялашдан иборатдир.

Шоир “Бахтли болалар” шеърда болаларни озод, эркин ва бахтиёрлиги ва уларнинг она-Ватанга бўлган чексиз меҳр-муҳаббатларини зўр кўтаринки руҳ билан куйлайди. Қудрат Ҳикмат бу шеърда ҳам ўз услубига содиқ, ўлароқ мисраларни энг кичик вазнда ифодалайди:

Қуёш йўлидай
Еруғ йўлимиз.
Қайга узатсак,
Етар қўлимиз. . .

Гулласин доим
Жонажон Ватан!
Халқимиз учун
Фидо жон ва тан.

Қудрат Ҳикмат кичик ёшдаги болаларни мактабга қизиқтиришни, уларнинг илм-фанга нисбатан бўлган ҳавасини уйғотишни ўзини шоирлик вазифаси деб билди. Масалан, унинг “Китоб — дўстим” шеърини олиб кўрайлик. Шеърда бошдан-оёқ китоб таърифи ётганлигини кўрамиз. Шоирнинг таъкидлашича, кимки китобга меҳр қўйса, астойдил ўқиса, ақли-зеҳни ривожланишини жуда ўйноқи мисраларда ёзади:

Китоб — кенг дунё,
Сўзи нур-зиё.

Қўйсанг меҳрингни,
Очар зеҳнингни.

Шоир китобнинг моҳиятини чуқурроқ очишга интилиб, “Кенг дунё”, “Сўзи нур-зиё” каби истиораларни қўллаб ўз олдига қўйган мақсадига эришади.

“Салом мактаб!” шеърда шоир мактабнинг моҳияти ва улуғворлигини бир бутунлигича китобхон кўз ўнгиде гавдалантира олган. Санъаткор жозибали мисралар тузиб, болалар эътиқодини мактабга тортади, уларни илм-фан асосларини яна мукамалроқ эгаллашга ундайди.

Илму фан боғи,
Ҳаёт булоғи.

Азиз умрнинг
Суянган тоғи.

Шеърдан назарда тутилган энг муҳим масалалардан бири шундаки, мактабдан олган илмни халқ учун, Ватан учун сарф қилиш ҳар бир боланинг муқаддас бурчи эканлиги алоҳида таъкидланади:

Сендан олиб дарс,
Ўзлик ҳар нафас.

Ватан хизмати —
Ўташ бизнинг қарз.

1952 йилда Қудрат Ҳикмат ҳаётида қувончли воқеа юз берди. Яна бир китоби “Бахтиёрлик” номли шеърлар тўплами Москвада нашр этилди. Унинг “Ободлик”, “Бахтли болалар” китоблари шоир номини кенг китобхонлар оммасига танитди.

Қудрат Ҳикмат ижодида “Тинчлик ҳақида қўшиқ” шеъри алоҳида аҳамиятга эгадир. Шоир тинчликнинг моҳиятини бутун борлигича шеърга салади:

Тинчлик жуда соз,
Тўкин-сочин ёз.

Ўқ товуши чиқмас,
Янграб қўшиқ, соз, —

деб боланинг тинчлик ҳақидаги тасаввурини ҳаётий парчалар орқали янада кенгайтиради. Шоир тинчликнинг моҳиятини янада чуқурроқ очиш учун урушнинг ёмон оқибатларини болалар онгига мос равишда кўрсатади:

Бўлса-чи уруш,
Ўт тушар ҳар ён.
Тинч, ширин турмуш,
Бўлади вайрон. . .
Гўзал шаҳарлар,
Ёниб кул бўлар.

На гиёҳ қолар,
На дарё, кўллар.
Бу сира бўлмас,
Халқлар йўл қўймас,
Тинчлик-ободлик,
Ҳеч қачон сўнмас.

Шоир ҳамма, ҳар бир оила, жумладан, Шавкатларнинг оиласи ҳам тинчлик бўлсин деб астойдил хизмат қилаётганини тасвирлаб, тинчлик урушни енгиши муқаррарлигини тасдиқлайди. Шоир бу билан болада жаҳон илғор халқларининг, айниқса, тинчликсевар халқининг куч қудратига зўр ишонч туғдиради, болага тинчликсеварлик руҳини сингдиради.

Қудрат Ҳикмат ҳалол меҳнатни гўзал ҳаёт манбаи, у билан киши ҳурмат, эътибор орттиради деб ифодалайди. Шунинг учун ўз ўзининг кичик китобхонларида ёшлигида-ноқ меҳнат кўникмаларини тарбиялашни асосий вазифа деб билади. “Бувимнинг деганлари” шеърида ўз меҳнати самарасидан хурсанд бўлган кичкинтойлар образини яратади. Буни шоир Санобар образида гавдалантиради. Муаллиф

ўзининг кичкина қаҳрамонидаги интилишни сезиб, уни улуғ ишларга бошлайди. Санобар бувиси билан пилла қурти тутади ва бу ишдан бениҳоя хурсанд бўлади. Бунинг учун унинг севинчи, бувисига бўлган муҳаббати чексиздир. Шоир Санобардаги бу ҳолни:

Санобарнинг вақти чор,
Барг келтирди бир қучоқ, —

деб тасвирлайди.

Буви ҳам Санобарнинг ишидан хурсанд бўлади, энди унинг катта ишларни ҳам уддалай олишига ишонади.

Энди сенга шу сўзим —
Қуртлар кирди даҳага,
Урнак бўлиб ҳаммага
Дастага ҳаракат қил,
Ўз ишининг кўзини бил!

Шоир Санобарнинг бувисидан ўрганган ишининг ижтимоий моҳиятга эга эканини содда мисраларда чуқур очишга эришади:

Бу йил бизлар уч марта Топширамыз пиллани,
Қурт тутиб, мамлакатта — Пилла эмас, тиллани.

Бу шеърнинг ҳар бир мисраси образли ўйноқи мақол сингари тез ёдда қоладиган асарлардан биридир. Бунинг учун юқоридаги парчага, айниқса, “Пилла эмас, тиллани” иборасига қайта нигоҳ ташлаш кифоя.

Шоир бу шеърда болаларни меҳнатсеварликка, Ватан ва халқ олдидаги бурчини муқаддас деб билишга ундайди.

Шоир “Бувимнинг деганлари” шеърдаги ғояни “Уч ўртоқнинг совғаси” асарида яна кенгайтиради. Бу шеърда у болаларнинг давлат ва халқ олдидаги муқаддас бурчини таъкидлайди. Шоир “Нима совға қиласан?”, деган саволни болалар ўртасига ташлайди-да, улар томонига ўтиб, унга яна ўз тилидан жавоб беради. Шоир болалар жавобида уларнинг совғасини кўрсатибгина қолмай, Ватанимизнинг бойлиги, гўзал табиати, порлоқ келажаги ҳақида ҳам тўла тасаввур ҳосил қилади.

Шоир “Нима совға қиласан?” саволига болаларнинг жавобидан янги қаҳрамон ва унинг орзу-истакларини, фазилатларини ифодалайди:

Салмоқланиб Неъмат дер: Кўркамликда ягона,
— Бизнинг колхоз миллионер. Тут кўчатдан юз дона —
Бор унинг катта боғи, Экаман Хол бобомдек. . .
Серҳосилдир тупроғи. Ипак қуртлар баҳр олсин,
 Донғи элга таралсин.

Неъматнинг бу сўзларида ўқувчи кўз олдида миллионер жамоа хўжалиги, унинг каттакон гўзал боғи гавдаланади. Шу билан бирга шоир Неъмат образида тут кўчати экиб, жамоа хўжалигининг донғини ўз меҳнати билан янада кўтаришга ҳаракат қилаётган меҳнатсевар ёшларнинг энг яхши фазилатларини ҳам гавдалантиради:

— Ўртоқлар, — деди Эргаш, —	Дам олиш майдонига,
Боғда ишлаш тагин гашт.	Янги гулхона ясаб
Ҳар хил ранг гуллардан	Ўтқазаман сафма-саф. . .
Танлаб-танлаб улардан	Мана менинг совғам шу.
Мактабимиз ёнига,	Лекин осон эмас бу.

Яна бир бола — Эргашнинг сўзлари орқали эса жамоа хўжалигидаги кўркем мактаблар, ичи тўла қувноқ болаларни кўз олдингизга келтиради. Мактаблар қуриш ва уларнинг атрофини боғзорларга айлантиришдаги кишиларнинг, айниқса, ёшларнинг фаол иштироки Эргаш образида берилади. Шоир “Боғда ишлаш тагин гашт” дейиш билан жисмоний меҳнатнинг улуғлигини кўрсатади. Аммо бунга осонлик билан эришиш мумкин эмаслигини “Лекин осон эмас бу!” деб унинг машаққатли, аммо шарафли иш эканини, бунга чидам, ғайрат билан эришиш мумкинлигини қайта-қайта ўқтиради.

Шоир шеърдаги Неъмат, Эргаш ва Қодиржон образларида давлат ва халқ манфаатларини юксак билган, ўз меҳнатлари билан жамиятнинг яшнаши учун курашаётган замонамиз ёшларининг ажойиб фазилатларини гавдалантирган. “Уч ўртоқнинг совғаси” асарида шоир болаларнинг меҳнатга муҳаббатини оширади, уларда завқланиш ҳиссини уйғотади.

Қудрат Ҳикмат бир неча йил малака ошириш курсида болалар адабиётидан дарс берди. 1957 йилдан умрининг охирига қадар турли нашриётларда муҳаррир, бўлим мудири лавозимида меҳнат қилди. Шоирдан йигирмадан зиёдроқ китоблар қолди.

Қудрат Ҳикмат болаларнинг дилкаш шоирларидан бири эди. У айниқса, болаларнинг меҳнатга муҳаббатларини ошириш учун уларга мос бадиий усуллар қидириб топар эди. Бунинг ёрқин намунаси сифатида унинг “Қовоқлар” шеърини олиб кўрайлик. У қовоқни “Ҳар бири нақ ўғирдай бўлган оймқовоқлар” деб образли таърифлагач, бунинг сабаби меҳнатда эканини шу неъматдан пиширилган таом устида усталик билан очади:

Мантисини қасқондан,
Улашаркан холамиз,
“Меҳнат-роҳат” сўзини,
Дарров эсга оламиз.

“Бахилнинг боғи кўкармас” шеърида бизда кишилар меҳнатига қараб баҳоланади, деган ғояни ҳунарманд Ғиёснинг чиройли шкафлар ясаши туфайли ҳамиша иззат-ҳурмат қилинишини тасвирлаш орқали жонли ифодалайди.

Шоир дўстлик ғоясини ўртоқлик, қардошликнинг кенг доирасида, жаҳондаги турли миллат фарзандлари билан ҳамкорлик, байналмилал туйғулар даражасига кўтариб куйлади:

Тоғажоним ақлли,
Мени яхши кўради.
— Жиян, дўстинг кимлар? — деб,
Учраб бир кун сўради.
Санаб қолдим билдирлаб:
— Мамед, Миша, Ҳалима,

Ли Син, Нуртой, Жонғози,
Яна Катя, Салима. . .
— Жуда маъқул! — дедилар,
Сигмай кетдим теримга.
Апил-тапил кўчирдим,
Шу суҳбатни шеъримга, —

деб, бундай аҳилликни шеър қилиб мақташга арзийди деган хулоса чиқаради ва болаларни ана шу мақтовга сазовор дўст бўлишга ундайди.

Қудрат Ҳикмат “Шу сиз эмасми?”, “Алишер ва китоб”, “Она орзуси”, “Қўмсаш” сингари шеърларида одобли, аълочи, чин дўст, ота-онага меҳр-муҳаббатли, умуман айтганда, болалар эргашса арзийдиган ёшларнинг ёқимтой образларини яратди.

Бадий асар бола онгини ривожлантириш билан бирга унинг тил бойлигини ўстиради, бадий нутқини равон қилади, эстетик дидини оширади. Умуман, унинг характери шакллантиришга ёрдам беради. Шу сабабли боланинг китобга муҳаббатини ошириш энг муҳим тарбиявий воситалардандир. Шоир боланинг китобга бўлган эътиқодини ошириш ниятида “Алишер ва китоб” шеърини ёзди. Шоир бу шеърида бадий китобни жон-дилдан севган бола образини Алишер тимсолида гавдалантиради. Шоир китобга ўчликни боланинг энг яхши фазилатларидан бири деб билади, унинг бу фазилатини таъсирли ва чиройли ифода қилади:

Китобга ўч ўғилчам,
Олтин топган сингари,

Чиқса янги бир асар
Ўқир мендан илгари.

Шоир “Олтин топган сингари” каби чиройли ўхшатишни қўллаб, ўз мақсадини, яъни китобнинг қиммати ва унга бўлган ўғли Алишернинг муҳаббатини кўрсата олган.

Муаллиф кўп китобларни қунт ва чидам билан ўқиш натижасида Алишерда энг яхши инсоний фазилатлар мужассамланганлигини, шунинг учун китобни севиш кераклигини ифодалаш билан бирга, болаларни оддий, содда ва камтар бўлишга чақиради:

Турна қатор саволга
Солдат каби доим шай.

Ҳозиржавоб бўлмасди,
Шунча китоб ўқимай.

Қудрат Ҳикматнинг “Мен “икки” дан қандай қутулдим” шеъри ҳам характерлидир. Бир болага “икки” илашган, бола ундан қутулиш йўлини кўп излайди-ю, аммо чора-тадбир тополмайди. Буни шоир жуда кулгига бой мисраларда жонли тасвирлайди:

“Икки” баҳо ишшайиб,
Чикди партам остидан.

Войдод, борми иложи,
Қутулмоққа дастидан.

Шоир болага бундан қутулиш йўлини кўрсатади. “2” ни йўқотиш фақат қунт, чидам билан китоб ўқиш — дарс тайёрлаш деб қиссадан ҳисса чиқаради:

Сўнгра китоб ўқидим,
Кўтармасдан сира бош.
Шундан буён “икки” нинг

Кўрмайман мен бетини.
Хурсанд бўлиб китобни
Варақлайман бетини.

Қудрат Ҳикмат ўз асарларининг жуда кўпчилигини мактабгача тарбия ёшидаги болаларга атаб ёзди. У ўз асарларида кичкинтойларни қизиқтирадиган, уларнинг билгиси, эшитгиси келган нарса ва воқеаларни уларнинг ёши ва савиясига мос, ихчам, ўйноқи мисраларда тасвирлаб берди. Шоир аввало, болани ўраб олган муҳит билан таништиради, сўнгра аста-секин кичкинтойларни улкан ишлар оламига бошлайди.

Қудрат Ҳикмат “Менинг Ватаним” шеърида меҳрибон она-Ватанининг улуғворлигини кўтаринки руҳ билан тасвирласа, Ватан деган мўътабар сўзнинг том маъносини мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг тушунчасига мослаб уларнинг соя-салқин, озода, оромбахш боғчасини тасвирлаш орқали мана шу жой кичкинтойларнинг улуғ Ватани деб, уни “Боғча” шеърида баён этади:

Ўртоқжон Турғун,
Мен билан юргин.
Бизнинг боғчани
Бир бориб кўргин.

Пушкин боғидек
Гулзор боғимиз.
Қизариб қолди.

Меҳнат — гўзал ҳаёт манбаи, ҳалол меҳнат билан камол топиш, ҳурмат-эътибор орттириш мумкин деган ғоя Қудрат Ҳикмат шеърларида бола тушунчасига мос тасвирланади, уларни меҳнатга бўлган муҳаббатини ёшлигиданоқ камол топтириш кераклигини уқтиради. Масалан, “Бобо ва набира” шеърини олиб қарайлик: мункиллаб қолган чол яхши ният билан кўчатлар ўтқазади, набираси унинг ёнига келиб, шошқалоқлик, сабрсизлик билан бу ниҳоллар катта бўлиб мева қилгунча неча-неча кунлар

ўтади, қўйинг, бу иш зарур эмас-ку, дамингизни олинг, дейди. Шунда:

Бобон бобо унга дер:
— Эшитгин эй, жон болам!
Кўчат эккан тўкиб тер
Менинг ҳам марҳум бобом.
Ўша ниҳол қучоққа
Сирмас энди, мана кўр.

Қараб тўймайсан боққа,
Мевалари тўкин-мўл.
Сендек ўғил-қизларни
Кўриб кўнглим бўлар шод.
Экаман тоқ, беҳчилар,
Мендан қолсин яхши от.

Чол тилидан айтилган бундай панд-насиҳат болани яхши, хайрли ишга даъват этади, албатта. Шоирнинг “Бувимнинг айтганлари”, “Мақтабга кета туриб”, “Боғдаги боғчам”, “Жўжам, юрма лақиллаб” каби шеърларида ҳам боланинг меҳнатга, фойдали ишга бел боғлаши зарурлиги уқтирилади.

Шоирнинг маърифий-эстетик қимматга эга, юксак бадиий ифодаларда яратилган “Мих”, “Устун”, “Шамол ботир”, “Лампочка” каби шеърлари ўзбек болалар адабиётининг тараққиётига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Бу шеърлар танқидчиларимиз томонидан қайта-қайта ижобий баҳоланди ва ижодкор маҳоратини белгиловчи нодир асарлардан бўлиб қолди.

Қудрат Ҳикмат нисбатан қисқа яшаган бўлса-да, умрини сермаҳсул ижод билан ўтказди. Бирор йил йўққи, болалар унинг янги китобини олмаган бўлишсин. У болалар адабиётини китобларининг сони билангина эмас, балки сифати билан ҳам бойитди. Хуллас, у ўзининг сермазмун, болаларбоп, ғоявий-бадиий юксак асарлари билан кенг китобхонлар ўртасида катта ҳурматга сазовор бўлди.

Тиришқоқ, билимдон, истеъдодли шоирдан “Чирчиқ фарзанди”, “Қум отида қовунлар”, “Тошбақалар ҳужуми”, “Бобо деҳқон ҳангомаси”, “Эшак нега ҳанграйди?”, “Илоншоҳ ва унинг амалдори Ари ҳақида эртақ”, “Кўмилган олтин, вайсақи хотин ва тадбиркор овчи қиссаси”, “Човқар” каби дoston, эртақ-dostonлар қолди.

Қудрат Ҳикмат ижоди камолот босқичига дадил кўтарилаётган ва маҳорати ярқираб турган бир вақтда (1968 йил 10 апрель) вафот этди. Аммо унинг ёзган асарлари болаларга ғоявий-бадиий озиқ, маърифий куч, эстетик завқ бахш этаверади. Унинг улкан иши, меҳр тўла қалби шоир яратган шўх-шўх оҳанглик, ўйноқи ва китобхон руҳига жўшқинлик бахш этувчи, бахтли болаларимиздек қувноқ шеърларида мангу қолди:

Олмос менинг юрагим,
Толмас менинг юрагим
Ким айтади шеъримда.
Қолмас менинг юрагим.

ХУДОЙБЕРДИ ТҶХТАБОВ

(1932 йилда туғилган)

Ўзбек болалар адабиётида саргузашт ва фантастика жанрларининг ривожланишига катта ҳисса қўшиб келаётган талантли адиблардан бири Худойберди Тўхтабоевдир.

Худойберди Тўхтабоев 1932 йил 17 декабрда Фарғона вилоятининг Ўзбекистон ноҳиясига қарашли Каттатағоб қишлоғида деҳқон оиласида дунёга келди. Бошқа болалар қатори Худойберди ҳам ҳамқишлоқ болаларга қўшилиб пода боқди, ер чопди, пахта терди, хуллас, қишлоқда бўладиган ҳамма меҳнатларда баҳоли қудрат иштирок этди, ҳаёт нимадан иборат эканлигини ёшлигиданоқ била бошлади. Худойбердининг ўсишига фақат табиат гўзалликларигина эмас, атрофдаги кишилар, оила муҳити ҳам самарали таъсир кўрсатган.

Эндигина мактаб юзини кўрган, ёзиш-чизишни билишга катта қизиқиш билан киришган Худойбердига тўла-тўқис савод чиқариш nasib этмади. Даҳшатли воқеалар — Ватан уруши бошланиб кетди. У фақат Худойбердининггина эмас, балки тинч ижодий меҳнат қилаётган бутун халқларнинг ҳам режаларини бутунлай барбод қилди.

Қўлига қурол олишга қодир барча урушга кетди. Фронт орқасида чоллар, хотин-қизлар, болалар қолди. Худойберди далада кетмон чопди. Ҳисобчилик қилди, машаққатли меҳнат билан суяги қотди.

Даҳшатли уруш тугади, немис-фашист босқинчилари ер билан яксон қилинди. Қайта қуриш, тинч ижодий меҳнат бошланиб кетди. Энди Худойберди ўқиш, саводини чиқариш иштиёқи билан яшар эди. Ундаги бу қизиқишни сезган маҳаллий раҳбарлар уни Қўқон педагогика билим юртига ўқишга юборишади. Бу тўғрида Худойберди Тўхтабоев зўр қониқиш билан шундай деб ёзди, — Менинг у пайтларда фақат тўртинчи синф маълумотим бор эди. Лекин шунга қарамай, биринчи курсга қабул қилишди.

Билим юртида Худойберди Тўхтабоев барча фанларни севиб ўқиди, ўрганди. Аммо унда тил, адабиёт ва тарих фанлари катта қизиқиш уйғотди. Шерий машқлари ҳам худди шу билим масканидан бошланди.

Билим юртини муваффақиятли тамомлаган Худойберди Тўхтабоев она қишлоғида муаллимлик қилар экан унда илмга бўлган иштиёқ, ўзининг маълумотидан қониқмаслиги

сезилиб турар эди. Шунинг учун ҳам у ўқитувчиликни ташлаб, Тошкентга келди, дорилфунунга ўқишга кирди.

Дорилфунунни тугатиб, у Боғдод районида муаллимлик қилди. Илмий бўлим мудирини, директорлик лавозимларида ёшларни илм-фан нурларидан баҳраманд этиш ишларида фаоллик кўрсатди. Шеърини машқлари вақтли матбуот саҳифаларида эълон қилина бошланди. Бу эса бўлажак адибни марказга — Тошкентга ижодий иш билан жиддий шуғулланишга чорлар эди. Шундай ҳам бўлди. У 1958 йилда Тошкентга кўчиб келди. “Тошкент ҳақиқати” рўзномасига ишга кирди.

Аёнки, Худойберди Тўхтабоев болаликдан тўғри сўз, ҳалол, пок ва меҳнатсевар бўлиб ўсди. Рўзномада ишлар экан баъзи нопок одамларни кўриб, уларнинг қилмишларини ҳазм қила олмади. Уларнинг сир-асрорларини фош этишга, эл-юрт ўртасида бундай мунофиқларнинг ярамас томонларини очиб ташлашга қарор қилди. Бу борада унга фельетон жанри қўл келди.

1962 йилда жумҳуриятимизнинг отахон рўзномаси “Ўзбекистон овози”га фельетончи бўлиб ишга ўтди.

Бу ерда ёзилган 300 дан зиёд фельетон унинг бадий сўз устасини эканлигини кўрсатди. У эндиликда ҳикоялар ёзиш ишларини ҳам бошлаб юборди. Бу жиҳатдан “Фельетондан кейин” ҳикояси диққатга сазовордир. Ҳикояда қўш хотинли Ориповнинг ахлоқий бузуқлиги ўз бадий ифодасини топган.

“Хадик”, “Тилхат”, “Она”, “Характеристика”, “Бевақт айтилган азон”, “Домланинг уйига ўт кетди”, “Махсус топшириқ”, “Жонгинам, шартингни айт” каби катталар учун қисса ва ҳикоялар ёзган Худойберди Тўхтабоев эндиликда болалар учун ҳам ҳикоялар ёзишга киришди. Унинг “Биринчи дарахтим”, “Қочоқлар”, “Қизганчиқ”, “Дадажон ёзманг!”, “Келвордим, дада”, “Вали билан Салим”, “Шошқалоқ”, “Яхши-яхши” сингари ўнлаб жажжи, болалар ҳаёти уфуриб турган ҳикоялари ёш китобхонларда катта қизиқиш уйғотиб, уларни шавқ-завққа тўлдириб келмоқда.

Мана мисол тариқасида “Кичкина раис” ни олиб кўрайлик. Адиб бу жажжи ҳикояда болаларнинг она-юрти жонажон қишлоққа нисбатан бўлган меҳр ва муҳаббатларини жуда чиройли берган. Кичкина раис лақабини олган бола ҳали жуда ёш ўқувчи бола. Лекин Фозилжоннинг хатти-ҳаракати, интилиши, пахта далаларини сергаклик билан кўриши, кузатиши, фикр юритиши раисларга хос.

Фозилжонда она заминга, одамларга нисбатан қизиқиш таъсирли чизилган. Кимсасиз, ғирт етим бола атрофдаги

одамлар билан севиниб, қувониб яшайди. Ўзини уларнинг бағрида эркин ҳис этади.

Худойберди Тўхтабоев 1970 йилдан то 1972 йилгача “Гулистон” ойнамасида бўлим бошлиғи бўлиб ишлади. 1972—1977 йилларда “Ёш гвардия” нашриётида бўлим бошлиғи, сўнг бош муҳаррир ўринбосари ва ниҳоят, бош муҳаррир лавозимида меҳнат қилди. Бир неча йил болалар ойнамаси “Гулхан”да муҳаррирлик қилди. Отахон ойнама-миз — “Шарқ юлдузи” да бош муҳаррир ўринбосари сифатида фаолият кўрсатган Худойберди Тўхтабоев 1986 йилдан бошлаб “Ёш куч” — “Молодая смена” ойнамасининг бош муҳарриридир.

Худойберди Тўхтабоевда ёзувчиликка иштиёқ уйғотган ҳам, қобилиятининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган омиллар ҳам, асарларига қайтарилмас ранг ва жило берган нарса ҳам ҳаёт, вақтли матбуот, муҳарририятдаги қайноқ ижодий муҳит, қунт ва чидам билан ўқиш, ўрганиш, ўз устида ишлаш бўлди.

Худойберди Тўхтабоевнинг асарлари рус, украин, бело-рус, озарбайжон, арман, қорақалпоқ, тожик, қирғиз, турк-ман, молдаван, латиш, литва, грузин, болгар, инглиз, фин, немис, югослав, француз, италян тилларига таржима қилинган.

Ҳаётда турли характердаги одамлар кўп бўлади. Биров яхшилик қиламан деб ёмонлик қилиб қўйганини ўзи ҳам сезмай қолади. Биров ўзини жамоат учун ғоят фойдали одамман деб ўйлайди, аслида эса зараркунанда бўлиб чиқади. Яна биров билар-билмас ҳар нарсага аралашаве-ради, ўртага тушади, сўз беради, лекин барибир мен ҳақман, шундай қилишим керак деб билади. Ана шундай кишиларга бағишланган “Жонгинам, шартингни айт” қиссаси Худойберди Тўхтабоевни ҳажвиянавис сифатида кенг китобхонлар оммасига таништирди.

Худойберди Тўхтабоев узоқ йиллар фельетончи сифатида катта ҳаёт йўлини босиб ўтди. Бунда орттирилган тажриба-лар ёзувчига қандай нафлар келтирганлиги ҳақида у шундай дейди: “Узоқ йиллар фельетончи бўлиб ишлаб, кишиларнинг юрак дардини, ҳасратини, шикоятларини қунт билан ўргандим. Шу шикоятларга сабаб бўлаётган шах-сларнинг хатти-ҳаракатларини муфассал билиб олишга интилдим. Даврдан орқада қолган, сарқит деб аталган иллат-лар ботқоғига бор бўйи билан ботиб кетган, молу дунёга ҳирс қўйган шахслар ҳақида талай фельетонлар ёздим. ”Сариқ девни миниб”, “Сариқ девнинг ўлими” номли асар-

ларим ана шу фактларни умумлаштириш асосида юзага келган десам жуда тўғри бўлади”¹.

“Сариқ девни миниб” Маълумки, ҳажвий қиссаларимиз бармоқ билан саналарли. “Калвак маҳсум”, “Тошпўлат тажанг”, “Тирилган мурда”, “Шум бола” дан кейин анча вақт бу жанрда айтарли асар яратилмади. Кейинги йилларда Абдулла Қодирий ва Ғафур Ғулومларнинг аъналарини давом эттириб, бу “бўшлиқ” ни тўлдиришга ҳаракат қилган Худойберди Тўхтабоев таҳсинга сазовор бўлди.

Худойберди Тўхтабоев болалар адабиётининг ўзига хос хусусиятларини яхши билган ёзувчи. У болалар учун асар ёзаётган пайтда албатта, ўз ўқувчисини кўз олдига келтириб ёзади. “Олти ёшли болага айтаётган гапингиз ўн тўрт ёшли ўсмирга айтадиган гапингиздан, албатта, фарқ қилиши керак” деб таъкидлайди. Ёзувчининг болалар ва ўсмирларга атаб ёзган асарларининг улар учун қизиқарли, ўқимишли, жозибали бўлишининг асосий сабабларидан бири ҳам шу. Шунинг учун ҳам Худойберди Тўхтабоевнинг биринчи кулгили-саргузашт қиссаси болалар ҳаётидан олинган “Сеҳрли қалпоқча” тез орада болалар ҳурматига сазовор бўлди ва уни жамоатчилик жуда яхши кутиб олди.

Ёзувчининг кулгига мойиллиги, оддий вазиятлардан ҳам кулги чиқара олиш истеъдоди илгариги асарларига нисбатан бу асарда яна ҳам чуқурроқ сезилди. “Сариқ девни миниб” асарини қизиқарли сюжет асосига қуради. Асарнинг бош қаҳрамони тиниб-тинчимас Ҳошимжондир. Воқеалар Ҳошимжон тилидан ҳикоя қилинади. Ёзувчи Ҳошимжоннинг ҳикояси орқали унинг ҳаёт йўли-саргузаштларини, ўзига хос характерининг шаклланиш жараёнини атрофлича очиб беради. Шунингдек, Ҳошимжон воситасида ҳаётдаги эскилик сарқитларини кескин фош қилиш ҳам туради. Ҳошимжон характерида Хўжа Насриддиннинг ва халқ эртакларидаги “тегирмонга тушса тирик чиқадиган” зукко болаларнинг фазилатлари яққол мужассамланганлигини кўрамыз.

“Сариқ девни миниб” да ўқиш, илм чўққиларини эгаллаш учун ва инсоннинг ўз орзуси, эзгу-ниятига эришиш учун барча имкониятларни яратиб берган ажойиб Ватанимизда яшаб туриб, дангасалик, ялқовлик қилган, яшашда энгил йўл ахтарган ва адашган болалар — Ҳошимжонлар кулги остига олинган.

Ҳошимжон деҳқон оиласидан чиққан, шўхлиги оламни

¹ “Гулхан” ойномаси., 1976 йил, 9-сон.

бузадиган бир бола. Ёзувчи ўз қиссасини асар қаҳрамони билан таништиришдан бошлайди:

— “Танишиб қўяйлик: отим — Ҳошим. Эркалатиб чақирмоқчи бўлсангиз Ҳошимжон, деб айтасиз. Фамилиям — Рўзиев. Рўзивой тракторчининг ўғлиман . . . Икки-уч йилдан буён чўлда бульдозер ҳайдаб ер текислайди . . . Ойим бўлса уйимиздан уч юз метр наридаги фермада сигир соғади. Бир ўзига йигирма тўрт говмиш қарайди. Ўтган йили сутни кўп соққани учун медаль ҳам олган. . .

Катта синглим Ойшахон тўртинчи синфда ўқийди. Ҳовли супуриш, идиш-товоқларни ювиш ўшанинг бўйнида. Ойим уни “Оппоққинам, жонимнинг ҳузури” деб эркалатгани-эркалатган. Ойим уни бағрига босиб суйган куни мен ҳам биқинидан секин чимдиб:

— Пучуққинам, — деб қўяман. . .

Ростини айтсам, ўзим ҳам унчалик ёмон бола эмасмаң. Ақл-ҳушим жойида, одобим ҳам чакки эмас, олтинчи синфнинг интизомли ўқувчилариданман. Бир хил, ҳалиги шўх болаларга ўхшаб, кун бўйи кўча чангитиб юрмайман. Яшириб нима қиламан, кўча чангитиб юргандан кўра командага бўлиниб олиб, тўп тепган ёки холироқ жойга, масалан ойинг ҳарчанд чақирса ҳам овози етмайдиган жойга бориб олиб чиллак ўйнаган минг марта яхши.

— Ҳошим! — деб чақиради баъзан ойим.

— Лаббай, ойижон?

— Томдан ўтин ташлаб бергин.

— Хўп бўлади, ойижон, — дейману, секин у ёқ-бу ёққа қарайманда:

— Ойша! — деб қичқираман.

— Лаббай, акажон?

— Томдан ўтин ташлаб бергин.

— Хўп бўлади, акажон, — дейди Ойша. Шундай демаса, ишлар чатоқ. Оч биқинига мушт келиб тушади. Ишқилиб, ойимнинг гапини ҳеч ерда қолдирмайман. Айтганини ўзим бажармасам, биров орқали бажараман. Аслини олганда ўзинг бажаришинг шарт эмас, фермамизнинг мудури Сирожиддин ака нуқул шунақа қилади. Раисдан бирор топшириқ олиб келса аъзоларига топширади. Сиз қанақалигингизни билмайману, лекин мен ҳам мудирликка ўхшаш ишларни яхши кўраман. Шу ўйнайверсанг-ўйнайверсанг, сенга тегишли ишларни бировлар бажараверса-бажараверса. . . “

Кўриниб турибдики, ёзувчи қисса қаҳрамони Ҳошимжонни табиатан кулдирувчан, қизиқчи роқ, топиб, билиб гапирувчи, жўн гапларга ҳам тўн кийдириб юборадиган, нутқи ҳазил-мутойиба, киноя-кесатиқларга

ниҳоятда бой бола эканлигини очиқ-ойдин тасвишлаб, ўқувчи диққатини Ҳошимжон саргузаштини билишга тортади.

Ойиси чақирганда “Лаббай, ойижон”, иш буюрганда “Хўп бўлади, ойижон” деб туради. Ўзи таърифлаганчалик интизомли бола эмас, муғамбир, шўхлиги оламни бузадиган бола, укаларига кун бермайди. Меҳнатга тоби йўқроқ, иш буюрса уни осонлик билан бемеҳнат бажариш йўллариини излайди. Ойисининг гапини ҳеч қачон ерда қолдиргиси келмайди, аммо бу ишни ҳам сингилларига буюради, борди-ю, улар бажармаса ишлари чатоқ — оч биқинига мушт келиб тушади. Ўқишга ҳам хафсаласи йўқ. Ҳошимжон Ориф билан бир партада ўтириб ўқийди. Ориф ҳар қандай масалани кўз очиб юмгунча ишлаб ташлайди, Ҳошимжон ҳам бўш келмайди, кўз очиб юмгунча ундан кўчириб олади. Фақат бу билан кифоя қилмайди, директор номига қийин дарсларни жадвалдан чиқариб ташлаш ҳақида ариза ёзади. Ҳошимжоннинг бу хатти-ҳаракати мактаб директори ва ўқитувчилар-у ҳам онасининг қаршилигига учрайди. Аммо у фикридан воз кечмоқчи эмас. Унинг меҳнатга сира тоби йўқ, ҳар соҳада ҳар доим осон йўл қидиради, у ҳамон ўқимасдан, меҳнат қилмасдан шуҳрат ва мартабага эришишни ўйлайди.

Хуллас, Ҳошимжон ҳаётдаги кўп нарсага меҳнатсиз, қийинчиликларсиз осон йўл билан эришгиси келади. У меҳнатсиз ва илмсиз ҳам киши истаган нарсага эриша олиши, катта обрў орттириши мумкин деб ўйлайди.

Ҳошимжон муддаосини амалга ошириш учун бувиси айтиб берган эртақдаги сеҳрли қалпоқчани излашга тушади, узоқ изланишлардан кейин истаган ишини ҳеч қандай машаққатсиз бажаришга ёрдам берадиган сеҳрли қалпоқчани ташландиқ молхонадан топиб олади. Энди у ўз орзуларига батамом эришадигандай ҳис этади ўзини. “Ортиқча” фанларни дарс жадвалидан чиқаришни рад этган директор, ҳар хил вазифалар бериб “миясини қотирадиган” ўқитувчиларига ўқимасдан ҳам ҳар қандай касб эгаси, машҳур одам бўла олиш, кўкрак тўла орденлар билан шон-шуҳратлар, катта обрўга эга бўлиш мумкинлигини кўрсатиб қўймоқчи бўлади ва шу мақсадда сеҳрли қалпоқча билан сафарга чиқади. Шундан сўнг унинг саргузаштлари бошланади.

Минг афсуски афсонавий сеҳрли қалпоқча бу борада Ҳошимжонга кўмак беролмайди. Сеҳрли қалпоқча муҳайё этган имкониятлар ҳар сафар кутилмаган кўнгилсиз оқибатларга олиб келаверади, Ҳошимжоннинг бахти энди кулай деб турганда ишнинг пачаваси чиқиб қолаверади. У агроном бўлиб ҳам, “шоирлик қилиб” ҳам, қурилишда муҳандислик

қилиб ҳам, қўғирчоқ театрида артистлик қилиб ҳам кўради, машҳур саёхатчи сифатида бутун дунёни кезмоқчи ҳам бўлади. Лекин ҳамма ерда илмнинг, тажрибанинг йўқлиги ишнинг пачавасини чиқараверади. Ҳошимжон қаерга бормасин, қандай иш қилмасин, пировардида шармандаи шармисор бўлади. Унинг қилмишлари жиноятга олиб келади, қамалишига сал қолади, шоир бўламан деб расво бўлади, “улуғ артист” театрдан қувилади, географияни билмаганлиги учун сайёҳликка олинмайди.

Қиссанинг биринчи қисмида сафарга чиқади. Қанчадан-қанча ажойиботларнинг, ғаройиботларнинг гувоҳи бўлиб, қизиқ кулгили саргузаштларни бошидан кечириб, “ўқимасдан агроном бўлмоқчи” бўлади, лекин у ҳеч нарсага эриша олмайди. Чунки унга илмсизлиги панд беради.

Асар қаҳрамони нуқул бемаънигарчиликлар билан шуғулланавермасдан хайрли ишлар ҳам қилади, кишиларга яхшилик қилишни истади, сеҳрли қалпоқча ёрдамида кишиларни алдаб кун кечирувчи фолбинларнинг бутун сирларини фош этади, олғир, порахўр меҳмонхона ходимларини калака қилиб саросимага солиб қўяди, туҳматчиларнинг жазосини бериб қўяди. Театр ходимларидан Карим ака доим кишилар устидан туҳмат гапларни тарқатиб юради. Ёзувчи бундай кишиларнинг адабини бериш йўлини ҳам болалар савияси ва ёшига мос, қизиқарли усулини ҳам топа билди.

Қиссанинг иккинчи қисми деярли кўпчилиги диний ақидалар ва шу дин ҳомийларининг кирдикорларини фош этишга бағишланган. Қиссада жуда жонли ва таъсирли чиққан Данақ қори, Бодом қори ва Ёнғоқ қори образлари ёзувчи учун дин аҳли орасида ҳам мавжуд бўлган тамагирларни фош қилиш учун восита бўлиб хизмат қилади.

Ёзувчи Ҳошимжонни ҳам болаларнинг сеvimли қаҳрамонлари Шум бола, Гулливер, Робинзон Крузо, Том Сойерлар қаторига олиб киради. “Сариқ девни миниб” асари дунёга келиши билан ёзувчига мамлакатимизнинг турли бурчакларидан хатлар кела бошлади. Бу хатларда ёзувчига чексиз миннатдорчилик, китобдан олган таассуротлар ҳақида ёзишарди.

“Сариқ девни миниб” қиссасидаги мактаб директори Отажон Азимович, қурувчи Саид ака, қўғирчоқ театрининг директори Сарвар Мираъзамов образларига кам ўрин берилган бўлса ҳам улар анча пишиқ чиққан. Ёзувчи бирикки лавҳа билан улар қиёфасини белгиловчи асосий хусусиятларини кўрсата олган.

Қиссанинг учинчи қисмида Ҳошимжоннинг мактабдаги саргузаштлари ҳикоя қилинади. Кўп ҳангомаларни бошидан кечириб, асар охирида орзу-ҳавасларга элтадиган

чинакам йўл ҳалол меҳнат, яхши одоб ва қунт билан ишлаш ҳам ўқишда эканлигига тўла ишонч ҳосил қилади.

Ёзувчи қиссада жуда муҳим ғояни — билимсиз, тажрибасиз киши ҳеч нарсага қодир эмаслигини жуда яхши оча билган. Энг муҳими, Худойберди Тўхтабоев ўзбек болалар романчилигини саргузашт-фантастик тури билан бойитиб, муҳим иш қилди.

“Сариқ девнинг ўлими”

Бу асар Худойберди Тўхтабоевнинг саргузашт роман ёзишда қалами тобора нозиклашаётгани, камолот сари дадил одимлаётганидан далолат беради. Бу саргузашт роман ҳам уч қисмдан: “Ўртоқ полковник”, “Сариқ девни қувиб”, “Сариқ девнинг ўлими ёки олам гулистон бўлгани”дан иборат. Бу роман асосида ҳам Ҳошимжоннинг саргузаштлари ётади. Китобни ўқиб унинг янги саргузаштларидан хабардор бўласиз, сеҳрли қалпоқча яна мададга келади, ажойиб-ғаройиб кароматлар кўрсатади. У Ҳошимжонга жиддий масалаларда ўғри, муттаҳам, текинхўрларни фош этишда ёрдам беради.

Эндиликда Ҳошимжон айнан аввалги ўйинқароқ Ҳошимжон эмас, балки саккиз йиллик мактабни битириб, улғайиб, бирмунча қуюлиб, эси кириб, оқ-қорани таниб қолган йигитча. Энди у ўз ҳаёти, тақдири, жамиятга фойда келтирадиган одам бўлиб етишиш ҳақида жиддий ўйлайди, бирор касб эгаллаш ҳақида бош қотиради. Бошда сартарош бўлади. “Биласиз-ку, бир ишга аҳд қилсам, уни охирига етказмагунча қўймайдиган одатим бор. Жонимни қийнаб бўлса ҳам мақсадимга эришаман”, деб шу касб орқали одамларга хизмат қилишга бел боғлайди. Кейин милиция мактабига кириб ўқиб, уни битиради сўнг милиционерликка ишга ўтади. Китобдаги барча воқеа-ҳодисалар, саргузаштлар Ҳошимжоннинг ана шу милиционерлик нуқтасидан бошланади, ҳамма гап-сўзлар қаҳрамоннинг шу касб-кори билан боғлиқ ҳолда давом этади.

Худойберди Тўхтабоев чайқовчи, порахўр, юлғичлар афт-ангорини, кирдикорларини яхши билади. У рўзномада фельетончи бўлиб ишлаган чоқларида кўп марта бундай жиноятчилар билан учрашган ва тўқнашган, уларнинг сиру асрорини фош этувчи ўткир фельетонлар ёзган. Ўша йиллар тўпланган тажриба, бой ҳаётий материаллар, кузатишлар билангина қаноатланиб қолмай, бир неча йил мобайнида милиционерлар ҳаётини, уларнинг чайқовчилар, жиноятчилар, порахўрлар, турли юлғичларга қарши курашларини синчиклаб ўрганади. Бу роман милиция сафида қирқ йилдан ортиқроқ хизмат қилган, саховатли қалб эгаси, баркамол бир инсон марҳум полковник Раҳимжон ака Отажонов хотирасига бағишлангани бежиз эмас. Ана шулар

асосида тўпланган тажрибалар, кузатишлар, бой ҳаётий материаллар ушбу асарга асос солган.

Ёзувчи бу асарида китобхонни бугунги милиционерларнинг амалга ошираётган улкан ишлари билан таништиради, уларнинг шарафли ва машаққатли ҳаётини акс эттиради, чайқовчи, порахўр, юлғичларнинг кирдикорларини кескин очиб ташлайди.

Романда яхшилик, эзгулик рамзи сифатида милиция полковниги Салимжон, унинг мададкори Ҳошимжон; ёмонлик, эскилик рамзи тарзида Одил баттол гавдаланади.

Улар ўртасида тинимсиз шиддатли кураш кетади. Одил ниҳоятда маккор, у Салимжон бошига жуда кўп оғир савдолар солган, уйига ўт қўйган, унинг якка-ёлғиз фарзандининг қўлига тўппонча тутқазиб жиноятга етаклаган, эл орасида Салимжонни шарманда қилмоқ, кўксига пичоқ урмоқ пайида юради.

Салимжон Ҳошимжон сингари ижобий қаҳрамонларнинг Одил баттолларга қарши кураши асарнинг ғоявий зиддиятини ташкил этади, пировардида бутун умри халққа, яхши одамларга зарар етказиш билан шуғулланган Одил баттол ва унинг ҳамтовоқлари қонуний мағлубиятларга учрайди, ҳақиқат, адолат, эзгулик ғолиб чиқади.

Худойберди Тўхтабоев ўз романида юлғичларга, қаллобларга қарши курашда бутун халқ бир кишидай бўлиб бирлашса, бу ишни бутунлай ўз қўлига олса, Одил баттолларга қирон келади, улардан ном-нишон ҳам қолмайди, деган фикрни ўртага ташлайди.

“Сариқ девни миниб” қиссаси ва “Сариқ девнинг ўлими” романининг энг яхши фазилатларидан бири тилининг шираторлиги ва ўйноқилигидадир. Ёзувчи бош қаҳрамон Ҳошимжоннинг тилини алоҳида эътибор билан ишлаган. Бу тил нозик қочирмаларга бойлиги ва жонлилиги, шу билан бирга болалар тилига мос содда, ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Қаҳрамоннинг характери унинг сўзларидан шундоққина билиниб туради.

Фантастик-саргузашт жанри болалар адабиётининг энг қизиқарли жанрларидан биридир. Бундай асарлар болаларнинг онги ва руҳиятига кучли таъсир кўрсатади, уларни ўқишга, ўрганишга, изланишга ўргатади, бугунги жамиятнинг фаол қурувчиларини тарбиялашга ёрдам беради.

Талантли болалар адиби Худойберди Тўхтабоевнинг “Беш болали йигитча”, “Йиллар ва йўллар”, “Ширин қовунлар мамлакати ёки сеҳргарлар жанги” каби йирик романларининг юзага келиши ўзбек болалар адабиётининггина эмас, балки жаҳон болалар адабиётининг ҳам катта ютуғидир.

ЛАТИФ МАҲМУДОВ

(1935 йилда туғилган)

1935 йилда Тошкент шаҳрида дунёга келган. Тошкент Давлат дорилфунунини тамомлагандан сўнг 20 йил Ўзбекистон радиосида меҳнат қилган ва айни кунларда “Камалак” нашриётида ишлаётган Латиф Маҳмудов 1961 йилда ўзининг илк китоби — “Чинор” ҳикоялар тўплами билан болалар адабиётига кириб келди. Ана ўшандан бери у ҳам насрнавис, ҳам драматург сифатида болалар қалбига қувонч бағишлаб келмоқда.

Латиф Маҳмудовнинг қаҳрамонлари ўқишда, жисмоний меҳнатда, аҳилликда, оққўнгилликда, бир-бирларига ғам-хўрлик ва меҳрибонликда жаҳон болалар адабиётининг ота-хони Аркадий Гайдар қаҳрамонларини эслатади. Бир сўз билан айтганда, Латиф Маҳмудов болалар ҳаётини, эзгуниятини, уларнинг педагогик ва руҳий хусусиятларини обдан яхши билганлиги учун унинг ҳар бир асари, қаҳрамони болаларбоп чиқади, ёш китобхонни нимагадир даъват этади, ўргатади.

А. М. Горький санъатнинг қиммати сон билан эмас, балки сифат билан ўлчанади, — деб таъкидлаган эди. Ҳаёт ва ижодда ўта камтарин бўлган Латиф Маҳмудов унинг даъватига қўшилгани ҳолда асарларининг сонига эмас, ҳар доим унинг сифатли чиқишига, бадиий жиҳатдан муҳтасар, пухта, ўқимишли, ҳозиржавоб бўлишига эришишга ҳаракат қилади ва уддасидан чиқади.

Латиф Маҳмудовнинг ижоди, унинг ўз китобхонига бўлган меҳри, масъулияти ҳақида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, Ўз ФА мухбир аъзоси Салоҳиддин Мамажонов шундай ҳикоя қилади: 70- йиллар С. Мамажонов Ўзбекистон телевидениеси томонидан ташкил этилган “Ёзувчилар — болаларга” телевизион эшиттиришларини олиб бораётган бир пайтда навбат Латиф Маҳмудовга келганда у эътироз билдиради, телевизорга чиқишдан бош тортади. “Мен ҳали бирон арзигулик асар ёзганим йўқ, китобхонлар олдига нима деб чиқаман”, деб рози бўлмади. Режамиз бузилди, ниятимиз амалга ошмади, мен ачиниб қолдим. Нега деганда, Латиф адабиёт даргоҳида ўн-ўн беш йилдан буён бетиним қалам тебратиб келар ва ўз ўқувчисини топа бошлаган эди . . . Латиф бу вақтда катталар учун аталган учта ҳикоялар китобини нашр қилганди. “Чинор”, “Икки ўртоқ”, “Шўх

дарёнинг сирин”, “Болалар шодлиги” китоблари эса болалар қўлига етиб борганди. Латиф ҳикоянавис сифатидагина эмас, айни чоқда, қатор драматик асарлар муаллифи бўлиб ҳам танила бошлаган эди. 1964 йилда Латифнинг “Қирғай олиб қочган бола” саҳна асари Наманган ва Қарши театрларида қўйилди. Жумҳурият ёш томошабинлар театрида эса унинг “Сирли хат”, “Али-Вали” комедиялари намойиш қилинганди. Агар “Али-Вали” етти йилдан буён саҳнадан тушмаётган бўлса, “Дангасанинг ҳоли вой” асари Андижон кўғирчоқ театрида 500 мартадан кўпроқ қўйилди. Москвада “Беркут” (1965) номли китоби босилганди, 1971 йилда “Ёш гвардия” нашриёти Латиф Маҳмудовнинг қисса ва ҳикоялардан ташкил топган “Икки дангасанинг саргузаштлари” деган каттагина китобини босиб чиқарди.

Мана шу далилларнинг ўзиёқ унинг болалар адабиётида ўзига хос муносиб ўрин олаётганлигидан далолат беради. Латифнинг эшиттиришга кўнмаганлиги менда унга нисбатан яна катта ҳурмат ва ишонч уйғотди. Латифнинг енгил шон-шуҳратга интилмаслиги (битта китобча чиқариб кўкрагига уриб шуҳрат кетидан қувганлар учрамайди дейсизми!), ижодга ғоят масъулият билан қараш ва китобхонни чуқур ҳурмат қилиши мени қувонтирди¹.

Салоҳиддин Мамажонов айтганидек, у болаларга бағишлаб ёзган ҳар бир катта-кичик асарларини узоқ вақт, пишиқ ва пухта қилиб ишлайди. Бу адибнинг биринчи тўплами — “Чинор” да ўз аксини топган.

Ҳикоя қаҳрамонлари Салим бобонинг ҳар куни эрталабдан кечгача чинорнинг тагида ўтириши уларга жуда бошқача туюлади. Гўёки бу ерда — чинор остида қандайдир бир яширин сир бордек туюлади уларга.

Маълумки, болалар ҳар бир нарсага қизиқувчан бўладилар. Улар ўзлари учун номаълум бўлган оламнинг сирасрорларини тезроқ билиб олишга, унинг охирига етишга интиладилар. Шокир ҳам, Вали ҳам ана шундай болалар тоифасидан. Шунинг учун улар чинор ва унинг остидаги супага жуда қизиқиб қоладилар. Салим отанинг супада кечаю кундуз ўтириши уларни ҳайратга солади.

Аслида чинорда ҳам, супада ҳам ҳеч қандай сир-пир йўқ эди. Бобонинг якка ёлғиз ўғли бўлиб, у шоиртабиат бўлган. Бир вақтлар шу чинор олдида бир аёл анҳорга қулаб тушади. Уни Салим отанинг ўғли анҳордан олиб чиқади. Аммо ўзи анҳордан чиқа олмай, сувга чўкиб ҳалок бўлади. Шу са-

¹ С. Мамажонов. Эзгу ният йўлида. “Ёш гвардия”, Тошкент, 1978, 100-бет.

бабли чол чинор тагида, супа устида узоқ ўтириб, ўғлидан қолган ёдгорлик — унинг китобини қайта-қайта ўқийди.

Бундан беҳабар бўлган болалар ғор қазиб, бу ердаги сирни билиб олмоқчи бўладилар. Кутилмаганда болаларнинг ғори ўпирилиб, супа қулаб тушади. Бу ерда ҳеч қандай сир ҳам, тарих ҳам йўқ эканлигини билган болалар, айниқса, бобонинг супа ўпирилиб тушгандан кейинги ҳолатини кўриб, ўзларини ўзлари кечира олмайдилар. Чол эса уйдан чиқиб, супа томон юрар экан: “. . . чинордан ўн-ўн беш қадам нарида, анҳор бўйида ўрани кўриб қолди, тўхтади, энгашди, ҳассасига таяниб худди сурат олдираётгандек қимир этмай туриб қолди. Анчадан кейин бошини кўтариб, кўз олди жимирашиб кетди, ойнагини артмоқчи бўлганди, қалқиб кетиб, анҳорга тушириб юборди. Қалтираб анҳор ёқасига чўккалади. Енгини шимариб, ойнагини қидира бошлади. Бироқ чуқур, қўлини тортиб олиб, ҳассасини сувга тиқиб кўрди. У ҳам етмади. Ойнак аллақачон оқиб кетган эди. Салим бобо сувга қараб анча ўтирди. Кейин секин ўрнидан турди. Чинорнинг тагига бир қараб, қоқила-қоқила уйига қараб кетди”.

Қариянинг бундай аянчли аҳволдан ва айниқса, бу воқеадан кейин унинг касал бўлиб қолишидан болалар қаттиқ изтироб чекадилар. Бу ишда фақат ўзлари айбдор эканликларидан уяладилар. Қандай бўлмасин, чолга таскин беришга, унга ҳар томонлама кўмаклашишга, ёрдам беришга ҳаракат қиладилар.

“Чинор” ҳамон севиб ўқилади, болаларни яхшиликка, кексаларга кўмак беришга, ажойиб инсон бўлиб камол топишга даъват этиб келмоқда.

Кимки жисмоний меҳнатга берилса, жисмоний тарбия ҳамда спорт билан ошна бўлса, у ҳаётда соғлом ва тетик бўлади, олдига қўйган ният-мақсадига эришади, тенгқурлари ўртасида обрў-эътибор қозонади. Ёки аксинча. . .

Ёзувчи Латиф Маҳмудовнинг “Дарвозабон” ҳикоясининг қаҳрамони Ориф юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, иккинчи тоифадаги болаларга киради.

Кўпчилик болалар турли дам олиш масканларида ёзги таътилни кўнгилдагидек ўтказиб, спорт билан шуғулланиб, янги куч-қувват тўплайдилар, ҳар томонлама чиниқадилар.

Ориф-чи? У на жисмоний меҳнат қилади, на спорт билан шуғулланади, на бадий китоб ўқийди. Кечаси-ю кундуз овқат еб, хомсемиз бўлиб қолганлигини Латиф Маҳмудов болаларга таъсир қиладиган даражада тасвирлаб беради.

Ҳикоянинг айниқса, қуйидаги мисраларини ўқиган ҳар бир ёш китобхон Орифнинг бу қиёфасидан қаттиқ кулади ва ўзи ҳам шу кўйга тушиб қолмаслик учун ҳаракат қилади:

“. . . қўшни кўча футбол командаси билан сайҳонликда

учрашув бўлди. Ориф дарвозабон эди. Ҳайинга аралашмай қўя қол, десак ҳам "мен бу учрашувга атайлаб куч йиққанман" деб туриб олди. Ноилож кўндик.

Шу куни рақибларимиз дарвозага ўн тўрт тўп киритишди. Ориф Нишонов копток тутаман деб ҳар гал коптокдан олдин ўзи думалаб дарвозага кириб кетар эди".

Латиф Маҳмудовнинг чет эл болалари ҳаётидан олиб ёзган ҳикоялари ҳам бир талай. Бу ҳикояларда баъзи капиталистик мамлакатлардаги болаларнинг аянчли аҳволи ҳикоя қилинади.

Латиф Маҳмудов ҳикоялари мавзу жиҳатдан ранг-баранг. Уларнинг ҳаммасида болалар қайноқ ҳаёти уфуриб туради. Адибнинг деярли барча ҳикояларида болаларни қизғанчиқ бўлмасликка, катта-кичikka меҳрибон, ғамхўр бўлишга чақириш ("Бир пуд тош"); озода бўлиш, гигиена қонун-қоидаларига амал қилиш ("Қойил қилишди"); ҳалол, пок, тўғрисиўз бўлиш ("Аттанг"); кўчат экиш, боғ-роғларни парваришлаш ("Гилос"); она табиатни асраш, авайлаш, унга фидойилик кўрсатиш ("Қирғай", "Мусича"); давримизга муносиб касб-кор эгаси бўлиш ("Шокирнинг тоғаси") каби болаларни қизиқтирадиган, уларни ҳаяжонга соладиган, тўлқинлантирадиган масалалар ётади.

Латиф Маҳмудов ўзбек болалар адабиётида қисса жанрини ривожлантиришга ҳам катта ҳисса қўшиб келаётган талантили адиблардан бири ҳисобланади. Адибнинг "Эски дуторнинг сирлари", "Тоғдаги лолалар", "Тоғда отилган ўқ", "Икки дангасанинг саргузаштлари" каби қиссаларини ўқимаган ёш китобхон топилмаса керак.

Адиб ўз қиссаларида болаларнинг ҳаётларини, эзгу-ният, орзу ва интилишларини ёзади. Қиссаларда аъло ва яхши ўқишга интилиш, жисмоний тарбия ва спортга берилиш, катталарни ҳурмат қилиш ва кичкинтойларга ёрдам қўлини чўзиш, меҳнатсевар ва она-Ватанга фидокор бўлиб камол топиш каби масалалар ётади.

Адибнинг энг жозибали, болалар қалбини ўзига ром этадиган қиссаларидан бири "Икки дангасанинг саргузаштлари" дир.

Қисса қаҳрамонлари — Мирвали, Ботирлар оддий, бошқалардан фарқ қилмайдиган болалар, аммо хатти-ҳаракатлари, интилишлари бир жаҳон. Иккаласи ҳам ёмон ўқувчилардан эмас. Хулқ-одоблари ҳам бошқаларга манзур бўладиган болалардан.

Ҳамма гап адабиёт муаллими Алижон Валиевичнинг Ботирнинг дадасига мактуб ёзиб беришидан бошланади.

Алижон Валиевичнинг болалар маъқул кўрмайдиган бир

одати бор. Буни Мирвали тилидан берилиши янада ишончли чиққан: “Сиз Алижон Валиевич жуда баджаҳл одам экан, деб ўйламанг. Алижон Валиевич бировга қаттиқ гапирмайди, уришмайди, қовоғини ҳам солмайди. Ҳатто айбингизни ҳам айтмайди. Гуноҳингиз оғир бўлса икки элик хат ёзиб конвертга солади, яхшилаб елимлайди, сизнинг оппоқ оқариб кетаётганингиздан завқланиб беларволик билан қўлингизга тутлади. . .

— Шуни дадангизга бериб қўйинг”.

Ботир ўқитувчининг қўлидан мактубни олар экан, даҳшатга тушади, нима гуноҳ иш қилиб қўйганини билмай ўй-хаёлга ботади.

Ҳамфикр, дўст, сирдош, юрса-турса бирга бўладиган Мирвали билан ўқишда, юриш-туришда йўл қўйган хатоларини хўп ўйлашади. Маълум бўлишича, улар кунлардан бир кун чолларга салом бермай ўтишган, қачонлардир танаффусда бир марта ўқитувчиларидан яшириб папирос чекишган, дарс тайёрамай келишганда синфдошларидан уйга берилган вазифани кўчиришган. Аммо булар хатга асосий сабаб бўлмаслиги мумкин деб ўйлашади.

Болалар руҳиятини яхши биладиган Латиф Маҳмудов ўқитувчи таърифига катта баҳо беради. Алижон Валиевич образини жуда ишончли қилиб чизади. Ботир юрса-турса ўқитувчи — устози уни кузатиб тургандек бўлаверади:

“ . . . Назаримда кўчада юрсам елкамдан, уйда китоб ўқиб ётсам шипдан қараб турганга ўхшайди” деб болани ҳаётга янада масъулият билан қарашга ўргатади.

Латиф Маҳмудов қиссада тимурчилик ҳаракатига ҳам алоҳида муҳаббат билан муносабатда бўлади. Ўқитувчининг мактубини олган болалар ўзлари йўл қўйган хатоларни қидира бошлашади ва гуноҳларини ювиш мақсадида ўткинчи бир чолнинг қопини кўтариб унинг уйига олиб бориб беришади. Бу каби лавҳалар ёш китобхонда катта таассурот қолдиради.

Икки дўст нима бўлганда ҳам ўқишни бўшаштирмасликка ҳаракат қилишади.

Кейинчалик мактубдаги:

“— Заводингизга экскурсия уюштирмоқчимиз, пахта териш машинаси ҳақида гапириб берсангиз”, қачон борсак бўлади деб сўраган хат мазмунидан хабардор бўлган икки дўст териларига сиғмай қувонишса-да, аммо ўз хато ва камчиликларини тузатиб олганликларидан беҳад шод бўладилар.

Шу нарса қувончлики, қиссада хатоларсиз яшаш ҳар бир

бола учун катта бахт эканлиги китобхон кўзига ярқ этиб ташланиб туради.

Латиф Маҳмудовнинг “Чўққидаги лолалар” қиссасида ҳам ғаройиб, фавқулодда ва ғоятда қизиқарли воқеалар ҳикоя қилинади. Қиссада сирли йўловчилар ҳам, шаҳар ҳовлиларидан бирида содир бўлган ғалати воқеа ҳам, дом-дараксиз ғойиб бўлишлар ҳам, антиқа излашлар ҳам бор. Қиссага Қизбулоқ ҳақидаги афсона ниҳоятда табиий сингдириб юборилган. Ана шу боисдан ҳам қисса қизиқиб ўқилади.

Латиф Маҳмудов ўзбек болалар насрида саргузашт жанрини ривожлантиришга ғоят катта ҳисса қўшиб келаятган адиблардан бири ҳисобланади. “Чўққидаги лолалар” шу жанр меваси ҳисобланади. Унда бошдан-оёқ болаларни ўзига ром этадиган воқеа ва саргузаштлар ётади.

Аммо, шубҳасизки, гап фақат саргузаштлардагина эмас. Қиссанинг аҳамияти, муҳим жиҳати — у яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги кураш хусусида, янги ҳаёт ҳақида, ақлли, заковатли, тиришқоқ, қалбдан саҳий, меҳридарё кишилар—катталар ва болалар ҳақида ҳикоя қилади.

Қисса саҳифаларида турли-туман ўғилу қиз болалар, бизнинг замондошларимиз гавдаланади. Булар Равшан ва Асқар, Шаҳло ва Мунира, Озода ва Нортожилар. Улар сира бир-бирларига ўхшамайдилар, феъл-атворлари ва истак-майллари турлича, аммо уларни бир нарса—ҳалоллик, садоқатли, чинакам дўстлик бирлаштириб туради.

Катталар — Мўминжон, Мулладўст, уста Ашир образлари ҳам муваффақиятли чиққан.

Латиф Маҳмудов нозиктаъб, хассос ижодкор, у инсон характери, кайфиятининг турфа хил қирраларини маромида тасвирлашни жуда яхши уддалайди.

“Латиф Маҳмудовнинг, — деб ёзади Сергей Баруздин, — “Чўққидаги лолалар” қиссасини ўқир эканман, бу шоир битган проза асари-ку, деган фикр ҳаёлимдан нари кетмади”. Зотан, ушбу таассурот бежиз эмас. Латиф Маҳмудовнинг ўз асарлари қаҳрамонлари билан муносабатида қандайдир ўзгача бир илиқлик, тасвир оҳангида самимият акс этиб туради. Айнан шу нарса асар қаҳрамонларини жонли, ҳаётий ва тўлақонли тасаввур этишга имкон беради. Ёш китобхонларнинг адиб асарларини нима учун бунчалик севишларининг боиси ҳам ана шундадир.

Адиб кейинчалик бу асарини қайта ишлаб, “Қопга яширинган одам” романини яратди.

Латиф Маҳмудов ўзбек болалар адабиётида драма

жанрини ривожлантиришда катта роль ўйнаб келаётган санъаткор сифатида ҳам эъозланади . Унинг “Э, аттанг!”, “Муҳим топшириқ”, “Дангасанинг саргузашти”, “Ҳақиқий ўғил бола”, “Али билан Вали”, “Бургут олиб қочган бола” каби асарлари узоқ йиллардан бери ёш томошабинлар қалбига қувонч бағишлаб келмоқда.

Латиф Маҳмудов драмаларида ҳар доим болаларнинг қайноқ ҳаётлари ётган бўлади. Қаҳрамонлар кўпинча ўзларининг аъло хулқ-одоблари, меҳнатсеварликлари, ўқиш-мактабни севишлари билан ажралиб турадилар. Баъзи ҳолларда эса ишёқмаслик, дангасаликлари туфайли ўз тенгқурлари даврасида қизариб қоладилар. Масалан, “Э, аттанг!” асарини олиб кўрайлик. Аббос билан Азим 4- синфда ўқишади. Улар учун жисмоний меҳнат жуда енгилдек туюлади. Иккаласи:

Бизнинг ишни
Ҳамма кўрсин.
Кўча-кўйда
Мақтаб юрсин, —

дея синф хоналарини ювишга киришадилар.

Шошқалоқликлари, ишда тажрибасизликлари туфайли болалар полга сувни кўп тўкиб юбориб уни арта олмайдилар, дангаса, ишёқмас икки ўртоқ 1- синф ўқувчиларининг ёрдамлари билан синфни тозалаб, дўстлари олдида изза бўладилар.

Латиф Маҳмудовнинг “Али билан Вали” саҳна асари бугунги ўзбек болалар драмачилигида энг бақувват асарлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у узоқ йиллардан бери жумҳуриятимиз болалар саҳнасида тушмай келаётир.

Асарнинг бош ғояси инсон ва унинг тарбияси. Халқда кимки ўзига ўзи хизмат қилишни билса, у ҳақиқий инсон бўлади, деган гап бор. Асарнинг бошидаёқ ўз-ўзига хизмат қилишни ёқтирмайдиган, кир-чир юрадиган Али билан Вали қиёфаси, уларнинг юриш-туришларига кенг ўрин берилади.

Али ҳам, Вали ҳам тозаликка, гигиена қонун-қоидаларига асло риоя қилмайдиган болалар: кийимлари кир, даз-молланмаган, қўл, бўйинларига сув тегмаган, тирноқлари олинмаган бу болалар синфда тўполончи, ўзлаштир-мовчиликда ном чиқаришган. Улар меҳнат қилиш, жисмоний тарбия ва спорт ишлари билан шуғулланишни хаёлларига ҳам келтиришмайди, синфдошларини менсишмайди.

Тўполончи, қолоқ Али билан Вали тарбияси билан бутун синф шуғулланади. Айниқса, бошқа мактабдан келган

аълочи ва жамоатчи Дилбарнинг хизмати катта. У юриш-туриши, ўқиши, оғир ва босиқлиги билан буларга ўз таъсир кучини ўтказади.

Асарда ўқитувчи Асад Саидович бошдан-оёқ иштирок этмайди. У аҳён-аҳёнда китобхон кўзига ташланади. Али билан Валини яхши болалардан ибрат олишга, яхши ишларга қўл уришга чақиради. Бу эса бошқа тўполончи болаларга ғайритабиийдек туюлса-да, аммо кейинчалик улар бу ҳақ гапдан тўғри хулоса чиқаришга ҳаракат қиладилар.

Али билан Вали асар охирида катта ҳаёт йўлида бошқа тенгқурлари каби дадил олға интилувчи болалар сифатида намоён бўлишади.

Латиф Маҳмудов ҳам ҳикоя, ҳам қисса, ҳам драма жанрида ижод қилиб, ўзбек болалар адабиётининг салмоғига салмоқ қўшиб келаётир.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Ғафур Ғулом номидаги мукофотига сазовор бўлган Латиф Маҳмудов Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходимидир.

ТУРСУНБОЙ АДАШБОВ

(1939 йилда туғилган)

Таниқли болалар шоири Турсунбой Адашбоев 1939 йилда қардош Қирғизистоннинг Ўш вилоятига қарашли Олабуға ноҳиясидаги Сафед Билол қишлоғида туғилган. У Тошкент Давлат дорилфунунини ҳамда жаҳон адабиёти институтини битирган. Шоир “Олатоғ-лолатоғ” китобида ёзганидек, икки элнинг фарзандидир:

Ўзбек, қирғиз қони синган,
Сизга айтсам тўғриман.

Шу боисдан икки халқнинг —
Эрка шоир-ўғлиман.

Турсунбой Адашбоев ўзбек ва қирғиз тилларида ижод қилади. “Камолнинг олмаси” деб номланган биринчи китоби 1967 йилда талабалик чоғидаёқ нашр этилган. Кейинчалик Тошкентдаги “Ёш гвардия”, Фрунзе шаҳридаги “Мектеп” нашриётларида “Биз саёҳатчилар” (1969), “Ала-Толук боломун” (1971), “Арслонбоб шаршараси” (1973), “Сурнай” (1975), “Нур дарё (1977), “Гулдаста” (1979), “Олатоғ-лолатоғ” (1982), “Оқбура тўлқинлари” (1985), “Совға” (1987) тўпламлари босилиб чиқди.

Кичкинтойларга қисқа ва лўнда ёзиш, қиссадан ҳисса чиқариш Турсунбой Адашбоев ижодининг энг муҳим фазилатларидан биридир. Ижодкорнинг “Сумалак” сарлавқали шеъри шу жиҳатдан характерли:

Бойчечаклар ниш уриб,
То тургунча ўрнидан.

Баҳор қишни тарновга,
Осиб қўйди бурнидан.

Ёки болаларнинг чексиз хаёлотини билан боғлиқ бўлган “Тугма” деб номланган машқи зийрак кузатувчанликнинг маҳсулидир:

Рувзон хола қўшнига
Чиққанида элакка.
Камзулининг тугмаси,
Тушиб қолди йўлакка.

Чумолилар тўпланиб,
Мажлис қураш шошилиб:
— Бир, икки, уч кўтардик,
Тегирмоннинг тошини . . .

Турсунбой Адашбоевнинг кулгига бой, ҳазил-мутойиба билан йўғрилган асарлари қардош халқлар тилларига ҳам

ўтирилган. Масалан, “Песня Жаворонок”, “Мельница”, “Подарок”, “Олти оёқли хўтикча”, “Олатоғ оҳанглари” сингари бир талай асарлари рус, латиш, қозоқ, тожик тилларида чоп этилган. Энг сара шеърлари эса қирғиз ва ўзбек болалар шеърляти анталогияларидан ўрин олган. 1989—90- йилларда унинг “Арслонбоб афсонаси”, “Сичқоннинг орзуси”, “Уч бўталоқ ва сирли қовоқ” тўпламлари босилиб чиқди.

Ижодкор қатор учрашувларда, рўзнома ва маҳаллалардаги суҳбатларда берилган саволларга қайтарган жавобларида шеър ёзишнинг сир-асрорларини ўзига хос йўналишда очиб берганлигини кузатамиз:

— Нима учун болаларга шеър ёзасиз?

— Эзиб ёмғир ёққанидан кейин, етилган ерни, завқ-шавқ билан ҳайдаган қўшчининг меҳнатини сира кузатганмисиз? Кичкинтойларга шеърлар машқ қилар эканман, ана шу деҳқонга ўхшаб, тўр тўкишга ҳаракат қиламан. Демак, ҳар ким қўлидан келган юмушни уйдлаши керак. Қисқаси болаларга шеър ёзишдан ўзга иш қўлимдан келмайди.

— Сизда шеърнинг туғилиши қандай кечади?

— Асосан ҳаётни, болаларнинг сўнгсиз оламига алоқадор икир-чикир воқеа ва ҳодисаларни синчиклаб кузатишдан туғилади. Масалан, оддий бир тугмани чумолининг йўлига қўйиб, хатти-ҳаракатини кузатсангиз тахминан қуйидагича машқ қоғозда акс этиши мумкин:

Чарчаб, хориб
Юмушдан
Қайтар эди,
Кумурсқа.
Тугмани
Олиб қўлга,

Ташладим
Уни йўлга.
У ён-бу ён,
Бўйлади.
Тоғ экан деб,
Ўйлади. . .

— Шеърларингизда манзара яратиш маҳоратини кимдан ўргангансиз?

— Ҳар бир мисра устида ишлаш ва манзара яратиш санъатини устоз Қудрат Ҳикматдан ўрганганман. Қудрат аканинг лампочка ҳақидаги мисраларига эътибор беринг:

Тўлқинжоннинг нок нусха
Лампочкаси бор эди.

Патронга солиш билан
Уйнинг ичи ёриди.

Қаттиққўл устоз назаридан ўтган, эндиликда муаллифнинг энг яхши машқлари қаторидан ўрин олган “Насибанинг олмаси” сарлавҳали шеъри шу жиҳатдан ибратлидир:

Насибанинг олмаси
Тушиб кетди ариққа.
Тутқич бермай ўйнайди
Ўхшаб худди балиққа.

Содиқжон кўриб қолиб,
Олмани ушлаб берди.
Раҳмат айтиб Насиба
Ярмини тишлаб берди. . .

Иқтидорли шоирнинг ўқимишли шеърлари жамланган “Уч бўталоқ ва сирли қовоқ” тўпламига жамланган асарларини ўқир эканмиз, ижодкор қувноқ, енгил кулги билан суғорилган мисралар орқали кичкинтойлар дунёсини маҳорат билан очиб беришдек ўз услубига содиқ эканлигини кўрамиз. Чунончи, “Аҳил дўстлар” шеърида Суҳроб билан Жаҳонгир исмли икки дўст битта боқчага қатнаб, қатто музқаймоқни ҳам тенг бўлиб ейдиган икки ошна-оғайнига тўп совға қилинган, кўнгилхиралик бўлмаслиги учун улар коптокни ҳам икки бўлакка ёриб ўйнайдилар:

Совғага келган тўпни
Ётсирамай олишиб,

Тенг шерикка бўлишди
Шарт иккига ёришиб. . .

Китоб ва дафтарнинг қадр-қимматига етмайдиган, хусусан дафтарни исроф қиладиган болакайлар кўп учраб туради. Шоир “Ўн икки варақ дафтар” шеъри орқали ана шундай тоифадаги ўқувчилардан ибрат олмасликка чақиради ва қиссадан ҳисса чиқаради. Яъни коса остида ним коса бор:

Ўн икки варақ дафтар
Холис хизмат этмади.

“Ло-ла, ош, о-л” сўзини
Ёзиш учун етмади. . .

Турсунбой Адашбоевнинг 60- йиллардаги дастлабки машқларини кузатган киши шоир баъзан тайёр юморлар асосига шеър битганлигининг гувоҳи бўлади. Бу албатта изланиш жараёнида юз берадиган қусурлардир. Хайриятки, ижодкорнинг ўзи буни тезда англаб етди ва ўз устида жиддий ишлади. Изланишлар эвазига пухта машқлар дунёга келди:

БУРНИ ҚОНАБ. . .

Кун ботиши Козимни,
Жуда қайрон этибди.
— Дада қуёш думалаб,

Тоғ бошига етибди.
Йиқилибди шекилли,
Бурни қонаб кетибди.

Ёки “Ҳовучингиз каттароқ” сарлавҳали шеърини олиб кўрайлик:

— Отинг нима қизалоқ?
— Менми, тоға, Лоламан.
— Ол майиздан бир ҳовуч

— Йўқ одобли боламан.
Ҳовучингиз каттароқ
Сиз берсангиз оламан.

Шоирнинг болалигини хотирлаш асносида яратилган ўн-лаб машқлари ҳам ҳаётини воқеаларнинг ҳосиласи эканлиги билан ажралиб туради. Улуғ Ватан уруши ҳамда урушдан кейинги даврда кичик овулда рўй берган ҳодисалар силсиласи Турсунбой Адашбоев шеърларининг ўзагини ташкил этади. “Туш бўлиб қолсин майли . . .” шеърдаги қуйидаги мисралар кишини олис болаликка етаклайди:

Думбул бўлган бугдойнинг
Қайчилайман поясин.
— Бу бир қозон кўғирмоч
Шодлигим ниҳоясиз.

Бу — урушдан кейинги,
Пишиқчилик ўлкамда.

Сезмай қопман тарса-турс
Қамчи тушди елкамга.

Жон халфида уйғондим
Ҳа, қоровул туфайли.
Хайрият тушим экан,
Туш бўлиб қолсин майли . . .

Ўта жўн пахта қуритиш хонаси саналмиш — сушилкани шоирнинг тенгдошларигина яхши эслайди. Арзимаган пахта-ни қуритиш эвазига 1940 йилдан токи 1960 йилларгача ўлкамиздаги сон-саноқсиз боғу-роғлар ўтин қилиб ёқиб юборилди:

Гавжум клуб, чойхона
Бунда бобом, акамлар —
Кўсак чувиб тонгтача
Фронтга пахта ғамлар.

Абдулла раис ночор,
Сушилкага ўтин йўқ.
Кеч куз. Кўсак чувиймиз
Бўлмас ўтин ғамламай:
Унсун момо боғини
Сушилка ер аяламай. . .

Кичкинтойлар учун аталган шеърлар тўқ мағиз қофиялар асосига қурилган тақдирдагина ўқиш учун ўнғай, ёдлаш учун осон кўчади. Зотан, Зафар Диёр ва Қудрат Ҳикмат шеърятининг умрбоқийлиги ана шундадир. Турсунбой Адашбоев ҳам устозлари изидан бориб кутилмаган қофиялар топади. Бу муаллиф қаламга олган мавзунинг ўқувчига тезроқ етиб боришига хизмат қилади. Мутолаа жараёнида чақмоқдек ёрқин из қолдирадиган қуйидаги қофияларни биргаликда кўриб чиқайлик: “*қай таъриф — қайтариб, тивитдан — ивитган, ёш томар — тошфонарь, қуш овлар — тушовлаб, кир қилиб — йиртилиб, қалдирғочлар — суҳбат бошлар, ахир сан — чақирсам, дам олиб — Камолов*” сингари бир талай мисолларни келтириш мумкин. Шоирнинг ижодий фазилатларидан яна бири шеърларининг қисқа, лўндалигида.

Турсунбой Адашбоев жаҳон ҳамда қардош халқлар болалар шеърятини вакилларининг асарларини ўзбек тилига

таржима қилиш борасида ҳам фаол иш олиб бораётир. Уолтер Дэ Ламер, Ян Бжехва, Корней Чуковский, Самуил Маршак, Муса Жонғозиев, Қодир Мирзалиев, Оғагелди Алланазаров, Қанибек Жунушев, Сайдали Маъмур, Леонс Бриедис, Ескен Елубаев шеърларини ёш китобхонлар Турсунбой Адашбоев таржимасида севиб ўқишади. Шоир кичкинтойларнинг улкан адабиётига бўлган юксак эътиқодини қуйидаги мисраларда рўйи-рост баён этади:

Болажонлар, кўнглим найин
Сизлар учун созлаганман.
Қудрат Ҳикмат айтгандайин
Ҳар мақомда ёзмаганман. . .

К и р и ш	3
Халқ оғзаки ижоди ва болалар китобхоналиги	11
Ўтмиш ўзбек болалар адабиёти ва болалар китобхоналиги (X—XVI асрлар)	27
Алишер Навоий	31
XVII асрдан XIX аср ўрталаригача бўлган даврда болалар китоб- хоналиги	37
XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида болалар китоб- хоналиги	46
Ўзбек болалар адабиёти	46
Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий	51
Садриддин Айний	60
Абдулла Авлоний	68
30- йиллар ўзбек болалар адабиёти (1930—1941)	70
Ойбек	75
Ҳамид Олимжон	86
Ғафур Ғулом	94
Уйғун	102
Зафар Диёр	109
Султон Жўра	121
Ватан уруши даврида ўзбек болалар адабиёти (1941—1945)	130
Ватан урушидан кейинги йиллар ўзбек болалар адабиёти	133
Қуддус Муҳаммадий	149
Шукур Саъдулла	161
Илёс Муслим	167
Адҳам Раҳмат	174
Ҳаким Назир	178
Пўлат Мўмин	184
Қудрат Ҳикмат	194
Худойберди Тўхтабоев	202
Латиф Маҳмудов	211
Турсунбой Адашбоев	219